

№ 14725
3g

А.Н. ОСТРОВСКИЙ

ПЬЕСАЛАР

А.Н. ОСТРОВСКИЙ

ПЪЕСАЛАР



СЕРДАРОМАД ЖОЙ

—


КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС

—

МОМАКАЛДИРОҚ²²²

—

СЕПСИЗ КИЗ



14725

39



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЯТИ

Тошкент — 1956



СЕРДАРОМАД
ЖОЙ



5 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ

ҚАТНАШУЧИЛАР

Аристарх Владимирович Вишневский, мункллаб қолган чол, бод касалига йўлиққанлиги кўриниб турипти.

Анна Павловна, унинг хотини, ёш жувон.

Василий Николаевич Жадов, ёш йигит, Вишневскийнинг жияни.

Микин — Жадовнинг дўсти, ўқитучи.

Аким Акимич Юсов, қари чиновник, Вишневскийнинг қўлостида ишлайди.

Анисим Памфилич Белогубов, ёш чиновник, Юсовга қарам бўлган киши.

Фелисата Герасимовна Кукушкина — марҳум Коллежский ассессорнинг хотини.

Юлиянка } — Кукушкинанинг қизлари.

Полина }

Досужев

Биринчи чиновник.

Иккинчи чиновник.

Стеша — оқсоч қиз.

Антон — Вишневскийнинг уйдаги хизматкор.

Григорий } — трактирдаги хизматкорлар.

Василий }

Дастёр бола.

Трактирдаги меҳмонлар, хизматкорлар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Вишневский уйда бой жиҳозланган катта бир хона; чапда Вишневскийнинг кабинетига кирадиган эшик, ўнгда Анна Павловна хонасига кирадиган эшик; икки ёнидаги деворда биттадан ойна, тагида столчалари; тўғрида кўча эшиги.

БИРИНЧИ САҲНА

Вишневскаянинг хонасидан байкадан тикилган сюртук кийган, париксиз Вишневский ва Вишневская чиқиб келади. Вишневская эрталабки кийимда.

Вишневский. Кўрнамалик! Кекини қаранг-у! (Ути-ради.) Менга текканингизга беш йил бўпти-ю, наҳотки беш йилдан бери ҳечнарсан билан кўнглингизни тополмасан. Товба! Балки бирор нарсадан хафадирсиз?

Вишневская. Хафа эмасман.

Вишневский. Шундоқ денг-да. Бу уйни ва ундаги жиҳозларни сиз учун олмадимми? Бултур олинган боғ ҳам сиз учун эмасмиди? Хўш, яна нимага муҳтожлигингиз бор? Сиздаги бриллиантлар ҳечқайси савдогарнинг хотинида бўлмаса керак.

Вишневская. Қуллуқ. Броқ мен сиздан ҳечнарсан талаб қилган эмасман.

Вишневский. Сиз талаб қилган эмассиз. Аммо мен ёшимиздаги тафовут эвазига бирор нарсан мукофот беришим керак эди-да. Мен қилган ҳад'яларим қадрига етадиган хотин бўларсиз деб умид қилган эдим. Ахир, мен бир ишора билан мраммар қасрлар пайдо қилучи сиҳргар эмасман-ку. Сиз бошдан-оёқ кийинган бахмалларга, ипақларга, сувсарлар мўйнасига, таққан олтинларга пул керак: пул эсан осонлик билан топилавермайди.

Вишневская. Менга ҳечнарсан керакмас. Буни сизга кўп марта айтганман.

Вишневский. Лекин мен сизнинг кўнглингизни топишим керак! Сизнинг менга бўлган совуқ муомилангиз

мени жинни қилиб қўяпти. Мен жуда эҳтиросли кишиман. Муҳаббат туфайли ҳарқандай йўлга киришга тайёрман! Мен бу йил сизга атаб Москва ёнидан боғ сотиб олдим. Биласизми, у пулни қаердан олган эдим... Қандай десам бўлади?.. Хуллас, ақлга сўймайдиган даражада таваккал иш қилдим. Бунинг учун мени жавобгарликка тортишлари ҳам мумкин.

Вишневская. Худо хайрингизни берсин, мени ўз кирдикорларингизга шерик қилакўрманг. Уларни муҳаббат кўйида қилдим деб ҳам оқламанг. Сиздан ўтинаман. Бунга мен чидайолмайман. Шуниси ҳам борки, мен сизга ишонмайман. Сиз мени билмаган вақтларингизда ҳам шундай яшаб, шу хилда иш тутар эдингиз. Мен ҳатто ўз виждоним олдида ҳам сизнинг хулқингиз учун жавобгар бўлишни истамайман.

Вишневский. Хулқ! Хулқ эмиш! Мен, сизнинг муҳаббатингиз йўлида ҳатто жиноят қилишга ҳам тайёрман. Муҳаббатингиз туфайли ўз номусимни сотишга ҳам ҳозирман. (*Ўрнидан туради. Вишневскаяга яқинлашади*).

Вишневская. Аристарх Владимирич, сизни севаман деб алдайолмайман.

Вишневский (*қўлидан ушлаб*). Алданг! Ёлғондан бўлса ҳам севинг.

Вишневская (*юз ўгириб*). Ҳечқачон.

Вишневский. Ахир, мен сизни севаман-ку!.. (*Қалтираб тиз чўкади*.) Мен сизни севаман!

Вишневская. Аристарх Владимирич, ўзингизни ерга урманг! Вақт бўлди, кийининг. (*Қўнғироқ чалади*.)

Вишневский ўрнидан туради, кабинетдан Антон чиқади.

Аристарх Владимирич кийинтиринг.

Антон. Марҳамат қилсинлар, тайёр. (*Кабинетга киради*.)

Вишневский унинг орқасидан кетади

Вишневский (*эшикда*). Илон! Илон! (*Кетади*.)

ИККИНЧИ САҲНА

Вишневская (*ёлғиз бирнеча дақиқа ўйланиб қолади*).

Бир бола кириб, хат бериб, чиқиб кетади.

Бу хат кимдан? (*Хатни очиб ўқийди*.) Бу нимаси! Муҳаббатнома. Кимдан! Чиройли хотини бор кекса одамдан.

Разолат! Ҳақорат! Шундай вазиятда хотин киши нима қилиши лозим? Қандай жирканч сўзлар ёзилган! Қайтариб юбораймикан? Йўқ, яхшиси буни танишларимдан бир-иккитасига кўрсатиб, кулишсак анча эрмак бўлади... Қандай ифлослик! (Кетади.)

Антон кабинетдан чиқиб, эшик олдида тўхтади, Юсов сўнг Белогубов кирадилар.

УЧИНЧИ САҲНА

Антон, Юсов ва Белогубов.

Юсов (қўлида портфель). Антоша, кириб айт.

Антон кетади. Юсов ойнага қараб уёғ-буёғини тўғрилайди.

Антон (эшикда). Марҳамат қилсинлар.

Юсов кетади, Белогубов киради.

Белогубов (чўнтагидан тороқ олиб, сочини тарайди). Хўш, Аким Акимич шу ердадилар?

Антон. Ҳозиргина кабинетга кириб кетдилар.

Белогубов. Бугун хўжайиннинг авзойи қалай? Чеҳралари очиқми?

Антон. Билмадим. (Кетади.)

Белогубов ойна столчаси ёнида туради.

Юсов (қиратуриб гердаяди). Э, сен шу ердამисан?

Белогубов. Шу ердаман.

Юсов (қоғозларни кўздан кечириб). Белогубов!

Белогубов. Лаббай?

Юсов. Мана, ука, уйингга олиб кет, тоза қилиб кўчир.

Буйруқ шундай бўлди.

Белогубов. Мени кўчирсин дедиларми?

Юсов. Ҳа. Сенинг хатингни чиройлик дедилар.

Белогубов. Бу гапни эшитишдан ниҳоятда хурсандман.

Юсов. Қулоқ сол ука, шошилмай кўчир. Жуда тоза бўлсин. Қаерга юборилишини кўраяпсанми?..

Белогубов. Тушунаман, Аким Акимич, хуснихат қилиб ёзаман, кечаси блан ухламайман.

Юсов. Охо-хо-хо! Охо-хо-хо!

Белогубов. Аким Акимич, менга фақат э'тибор берсангиз бўлгани.

Юсов (кескин). Буни ҳазил фаҳмлайсан дейман-а?

Белогубов. Йўғ-е!..

Юсов. Э'тибор беринг эмиш!.. Айтишга осон! Чиновникка бундан бўлак яна нима керак ўзи? Бундан бошқа нарсани орзу қилаоладими?

Белогубов. Шундай албатта...

Юсов. Мана, сенга э'тибор беришдими, дуруст, одам бўласан, нафас оласан: башарти э'тибор беришмасачи, унда нима деган одам бўласан?

Белогубов. Ҳа, албатта, одам бўлармидим.

Юсов. Одам эмас чувалчанг бўласан, чувалчанг!

Белогубов. Аким Акимич, ахир, жоним борича тиришяпман-у.

Юсов. Сенми? (Тикилади.) Ҳа, сенга э'тибор бериб, назарга олиб қўйганман.

Белогубов. Мен, Аким Акимич, яхши кийинай деб, ҳатто овқатдан ҳам ўзимни тортиб қўйганман. Озода кийинган чиновник бошлиқларнинг кўзига чалиниб туради, шундай эмасми?.. Мана қаранг-а, белимни қаранг... (Айланади.)

Юсов. Тўхтачи. (Уни кўздан кечиради, тамаки ҳидлайди.) Белинг жойида... Ҳа, айтганча, Белогубов, яхшилаб ёз, хатоси бўлмасин.

Белогубов. Аким Акимич, шу, имлодан пича нўноқроқманда... Ишонасиэми, туриб-туриб ўзим ҳам хафа бўлиб кетаман.

Юсов. Имло ҳам гап бўпти-ми! Ҳамма нарсани бирдан ўрганмайди-да, киши. Аввал хомаки қилиб ёзиб ол-да, бирор кишига берсанг, тузатиб беради, кейин ўшандан оққа кўтар. Тушундингми гапимга?

Белогубов. Бирорта одамга тузатдириб оламан, бўлмаса Жадов мазах қилавериб ўлдиради.

Юсов. Ким дединг?

Белогубов. Жадов.

Юсов. Унинг ўзи ким бўпти! Шунақа катта одам эканми, бошқалардан куладиган!

Белогубов. Ахир, ўзининг олимлигини кўрсатмаса бўладими?

Юсов. Тфу! Мана у нима!

Белогубов. Мен уни, Аким Акимич, қандай одамлигига сра тушунолмайман.

Юсов. Сариг чақага қиммат одам!

Жимлик

Мен ҳозир ўша ерда эдим. (Кабинетни кўрсатади.) Улар (секин) жиянимни нима қилишни билолмай қолдим, дедилар! Бугини ўзинг тушуниб олавер.

Белогубов. Жиян бўлса осмонда юрипти.

Юсов. Осмонда бўлгани блан, бир кун эмас, бир кун ерга тушади-да. Нима камчилиги бор эди: егани олдида, емгани кетида эди. Миннатдор бўлди дейсанми? Ёки булар ундан иззат-хурмат кўрадиларми? Қаёқда дейсан! Тўнглик, эркин фикрликдан бошқа ҳечнарсас... Қариндош бўлгани блан, минг қилганда ҳам зоти бўлак... Жонларига тегмайди дейсанми? Унга, дўстимизга: ойига ўн сўлкавойни олиб, ўз ақлинг блан яшаб кўрчи, балки ақлинг кириб қолар, дептилар.

Белогубов. Ана, тентакликнинг оқибати, Аким Акимич! Бўлмаса, уни қаранг... Эй, худо... Шундай бахт-а! Худога минг марта шукур қилмайдими. Тўғрими, Аким Акимич, шукур қилиши керак эди-а?

Юсов. Бўмаса-чи!

Белогубов. Ўз бахтидан ўзи қочиб юрипти. Унга тагин нима керак? Мартабага эга бўлса, шундай одамга қариндош, ҳамма нарса тайёр бўлса, истаса сердаромад ўринга ҳам ўтириши мумкин эди. Ахир, Аристарх Владимирич сўзини қайтармас эдилар-ку.

Юсов. Қанақалигини шундан билавер-да!

Белогубов. Менинг фикримча, Аким Акимич, унинг ўрнида бошқа фаросатлироқ одам бўлса Аристарх Владимиричнинг этигини тозалар эди, у бўлса шундай одамнинг дилини оғритиб юрипти.

Юсов. Кибр блан эркин фикр қилишнинг оқибати шуда!

Белогубов. Фикр қилишни ким қўйипти! Биз нима ҳам фикр қилаолдик! Мен бўлсам, Аким Акимич, ҳечқачон...

Юсов. Сенга ким қўйипти!

Белогубов. Мен ҳечқачон... Чунки бу яхшиликка олиб бормаиди, қайтага бошингни балага қўяди.

Юсов. Ахир, у нима қилсин! Университетда ўқиганини кўрсатиши керак-да.

Белогубов. Киши деган бошлиқлардан кўрқмаса... Улар олдида титрамаса, илмдан нима фойда?

Юсов. Нима қилмаса?

Белогубов. Титрамаса дейман.

Юсов. Ҳа, албатта.

Белогубов. Аким Акимич, мени иш бошқаручи қилиб қўйсангизчи.

Юсов. Уҳў, иштаҳанг жойида-ку.

Белогубов. Буни айтишимдан мақсад, қайлигим бор. Жуда илмли қиз. Тузукроқ амалим бўлмаса ким менга кизини беради, дейсиз.

Юсов. Қизини нега менга кўрсатмайсан?

Белогубов. Жоним блан... Ҳозир десангиз, ҳозир... Сизни отам ўрнида...

Юсов. Тузукроқ ўринни айтиб кўраман. Ўйлаб кўра-миз.

Белогубов. Тузукроқ ўрин бўлса ўла-ўлгунимча бўлар эди. Ҳатто тилхат ҳам бераман, чунки юқорироғига кучим етмайди. Қобилиятим ҳам унча катта эмас.

Ж а д о в киради.

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Ж а д о в.

Ж а д о в. Тоғам бандмилар?

Юсов. Бандлар.

Ж а д о в. Э, афсус! Жуда зарур ишим бор эди-да.

Юсов. Кутсангиз ҳам бўлади, уларнинг иши сизникидан зарурроқ.

Ж а д о в. Сиз менинг ишимни қаёқдан биласиз?

Юсов (*унга қараб кулади*). Қанақа иш бўлар эди! Бирорта бўлмағур гапдир-да.

Ж а д о в. Сиз блан гаплашгандан кўра гапләшмаганим ҳам ма'қул, Аким Акимич; сиз доим ўзингизга дағал жавоб сотиб оласиз. (*Саҳна олдига келиб ўтиради.*)

Юсов (*Белогубовга*). Эшитдингми?

Белогубов. Сўзлашишга ҳам арзймайди. Қариган чоғингизда ўзингизни койитиб нима қиласиз. Хайр. (*Кетади.*)

БЕШИНЧИ САҲНА

Ж а д о в блан Ю с о в.

Юсов (*ўзича*). Ҳа, ҳа, ҳа! Улмаган қул ҳар нимани кўраверар эканда. Ёш болаларнинг тумшуги кўтарилиб кетганини қаранг.

Ж а д о в (*ўгирилиб*). Нима деб тўнғиллаясиз?

Юсов (давом этиб). Буюрган ишни бажаришни ёқтирмаймиз-у, маҳмаданаликка устамиз. Нега биз идорада ўтиришимиз керак экан! Ҳаммамизни министр қилсаларуқўйсалар! Хайр, нима ҳам дедик, узр-узр, талантингларни билмаган эканмиз. Министр қилиб қўямиз, албатта қиламиз... Бирозгина сабр қилинглар... Эртагаёқ.

Жадов (ўзича). Безор бўлдим-да!

Юсов. Эй, худо! Эй, худо! На уятни, на ор-номусни билади! Она сутти ҳали оғзидан кетмаган-у, олифтагарчилиги оламни бузади. Мен ундоғман, мен мундоғман, менга тегманг, дейди!

Антон киради.

Антон (Юсовга). Бариннинг ҳузурига марҳамат қилсинлар.

Юсов кабинетга кириб кетади.

Жадов. Анна Павловнага айт мен у кишини кўрмоқчиман.

Антон. Хўп бўлади. (Кетади.)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Жадов (ёлғиз). Бу сассиқ чол роса тўнғилладими! Мен унга нима ёмонлик қилдим! Университетдан чиққанларни кўргани кўзим йўқ, дейди. Менинг гуноҳим нима? Қани энди шундай бошлиқлар қўлида ишлаб кўрчи. Броқ мен ўзимни яхши олиб юрсам, у нима ҳам қилаоларди? Туззукроқ ўрин бўшаб қолгундай бўлса мени четга суриб қўйишса керак. Булардан ҳарбалони кутиш мумкин.

Вишневская киради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Жадов блан Вишневская.

Вишневская. Салом, Василий Николаич!

Жадов. Янгажон, саломатмисиз? (Қўлини ўпади.) Янги гаплар топиб келдим.

Вишневская. Утиринг.

Утирадилар.

Қандай янгилик?

Ж а д о в. Мен уйланмоқчиман.

Ви ш н е в с к а я. Ҳали эрта эмасми?

Ж а д о в. Севиб қолдим, янгажон, севиб қолдим. Қандай қизлигини айтмайсиэми? Камолатнинг ўзгинаси!

Ви ш н е в с к а я. Қиз бойми?

Ж а д о в. Йўқ, янгажон, ҳечнарсаси йўқ.

Ви ш н е в с к а я. Қандай яшайсизлар бўлмаса?

Ж а д о в. Бу бош, бу қўллар нима учун? Наҳотки ўла-ўлгунимча бировга қарам бўлиб яшасам? Мендан бошқа одам бўлса албатта, хурсанд ҳам бўларди, лекин менга бу ёқмайди. Тоғамга ёқаман деб ўз э'тиқодларимга қарши турмогим устида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз ишламасақ ким ишлайди? Бизни нима учун ўқитишди? Тоғамга қолса улар: аввал қандай йўл блан бўлмасин пул топ, уй-жой қил, от-улов ол, кейин хотин оласан, деб маслаҳат берадилар. Мен уларнинг фикрига қўшилаоламанми? Мен у қизни севаман. Ёш йигитларга хос севги блан севаман. Наҳотки мен унинг давлати йўқ экан деб, ўз бахтимдан воз кечишим керак?

Ви ш н е в с к а я. Кишилар ёлғиз камбағалликдан эмас, бойликдан ҳам азиат чекадилар.

Ж а д о в. Тоғам блан гаплашган гапларимиз эсингиздами? Порахўрлик ёки адолатсизликка қарши бирор сўз дегундай бўлсанг, унинг жавоби тайёр: бор, яшаб кўр, бошқача сайраб қоласан дер эди. Мана мен яшаб кўрмоқчиман, яна ёлғиз ўзим эмас, ёш хотиним блан бирга.

Ви ш н е в с к а я (хўрсиниб). Ҳа сиздек одамлар севаган хотинларга кишини ҳаваси келади.

Ж а д о в (қўлини ўпиб). Тинмай ишлайман, янгажон! Ундан кўпроқ ишлашимни хотинимнинг ўзи ҳам талаб қилмаса керак. Башарти бирқанча вақт муҳтожликда яшашга тўғри келиб қолса ҳам Полина менга бўлган муҳаббати туфайли ўз норозилигини билдирмас деб ўйлайман. Ҳарқалай турмуш қанчали аччиқ бўлмасин, таҳсил топган э'тиқодларимнинг миллиондан бир қисмидан ҳам қайтмайман.

Ви ш н е в с к а я. Бунга имоним комил, аммо хотинингиз... ёш! Муҳтожликка бардош бераолмай, қийналса керак. Бизда қизларга ёмон тарбия берадилар. Сиз, ёшлар, бизни фаришта деб биласизлар, ишонинг, Василий Николаич, биз эркаклардан ҳам баттарроқмиз. Биз тама'гир, майлга берилган одамлармиз. Начора! Тан бериш керак; биз хотинларда номус ва адолат туйғуси камроқ. Яна шунимиз ёмонки бизларда назокат кам. Хотин киши бўлар-бўлмасга та'на қила-

веради, ваҳоланки буни ўқимишли эркак киши ҳам ўзига эп кўрмайди. Энг яқин дугоналар бир-бирига аччиқ сўзлар айтишади. Ба'зан хотин кишининг аҳмоқона та'наси ранжишдан ҳам оғирроқ бўлади.

Ж а д о в. Бу тўғри. Аммо мен ўзим уни тарбиялайман. У ҳали бола, йўлга солса бўлади. Бемаза тарбия блан бузиб улгурмасларидан бурун уни тезроқ ўз оиласидан ситиб олиш лозим. Эрга беришга тайёрлаб қўйганларидан кейин фойдаси йўқ — кеч бўлади.

В и ш н е в с к а я. Шубҳа қилишга ҳаддим сифмайди, ихлосингизни қолдирмоқчи ҳам эмасман. Сизни биринчи қадамингиздаёқ совутиб қўйиш олижаноблик бўлмайди. Кўнглингиз юмшоқлигида қалбингизни ўз майлига қўйиб беринг. Қашшоқликдан кўрқманг. Худонинг ўзи қўлласин. Ишонинг, ҳечким сизга менчалик бахт тиламайди.

Ж а д о в. Мен ҳамиша бунга амин эдим.

В и ш н е в с к а я. Мени ёлғиз бир насагина ташвишга солади: у ҳам бўлса бесабрлигингиз. Шунинг орқасида сиз доим ўзингизга душман ортдириб юрасиз.

Ж а д о в. Ҳа, ҳамма менга бесабрсан, шу туфайли кўп нарсани ютқазасан, дейди. Бесабрлик нуқсонми? Юсовларга, Белогубовларга ва атрофдаги барча ифлосликларга бепарво бўлиб қараш ундан кўра яхшироқми? Бепарволик блан ёмонликнинг ораси узоқ эмас. Ёмонликдан йирганмаган одам аста-секин унга қўшилиб қолганини билмай қолади.

В и ш н е в с к а я. Мен бесабрликни нуқсон демайман, брoқ, унинг турмушда кишига халақит беришини тажрибадан биламан. Мен буни турмушда кўп учратганман... вақти келса сиз ҳам билиб қоларсиз...

Ж а д о в. Сизча тоғам илтимосимни рад қилармикин, йўқми? Мен маошимни оширинг деб илтимос қилмоқчиман. Бу ҳозир мен учун жуда зарур эди...

В и ш н е в с к а я. Қайдам, сўраб кўринг.

Фрак ва парик кийган **В и ш н е в с к и й** ичкаридан чиқади,
орқасидан **Ю с о в.**

САККИЗИНЧИ САҲНА

Бурунгилар, **В и ш н е в с к и й** ва **Ю с о в.**

В и ш н е в с к и й (*Жадовга*). Салом! (*Утиради.*) Утир!
Утир, Аким Акимич! Дангасалигинг тутаяпти шекилли,
ишга кам келасан.

Ж а д о в. Қиладиган ишим йўқ. Иш беришмайди.

Юсов. Иш бошдан ошиб ётипти!

Жадов. Хат кўчиришми? Йўқ, қуллуқ! Бунақа ишга мендан кўра тузукроқ чиновниклар бор.

Вишневский. Сен ҳали отдан тушсанг ҳам узангидан тушмаганга ўхшайсан, азизим! Ҳамон насиҳатгўйлик блан оворасан. (Хотинига.) Уйлаб кўринг-а! Идорада мирзаларга хулқ-одобдан дарс берармиш, улар бўлса, ҳечнимага тушунмай оғизларини очиб, кўзларини бақрайтириб ўтирар эмишлар. Яхши-а, жонгинам.

Жадов. Ҳар қадамда ёмонликни кўратуриб, қандай жим турайин? Мен ҳали одамларга бўлган ишончимни йўқотганимча йўқ, ўйлайманки сўзларим уларга та'сир қилади.

Вишневский. Та'сир қилганидан: бутун идорага мазах бўп қопсан-да. Мақсадингга етибсан, эшиқдан киришинг блан кўз қарашлар, шивир-шивир сўзлар бошланади, кетишинг блан орқангдан ёппасига кулги кўтарилади.

Юсов. Шундай, тақсир.

Жадов. Сўзларимни нимаси кулгили экан?

Вишневский. Турган битгани, дўстим. Одобдан ташқари орзу-ҳавасларингдан бошлаб, болаларча шошма-шошар хулосаларинггача. Ишон, оддий бир мирза турмушни сендан кўра яхшироқ билади. Оч философ бўлишдан кўра тўқ турмуш қилишнинг дурустроқ эканини ўз тажрибасидан билади, шунинг учун, табиий, сенинг сўзларинг уларга тутуруқсиз бўлиб туюлади.

Жадов. Менимча, улар порахўр бўлиш, номусли одам бўлишдан кўра фойдалироқ эканини биладилар, холос.

Юсов. Ҳм... ҳм...

Вишневский. Азизим, бу аҳмоқлик! Аҳмоқлик ва одобсизлик!

Жадов. Рухсат этинг, тоға! Шундай экан бизни нега ўқитишди, нима учун бизни очикдан-очик айтиб бўлмайдиган, агар айтилса сиз уларни бу аҳмоқлик ёки дағаллик деб атайдиган тушунчаларга ўргатишди?

Вишневский. Сизларни ким ва нимага ўқитганини билмайман. Менимча тутуруқсиз валдирашдан кўра, иш қилишга, катталарни иззат қилишга ўргатишса яхшироқ бўларди.

Юсов. Шундай, бу яхшироқ бўлар эди, албатта.

Жадов. Майли мен оғиз очмаганим бўлсин, лекин э'тиқодларимдан ҳам воз кечмайман. Чунки ҳаётимда менга фақат э'тиқодимгина тасалли беради, холос.

Вишнеvский. Ҳа, чердакда қора нон еб, ўз э'тиқодларинг блан ўтиравер. Яхши тасалли экан! Очликдан ўз яхшилигингни мақташ, ўз ҳаётини яхшилаб олган, оиласи блан тўқ ва бахтиёр яшаётган ўртоқларингни ва бошқаларни койиш жуда соз-да! Ундай ҳолларда ҳасад ҳам кўмаклашади.

Жадов. Товба!

Вишнеvская. Бу бераҳмлик!

Вишнеvский. Биронта янги гап гапираётиман деб ўйлама. Бу гаплар азалдан бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Мол-дунё ортдиролмаган одам ҳамиша бадавлат одамга ҳасад қилади. Бу кишиларга одат бўлиб қолган. Ҳасадни оқлаш ҳам қийин эмас. Одатда ҳасадкор кишилар, мен бойлик истамайман, камбағал бўлсам ҳам одамгарчиликни йўқотган эмасман дейди.

Юсов. Оғзингизга шакар!

Вишнеvский. Олижаноб камбағаллик фақат театрадагина ярашади.

Қани турмушда ҳам ўз бошингдан кечириб кўр-чи. Бу сен ўйлагандек ёқимли ва осон иш эмас. Дўстим, сен маслаҳатсиз, ўзбошимчалик блан иш қилишга ўргангансан, ҳали эҳтимол уйланиб ҳам оларсан. Унда нима бўлади? Тоza ҳам қизиқ бўлади-да!

Жадов. Ҳа, мен уйланмоқчиман тоға, шу тўғрида сиз блан гаплашмоқчи эдим.

Вишнеvский. Ҳойнаҳой севиб қолиб, камбағал қизга уйланмоқчидирсан, бунинг устига аҳмоқдир ҳам, сенга ўхшаш турмушнинг ма'носини тушунмаса керак. Лекин ўзи ўқимишли, сози бузук пианино чалиб «ёр блан чайла ҳам жаннат» деб кўшиқ айтса керак.

Жадов. Ҳа, у камбағал қиз.

Вишнеvский. Жуда соз!

Юсов. Гадойлар уруғини кўпайтиришга соз денг...

Жадов. Аким Акимич, ҳақорат қилманг. Бундай қилишга ҳечқандай ҳаққингиз йўқ. Тоға, уйланиш улуг иш, бу ишда ҳарбир одам ўз э'тиқодига қараб амал қилмоғи керак деб ўйлайман.

Вишнеvский. Худо хайрингни берсин, сенга ҳечким тўсқинлик қилмайди. Фақат сен шуни ўйлаб кўрдингми? Сен, албатта, ўз қайлигингни севсанг керак?

Жадов. Шубҳасиз, севаман.

Вишнеvский. Хотининг учун сен нималар ҳозирладинг, ҳаётнинг қандай лаззатларини унга тортиқ қилмоқ-

чисан? Қашшоқлик ва етишмовчиликларними? Менинг фикримча, хотин кишини севган киши, унинг йўлига турмуш лаззатларидан пояндоз солмоғи керак.

Юсов. Шундай.

Вишневский. Хотинлар кўнглига ёқадиган рангоранг шляпалар, янги модалар ўрнига, сен ўз хотинингга хайр-саховат тўғрисида лекция ўқийсан. У, турган гап, сенга бўлган севгиси туфайли индамай қулоқ солади, лекин бу блан у шляпали ҳам, камзурли ҳам бўлиб қолмайди.

Вишневская. Бунинг ёшида севгини сотиб олмайдилар.

Жадов. Янгамнинг сўзлари ҳақ.

Вишневский. Тўғри. Севгини сотиб олиш сенга даркор эмас. Лекин ҳарбир одам севгини тақдирламоғи ва севги учун ҳақ тўламоғи керак, бўлмаса ҳарқандай тоза севги ҳам совуб қолади. Таналар, тақдирдан нолишлар бошланади. Хотининг очиқдан-очиқ ўз ҳаётини тажрибасизлиги туфайли қашшоқ бир одам блан қандай боғланганини гапириб ачинаверса, билмадим сен бунга чидайолармикансан? Гапнинг қисқаси, севган кишининг бахтли қилиш гарданингдаги қарз. Могу дунёсиз, ёки жуда бўлмаганда тўқ турмуш кечиролмай яшаган хотин ўзини бахтли деб ҳисобламайди. Сен, балки одатдагидек э тироз билдирарсан; мана мен сўзларимнинг ҳақ эканини исбот қилай. Атрофингга бир назар ташлаб кўр: қайси ақлли қиз бадавлат чолга ёки хунук бўлса ҳам бой эрга тегмайман дейди? Қайси она ўз қизининг хоҳишига қарши, унинг кўзёшларини аҳмоқлик, болалик ҳисоблаб, ўзининг Машенькасигами, Аннушкасигами келган бу бахт учун худога шукур қилмайди. Ҳарбир она вақти келганда қизи унга раҳмат дейишини илгаридан билади... Хотиржам бўлай деган одам ўз хотинини моддий жиҳатдан тўла таъминламоғи керак. Бу албатта ҳазил гап эмас. Шундай қилганда гарчи хотини бахтли бўлмаса ҳам, нолишга ҳечқандай ҳақи қолмайди... Нолимайди ҳам. (Қилишиб.) Камбағал қиз эрга текканидан кейин зебу зийнатга кўмилиб кетган бўлса, бундай хотиннинг бахтсиз эканлигига ким ишонади? Хотинимдан сўраб кўр, сўзларим ҳақмикан?

Вишневская. Сўзларингиз шу қадар доно, шу қадар ишонтирарлики, менинг э тироф этишимнинг кераги йўқ. (Кетади.)

ТУҶҚИЗИНЧИ САҲНА

Илгаригилар, Вишневская сиз.

Ж а д о в. Ҳамма хотинлар сиз айтгандақа эмас.

Вишневский. Деярлик ҳаммаси. Битта-яримта мустасноси бўлиши ҳам мумкин, лекин сенинг пешонангга шунақасидан битган бўлиши маҳол гап. Бунақасини топиш учун, сенга ўхшаш дуч келгани севиш эмас, кўриш, билиш, излаш керак. Менга қара, сенга ачинаман, кел, сен блан қариндош сифатида гаплашай. Ростингни айт, ўзингни ким деб ўйлайсан? Хотининг блан пулсиз қандай умр қиласан?


Ж а д о в. Меҳнатим блан кун кўраман. Аминман, виждонинг софлиги, мен учун, дунё лаззати ўрнини босаолади.

Вишневский. Меҳнатинг блан топган пулга оилангни боқолмайсан. Сен яхшироқ жойга барибир эга бўлаолмайсан, чунки бу аҳмоқона хулқинг блан ҳарқандай хўжайинни ўзингга қарши қилиб қўйсанг қўясанки, кўнглини ўзингга мойил қилолмайсан. Соф виждонли бўлиш ҳам сени очликдан қутқариб қололмайди. Дўстим, кўрапсанки, жамоат орасида борган сари зеби-зийнат расм бўлмоқда, сизларнинг спарта саховатингиз зебу зийнат блан бирга яшолмайди. Сенга ғамхўрлик қилишни онанг менга топшириб кетган, мен қўлимдан келганча сенга ёрдам бермогим керак. Энг сўнги насиҳатимни қулоғингга қўйиб ол: характерингни бироз тузат, бўлмағур фикрларни миянган чиқариб ташла, бу тентакликни қўй, бошқа тузук-қуруқ одамлар қандай яшаса сен ҳам шундай яша, турмушга ҳам, ўз вазифангга ҳам манфаат кўзи блан қара. Ана унда сенга насиҳат блан ҳам, пул блан ҳам, мансаб блан ҳам ёрдам беришим мумкин. Энди сен ёш бола эмассан — уйланмоқчисан.

Ж а д о в. Ҳечқачон!

Вишневский. Баралла «ҳечқачон!» дейишингни қара! Бу аҳмоқлик! Эсингни йиғиб оларсан деган умиддаман. Сендақаларнинг кўпини кўрганман, фурсатни бой бермагин, вақт борида ақлингни тўпла. Ҳозирча сен учун имконият ҳам бор, ёрдамчинг ҳам, кеч қолсанг ҳаммасидан ҳам маҳрум бўласан, истиқболинг ҳам расво бўлади, ўртоқларинг сендан ўзиб кетади, сенга эса, ишни бошқатдан бошлаш қийин бўлади. Мен сенга бир чиновник сифатида айтаётибман.

Ж а д о в. Ҳечқачон, ҳечқачон!



Вишнеvский. У ҳолда ўз билганингча, бировнинг ёрданисиз яшайвер. Мендан умидингни уз. Сен блан гап-лашиш ҳам жонимга тегди.

Жадов. Майли! Жамоат фикри менга ёрдам беради.

Вишнеvский. Кутиб ўтиравер! Бизда сен тушунган ма'нода жамоат фикри йўқ, азизим, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ушланмаган киши ўғри эмас, мана жамоат фикри, билмоқчи бўлсанг. Сен қандай даромадга яшаётганинг блан жамоатнинг нима иши бор. Яхши яшаб, тартибли одамлар сингари ўзингни яхши тутабилсанг бўлди-да! Броқ ўзинг ялангоёқ бўлсангу, бошқаларга хулқ-одобдан насиҳат қилганинг блан сени бирорта обрўли уйга киритмасалар ва сенга пуч одам деб баҳо берсалар, унда хафа бўлмасанг ҳам бўлади. Мен губерния шаҳарларида хизмат қилган одамман. У ерларда кишилар бир-бирларини пойтахтга қараганда яқинроқ биладилар, ким нимага эга, нима блан яшайди, ҳаммага аён, бинобарин жамоат фикри ҳам дарров туғилақолади. Лекин одам қаерда бўлмасин одамлигича қолади. Мен ўша ерда ишлаганимда ҳамма фақат маош блан катта оилани боқучи бир чиновник устидан куларди, ўзининг кийимини ўзи тикар эмиш, деган дув-дув гап шаҳарда тарқалган эди, лекин ана ўша ернинг ўзидаёқ, уччига чиққан порохўрни, очик қўллиги ва ҳафтасига икки марта зиёфат бергани учун ҳамма ҳурмат қиларди.

Жадов. Наҳотки шу рост бўлса?

Вишнеvский. Яшаб кўр, биласан. Юр, Аким Акимич! (Урнидан туради.)

Жадов. Тоға!

Вишнеvский. Нима дейсан?

Жадов. Маошим жуда оз, етмаяпти. Бўш ўрин бор экан, шуни эгаллашга рухсат этсангиз, уйланаяпман...

Вишнеvский. Хм... бу ўринга мен уйланган одамни эмас, қобилиятли одамни ўтқазаман... Ростини айтсам, мен маошингни кўпайтиролмаيمان, биринчидан: сен унга арзимайсан, иккинчидан: сен қариндошимсан, одамлар қариндошлигини қилди деган гап-сўз қилади.

Жадов. Майли, ихтиёрингиз. Олаётган маошимга яшайвераман.

Вишнеvский. Айтканча, азизим, шу гап ўла-ўлгунингча қулоғингга бўлсин: сенинг гапларинг менга ёқмайди, ибораларинг қўпол, тўнг, сени деб кўнглимни ранжитиши ҳам истамайман. Тагин сени мулоҳазаларинг мени ҳақорат қилади деб ўйлама, агар хафа бўлсам сенга ортиқча баҳо

бериб юборган бўлардим, гапларингни аҳмоқлиқ деб биламан, холос. Шунинг учун бундан кейин сенга хўжайинликдан бўлак бутун муносабатимни тугади деб билавер.

Ж а д о в. Яхшиси мен бошқа жойга ўтақолай.
В и ш н е в с к и й. Ихтиёринг. (Кетади.)

УНИНЧИ САҲНА

Ж а д о в блан Ю с о в.

Ю с о в (бақрайиб). Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа!..

Ж а д о в. Нега куласиз?

Ю с о в. Ҳа, ҳа, ҳа!.. Кулмай бўладими? Ким блан баҳслашаётганингизни биласизми? Ҳа, ҳа, ҳа! Нима қилаяпсиз, ўзингиз?

Ж а д о в. Куладирган нимаси бор экан?

Ю с о в. Хўш, тоғангизнинг сизча ақли йўқ деб ўйлайсизми? Шундайми, сизча ақли йўқми? Ёки ҳаётни сиздан кўра камроқ биладиларми? Қилган ишингиз кимни кулдирмайди дейсиз. Бу қилиқларингиз блан ҳали битта-яримтани кулгидан ичагини узиб юборасиз-ку. Худо хайрингизни берсин, менга раҳм қилинг, хотиним, бола-чақам бор.

Ж а д о в. Сиз, Аким Акимич, бу гапларни тушунмайсиз.

Ю с о в. Тушунадирган нимаси бор экан? Истасангиз минг кишини олиб келинг, ҳаммаси ҳам кулгидан ичаги узилиб ўлади. Сиз бу одамнинг гапларини яхшилаб эшитишингиз, қулоғингизга қуюб олишингиз керак эди, сиз бўлсангиз баҳслашиб ўтирибсиз! Ахир, бу комедия-ку, худо ҳаққи комедия, ҳа, ҳа, ҳа... Мана энди тоғангиз роса адабингизни бердилар, ҳе, ҳе, ҳе, ҳали бу ҳам оз. Бошқача бўлиши лозим эди... Агар тоғангизнинг ўрнида мен бўлсам борми... (Башарасини жиддий қилиб, кабинетга киреди.)

УН БИРИНЧИ САҲНА

Ж а д о в (ёлғиз, ўйлаб). Гапиринглар-а, гапиринглар! Сизларга ишонмайман. Ўқимишли одам ўзининг ҳалол меҳнати блан кун кўролмаслигига ишонмайман. Жамиятнинг сиз айтқанчалик бузуқ эканига ҳам ишонмайман! Ёшларнинг кўнглини совутиш, уларнинг шахтини қайтариш чолларнинг одати. Улар ёшларга дун'ени қоронғу ва ма'нисиз бир нарса қилиб кўрсатишади. Эски замон одамлари келажакка умид блан кулиб қарашимизга ҳасад қиладилар. Тоғамчи!

Кимлигингизга тушундим! Бойлик қолмади, давруқ-у пул қолмади — ҳаммасига эришдингиз, энди ҳасад қиладирган нарсангиз қолмади. Сиз энди биз сингари соф виждонли, кўнгли тоза кишиларга ҳасад қиласиз, холос. Буларни сиз ҳечқанақангги олтинга сотиб ололмайсизда. Нима десангиз денг, мен барибир уйланаман ва бахтиёр яшайман. (Кетади.)

Вишневский блан Юсов кабинетдан чиқадилар.

ЎН ИККИНЧИ САҲНА

Юсов блан Вишневский.

Вишневский. Кимга уйланаяпти у?

Юсов. Кукушкинага. Коллежский ассессорнинг бева қолган хотини бор, ана ўшанинг қизига.

Вишневский. Сен у блан танишмисан?

Юсов. Эри блан таниш эдим. Белогубов унинг опасига уйланмоқчи.

Вишневский. Белогубовнинг йўриғи бошқа. Бир иш қилиб сен у хотиннинг уйига бор. Унга тушунтир, ўз қизини нобуд қилмасин, тагин бу аҳмоққа қизини бериб ўтирмасин. (Бошини чайқаб, чиқиб кетади).

ЎН УЧИНЧИ САҲНА

Юсов (ёлғиз). Қандай замонларга қолдик-а? Дунёда нималар бўлаяпти ўзи, ўз кўзингга ишонгинг келмайди киши! Қандай яшамоқ керак энди! Ёш болаларнинг тили узун бўлиб қолипти! Ким у ўзи! Баҳслашаётган ким, қандай одам? Сариг чақага арзимайдиган одам! Тф, деб бир туфласанг, (туфлайди) йўқ бўлиб кетади. Тагин ким блан баҳслашаяпти денг! Доҳи блан... Аристарх Владимирович доҳи... доҳи, Наполеон. Ақлини, ишидаги жасоратини, қат'ийлигини айтмайсизми! Биттагина камчилиги бор, холос: қонунни маҳкам ушламайди. Сағал ғалати роқ, Агар Аристарх Владимирович шу ақлига яна қонун-қондаларни ўзидан бурунги одам сингари яхши билса борми... тамом... Гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унинг кетидан темир йўлдан кетгандай кетаверсанг бўлади. Этагини маҳкам ушлаб ол-у, кетавер. Мансаб дейсанми, орден дейсанми, уй-жой, қатта катта қишлоқлар ўзидан-ўзи қўлингга кираверади... Ўйлаб, энтикиб кетасан киши! (Кетади.)

ИККИНЧИ ПАРДА

Кукушкинанинг уйи. Оддийгина бир меҳмонхона, тўғрида ва чапда эшик.

БИРИНЧИ САҲНА

Юлинька блан Полина ойна олдида туришпти.
Стешанинг қўлида чўтка блан елпигич.

Стеша. Мана оймчаларим ҳам кийиниб, тараниб, тап-тайёр бўлишди. Куёвлар келаверса ҳам бўлади, худди кўргазмага қўйгандек, биринчи сорт. Кўрган кишининг кўзи ёнади. Генералга ҳам кўрсатсанг уялмайсан!

Полина. Қани, Юлинька, ақлли қизлардек жой-жойимизга ўтирайлик. Ҳозир оймиз чиқиб кўрик ўтказди, молини бозорга солади.

Стеша (*чангни артиб*). Минг кўрик қилмасин барибир ҳаммаси жойида.

Юлинька. Оймиз шундай терговчики, бирор айб топмай қўймайди. (*Ўтирадилар.*)

Стеша (*уй ўртасида тўхтади*). Айтганларингча бор, оймқизлар, ойнгиз сизларга кун бермайди. Худди солдатлардек машқ қилдиргани қилдирган. Чизган чизигимдан юр, гиринг дема, жим ўтир. Мени ҳам уришгани-уришган, ҳамаёқ озода эканини кўрганидан кейин бироз нафаси ўчди. (*Чангни артади.*)

Юлинька. Куёвинг Василий Николаич ёқадими сенга?

Полина. Жуда ҳам! Сенинг Белогубовингчи?

Юлинька. Йўқ, тирноғимга ҳам арзимайди!

Полина. Нега оймга айтмайсан, бўлмаса?

Юлинька. Балого қолайми! Худо сақласин! Шу уйдан қутулиш учун ўшанга бўлса ҳам жон-жон деб тегаман.

Полина. Гапинг рост! Василий Николаич учрамаганда, мен ҳам дуч келганнинг бўйнига осилиб олар эдим. Ёмон одам бўлса ҳам майли, иш қилиб мени шу уйдан, шу балодан қутқарса бас. (Кулади.)

Стеша (диван тагига энгашиб). Мундан ортиқ азоб бўлмайди. Тўғри айтдингиз, ойимқиз.

Полина. Бошқа қизлар эрга тегаётганида уйдан ажралгуси келмай йиғлайди! Ҳарбир бурчакни кўзи қиймайди ташлаб кетгани. Сен блан биз бўлсак дунёнинг нариги чеккасига кетишга ҳам тайёрмиз, бу ердан бизни аждар олиб кетишига ҳам розимиз. (Кулади.)

Стеша. Агар мана шу ерни артмасам бошимда ёнғоқ чақади. Бўлмаса бу ерни ким кўриб ўтирипти, кимга кераги бор, дейсиз! (Ойна остини артади.)

Юлинька. Сен бахтлсан, Полина, шунинг учун куласан. Менчи, мен жуда ҳайронман. Эрга тегиш қийин эмас — бу маълум нарса. Эрга теккандан кейин, турмушинг қандай бўлади, мана буни ўйлаб кўриш керак.

Полина. Нимасини ўйлайсан? Уйимиздагидан ёмонроқ бўлмас-ку, ахир.

Юлинька. Ёмонроқ бўлмаслиги оз-да. Яхшироқ бўлиши керак. Эрга текканингга яраша, расмана бадавлат хоним бўлгинда.

Полина. Кошки эди, лекин бунга эришишни айт-да? Сенинг ақлинг расо, менга ҳам ўргатиб қўй!

Юлинька. Йигитлар блан гаплашганингда кимнинг нимаси бор, нимага умид боғлаб юрганини билиб олишга ҳаракат қил. Ҳечнарсаси бўлмаса ҳам балки кўзлагани бордир. Одамнинг кимлигини сўзидан билиб олсанг бўлади. Сенинг Жадовинг ёлғиз қолганларингда сенга нималар дейди?

Полина. Юлинька, ўлайин агар, нима деганига сра тушунмайман. Қўлимни қаттиқ қисиб олиб, бирам гапириб кетади... Мени алланималарга ўргатмоқчи бўлади.

Юлинька. Нимага?

Полина. Улай агар, Юлинька, билмайман. Қандайдир ақлга сиғмайдиган гаплар. Шошма, ҳозир эслаб кўраман, кулиб юбормасам бўлгани, гаплари жуда кулгили! Шошма, шошма, эсладим! (Масхара қилиб.) «Хотинлар жамиятда қандай ўрин тутадилар?» Яна аллақандай гражданлик хислати тўғрисида гапирди. Нима деганини ўзим ҳам билмайман. Бизларни бунақа гапларга ўргатмаган эдилар шекилли?

Ю л и н ь к а. Йўқ, ўргатмаганлар.

По л и н а. Эсингдами, бизга пансионда беришмаган китоблардан ўқиб олган бўлса керак. Ундоқ десам барибир, ҳечқанақасини ҳам ўқимас эдик.

Ю л и н ь к а. Ачинадиган нарса эканми шу, қуриб кетсин! Усиз ҳам ўлгундек зерикасан киши! Сайилгами ёки театрга боришни айтсанг, бошқа гап.

По л и н а. Рост, опажон, рост.

Ю л и н ь к а. Ростини айтсам, Полина, сенинг куёвингдан умид йўқ. Менинг Белогубовим бошқа.

По л и н а. Сеники қанақа экан?

Ю л и н ь к а. Менинг Белогубовим бироз ёқимсизроқ бўлса ҳам ундан умидим зўр. «Сиз мени севаверинг, уйланишимга ҳали пича вақт бор, аввал иш бошқаручи бўлиб олай, иннайкейин уйланаман», дейди. Иш бошқаручи қанақа бўлади деб сўрасам: «Биринчи сорт бўлади», дейди. Яхши нарса бўлса керак-да. «Ма'лумотим мукаммал бўлмаса ҳам, савдогарлар блан иш қиламан, сизга шаҳардан турли-туман шоҳи, газмоллар олиб келиб тураман, озик-овқатдан хотиржам бўласиз», дейди. Ёмонми? Жуда яхши-да, Полина, олиб келаверсин, бундай одамга тегавериш керак, ўйлаб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ.

По л и н а. Меникининг савдогарлардан ошнаси йўқ бўлса керак, чунки бу ҳақда ҳечнарса демайди. Тагин менга ҳеч нарса олиб келмаса-я?

Ю л и н ь к а. Йўқ, сенинг куёвингда ҳам бор бўлса керак. Хизматчи-ку, ахир, хизматчиларга ҳамма ҳад'я беради. Уйланган одамга, ҳархил газмоллар, бўйдоқ бўлса — сукно, трико, оти бор одамга арпа ёки беда, ёхуд нақд пул беришади. Утган сафар Белогубов чипор нимча қийиб келган эди, эсингдами, ана ўшани битта савдогар ҳад'я қилган экан. Менга ўзи айтди.

По л и н а. Ҳарқалай Жадовдан таниш савдогарларинг борми деб сўраб кўришим керак экан.

К у к у ш к и н а киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва К у к у ш к и н а.

К у к у ш к и н а. Ўзимни мақтамай иложим йўқ! Ҳамаёқ ёр тушса ялагудек, ҳамма нарса жойида (Утиради.) Мана бу нимаси (Стешага диваннинг тагини кўрсатади).

С т е ш а. Раҳм қилинг, ахир, кучим етмади, белимда бел қолмади.

К у к у ш к и н а. Овозингни ўчир, исқирт! Нимага ойлик олаяпсан? Менинг уйимда ҳамаёқ озода, саранжом бўлиши керак, чизган чизигимдан чиқмасликларинг зарур.

С т е ш а диванинг тагини супуриб, чиқиб кетади.

Юлинька!

Ю л и н ь к а ўрнидан туради.

Мени сизга айтадиган сўзим бор.

Ю л и н ь к а. Нима демоқчисиз, ойижон?

К у к у ш к и н а. Биласизки, жоним, мени ҳозир ҳам, ўлганимдан кейин ҳам орқамда қоладирган давлатим йўқ.

Ю л и н ь к а. Биламан, ойижон.

К у к у ш к и н а. Билишингиз керак, албатта! Пенсиямдан бўлак даромадим йўқ. Бир амаллаб, кунимни зўрға ўтказаяпман. Орзу-ҳавас қилаётганим йўқ, қумурсқадек сра тинимим йўқ, ҳали қариганча йўқман, ўз тенгимни топиб ҳали эрга тегишим ҳам мумкин. Шунини тушунасизми?

Ю л и н ь к а. Тушунаман.

К у к у ш к и н а. Мен сизларга модага мувофиқ кийим тикиб бераяпман, ҳархил тақинчоқлар олиб бераяпман, ўзимга эса эски-тускини бўяб, сўкиб-чатиб келаяпман. Балки сизлар буни кўнглимиз учун, ёки олифтагарчилик учун қилиб бераяпти, деб ўйларсизлар? Хато қиласизлар. Буларнинг ҳаммасидан муддао сизларни тезроқ эрга узатиш, тезроқ эгаларингга топшириш. Агар ҳолимга қараб иш қиладиган бўлсам чит кўйлакка ёки эски-туски кийимларга кийинтирган бўлар эдим. Агар ўзларингга эр тополмасаларинг ёки топишни истамасаларинг кунларинг шунга қолади. Мен сизларни деб ўзимни беҳудага юлиб-юлқишни истамайман.

П о л и н а. Ойижон, бу гапларингизни кўп эшитганмиз. Мақсадингизни айтиб қўяқолинг!

К у к у ш к и н а. Сен жим ўтир! Сен блан гаплашаётганим йўқ. Худо аҳмоқлигингга яраша бахтингни ҳам берган, сен жим ўтиравер. Агар анави аҳмоқ Жадов бўлмаганида, енгилтаклигинг учун қизлигингча ўтирардинг, бошинг ғамдан чиқмас эди. Қайси ақли бор одам сени олсин? Кимга кераксан? Мақтанмай қўяқол, зигирча ҳам иш кўрсатганинг йўқ, сен уни ўз жозибангга тортаолмадинг,— ҳечким чақирмаса ҳам ўз оёғи блан келиб тузоққа илиниб ўтирипти.

Юлинька бўлса ақлли қиз, ўз бахтини ўзи топиши керак. Менга айтинг-чи, Белогубовингиздан ма'ни чиқадими йўқми?

Юлинька. Ойижон, мен қаёқдан билай.

Кукушкина. Ким билади бўлмаса? Бегона йигитларни уйимга киритмаслигим сизга ма'лум-а, жоним? Мен уйга фақат куёвларимни ёки куёв бўлиши мумкин бўлганларни киритаман, холос. Озгина бўлса ҳам куёвликнинг ҳиди келса, бош устига, эшигим очиқ, қадамларига ҳасанот, лекин пича думини ликиллатдими, тамом, дарвозадан кирмай туриб туёгини шиқиллатаверсин. Бизга унақалари керакмас. Мен ўз ша'нимга ҳам, сизларнинг ша'нингизга ҳам доғ тушуришни хоҳламайман.

Юлинька. Нима қилгин дейсиз бўлмаса, ойижон?

Кукушкина. Буюрилганни қилинг. Қизлигингизча ўтираверишингиз мумкин эмаслиги эсингизда бўлсин. Бўлмаса ошхонада яшашингизга тўғри келади.

Юлинька. Айтганларингизнинг ҳаммасини қилаяпман-ку, ойижон.

Кукушкина. Нима қилдингиз? Қани гапиринг, қулогим сизда.

Юлинька. У уйимизга иккинчи марта келганда, эсингиздами, ўзингиз зўрлаб олиб келган эдингиз-ку, ўша кунни мен унга кўзимни қисдим.

Кукушкина. Хўш, у-чи?

Юлинька. У бўлса лабини ғалати юмиб, ялайбошламади. Менимча у ўлгудек овсар бўлса керак, ҳечбалони фаҳхламади. Ҳозирги гимназистлар ҳам ундан кўра эпчилроқ.

Кукушкина. Мен сизни қандай ҳунар кўрсатганингиздан беҳабарман, лекин иззати-икромни ўрнига қўйиши бошлиқларга ма'қул келадиган аллақандай бир хислат борлиги кўриниб турипти. Демак, узоққа боради. Мен буни дарров пайқадим.

Юлинька. Уйимизга учинчи марта келганда, эсингиздами, жума кунни, мен унга ишқий ше'рлар ўқиб бердим. Унда ҳам ҳечбалони фаҳхламади шекилли. Тўртинчи мартасида мен унга хат ёздим.

Кукушкина. Хўш, учи?

Юлинька. Келди-да «кўнглим сиздан ҳечқачон жирканган эмас, сизга доим кўнглим бўлган, бор ва бундан буюқ ҳам бўлади» деди.

Полина кулади.

Кук уш кина (Полинага бармоғи блан пўписа қилиб). Кейин нима бўлди?

Юлинька. «Иш бошқаручи бўлиб олай, ўша куниеқ келиб ойингиздан қизингизни менга беринг, деб йиглаб сўрайман» деди.

Кук уш кина. Яқин ўртада бўлар эканми?

Юлинька. Тез кунда, дейди.

Кук уш кина. Кел, Юлинька, мени ўп. (Упади.) Эрга тегиш, азизим, қизлар учун катта бахт. Сизлар бунга кейин тушунасизлар. Мен оналарингман, она бўлганда ҳам қаттиққўл онаман. Куёвинг блан билганингни қил, мен кўрсам ҳам кўрмаганга соламан, индамайман, азизим, бегона бланчи, шўхлик қилишга йўл қўймайман! Бор, Юлинька, жойингга ўтир.

Юлинька ўтиради.

Эрга текканларингдан кейин, болаларим, сизларга маслаҳатим шу: эрларингни ўз ҳолига қўйманглар, пул топ деб туриб олинглар, бўлмаса дангаса бўлиб қолади, кейин ўзларингга қийин бўлади. Сизларга анчагина насиҳат қилишим мумкин эди, лекин ҳали эрга текканларингча йўқ, айтиб бўлмайди. Бирор ҳодиса юз бергудек бўлса тўғри олдимга келаверинглар, сиз учун ҳаминша қучоғим очик, қайтармайман. Билмайдиган ишим йўқ, маслаҳат бериш қўлимдан келади, ҳатто докторлик хусусида ҳам йўл-йўриқ кўрсатаоламан.

Полина. Ойижон, биров келганга ўхшайди.

Юлинька (деразадан қараб). Белогубов қандайдир бир чол блан келаяпти.

Кук уш кина. Жой-жойларингга ўтиринглар. Юлинька, сен ўнг елкангни пича очиб қўй.

Юсов блан Белогубов киради.

УЧИНЧИ САҲНА

Бурунчилар, Юсов ва Белогубов.

Белогубов. Салом, Фелисата Герасимовна! (Қизларга.) Салом. (Юсовни кўрсатиб.) Ўзлари келмоқчи бўлдилар... Бу киши менинг бошлиғим ва отахоним Аким Акимич Юсов бўладилар... Фелисата Герасимовна, ҳарҳолда хўжайиннинг ўзларини келишлари яхши-да.

Кук уш кина. Қадамларига ҳасанот, хуш келибсиз! Марҳамат, ўтиринг.

Юсов блан Белогубов ўтиради.

Танишинг, мана иккала қизим: Юлинька блан Полина. Иккови ҳам мутлақо гўдак, ҳечнарсга ақллари етмайди. Буларнинг эрга тегиш эмас ҳали қўғирчоқ ўйнайдиган вақти. Булардан сра ажралгим келмайди, лекин иложим нима. Бундай ноёб матони асраб ўтириш қийин.

Юсов. Шундай, бу тақдири азал, турмуш гирдобин! Бандаси пешонага ёзилганини ўзгартиришга қодир эмас...

Кукушкина. Сизга ростини айтсам, Аким Акимич, мен қизларимни қаттиққўллик блан тарбияладим, ҳамма нарсдан четлатганман. Мен буларнинг сепига кўп пул бераолмайман, аммо эрлари ахлоқ важдан миннатдор бўлишади. Мен болаларимни яхши кўраман, Аким Акимич, лекин қаттиққўлман, жуда қаттиққўлман. (*Жиддий.*) Полина, бориб айтинг, чой беришсин!

Полина (*туруб*). Ҳозир, ойижон! (*Кетади.*)

Юсов. Мен ўзим ҳам қаттиққўлман. (*Жиддий.*) Белогубов!

Белогубов. Лаббай, хизмат?

Юсов. Мен қаттиққўлман-а?

Белогубов. Қаттиққўллар. (*Юлинькага.*) Яна янги жилет кийиб келдим. Мана қаранг-а.

Юлинька. Мунча яхши. Уша айтган савдогарингиз ҳад'я қилдимиз?

Белогубов. Йўқ, бошқаси. Бунисининг фабрикаси яхшироқ.

Юлинька. Юринг меҳмонхонага, мен сизга ўз ишларимни кўрсатаман. (*Кетадилар.*)

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Юсов ва Кукушкина.

Кукушкина. Бир-бирини шундай яхши кўришадими, кишини ҳаваси келади. Ёнгитга бир нарса етишмай турган эмиш, яхшироқ ўрни йўқ эмиш. Хотинимни, тўла-тўкис та'мин қилаолмайман, дейди. Иш бошқаручи қилиб қўйганларида эди, хотинимни та'мин қилишим мумкин эди, дейди. Киши ачинар экан, Аким Акимич! Шундай яхши ёнгит, шундай севади денг...

Юсов (*тамаки ҳидлайди*). Аста-секин бўлади, Фелисата Герасимовна, аста-секин.

Кукушкина. Уша ўринга қачон эга бўлишини ҳарқалай сиз билсангиз керак. Балки бу сизнинг қўлингизда-

дир. Унинг учун мен ҳам илтимос қилар эдим сиздан. (Та'зим қилади.) Менинг илтимосимни э'тиборсиз қолдириб бўлмайди: чунки мен онаман, меҳрибон онаман, мен ўз болаларим, ўз қушчаларим бахти учун сўрайман.

Юсов (жиддий тусга кириб). Яқинда, тез фурсатда эгаллаб қолади. Мен унинг ҳақида генерализмизга доклад қилганман. Генерал бўлса менинг қўлимда: нима десам айтганим бўлади. Биз уни ишбошқаручи қилиб тайинлаймиз. Мен хоҳламасам ишбошқаручи бўлмайди... Ҳе, ҳе, бўлади, бўлади. (Қўлини кўрсатиб.) Генерал менинг мана қаеримда туради.

Кукушкина. Ростини айтсам, мен, бўйдоқларни ёқтирмайман. Улардан нима фойда? Фақат ерга оғирликлари тушади, холос.

Юсов (такаббурлик блан). Ҳа, улар ер юзига тушган ташвиш... бекорчи одамлар.

Кукушкина. Рост айтасиз. Бўйдоқларни уйга кириштишга ҳам қўрқади киши, айниқса ёш қизи ёки ёш хотини бўлса. Нима хаёл блан келганини ким билади, дейсиз. Менимча ёш йигитларни тезроқ уйлантириш керак, кейинчалик ўзлари миннатдор бўлишади, ўз фойдасини билишмайди тентаклар.

Юсов. Тўғри. Хаёли паришон одамлар-да улар. Ахир, ҳаёт бамисоли бир денгиз... гирдобига тортиб кетади.

Кукушкина. Бўйдоқ одам уй-жой, рўзғор қилмайди, уйига қарамайди, трактирдан бери келмайди.

Юсов. Ҳа, биз ҳам борамиз у ерга... Ишдан чарчаб, дам олгани...

Кукушкина. Э, Аким Акимич, сиз блан уларнинг ўртасида осмон блан ерча фарқ бор, сиз, бирорта киши ҳурмат қилиб чақирганда, меҳмон қилмоқчи бўлганда борасиз, ҳечқачон ўз пулингизга бориб ичмайсизда.

Юсов. Албатта, ўз пулимга асло бормайман.

Кукушкина. Энди бўйдоқ йигитни олинг: бирорта киши тушган одам уни трактирга таклиф қилиб, меҳмон қилади. Қанчадан-қанча пулнинг бошига сув қуяди-ю аммо фойдаси бўлмайди. Хотини бор киши бўлсачи, Аким-Акимич, ҳалиги одамга овқатингни ҳожати йўқ, овқат бўлса хотиним, бола-чақам блан уйимда тинчгина ерман, сен менга пулини бериб қўяқол дейди. Пулни олади-ю уйига олиб келади. Иккиёғлама фойда: ҳам пулга эга, ҳам уйига хуш'ёр қайтади. Уйланганингизга неча йил бўлган?

Юсов. Қирқ уч йил бўлди...

К у к у ш к и н а. Уни қаранг-а! Ҳали ёш кўринасиз-ку!
Ю с о в. Турмуш режасини биламан... Куни кеча банка
қўйдирдим.

К у к у ш к и н а. Соғлом одамнинг иши ҳам соғлом, кўнгли
тинч бўлса инчунун.

Ю с о в. Мен сизга айтсам... Тақдирнинг иши қизиқ
бўлар экан... Камбағални бой қилиб юбориш ҳам ҳеч гап
эмас экан. Мени, хоним,— бунга кўп йил бўлди,— эски ки-
йимда идорага олиб келишган, ўшанда мен фақат ўқиш-ёзиш-
нигина билардим, холос... Қарасам, ёши ўтган, салобатли,
қовоқлари солиқ, соқоллари ўсган кишилар ишлаб ўтири-
шипти... У вақтларда савлатлироқ кўринай деб соқолни кам
олдиришарди... Салобат босиб гапиролмай қолдим. Икки
йилгача югурдаклик қилдим, ҳархил ишларни бажардим,
бировга арақ, бировга сомса, бировга квас келтирардим,
столда эмас, дераза ёнида, бир тўп қоғоз устида ўтирардим,
ҳатто сиёҳдон ҳам йўқ, бир қутичага сиёҳ қуйиб олган эдим.
Бир вақт қарабсизки одам бўлиб чиқдим. Албатта, булар-
нинг бари худонинг хоҳиши блан бўлди. Одам бўлиш, яхши
ўринни эгаллаш пешонамда бор экан-да. Ба'зан хотиним
блан: худо бизга нечук бунчалик марҳамат кўрсатди экан,
деб ўйлаймиз. Тақдири азал, албатта... Яхшилик қилмоқ
лозим... Бева-бечораларга ёрдам бермоқ керак. Ана энди ҳо-
зир учта-ҳовлим бор, узоқроқда бўлса ҳам ўзимга билинмай-
ди, тўрт нафар отим бор, бир ҳисобдан уйимнинг узоқда бўл-
гани ҳам яхши, ер ҳам кенг, иннайкейин тинч, гап-сўз,
миш-мишлардан узоқроқ.

К у к у ш к и н а. Ҳа, албатта. Уйларингизни ёнида боғ-
роғларингиз ҳам бордир бўлмаса?

Ю с о в. Боғсиз бўлар эканми! Ёзнинг иссиқ кунларида
а'зойи баданинг роҳат қилади. Менда кибрлик йўқ. Кибр-
лик кишини кўр қилиб қўяди... Мен ҳо мужик бўлсин, ҳо
бошқаси... ака-укадай бўлиб кетаман... Кўнглимга яқин
тутаман... Лекин ишда бўлса иложи йўқ. Айниқса думоғи
шишган ўқимишли одамларни ёмон кўраман. Уларга нисба-
тан қаттиққўл ва талабчанман. Улар жуда ҳаддан ошиб
кетишаяпти. Ўқимишли одамлар осмондаги юлдузни бенар-
вон уради деган афсоналарга ишонмайман. Кўрганман: улар-
нинг биздан ортиқ ери йўқ, ишга ҳам жон-жаҳтлари блан
ёпишмайдилар. Одатим, уларни ишда сиқаман, бундан фой-
дали иш йўқ, чунки зарардан бошқа нарса кўрмайсан улардан.
Мен, Фелисата Герасимовна, кўпроқ ўзимни оддий одамларга
яқин тутаман. Бу замондаги қоидалар туфайли кишининг

бошига бахтсизлик тушиб қолиши мумкин, масалан, биров уезд мактабидан яхши ўқиёлмагани учун ҳайдалади, ёки семинариянинг паст синфидан чиқариб юборилади. Шундай одамга юрагинг ачимайдими? Ўзи-ку пешонаси шўр, яна уни ўлганини устига тепган қилиб, хафа қилишади. Мана шундай одамлар кўпинча гапга тушунадиган, кўнгли очиқ, йўл-йўриққа тушадиган бўлади. Христианлик бурчини адо этиб мана шунақа одамни қўллаб-қўлтиқлайсан, одам қиласан, у эса ўла-ўлгунча сендан миннатдор. Сени отам дейди, қариндошдан ҳам а'ло кўради, қадрингга етади. У дун'ёда ҳам роҳатини кўрасан... Мана Белогубов, Фелисата Герасимовна, айтарлик саводи ҳам йўқ, лекин уни мен ўғлимдан ҳам ортиқ кўраман: чунки уқувли бола. Ростини айтсам, иккинчи кўевингиз... У ҳам менинг қўлимда ишлайди... Менимча... у...

К у к у ш к и н а. Нима бўпти?

Ю с о в. *(жиддий тус олиб)*. Ишончли одам эмас.

К у к у ш к и н а. Нега ундай дейсиз? Ахир, у ичмаса, саёқ юрмаса, ишда ҳам дангасалик қилмаса...

Ю с о в. Шунда-ю, аммо... *(Тамаки ҳидлайди.)* Ишончли одам эмас.

К у к у ш к и н а. Қандай, тушунтиринг менга, Аким Акимич, ахир, мен онаман-а.

Ю с о в. Мана бунга нима дейсиз? Аристарх Владимирич Вишневскийдек одамга қариндош бўлади...

К у к у ш к и н а. Биламан.

Ю с о в. Қариндошим бор дейишга арзийдиган одам.

К у к у ш к и н а. Биламан.

Ю с о в. Шундай бир зотни ҳурмат қилмайди.

К у к у ш к и н а. Биламан, биламан.

Ю с о в. Бошлиқларга қўпол муомила қилади... Ҳаддан ташқари мағрур... Ҳатто шундай фикрлар тарқатадики... Ешларни бузади... айниқса эркин фикрлари блан... Бошлиқ деган қаттиқ назорат қилмаса бўлмайди.

К у к у ш к и н а. Биламан.

Ю с о в. Билсангиз, ўзингиз хулоса чиқараверинг. Қандай замонга қолдик-а, Фелисата Герасимовна! Тинчлик йўқ-а, тинчлик! Кимнинг дастидан денг? Ярамас, ёш болаларнинг дастидан. Улар етишиб келаяпти, ҳамаёқни ўшалар босиб кетаяпти.

К у к у ш к и н а. Э, Аким Акимич, уйлансин ўзгариб қолади. Бу гаплардан мени хабарсиз деб ўйлайсизми, мен унақа оналардан эмасман: бир ишни орқа-ўнгимга қарамас-

дан қилмайман. Менинг одатим шу: биронта ёш йигит уйимизга қатнайдиған бўлдим, дарров битта-яримтани юбориб, ё бўлмаса ўзим, одамлардан суриштириб унинг кимлигини ипидан-игнасиғача билиб оламан. Менимча, унинг бу аҳмоқликлари бўйдоқ ҳаёт кечиришидан бўлса керак. Уйланиши блан биз унинг елкасига чиқиб оламиз, кейин тоғаси блан ҳам ярашиб олади, ишга ҳам яхши қарайдиган бўлиб қолади.

Юсов. У ўзгарса, бошлиқлар ҳам муомилани ўзгартади. (*Жим қолиб.*) Илгариги чиновниклар йўқ, Фелисата Герасимовна! Чиновниклар ҳам пастлашиб кетди. У вақтдаги дабдалардан асорат ҳам қолмади. Қандай замонлар экан-а, Фелисата Герасимовна, жаннат-а, жаннат! Улгиси ҳам келмас эди, кишини, Фелисата Герасимовна, роҳат эди, роҳат! Илгариги чиновниклар хўроз эди, хўроз, эндиғи ёшлар бўлса пуч ёнғок.

Ж а д о в киради.

БЕШИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Жадов.

Кукушкина. Келинг, келинг, Василий Николаич, хуш келибсиз. Полина сизни соғиниб ўлиб-бўлдику. У дераза блан бу деразага тикилавериб, кўзлари тўрт бўлди. У сизни шундай севадики, асти қўйинг!.. Ростимни айтсам, Василий Николаич, сиздақангги бахтли одамни энди кўришим. Айтинғи, нима учун сизни бунчалик яхши кўришар экан-а?

Жадов. Бироз кечикдим, кечирасиз, Фелисата Герасимовна. Ие, Аким Акимич! (*Та'зим қилади.*) Сиз нечук?

Кукушкина. Аким Акимич шундай меҳрибонларки, ўз чиновниклари ҳақида шундай қайғирадиларки... Қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим... Танишиш учун ўзлари азият чекиб келиптилар.

Жадов (*Юсовга*). Миннатдорман. Лекин чакки овора бўлибсиз.

Юсов. Мен, Фелисата Герасимовна, Белогутовни деб келдим. Унинг ота-онаси йўқ, мен отаси ўрнида...

Кукушкина. Қўйсанғизчи, Аким Акимич, гапирманг, сиз бола-чақали одамсиз, ёшларни уйланишга рағбатлантираётганинғизни кўриб турипман. Мен ҳам шу фикрдаман, Аким Акимич. (*Жадовга.*) Икки севишган юрак ўртасида ғов борлигини кўрсам, юрагим қандай эзилишини сиз тасав-

вур ҳам қилолмайсиз, Василий Николаич. Роман ўқиб ўтириб, икки севишгани бир-бири блан топишолмаганини, бунга ота-онаси йўл қўймаётганини, ёки иқтисодий имконияти йўқлигини ўқиган минутларимда юрагим эзилиб, кўнглим тўлиб, йиғлаб юбораман! Ўз болаларининг муҳаббатига йўл қўймайдиган ота-оналарнинг бераҳмлигига ажабланиман. Ба'зи ёшлар бу аламларга чидайолмай ҳалок ҳам бўладилар. Аммо ҳамма говлар яксон бўлаётганини, (*завқ блан*) муҳаббат голиб чиқиб, ёшлар қонуний никоҳ асосида қўшилаётганини кўрганда дилим қувончга тўлиб кетади. А'зойи баданимга аллақандай лаззат ёйилаётгандек ҳис қиламан.

Полина киради.

Полина. Марҳамат, чой тайёр. (*Жадовга кўзи тушиб.*) Василий Николаич! Мени шунча азоб чектиргани қўймайсизми? Сизни кутавериб кўзим тўрт бўлди!

Жадов (*қўлини ўпиб*). Узр, гуноҳқорман.

Кукушкина. Кел, қизим, мени ўп.

Полина (*Жадовга*). Юринг.

Кукушкина. Юринг, Аким Акимич!

Кетадилар. Белогубов блан Юлинька қўлларида чашка, кирадилар.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Белогубов ва Юлинька

Юлинька. Билдим, сиз мени алдаб юрган экансиз!

Белогубов. Нега алдар эканман сизни? Нега бундай дейсиз?

Ўтирадилар.

Юлинька. Эркакларга ишониб бўлмайди, тирноғча ҳам ишониб бўлмайди.

Белогубов. Нега энди эркак бечораларни мунчалик танқид остига олдингиз?

Юлинька. Танқид деганингиз нимаси, бу ҳақиқат-ку?

Белогубов. Бўлмаган гап. Бу одат бўлиб қолган: эркаклар хушомад қиладилар-у, қизлар уларга ишонмай, алдоқчи дейдилар.

Юлинька. Ҳа, сизнинг билмайдиган нарсангиз йўқ. Ҳаётингизда хотинларга жуда кўп хушомад қилган бўлсангиз керак.

Белогубов. Хушомад қиладиган кишим бўлган эмас, унинг устига қўлимдан ҳам келмайди. Ўзингизга ма'лум, шу кунларда уйингизга келадиган бўлдим, унганча ҳечқандай танишим бўлган эмас.

Юлинька. Ҳечкимни алдаган ҳам эмасмисиз?

Белогубов. Нима ҳақда сўраяпсиз ўзингиз?

Юлинька. Қўйинг, гапирманг. Сизнинг бир оғиз гапингизга ҳам ишонмайман (*тескари бурилади.*)

Белогубов. Бу нима қилганингиз? Ранжитманг одамни.

Юлинька. Тушуниб олингда.

Белогубов. Тушунолмаётибман.

Юлинька. Истамайсиз! (*Кўзини рўмолча блан беркитади.*)

Белогубов. Хоҳлаган нарсангиз блан ишонтиришим мумкин: сизни аввал қандай севсам, ҳозир ҳам шундай севаман... Мен бунга сизга айтган эдим...

Юлинька. Севасиз-у, галга соласиз.

Белогубов. Ҳа... Энди тушундим... Бу унақа иш эмас-да... Тез бўлмайди.

Юлинька. Жадов бошлаб юбараяпти-ку?

Белогубов. Унинг йўриғи бошқа. Унинг бой тоғаси бор, ўзи ҳам ўқимишли одам, ҳарқаердан иш топаолади. Ўқитучилик қилса ҳам нонини топиб кетади. Мен-чи? То ишбошқаручи ўрнини эгалламагунимча иложим йўқ... Ўйлаб кўринг, ҳадеб қарам шўрва блан шовла еяверишга рози бўласизми? Бу фақат бизга тўғри келади, отинча, сизга тўғри келмайди. Ишбошқаручи бўлиб олай, ана ундан кейин иш бошқача бўлади.

Юлинька. Ахир, қачон бошқача бўлар экан-а?

Белогубов. Оз қолди... Ва'да беришди. Ўша ўринни эгаллаган заҳотим... фақат янги кийим тикдираман, холос... Ойингизга ҳам айтдим. Хафа бўлманг, Юлия Ивановна, бу ишлар менга боғлиқ эмас. Қўлингизни беринг.

Юлинька унинг юзига қарамай қўлини чўзади.

Белогубов ўпади.

Ўзим ҳам кутавериб, ўлиб бўлдим.

Жадов блан Полина киради.

Юлинька. Юринг, буларни ёлғиз қўяйлик.

Кетадилар.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Жадов ва Полина. (Утирадилар.)

Полина. Биласизми нима?

Жадов. Йўқ, билмайман.

Полина. Лекин сиз оймга айтакўрманг.

Жадов. Хотиржам бўлинг, айтмайман.

Полина (йўлаб). Айтардим-у, мени севмай қўясиз деб кўрқаман-да.

Жадов. Сизни севмай қўяман? Бунинг иложи бор эканми?

Полина. Сўзингиз ростми?

Жадов (Полинанинг қўлини ушлаб). Ҳа, ишонинг, сизни севаман.

Полина. Хўп, майли бировга айтакўрманг. Мен соддалигимдан айтаётибман. (Секин.) Уйимизда тирноқчалик ҳам ростгўйлик йўқ, турган-битгани ёлгон. Бу ерда эшитадиган гапларингизни биронтасига ҳам ишонманг. Бизлар қоқкуруқмиз. Ойим бизларни яхши кўраман дейди-ю, аслида ўзи ёмон кўради, бизни тезроқ узатиб юборай деб жони ҳалак. Куёвларни олдида мақтайди-ю, орқасидан ёмонлайди. Бизни муғомбир бўлинглар, деб зўрлайди.

Жадов. Шулар сизни нафратлантирадими? Нафратлантирадими?

Полина. Лекин мен муғомбирлик қилаётганим йўқ, сизни чиндан ҳам яхши кўраман.

Жадов. Сиз мени жинни қилиб қўясиз! (Қўлини ўпади.)

Полина. Яна шуни ҳам айтиб қўяй: бизлар илмсиз одамлармиз. Юлианинг-ку унча-мунча нарсага ақли етади, мен бўлсам қишқизил нодонман.

Жадов. Нодонман деганингиз нимаси?

Полина. Нодоннинг ўзгинасиман. Ҳеч балони билмайман, ҳеч нарса ўқимаганман... Ба'зида сиз айтган сўзларингизга ҳам тушунмайман, сра тушунмайман.

Жадов. Сиз фариштасиз! (Қўлларини ўпади.)

Полина. Юлинькага қараганда мен кўнгилчанроқман, ammo нодонликка-нодонман.

Жадов. Сизни ҳали ёмонликка ўргатиб, бузиб улгурмаганликлари учун ҳам севаман. Сизни бу ердан тезроқ олиб кетишим керак. Сиз блан биз янги ҳаёт бошлаймиз. Мен жон-дилим блан сизни тарбия қиламан. Қандай лаззат кутмоқда мени!

Полина. Кошки эди тезроқ бўлса.

Жадов. Чўзишнинг нима ҳожати бор? Мен қарор қилдим. (*Завқ блан Полинага тикилади.*)

Жимлик.

Полина. Сизни таниш савдогарларингиз борми?

Жадов. Бу қанақа савол бўлди? Нима эди?

Полина. Ўзим. Билгим келди-да.

Жадов. Тушунмадим, билиб нима қиласиз?

Полина. Белогубовнинг савдогарлардан танишлари бор эмиш, улар унга жилетлар ҳад'я қилар эмиш, уйлангандан кейин хотинига ҳам газмоллар, кийимликлар беришармиш. Шунинг учун билмоқчи эдим.

Жадов. Бундай денг! Йўқ, бизга ҳечким ҳечнарсга ҳад'я қилмайди. Биз ўзимиз ишлаб топамиз. Шундай эмасми, Полина?

Полина (*паршон*). Шундай.

Жадов. Йўқ, Полина, ўз меҳнати блан яшаш лаззатини сиз ҳали билмайсиз. Сиз ҳозир беками-кўст яшайсиз. Худо хоҳласа ҳали кўрасиз. Пешона теримиз блан нимани топсак ҳаммаси ўзимизники бўлади, ҳечкимга қуллуқ қилмаймиз. Сиз шунга тушунасизми? Бунинг иккиёқлама лаззати бор: биринчиси меҳнат лаззати, иккинчиси топганингни ҳечкимга ҳисоб бермай, беташвиш сарфлаш лаззати. Бу ҳарқандай ҳад'ядан ало! Шундай эмасми Полина, яхши-а?

Полина. Ҳа, яхши.

Жимлик.

Топишмоқ айтсам топасизми?

Жадов. Айтинг.

Полина. Нима оёқсиз юради?

Жадов. Жуда қийин топишмоқ экан-ку! Булут.

Полина. Ҳамма нарсани биласиз-а! Тавба. Мен тополмадим, кейин Юлинька айтиб берди.

Жадов. Жонгинам! Кошки бундан кейин ҳам ёш болалигингизча қолсангиз.

Полина. Осмондаги юлдузларни санаб бўладими?

Жадов. Бўлади.

Полина. Йўқ, бўлмайди. Мен сизга ишонмайман.

Жадов. Қийналиб санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, улар саналган.

Полина. Мендан кулаяпсиз-а. (*Тескари қарайди.*)

Жадов (*мулойим*). Мен сиздан куламанми, Полина! Мен ўз ҳаётимни сизга бағишламоқчиман. Менга яхшилаб бир қаранг-чи, сиздан кулаётганмикинман.

Полина (*унга қараб*). Йўқ, йўқ.

Жадов. Яна мен нодонман дейсиз, йўқ сиз эмас, мен нодонман. Менинг устимдан кулсангиз арзийди! Ҳа, мени калака қиладиганлар ҳали ҳам оз эмас. Пулсиз, давлатсиз, ёлғиз келажакка ишониб сизга уйланаяпман. Нега уйлана-япсан дейишади менга. Нега бўлар эди? Чунки сизни сева-ман, одамларга ишонаман. Рост, балки уйламай иш қилаёт-гандирман. Уйлашга вақтим борми. Сизни шундай севаманки, уйлашга ҳам вақт йўқ.

Кукушкина блан Юсов киради.

Полина (*бироз тўйғу блан*). Мен ҳам сизни севаман.

Жадов Полинанинг қўлини ўпади.

Кукушкина (*Юсовга*). Қаранг-а, худди беозор қуш-чаларнинг ўзгинаси. Халақит берманг, кўриб кўзинг тўй-майди, киши!

Белогубов ва Юлинька киради.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Жадов, Полина, Кукушкина, Юсов, Белогубов
ва Юлинька.

Жадов (*қайрилиб қарайди, ва Полинанинг қўлидан ушлаб, Кукушкина қаршисига келади*). Фелисата Герасимовна, шу нуридидангизни менга беринг.

Кукушкина. Ростимни айтсам, қизим блан ажралиш менга жуда оғир. Менинг энг яхши кўрган қизим... Қариган чоғимда овуңчоғим бўлар деган эдим... Майли олинг, қизимнинг бахти мен учун қимматлироқ. (*Юзини рўмолча блан бекитади.*)

Жадов блан Полина унинг қўлини ўпадилар, Белогубов стул беради, Кукушкина ўтиради.

Юсов. Асил она экансиз, Фелисата Герасимовна.

Кукушкина. Ҳа, бу блан мақтансам арзийди. (*Қизишиб.*) Йўқ, қиз ўстириш оқибатсиз иш экан! Бағрингда ўстирасан, бир куни келиб эгасига бериб юборасан... Ёлғиз ўзинг сўппайиб қоласан... Азоб-уқубат бу! (*Юзини рўмолча блан бекитади.*)

Белогубов. Ойижон, биз сизни ёлғиз ташлаб қўй-маймиз.

Полина ва Юлинька (*бир оғиздан*). Ойижон, биз сизни ёлғиз ташлаб қўймаймиз.

УЧИНЧИ ПАРДА¹

Трактир. Орқа томонга парда тутилган, ўртага машина ўрнатилган, ўнг томонда очиб қўйилган эшик. Эшикдан уйнинг ичи кўринадди. Чапда кийим осадиган вешалка, саҳнанинг олдинги қисмида ҳар икки томонга стол ва диванлар қўйилган.

БИРИНЧИ САҲНА

Василий машина олдида туриб газета ўқимоқда. Григорий эшикка суяниб, уйга термулиб турипти. Жадов блан Микин киради. Григорий уларни кутиб олади, стол устини тозалаб дастурхон ёзади.

Микин. Хўш, оғайни, аҳволинг қалай?

Жадов. Маза йўқ, ука. (Григорийга.) Чойдан олиб кел.

Григорий чиқиб кетади.

Ўзинг қалайсан!

Микин. Дуруст. Бир нави' куним ўтаяпти, ўқитучилик қилаяпман.

Утирадилар.

Жадов. Мояна қалай, туззукми?

Микин. Икки юз сўм оламан.

Жадов. Етадимми?

Микин. Кўрпамга қараб оёқ узатиб юрибман. Ўзингиздан ўтар гап йўқ, орзу-ҳавас қилаётганим йўқ.

Жадов. Ҳа, бўйдоқ одам икки юз сўм блан яшаса бўлади.

Микин. Асли сен ҳам уйланмасанг бўлар эди! Сен блан бизга бўйдоқлик дуруст. Биздақангги яланғочларга

¹ Иккинчи ва учинчи пардалар ўртасида бир йилга яқин вақт ўтади.

уйланишни ким қўйипти! Тўқ бўлсақ, устимизда ёпинчиғимиз бўлса кам-да. Мақол борку: сўққабош одам камбағал бўлмайди, камбағал бўлса ҳам ёлғиз боши бўлади.

Ж а д о в. Бўлар иш бўлди.

М и к и н. Ранги-рўйинга қара, илгари сен шунақамидинг. Олахуржин оғирлик қилганга ўхшайди-а? Йўқ, сен блан бизга уйланиш сра тўғри келмайди. Биз меҳнаткаш одамлармиз. (Григорий чой олиб келади. Микин қуябошлайди.) Ишлагандан кейин астойдил ишлаш керак, бу дунёнинг роҳатини вақти келса кўрармиз.

Ж а д о в. Иложим йўқ эди-да! Жуда яхши кўриб қолиб эдим.

М и к и н. Яхши кўрсанг нима бўпти! Бошқалар яхши кўрмайди деб ўйлайсанми? Э, ука, мен ҳам ошиқ бўлганман, лекин уйланмадим. Сен ҳам асли уйланмасанг бўлар эди.

Ж а д о в. Ҳа, нега энди?

М и к и н. Нега бўлар эди. Бўйдоқ одамнинг фикри-зикри ишда бўлади, уйланган одамники бўлса хотинда. Уйланган одамга ишонч йўқ.

Ж а д о в. Бўлмаган гап.

М и к и н. Бўлмаган гап эмас. Яхши кўрган қизимга уйланганимда ундан ҳечнарсани аямас эдим. Ундан кўра бундай лаззатдан қуруқ қолақолай дедим. Менимча хотини деб ёмон йўлга киришдан кўра ўша туйғуларни ўлдириб, хотиржам бўлган мақулроқ.

Ж а д о в. Бу хила маҳол гап.

М и к и н. Албатта-да! Яхши нарсадан воз кечишнинг ўзи оғир нарса; лекин камбағаллик туфайли севганингдан воз кечиш — ўлимдан ҳам қийин. Хотинингни яхши кўрасанми?

Ж а д о в. Жуда ҳам.

М и к и н. Ишинг пачава экан, бўлмаса! Эслик-ҳушлик-кинами ўзи?

Ж а д о в. Билмадим. Аммо унинг бениҳоя дилбарлиги муқаррар. Бирор арзимаган нарсадан ранжиб қолса, шу қадар астойдил йиғлайдики, унга қўшилиб, ўзинг ҳам йиғлаб юборасан, киши.

М и к и н. Қани туриш-турмушингни яширмай ҳикоя қилиб берчи менга. Ахир, сени кўрмаганимга ҳам бир ярим йил бўлди.

Ж а д о в. Марҳамат. Менинг тарихим жуда қисқа. Мен яхши кўрган қизимга уйландим, буни ўзинг биласан, савиясиз, деярли ҳозирги қизларнинг ҳаммасига ўхшаш урфи-

одат шароитида тарбияланган бир қизни олдим, уни ўз маслагимиз руҳида тарбиялашни орзу қилган эдим, мана уйланганимга бир йил бўлди...

Микин. Хўш, нима бўлди?

Жадов. Нима бўлар эди. Уни тарбия қилишга қўлим ҳам тегмади, бу ишни қандай бошлашни ҳам билмадим, шундай қилиб, у илгариги тушунчасида қолаверди; баҳслашиб қолгудек бўлсак мен албатта ён бераман. Аҳвол мана шундай, чатоқ, лекин уни тузатишнинг иложи ҳам йўқ. Хотиним мени менсимайди, мени ақлли одамлар қаторига қўшмайди. Уларнинг тушунчасига кўра ақлли одам албатта бадавлат бўлиши керак.

Микин. Шундай дегин! Топиш-тутишинг қалай?

Жадов. Эртадан кечгача ишлайман.

Микин. Шундай ишласанг ҳам етказоолмаяпсанми?

Жадов. Бир нави тириклик ўтиб турипти.

Микин. Хотининг нима дейди энди?

Жадов. Тажанг, унда-мунда йиглаб ҳам қўяди. На-чора!

Микин. Ачинаман сенга. Йўқ, ука, сен блан бизга уйла-ниш тўғри келмайди. Мана мен бир йил ишсиз қолдим, ну-қул қора нон блан тирикчилик қилдим. Ушанда уйланган бўлсам нима қилардим?

Досужев киреди.

ИККИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Досужев

Досужев (*тўғарак стол ёнига ўтириб*). Гарсон, олиб кел!

Василий. Қанақасидан олиб келай?

Досужев. Рябиновийдан. Зотимизга муносиб овқати ҳам бўлсин.

Василий. Хўп бўлади. (*Эшик томон юради.*)

Досужев. Француз горчицаси ҳам эсингдан чиқма-син! Эшитдингми? Трактирингни ёпиб қўяман! Григорий, чал намангни.

Григорий. Ҳозир. (*Машинани ишга солади.*)

Микин. Бу одам ҳам бўйдоқ бўлса керак.

Досужев. Менга нега бақрайиб қолдиларинг. Мен ҳозир олтин балиқ ейман.

Жадов. Олтин балиғингиз нимаси!

Досужев. Қараб тур, соқолини серкиллатиб келади. мен уни еябошлайман, шунда биласан.

В а с и л и й арақ олиб келади.

Василий, сен кўзқулоқ бўлиб тур. Келди дегунча менга хабар берасан.

Машина чалабошлайди.

Жаноблар, маст немисларнинг йиғлашини кўрганмисизлар?

Елгондан йиғлайди.

Жадов блан Микин куладилар. Машина жим бўлади.

Микин (*Жадовга*). Хайр энди, бўлмаса. Йўлим тушганда бир кириб ўтарман.

Жадов Хайр.

Микин кетади.

Василий (*Досужевга*). Марҳамат қилинг, келди.

Досужев. Чақир буёққа.

Василий. Келмаяпти. Ичкари уйда ўтирипти.

Досужев (*Жадовга*). Кечирасиз. Бирпас ўтириб туринг, мен ҳозир қайтиб келаман, иккаламиз гаплашамиз, сиз менга ёқиб қолдингиз. (*Кетади.*)

Жадов (*Василийга*). Уқийдиган бирор нарсанг йўқми.

Василий (*китоб узатиб*). Мана бу мақолани ўқиб кўринг. Жуда мақташаяпти.

Жадов ўқийди. Юсов, Белогубов, 1-нчи ва 2-нчи чиновниклар кирадилар.

УЧИНЧИ САҲНА

Жадов, Юсов, Белогубов, 1-нчи ва 2-нчи чиновниклар

Белогубов. Аким Акимич, овқатланиш бўлса у ерда овқатландик, энди рухсат этинг бу ерда сизни вино блан зиёфат қилай, музикани ҳам чалдирамиз.

Юсов. Чақиравер, чақир!

Белогубов. Қанақасидан ичамиз? Шампанскийми?

Юсов. Э, қўйсангчи...

Белогубов. Рейнвейнми? Утиринг жаноблар.

Белогубовдан бошқа ҳамма ўтиради.

Василий, четэл рейнвейнидан олиб кел!

Василий кетади.

Э, саломат бормисиз! Қани буёққа, бирга ўтирсакчи?
(Жадовга яқин келади.)

Жадов. Қуллуқ. Мен ичмайман.

Белогубов. Бу нима деганингиз, ошна. Мен учун-а!..
Бир рюмка-я... қариндош бўлганмиз-а! (Василий вино олиб
келади. Белогубов ўз столи ёнига келади.) Қуй!

Василий қуяди.

Юсов. Қани, оғайни, сенинг соғлигинга. (Рюмкани
қўлига олиб, ўрнидан туради.)

1-нчи ва 2-нчи чиновник. Соғлигингиз учун.
(Рюмжаларни олиб, ўринларидан турадилар.)

Юсов (Белозубовнинг бошига бармоғи блан ишора
қилиб). Бу пешона-ю, бу миянинг чакана эмаслигини илга-
ридан билар эдим.

Қадаҳ уриштирадилар.

Упишамиз.

Упишадилар.

Белогубов. Йўқ-йўқ, қўлингизни беринг, қўлингизни.
Юсов (қўлини яшириб). Қўй, кераги йўқ. (Ўтиради.)

Белогубов. Сиз туфайли одам қаторига кирдим.

1-нчи ва 2-нчи чиновник. Рухсат этинг. (Белозу-
бов блан қадаҳ уриштириб, ичишади ва ўтиришади.)

Белогубов (рюмкага вино қўйиб, патнусда Жадовга
узатади). Биродар, қўлимни қайтарманг.

Жадов. Мен сизга айтдим-ку, ичмайман.

Белогубов. Келинг энди, одамни ранжитманг.

Жадов. Елим бўлманг, фойдаси йўқ.

Белогубов. Вино ичмасангиз, бошқа нарса ичарсиз?
Хоҳлаганингизни буюринг, биродар, жоним блан.

Жадов. Ҳечнарса керак эмас. Мени тинч қўйсангиз
бас! (Ўқийди.)

Белогубов. Майлингиз. Нега мени ранжитаяпсиз,
билмадим. Мен-ку астойдил, чин кўнгилдан таклиф этаяп-
ман... (Ўз столи ёнига боради.)

Юсов (аста). Қўявер уни.

Белогубов (ўтиради). Жаноблар, яна бир рюмкадан.
(Қуяди.) Пироженога қалайсизлар? Василий, пироженое
олиб кел, кўпроқ олиб келавер!

Василий чиқиб кетади.

Юсов. Нечук бугун жуда ҳам қўлинг очилиб кетди! Бирор ишни дўндирдингми дейман?

Белогубов (*чўнтагини кўрсатиб*). Қойил қилдим! Ким туфайли денг? Албатта сиз туфайли-да.

Юсов. Улгуржими дейман-а?

Белогубов (*чўнтагидан бир пачка пул олиб*). Мана, буларни кўринг.

Юсов. Ҳа сени биламан, хила эпчил йигитсан.

Белогубов (*пулларини чўнтагига солатуриб*). Йўқ, менга қаранг! Мен кимга ташаккур айтишим керак? Сиз бўлмасангиз мен ўз ақлим блан нима ҳам қилаолардим? Мени одам қилган, йўл-йўриқ кўрсатган сиз эмасмисиз? Мени ўз қанотингизда тарбияладингиз. Мен ишнинг кўзини тўрт йилда билиб олдим, бошқа одам бўлса ўн йилда ҳам билолмас эди. Сиздан ўрнак олганим учун одам бўлдим, бўлмаса ўз ақлим блан узоққа боролмаслигим турган гап эди. Сиз, менга ота фарзандига қиладиган яхшилиқдан ҳам зиёда яхшилиқ қилдингиз. (*Кўзёшини артади*.)

Юсов. Кўнглинг очик, соф юраклисан, бу ҳаммада ҳам бўлавермайди.

В а с и л и й пироженое келтиради.

Белогубов. Ким деган одам бўлардим денг? Қипқизил аҳмоқ! Энди эса жамият а'зосиман, ҳурмат-иззатдаман, кўчадан ўтиб қолгудек бўлсам савдогарлар салом беришади, меҳмонга таклиф этишади, қаерга ўтқазишини билмай шошилиб қолишади, унинг устига хотиним ҳам яхши кўради. Бўлмаса мен аҳмоқнинг нимами яхши кўрсин! Василий! Қимматбаҳо конфетларинг йўқми?

В а с и л и й. Топилиб қолар.

Белогубов. Хотинимга. (*Василийга*.) Қани кўпроқ қилиб қозога ўраб бергин. Майли савдолашиб ўтирмай тўлайвераман.

В а с и л и й кетабошлайди.

Тўхта! Пироженоелардан ҳам қўшиб ўра.

Юсов. Бўлди-да, хотинни талтайтириб юборасан.

Белогубов. Йўқ, йўқ. (*Василийга*.) Урайвер, тузукми?

В а с и л и й. Хўп бўлади. (*Кетади*.)

Белогубов. Хотинимни ҳаддан ташқари яхши кўраман. Хотин деганни қанча сийласанг шунча муҳаббат кўяди, Аким Акимич. Хотинимга қараганда мен бир пақир ҳам

турмайман. У ма'лумотли хотин... Бугун янги кўйлак сотиб олиб бердим... Йўғе сотиб олганим йўқ, олиб бердим. Пули бўлса бир гап бўлар, куйиб кетмас.

Юсов. Ажаб қилибсан. Ҳар нарсага ҳам пул тўлайверадими, киши? Иши-пиши тушиб қолса, ора-очиқ бўлиб кетарсизлар. Тоғ блан тоғ учрашмайди, лекин одам блан одам учрашади, дейдилар.

Василий қоғозга ўралган конфетни олиб келади.

Белогубов. Шляпамга солиб қўй. Яна биттадан ичайлик. (Қуяди.) Василий, яна бир бутилка!

Юсов. Бўлди энди.

Белогубов. Йўқ, нега энди. Ахир, зиёфат қилаётган сиз эмас, мен-ку!

Василий кетади.

1-нчи чиновник. Қизиқ бир воқиа бўлди денг! Кўримсизгина бир мирзамиз бор эди, ўша нима қилипти денг! Ҳукмдан қалбаки нусха кўчирипти, (хаёлига келганини ёзавирипти!) иннайкейин ҳамма иштирок этганлар учун ўзи қўл қўйипти-да, да'вогарга олиб бориб берипти. Пулга дахлли иш экан. Лекин у ҳукм нусхасини да'вогарнинг қўлига топширмапти, эса жойида экан-да, кўрсатипти, холос. Хуллас анча-мунча пулни қўлга киритипти. Да'вогар кейин судга келса ҳукм мутлақо тескари бўлиб чиқипти.

Белогубов. Бу пасткашлик. Бунақангги одамни ишдан ҳайдаш керак.

Юсов. Ҳа, ҳайдаш керак. Чиновникларга иснот келтирмасин. Иш қилгандан кейин уни қойил қил, фирибгарлик ишлатма. Ишни шундай бажаргинки илтимос қилучи ҳам миннатдор бўлсин, сен ҳам қуруқ қолма. Қонундан ташқари чиқма; сиз ҳам куймасин, қабоб ҳам. Беш панжани оғизга тиқиш бема'依лик. Тома-тома қўл бўлур деганлар! Шу ҳам одам бўлдим! Бунақа қилаверса бир кунмас-бир кун суроби тўғри бўлиб қолади.

Белогубов (рюмкага вино қуяди). Марҳамат қилсинлар, Аким Акимич!.. Бир нарса сўрайман, йўқ демайсизми? Тиз чўкиб илтимос қиламан.

Юсов. Сўрайқол.

Белогубов. Едингиздами ўтган сафар машина «Тош кўча бўйлаб»ни чалганида ўйнаб бериб эдингиз?

Юсов. Оббо сеней, нималарни ўйлаб топмайсан!

Белогубов. Бир хурсанд қилинг, Аким Акимич! Умр-бод эсдан чиқмайдиган бўлсин.

Юсов. Майли, майли. Сен учун ўйнаб бераман-да! Айт, «Тош кўча бўйлаб»ни қўйсин.

Белогубов. Ҳой, Василий! «Тош кўча бўйлаб»ни қўйиб юбор, ўзинг эшик тагида қараб тур, тагин биров кириб қолмасин.

Василий. Хўп бўлади. (Машинани ишга солади.)

Юсов (Жадовни кўрсатиб). Анаву! Еқтирмайман мен уни. Узица нима деб ўйлар экан ҳали.

Белогубов (Жадов ёнига ўтириб). Оғайни, ахир, бизга эл бўлақолсангиз бўлмайдим. Мана энди Аким Акимич сиздан хижолат бўлаптилар.

Жадов. Нимадан хижолат бўлар экан?

Белогубов. Ўйинга тушмоқчи эдилар. Ишдан кейин ахир, унча-мунча ўйин-кулги қилиш ҳам керак-да, оғайни. Ҳадеб ишлайверадим. Нима қилипти? Ўйнаш гуноҳ эмас, истироҳат, ҳечкимни хафа қилмаганимиздан кейин...

Жадов. Ўйнайверинг. Истаганингизча, мен сизларга халақит бермайман.

Белогубов (Юсовга). Ўйнайверинг, Аким Акимич, бундан хавотир бўлманг.

Василий. Қўяйми, ижозатми?

Юсов. Қўй.

Машина «Тош кўча бўйлаб»ни ижро этади. Юсов ўйнайди.
Тамом бўлгач Жадовдан бўлак барча қарсақ чалади.

Белогубов. Йўқ энди шампанское ичмасак бўлмайди! Василий бир бутилка шампанское олиб кел! Ҳисобла, ҳаммаси неча пул бўлади?

Василий (чўтга ҳисоблаб). Ун беш сўм.

Белогубов. Мана. (Беради.) Мана бу ярим сўм ўзингга, чой пули.

Василий. Раҳмат. (Кетади.)

Юсов (баланд овоз блан). Она сути оғзингиздан кетмаган-у, ҳали мени калака қилаяпсизларми!

1-нчи чиновник. Қўйинг-е, Аким Акимич, сизга миннатдорлигимизни билдиrolмай ҳалакмиз-ку!

2-нчи чиновник. Шундай.

Юсов. Мен ўйнасам ярашади. Умримда одам боласи қўлидан келадиган ишларнинг ҳаммасини бажардим. Қўнгим тинч, елкамни эзадиган оғир юким йўқ, оиламни та мин

қилиб қўйибман — ўйнайвераман. Энди менинг ишим дунёнинг лаззатидан баҳраманд бўлиш! Қуш кўрсам ҳам хурсанд бўламан, гул кўрсам ҳам; буларда лаззат бор.

Юсов сўзида давом этар экан, Василий бутилка келтиради, очади ва қўйиб беради.

Ўзимнинг камбағаллик вақтларим кўзимдан нари кетмайди, шунинг учун бечораларни унутмайман. Бир турли ёш олимларга ўхшаб ўзгаларни таққир қилмайман! Кимни ёмонлашимиз мумкин! Ҳали ўзимизнинг нима бўлишимизни билмаймиз-ку! Бугун пиёнистани масхара қиласан, балки эртага ўзинг ҳам пиёниста бўлиб қоларсан; бугун ўғрини ёмон дейсан, балки эртага ўзинг ўғри бўлиб қоларсан. Ўз тақдиримизни ўзимиз билмаймиз, демак нима бўлишимиз ҳам номаълум. Биз фақат ўлимнинг муқаррарлигини биламиз, холос. Мана сен (кўзи блан Жадовга имо қилиб) бугун менинг ўйинимдан кулдинг; балки эртага ўзинг ҳам мендан баттар ўйинга тушиб қоларсан. Балки (Жадовни ишора қилиб) қўлингни чўзиб, садақа сўраб қоларсан. Манманликнинг оқибати шунақа бўлади! Мағрурлик, манманлик! Мен кўнглим тозалигидан ўйнадим. Ҳадиксирайдиган ишим йўқ, хурсандман! Ҳечкимдан кўрқадиган жойим йўқ. Хоҳласам майдон ўртасига чиқиб, халқ олдида ўйнаб бераман. Ўтган-кетган: «Юрагида кири йўқ одам экан-ки, ўйнапти» дейди-ю кетаверади.

Белогубов (қадаҳ кўтариб). Жаноблар! Аким Акимич саломатлигига! Ура!

1-нчи ва 2-нчи чиновник. Ура!

Белогубов. Аким Акимич биз тарафларга ҳам бир ўтсангиз-чи, бошимиз осмонга етар эди. Эр-хотин ҳали ёшмиз, насиҳат қилардингиз, қонундан чеккага чиқмай, кишилик бурчин бажариб ҳаёт кечирिशни ўргатар эдингиз. Сизнинг сўзингизга қулоқ солганда, ҳарқандай тош юрак ҳам эриб кетади.

Юсов. Йўлим тушса бир кириб ўтарман. (Газетани олади.)

Белогубов (қадаҳни тўлдириб Жадов ёнига олиб келади). Энди ҳам олмасангиз хафа бўламан, биродар.

Жадов. Уқигани қўясизми, йўқми... Қизиқ мақола экан, броқ сиз халақит бераяпсиз.

Белогубов (Жадов ёнига ўтириб). Оғайни, мендан чакки хафа бўлаяпсиз. Келинг, хусуматни ташлайлик. Ўтган ишга саловот. Энди эл бўлиб яшайлик.

Ж а д о в. Бу мумкин эмас.

Б е л о г у б о в. Нега, ахир?

Ж а д о в. Биз тенг эмасмиз.

Б е л о г у б о в. Ҳаркимнинг тақдири ҳархил. Мен ҳозир бахтли ҳаёт кечираяпман, сиз эса ночорликдасиз. Мен бу блан фахрланмайман. Бу пешонага боғлиқ, нима ҳам қила-оламиз. Мен ҳозир бутун бир оилани, ҳатто қайнанамни ҳам боқаяпман. Сизнинг муҳтожлигингизни ҳам яхши биламан; балки сизга пул керакдир: агар хафа бўлмасангиз, қўлимдан келганича қарашиб туришим мумкин! Ҳатто буни қарз деб ҳам ҳисобламайман. Қариндош бўлганимиздан кейин, ўрта-мизда сеники-меники нима қилиб юрипти!

Ж а д о в. Менга нима қилиб пул таклиф қилиб юрибсиз!

Б е л о г у б о в. Оғайни, ахир, ҳозир имкониятим бор, ёрдамлашиш менинг бурчим-ку. Ночорлигингизни кўриб турибман, ахир.

Ж а д о в. Мен сизнинг оғайнингиз эмасман. Қўйинг мени ўз ҳолимга.

Б е л о г у б о в. Ихтиёрингиз! Мен чин кўнгилдан так-лиф қилувдим. Мен сизга ўхшаган кек сақлайдиган одам-лардан эмасман, фақат сиз блан хотинингизга раҳмим кела-ди, холос. (Юсов томон келади.)

Ю с о в (газетани ташлаб). Нималарни ёзишмайди-я! Биронта ҳам тутуруқли гап йўқ! (Белогубовга вино қуйиб беради.) Мана буни ич. Кетамиз!

Б е л о г у б о в (ичади). Кетамиз!

Василий блан Григорий шинелларни кийгизишади.

Василий (Белогубовга икки ўрам нарсани узатиб). Мана бу эсингиздан чиқмасин.

Б е л о г у б о в (хушвақт). Хотинчага. Ҳа ўргилиб кетай.

Кетадилар. Досужев киради.

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Ж а д о в ва Д о с у ж е в.

Д о с у ж е в. Жўнаб қолишипти-ку қаргалар!

Ж а д о в. Тўғри айтасиз.

Д о с у ж е в. Юринг Марьяна Рошчага борамиз.

Ж а д о в. Мен боролмайман.

Д о с у ж е в. Нега энди? Жўжабирдек жонмисиз? Бола боқасизми?

Ж а д о в. Болаку боқмайман-а, лекин уйда хотиним кутиб ўтирипти.

Досужев. Хотинингиз блан кўришмаганингизга кўп вақт бўлдими?

Жадов. Кўп эмас. Бугун эрталабдан бери.

Досужев. Ҳали кўп бўлмапти-ку, бўлмаса. Мен кўришмаганларингга уч-тўрт кун бўлиптими дебман.

Жадов унга тикилиб қарайди.

Нега менга тикилиб қолдингиз? Менинг тўғримда нима мулоҳаза қилаётганингизни билиб турибман. Сиз, мени ҳозир чиқиб кетган олифталардан бўлса керак деб ўйлаяпсиз; янглишасиз. Арслон терисидаги эшаклару, улар! Уларнинг териси даҳшатли, холос. Уша териси блан улар одамларни қўрқитиб юришипти.

Жадов. Росимни айтсам, сизнинг қанақа одам эканингизни тушунолмаяпман.

Досужев. Мана, кўриб турибсиз, аввало хушчақчақ кишиман, қолаверса ажойиб юристман. Сиз ўқиган одамга ўхшайсиз, кўриб турибман, мен ҳам ўқиганман. Маошни оз оламан; пора олмайман — виждоним йўл қўймайди; лекин ҳаёт кечирish зарур. Уйлаб-ўйлаб йўлини топдим: адвокатлик қилабошладим, савдогарларга ариза ёзиб берабошладим. Келинг, бормаидиган бўлсак ичайлик. Василий, арақ олиб кел!

Василий кетади.

Жадов. Мен ичмайман.

Досужев. Қаерда туғилгансиз ўзингиз? Бўлмаган гап. Мен блан ичсангиз бўлаверади. Шундай қилиб ариза ёзиб беришга киришдим. Сиз савдогар халқини билмайсиз. Ҳозир сизга ҳикоя қилиб бераман.

Василий киради.

Иккала қадаҳга қуй! Бир графинга пул ол! (Пул беради.)

Жадов. Мендан ҳам чойингиз ҳақини олинг. (Пул беради.)

Василий кетади.

Досужев. Ичамиз!

Жадов. Майли, сиз учун ичаман, бўлмаса ўзим ичмайдиган одамман.

Уриштириб ичишади. Досужев яна қуяди.

Досужев. Савдогарларга ариза ёзиб бериб, пича қалам ҳақи сўрадингми, бўлди, елкангга миниб олишади.

Дарров талтайиб кетиб: «Ҳой мирза! Ма, арақ олиб ич» деб қолишади. Шундай табиатимни тирриқ қилишадики, қўяверасиз! Ичамиз! «Ичган ҳам ўлади, ичмаган ҳам, ундан кўра ичиб ўлган яхши».

Ичадилар.

Кейин, аризани уларнинг дидига тўғри келадиган қилиб ёза-бошладим. Масалан вексель эвазига пул беришни илтимос қилиш керак. Ёзсанг ўн сатр ҳам бўлмайди, лекин уни уч-тўрт вараққа чўзиб ёзаман. Бундай бошлайман: «Бола-чақам кўп бўлгани туфайли ва шунинг натижасида азият чекаётганимни назарда тутиб». Кейин шу тартибда нақш уриб кетавераман. Шундай бошлаб ёзаман-ки, ўқиб кўриб ўзи ҳам йиғлайди, бола-чақаси ҳам. Кула-кула ичагинг узилгудек бўлади, қўлидан анча-мунча пулни оласан, яна сени ҳурмат қилади, икки букчайиб қуллуқ қилади. Арқон қилиб эшиб юборсанг ҳам чурқ этмайди. Семиз-семиз қайналар-ри, кампирлари бадавлат қизларини бермоқчи бўладилар. Яхши одамман-да, ҳарқандай одамга ҳам ёқиб тушаман. Ичамиз!

Ж а д о в. Бўлди-е.

Д о с у ж е в. Менинг соғлиғимга.

Ж а д о в. Сизнинг соғлигингизга бўлса майли.

Ичадилар.

Д о с у ж е в. Улардан пора олмаслик учун ирода кучли бўлмаса бўлмайди. Улар, софдил, виждонли амалдорларни масхара қилишади, ҳа, ерга уриб юборишади — бу иш қўлларидан ҳам келади. Қаттиқ бўлмасанг бўлмайди! Асли ботирлик қилишнинг ҳам кераги йўқку-я. Устидаги пўстинини шилиб олсанг ҳам бўлади-ку, броқ мен бу ишни қилолмайман. Мен фақат уларнинг нодонлиги учун қўлидан пулни оламан, холос, кейин ҳаммасини ичиб битираман. Э... чакки уйланган экансиз-да! Ичамиз. Исмингиз нима?

Ж а д о в. Василий.

Д о с у ж е в. Адаш эканмиз. Ичдик, Вася!

Ичадилар.

Яхши одамга ўхшайсан.

Ж а д о в. Мен ҳам одам бўлдимми! Мен ҳали гўдакман, ҳаётнинг нима эканини яхши билмайман. Сиздан эшитганларимнинг ҳаммаси мен учун янгилик. Аҳволим оғир мени! Билмадим бардош бераолармикинман! Атрофимиз бузуқлик-

дан иборат, тузатишга кучинг етмайди! Бизни нега илму ма'рифатга ўргатишди экан-а!

Д о с у ж е в. Ич, енгил тортасан.

Ж а д о в. Йўқ, йўқ! (Бошини қўллари устига қўяди.)

Д о с у ж е в. Мен блан бормайсанми, энди?

Ж а д о в. Бормайман. Нега менга ичирдингиз? Нима қилиб қўйдингиз!

Д о с у ж е в. Хайр бўлмаса. Мана энди танишиб олдик! Кайфинг пича ошиб қолди, дейман, ука! (Жадовнинг қўлини сиқади.) Василий, тўнимни бер! (Шинелини кияди.) Мендан хафа бўлиб юрма тагин! Мен адои-тамом бўлган одамман. Иложини топсанг, мендан кўра дурустроқ одам бўлишга ҳаракат қил. (Эшик томон бориб, яна қайтади). Ҳа! Сенга айтадиган насиҳатим бор. Агар бугундан бошлаб мен туфайли ичкиликка ўрганиб кетсанг, эсингда бўлсин, вино ичма, арақ ич. Винони ҳам'ён кўтармайди, ҳаммасидан ҳам арақ яхши, ука: ҳам дардингга дармон бўлади, ҳам арзон. Хайр! (Кетади.)

Ж а д о в. Йўқ! Ичиш яхши эмас! Хурсанд эмас баттар хафа қилади. (Хаёлга чўмади. Василий бошқа залдагиларнинг буйруғи блан машинани ишга солади. Машина «Лучина» ашуласини чалади. Жадов ашула айтади.) «Лучина, Лучина, оққайинзорим!..»

В а с и л и й. Ана, холос! Яхши эмас! Бема'нилик бу!

Ж а д о в тезда шинелини кийиб, чиқиб кетади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Саҳна камбағал жиҳозланган хонадан иборат. Ўнг тарафда дераза, дераза тагида стол, чап томонда ойна.

БИРИНЧИ САҲНА

Полина (*ёлғиз, деразага қараб*). Юракларим торс ёрилиб кетай деяпти! (*Ашула айтади.*) «Онажон, жонгинам! Фарзандингга раҳминг келсин, меҳрибоним». (*Кулади.*) Хаёлимга-келган ашулани қаранг-а! (*Яна хаёлга чўмади.*) Зерикканимдан торс ёрилаёздим. Картада пол очиб кўрсаммикин? Нима, биров менинг қўлимни ушлармиди? Очаман, очаман. Ҳеч нарса топилмаса ҳам карта топилади. (*Стол тертмасидан картани олади.*) Гаплашай десам ҳечким йўқ. Битта-яримта одам келиб қолса жуда яхши бўларди-да, хурсанд бўлиб кетар эдим. Ахир, шу ҳам иш бўлдими, ёлғиз ўтирганим, ўтирган... Гаплашишни ўлгудек яхши кўраман. Ёшлигимизда саҳаргача гаплашиб ўтирардик, вақтнинг ўтганини ҳам билмай қолар эдик. Мана энди гаплашадиган одам ҳам йўқ. Опамнинг олдига бориб келсаммикин-а? Йўқ, кеч бўлиб қолди. Аттанг, илгарироқ эсимга келганда-ку. (*Ашула айтади.*) «Онажон, жонгинам!..» Вой эсим курсин, пол очмоқчи эдимку. Нимани очсам экан? Қани, очиб кўрайчи, янги шляпа келармикин менга? (*Карталарни ёзади.*) Келади, келади... (*Чапак чалади, хаёлга чўмади, кейин ашула айтабошлайди.*) «Онажон, жонгинам! Фарзандингга раҳминг келсин, меҳрибоним!»

Юлинька киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Полина блан Юлинька

Полина. Эсон-омонмисан!

Упишадилар.

Ажаб қилиб келибсан, шляпангни еч!

Ю л и н ь к а. Йўқ, ўтирмайман, биррав кириб чиқай деб келувдим.

По л и н а. Вой-бўй, ясениб кетибсану, опа!

Ю л и н ь к а. Ҳа, шу кеча-кундуз четёлдан нима янги нарса келса қўймай сотиб олаяпман.

По л и н а. Бахтли экансан, Юлинька.

Ю л и н ь к а. Ҳа, мен ҳам ўзимни бахтли ҳисоблайман. Сенчи, Полина, туриш-турмушингни қара? Расво-ку. Ҳозир шунақангги замон эканми. Бу замонда орзу ҳавас блан яшаш керак.

По л и н а. Ахир, нима қилай? Менми гуноҳқор?

Ю л и н ь к а. Кеча биз паркка бордик. Бирам маза қилдикки, асти қўявер! Аллақандай бир савдогар бизни овқат, шампанское, турли-туман мевалар блан зиёфат қилди.

По л и н а. Мен бўлса ёлғизман. Уйда ўтирганим-ўтирган. Зерикиб ўлар ҳолатга етдим.

Ю л и н ь к а. Кўрдингми, Полина, мен ҳозир жудаям бшқача бўлиб кетдим. Пул ва яхши ҳаёт кишини нақадар олижаноб қилиб юборишини сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Рўзгор ишларига сра аралашмайман, иш қилишни пасткашлик деб биламан. Пардоз қилишдан бўлак ҳечнарсани назарим илмайди. Сенчи, сен! Шу ҳам тирикчиликми! Қани, менга айтчи, эринг нима иш қилади, ўзи?

По л и н а. У ҳатто сизларникига боришга ҳам рухсат этмайди, уйда ўтир, ишла дейди, холос.

Ю л и н ь к а. Қандай разолат! Ўзини ақлли одам деб ҳисоблайди-ю, замонанинг талабидан беҳабар. Киши жамият учун яратилади, буни эринг билиши керак эди.

По л и н а. Нима дединг?

Ю л и н ь к а. Киши жамият учун яратилган. Буни ким билмас экан! Ҳаммага ма'лум.

По л и н а. Яхши айтдинг, мен буни эримнинг юзига соламан.

Ю л и н ь к а. Сен у блан фикллашиб кўрсанг қалай бўлар экан!

По л и н а. Фижиллашиб ҳам кўрдим, фойдаси бўлмади. Ҳамиша у ҳақли бўлиб чиқади-ю, мен гуноҳқор бўлиб қоламман.

Ю л и н ь к а. Яхши кўрадим сени?

По л и н а. Жудаям.

Ю л и н ь к а. Сенчи?

По л и н а. Мен ҳам.

Ю л и н ь к а. Айб ўзингда экан-да, жонгинам. Эрни эркалаш блан мақсадга эришиб бўлармиди. Сен уни эркалаганингдан кейин албатта қўлини қовуштириб ўтириб олади-да, талтайиб кетиб ҳаммани унутиб қўяди.

По л и н а. Кечаю-кундуз ишлайди-ю, бечора.

Ю л и н ь к а. Марг унинг ишлашига. Мана менинг эрим, унақа кўп ишламайди, лекин турмушимизни қара, қандай яхши. Ростини айтсам, Онисим Панфилич топилмайдиган одам, ажойиб хўжайин; бориб кўрсанг билар эдинг, уйимизда ҳамма нарса муҳайё. Ахир, бўлмаса ҳали ҳечвақт ўткани йўқ-а! Қаердан топиб келади, ақлинг етмайди, киши! Сенинг эринг-чи? Шу ҳам эр бўлдими? Туриш-турмушларингни кўрган киши ирганади.

По л и н а. У нуқул: ўтир, ишла, ўзгаларга ҳавасинг келмасин; бизнинг ҳам турмушимиз яхши бўлиб кетади, дейди, холос.

Ю л и н ь к а. Қачон яхши бўлар экан? Кутавериб қариб кетасан. У вақтда орзу ҳавасни бошингга урасанми! Чидашнинг ҳам чегараси бўлади-да.

По л и н а. Нима қилай энди, бўлмаса?

Ю л и н ь к а. Эринг эр эмас, золим экан. Машмаша қилиб ўтирасанми, у блан! Мен сени севмайман дегин, тамом! Йўқ, яхшиси: бундай ҳаёт жонимга тегди, энди ортиқ сен блан яшайолмайман, онамникига кўчиб кетаман, яна кетимга тушиб овора бўлиб юрма, дегин. Мен ойимни огоҳлантириб қўяман.

По л и н а. Бўпти, жуда соз! Мен бу ишни боплайман.

Ю л и н ь к а. Қўлингдан келармикан?

По л и н а. Бўлмаса-чи! Бундақангги найрангбозликни бажариш бўлса ҳарқандай артисткадан ҳам ўтказиб юбораман. Биринчидан ёшлиқдан шу йўсинда тарбияланганмиз, эндиликда эса, ёлғиз қолавериб, ишдан зерикиб кетганимдан ўзим блан ўзим сўзлашишга ўрганиб қолдим. Бирам ўргандим-ки, асти сўрама. Броқ бечора эримга раҳмим келади-да.

Ю л и н ь к а. Раҳминг келмай қўяқолсин! Ҳа айтканча мен сенга шляпа олиб келувдим-а. (*Картон қутидан олади.*)

По л и н а. Мунча яхши, мунча чиройлик! Раҳмат опа-жон, катта раҳмат! (*Опасини ўпади.*)

Ю л и н ь к а. Эски шляпанг жуда путурдан кетган экан.

По л и н а. Ҳа, жуда-ям кўнглимга тегиб кетган эди! Кўчага кийиб чиққани ҳам уялар эдим. Мана энди мен ҳам

бир эримни гашига тегиб қўййчи. Сенинг хаёлингга ҳам келмайди-ю, мана бегоналар сотиб олиб берди, жонгинам дейман.

Ю л и н ь к а. Бўлар иш бўлди. Полинъка биз ҳам энди қараб турмаймиз, қўлдан келганча ёрдамлашамиз. Фақат сен эрингни сўзига кирмасанг бўлгани. Сен унга тушунтириб қўй, яхши кўриш қуруқдан-қуруқ бўлавермайди дегин. Ахир, ўзинг ўйлаб кўрчи, эси паст, эрларни бекордан-бекорга яхши кўришдан нима фойда? Ақлга ҳам тўғри келмайди ўзи! Аввал мени ясантриб, кўпчилик ичида зеби-зийнатга ярқиратиб қўй, кейин мен сени яхши кўрай! У сени бахтли бўлишингни хоҳламайди-ю, сен индамай юраверасанми? Тоғасидан бир оғиз илтимос қилса-ку олам гулистон, менинг эримга ўхшаш сердаромад жойга ўрнаштириб қўяди.

П о л и н а. Мана энди мен уни қўярда-қўймай қистаганим бўлсин.

Ю л и н ь к а. Ахир, ўзинг ўйлаб кўргин: бинойи, бир чиройли қиз бўлсанг, агар сени яхшилаб ясантриб, театрга обориб ўтқазиб қўйсачи... чироқ ёнганда... дурбунини сенга тикмаган эркак қолмайди-я.

П о л и н а. Қўй, унақа дема, опа, йиғлаб юбораман.

Ю л и н ь к а. Мана бу пулни ол (кармонидан чиқариб беради), бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, эрингга ялиниб юрмайсан. Ҳозирча пулимиз бор экан, бошқаларга ёрдамлашиб туришга қарор қилдик.

П о л и н а. Раҳмат, опажон! Лекин эримнинг жаҳли чиқмасмикин деб қўрқаман.

Ю л и н ь к а. Чиқса чиқар, худо ўлим берсин! Жаҳли чиқар экан деб юраверасанми! Бегонадан эмас, туғишганингни қўлидан олаяпсан-ку. Энди уни деб оч ўтирасанми! Хайр Полина, яхши қол.

П о л и н а. Яхши боринг, опа. (Кузатиб қўяди.)

Ю л и н ь к а кетади.

УЧИНЧИ САҲНА

Полина. Юлиньканинг жуда ҳам ақли расо-да! Мен бўлсам ўлгудек гўлман! (Картон қутига кўзи тушиб.) Янги шляпа! (Чапақ чалади.) Эрим ранжитиб қўймаса, мана шу хурсандлигим бир ҳафтага етади. (Ашула айтади.) «Онажон, жонгинам...»

Кукушкина киради.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Полина блан Кукушкина

Кукушкина. Ҳали ҳам ашула айтишинг қолмаган экан-да.

Полина. Салом, ойижон! Зерикканимдан айтаяпман.

Кукушкина. Уйингга сраям қадам босмайман дедиму...

Полина. Нега энди, ойижон?

Кукушкина. Ирганамаан сеникига келгани, ирганамаан. Шу ердан ўтиб кетаётгандим, кириб чиқақолай дедим. Бунақанги қашшоқлик, гадойликни кўришга тоқатим йўқ. Менинг уйим озода, саранжом, бу ердачи — бу нима! Қишлоқининг уйдан ҳам баттар! Жирканч!

Полина. Менда нима айб бор?

Кукушкина. Шундай ҳам паст одам бўладими! Ростини айтсам, ҳамма гуноҳ ўзингда. Ундан умидим ҳам йўқ эди. Сенчи, сен нега индамайсан, отинча? Сенга тайинлаб уқдирмаганмидим: эрингга бўш келма, кечасию кундузи тинмай эговла: пул сўра, қаердан бўлмасин топиб олиб келгин. Менга пул керак, уни оламан, буни оламан. Менинг онам кўнгли нозик аёл, уни яхшилаб кутмасак бўлмайди, демайсанми. Пулим йўқ деса менинг нима ишим бор? Уғирлаб топасанми, тўғрилиқчами. Бўлмаса мени нега олдинг? Уйланиш қўлингдан келар экан, хотиннинг ками-кўстини буташнинг ҳам уддасидан чиқ-да. Агар мана шундай деб, уни эртаю-кеч қийнайверсанг ажаб эмас ақли ҳам кириб қолармиди. Сенинг ўрнингга бўлсам бундан бошқа нарса тўғрисида гаплашмасдим ҳам.

Полина. Ахир, менда қаттиққўллик хусусияти бўлмаса нима қилай, онажон?

Кукушкина. Йўқ, яхшиси сен, хусусиятим аҳмоқлик ва суюқликдан иборат деб иқрор бўлақол. Сен суюқлик эркак кишини бузишини биласанми, ўзинг? Фикри-зикринг нозу карашма қилишда, иложи бўлса кечаю-кундуз эрингни бўйнига осилиб олсанг. Эрга етишдим деб, ўзингда йўқ хурсандсан, шекилли. Тириклик эса эсингга ҳам келмайди. Уятсиз! Кимга ўхшадинг ўзинг! Уругимизда эрпараси йўқ эди-ку. Ҳаммаси ҳам орзу-ҳавас, яхши кийиниш, одамлар кўзига яхши кўринишни ўйлайдиган аёллар. Ха, эрни эркалаб туриш керак, албатта, лекин у нима учун эркалаётганингни сезсин-да. Мана Юлинька, эри кўчадан бирор нарса кўтариб келгудек бўлса бўйнига шундай осилиб оладики,

зўрға ажратиб олишади. Шунинг учун эри ҳар кун и унга турли ҳад'ялар кўтариб келади. Қуруқ кириб келсачи, қошу-қовоғини солиб, икки кунгача гаплашмай қўяди. Бўйнига осилаверишнинг ҳам мароми бор, бўлмаса эрларга бу ёқмайди деб ўйлайсанми, уларга шу бўлса бас. Уялгин-е!

Полина. Лақма эканимни ўзим ҳам сезаман, менга яхши гапириб, эркалатса бас, дарров эриб кетақоламан.

Кукушкина. Қани, қараб тур, иккаламиз бир бўлиб босиб кўрайликчи, балки бўш келиб қолар. Энг муҳими, уни эркалатмаслик ва бема'ни сўзларига қулоқ солмаслик: у дард деса сен марг дегин, ҳушингдан кетгунча олиш, лекин бўш келма. Ен бердингми, бўлди, эринг елкангга чиқиб олади. Ҳа, мағрурлигига зарба бериш керак, мағрурлигига! Эрингни мақсадини биласанми ўзинг?

Полина. Қаёқдан билай.

Кукушкина. Шунақангги бир аҳмоқона философия пайдо бўлипти, уни яқинда бировнинг уйида эшитдим, ҳозир жуда расм бўлган эмиш. Бу философия тарафдорларининг фикрича дунёда улардан ақлли одам йўқ эмиш, қолган ҳамма аҳмоғ-у, порахўр эмиш. Ана бема'нили-гу, ана аҳмоқлик! Биз пора олишни истамаймиз, ойлигимиз блан ҳаёт кечираверамиз эмиш. Бундай тирикчилик қилиб бўлар эканми? Бунақангги бўлса қизларни ҳам эрга бериб бўлмайди. Ахир, бунга йўл қўйиб берилса одамзоднинг ҳам бориб-бориб тухуми қуриб кетади-ку. Пора-я! Шу ҳам гап бўлди-ми? Бу сўзни яхши одамларни ҳақорат қилиш учун ўйлаб чиқаришпти. Пора эмас, буни миннатдорлик дейиш керак. Миннатдорликдан қайтиш гуноҳ, кишини ранжитиб қўйиш мумкин. Шу ҳам гапми! Бўйдоқликни эса йўриги бўлак. Бўйдоқ бўлсанг ҳечкимни сенда да'воси йўқ, билганингча кунингни кечиравер. Лекин уйландингми, хотин блан ҳаёт кечиришнинг уддасидан чиқ, ота-онасини алдама. Улар нима ёмонлик қилди сенларга. Эси паст йигитлар, тарбия кўрган, ёшлигидан ҳаётнинг нималигини тушунган, ота-онаси бори-йўгини аямай одоб бериб, бема'ни сўзлардан узоқда сақлаб тарбия қилган бир қизни олади-да, мана бунга ўхшаган бир кулбага қамаб қўяди. Шундай олижаноб бир қизни кир ювадиган хизматкор қилиб қўймоқчи бўладими? Бунақа экан, боши берк кўчага кириб қолган, эрга теккач бека бўлиш нимаю, хизматкор бўлиш нима — фарқига бормайдиган қизларга уйланишмайди. Бунақангги хотинлар эрини яхши кўрганидан юбкасини ўзи ювишга ҳам, бозорма-

бозор санқиб юришга ҳам рози бўлаверади. Мана шунақангги тушунмаган хотинлар йўқ деб ўйлайсанми.

Полина. Эрим мени шу куйга солмоқчи-да.

Кукучкина. Тушунган, ҳаётнинг нима эканини беш панжасидек биладиган хотинларга нима керак? Улар буни билишмайди. Хотин киши яхши кийиниши керак, унинг оқсочи бўлиши керак, ҳаммадан ҳам осойишта бўлиши, ҳеч-нараса блан иши бўлмаслиги, олижанобликдан чиқиб қолмаслик учун ҳечқандай хўжалик ишларига қотишмаслиги зарур. Мана Юлинька худди шунақа ҳаёт кечиради, ўзига зеб беришдан бўлак нараса блан иши йўқ. Ўрнидан кеч туради; эри эрталаб туриб ҳамма ишларни саранжом қилади, кейин хизматчи тайёрлаган чойни ичиб, ишига жўнаб кетади. Ниҳоят опанг ҳам ўрнидан туради; чой дейсанми, кофе дейсанми — ҳаммаси тайёр, еб-ичади, иннакейин ясаниб, қўлида китоби, дераза олдига ўтириб олади-да, эрининг келишини кутади. Кечқурун энг яхши кийимларини кийиб ё театрга жўнайди ёки меҳмонга боради. Мана бу ҳаёт! Мана бу тартиб! Хотин деган мана шунақа бўлса! Бундан ҳам ортиқ олижаноб, бундан ҳам дилрабо ҳаёт бўладими?.. Қандини урсин.

Полина. Роҳат-а, роҳат! Мен ҳам бир ҳафтагина шундай ҳаёт кечирсам эдим.

Кукучкина. Ҳа шу эринг бўладиган бўлса, етишасан, кутавер!

Полина. Яхшилаб уришиб қўйинг уни, ойижон. Мени жудаям ҳавасим келади. Юлинька ҳар сафар келганида янги-янги кўйлак кийиб, ясаниб келади, мени бўлса битта кўйлагим ҳалигача иккита бўлмайди. Ана ўзи ҳам келаяпти. (Эшикка яқинлашади.)

Жадов келади, қўлида портфель. Упиб кўришади.

БЕШИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Жадов

Жадов. Салом, Фелисата Герасимовна! (Ўтиради.) Уҳ, жуда чарчадим!

Полина онаси ёнига бориб ўтиради.

Ишга берилиб кетиб, дам олишни ҳам унутиб юбордим. Эрталаб маҳкамада, кундузи дарсда, кечаси уйда ўтириб иш қиламан; хат кўчираман. Хизмат ҳаққи ҳам ёмон эмас. Сен бўлсанг Полина, иш қилиш ўрнига қўлингги қовуштириб ўтирганинг ўтирган! Иш устида ўтирганингги сра кўрмайман.

К у к у ш к и н а. Мен қизларимга унақа тарбия берган эмасман, улар чўриликка ўрганмаган.

Ж а д о в. Яхши қилмаган экансиз. Ешлигидан меҳнатга ўрганмаган одамнинг кейин ўрганиши қийин бўлади. Лекин барибир ўрганмай иложи йўқ.

К у к у ш к и н а. Урганиб нима қилади? Мен уларни оқсоч қилиб эмас, олижаноб йигитларга муносиб хотин қилиб етиштирганман.

Ж а д о в. Иккимизнинг фикримиз икки хил экан, Фелисата Герасимовна. Мен Полинанинг менга қулоқ солишини истайман.

К у к у ш к и н а. Уни хизматкорликка ўргатмоқчиман, денг; бунақа экан ўзингизга муносибини топиб уйлансангиз бўлмасмиди. Кечирасиз, биз ҳаётга бошқача қарайдиган одамлармиз, биз таги тоза, олижаноб кишилармиз.

Ж а д о в. Бу олижаноблик эмас, қуруқ мақтанчоқлик! Мақтанчоқлик бизга ярашмайди.

К у к у ш к и н а. Гапларингиз кишининг эңсасини қотиради. Ростини айтсам: агар қизимнинг бахтсиз бўлишини, мана шунақа қашшоқ ҳаёт кечиришини билганимда, уни сизга сра ҳам бермаган бўлар эдим.

Ж а д о в. Бахтсиз экансан деб қизингизнинг миясини айнитмаслигингизни илтимос қилар эдим. Тагин ростдан ҳам бахтсиз эканман деб ишониши мумкин.

К у к у ш к и н а. Бахтли эканми, бўлмаса? Чор-ночор ҳаёт кечираётгани кўришиб турипти-ку. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса билмадим нима қилган бўлар эди.

П о л и н а йирғайди.

Ж а д о в. Полина, эсингни йиғиб ол, менга раҳминг кел майдими?

П о л и н а. Сенга қолса ҳаммани ҳам эси пастга чиқариб қўясан. Ҳақиқатни ёқтирмайсан, аччиқ ҳақиқатни эшитишга тоқатинг йўқ!

Ж а д о в. Қандай ҳақиқатни?

П о л и н а. Рост-да; ойим ёлғон гапирармидилар!

Ж а д о в. Бу тўғрида сен блан кейин гаплашамиз.

П о л и н а. Гаплашиб ҳам нима қилдик. (Ундан юз ўгиради.)

К у к у ш к и н а. Ҳа, тўғрида.

Ж а д о в (хўрсиниб). Бу қандай бахтсизлик!

К у к у ш к и н а блан П о л и н а унга этибор бермай ўзаро шивирлашишади.

Ж а д о в портфелидаги қоғозларни олиб стол устига ёяди ва қуйидаги суҳбат мобайнида уларга кўз ташлаб туради.

К у к у ш к и н а (*баланд овоз блан*). Биласанми, Полина, Белогубовларникига кириб эдим, опангга янги духоба кўйлак олиб берипти.

П о л и н а (*йиғи аралаш*). Духоба! Рангги қанақа экан? К у к у ш к и н а. Жигарранг.

П о л и н а. Э... Худойим! Жудаям ярашгандир ўзига.

К у к у ш к и н а. Нимасини айтасан! Яна Белогубовнинг шайтонлигини қара! Кулдиравериб ўлдирди. Ойи, қизингиздан шикоятим бор: духоба кўйлак олиб берсам мени бирам қаттиқ ўпиб олдики, оғритиб юборди, дейди. Ана ҳаёту, ана муҳаббат! Бошқаларга йўл бўлсин.

Ж а д о в. Йўқ, ортиқ чидаб бўлмайди! (*Туради.*)

К у к у ш к и н а (*туради*). Бир саволим бор, ҳурматли жаноб, қани айтингчи қизим нима сабабдан азоб чекиши керак?

Ж а д о в. Қизингиз сизнинг ихтиёрингиздан чиқиб, менинг ихтиёримга ўтган, шундай экан қўяверинг, унинг ҳаётига мен раҳбарлик қиламан. Ишонинг, вақти келса яхши ҳам бўлиб кетар.

К у к у ш к и н а. Ахир, мен унинг онасиман, ҳурматли жаноб.

Ж а д о в. Мен эриман, ахир.

К у к у ш к и н а. Қанақа эр эканингизни кўриб турибман! Ҳечқачон эрнинг меҳри ота-она меҳри блан тенг бўлолмайди.

Ж а д о в. Ота-онанинг ҳам ҳар хили бор!

К у к у ш к и н а. Ҳарқандай бўлганида ҳам сизнинг тенгингиз эмас. Биз мана шунақа одамлармиз, ҳурматли жаноб! Қизларимизни тарбиясига, уларни пансионга бериш учун эрим блан иккаламиз бирмиридан йиғиб пул тўплаганмиз... Айтингчи, нима учун шундай қилганмиз? Яхши хулқ-одатларга ўргансин учун, қашшоқликка, тубан ҳаётга учрамасин учун, ёшлигидан қийналмасин, аксинча ёшлигидан яхши ҳаётга, сўзида ҳам, хатти-ҳаракатида ҳам олижанобликка ўргансин учун.

Ж а д о в. Ташаккур. Мана бир йилдан бери сиз берган тарбиядан уни халос қилишга уриниб, уддасидан чиқолма-япман. Унутиб юборса ҳаётимнинг ярмини бағишлашга рози бўлар эдим.

К у к у ш к и н а. Мен уни мана шунақа ҳаёт кечирсин деб тарбиялабмидим! Қизимни бунақангги камбағал, ночор

ва азобу уқубат блан тўла ҳаётга узатгунча қўлимни шартта кесиб ташлашга рози бўлар эдим.

Ж а д о в. Илтимос қиламан, гинахонлигингни бошқа ерда қилинг.

К у к у ш к и н а. Қизларим менинг уйимда шунақа туришармиди? Уйим ҳамиша саранжом, озода. Пулим кўп бўлмаса ҳам улар хонзодалардек туришар эди; ошхонани йўлини ҳам билишмасди, карам шўрвани қандай қилиб пиширишни ҳам, бўйи етган қизларга хос ишлар блан шуғулланишар, олижаноб ҳислар ва анжомлар тўғрисида сўзлашишар эди, холос.

Ж а д о в (*хотинига ишора қилиб*). Ҳа, сизнинг уйингизда учратган бузуқликни ҳечқаерда кўрганим йўқ.

К у к у ш к и н а. Сиздақангилар яхши тарбиянинг фарқига борармиди!.. Айб менда, шошиб қолдим-да! Агар қизимни тарбияли, ма'лумотли одамга берганимда, қизимга берган тарбиям учун ташаккурларга кўмилиб кетган бўлар эдим. Қизим ҳам бахтли бўлган бўлар эди, чунки яхши одам хотинини ишла деб мажбур қилмайди, бунинг учун хизматчи сақлайди; хотин эса фақат...

Ж а д о в (*тезда*). Нимага керак бўлади?

К у к у ш к и н а. Нимага бўлар эди? Буни ким билмас экан? Ҳамма ҳам биледи... Ясантиришга, унга қараб мароқланишга, кўпчиликка қўшилишга, дунёнинг лаззатларидан баҳраманд бўлишга, хотиннинг кўнглига келганини сўзсиз... бажо келтиришга, уни бошида кўтариб юришга-да.

Ж а д о в. Уят-е! Кекса аёлсиз, қариб қолибсиз, қиз ўстириб катта қилибсиз-у, шу вақтгача кишига хотин нима учун кераклигини билмайсиз. Уялмайсизми! Хотин — қўғирчоқ эмас, эрнинг ёрдамчиси бўлади. Она бўлсангиз ҳам эсингиз паст экан!

К у к у ш к и н а. Биламан, сизнинг ниятингиз хотинингизни хизматкор қилиб қўйиш. Бераҳм одам экансиз!

Ж а д о в. Қўйинг бема'ни фикрларингизни!

П о л и н а. Ойижон, қўяқолинг, олишманг у блан.

К у к у ш к и н а. Нега қўяр эканман. Ҳали мен буни ўз ҳолига қўйиб бўпман.

Ж а д о в. Бўлди, бас! Сўзингизга ўзим ҳам қулоқ солмайман, хотинимга ҳам рухсат этмайман. Қариганингизда миянгиз айниб қолипти.

К у к у ш к и н а. Уни қаранглар-а! Шу ҳам муомала бўлдими?

Ж а д о в. Сиз блан бизнинг ўртамизда бошқача муоми-

ла бўлиши мумкин эмас. Илтимос қиламан, бизни ўз ҳолимизга қўйинг. Мен Полинани севаман, уни ўзим эҳтиёт қиламан. Сизнинг сўзларингиз Полина учун зарарли ва одобга зид сўзлар.

К у к у ш к и н а. Жудаям қизишманг, ҳурматли жаноб!

Ж а д о в. Сиз барибир тушунмайсиз.

К у к у ш к и н а (*ғазабланиб*). Тушунмайман? Йўқ, жуда яхши тушунаман. Хотинларнинг қашшоқлик натижа-сида ҳалок бўлганини ўз кўзим блан кўрганман. Камбағал-лик нималарга олиб бормаиди. Уришиб-уришиб, ахири йўл-дан озиб кетадиганлари ҳам бўлади. Уларнинг устига айб ҳам қўяолмай қоласиз.

Ж а д о в. Нима деяпсиз! Қизингиз олдида шундай гап-ларни айтишга қандай виждонингиз йўл қўяди! Марҳамат қилинг, уйни бўшатиб қўйинг... Ҳа, тезроқ, тез!

К у к у ш к и н а. Уйингда оч-яланғоч ўтирсанг, унинг устига эринг ҳам ялқов бўлса, нима қиласан, ноилож даро-мад қилиш йўлини ахтарасан-да...

Ж а д о в. Чиқиб кетинг, яхшиликча сўрайман. Ғазабим қўзғаб кетгандан кейин, бўлмайди.

К у к у ш к и н а. Кетаман, бундан кейин уйингни елкам-нинг чуқури кўрсин. (*Полинага.*) Ана эрингни аҳволи! Шўринг қурсин! Қандай бахтсизлик!

П о л и н а. Яхши боринг, онажон. (*Йиғлайди.*)

К у к у ш к и н а. Йиғла, йиғла, шўр пешона, тақдиринг-га йиғла! Улгунингча йиғла! Менинг юрагимни эзганингда кўра ўлганинг ҳам тузук эди. Ташвишингдан қутулар эдим. (*Жадовга.*) Тантана қилаверинг энди! Ишингиз битди: ал-даб йўлдан урдингиз, ўзингизни ошиқ қилиб танитдингиз, яхши сўз блан эритдингиз, натижада қизимни ҳалок қил-дингиз. Мақсадингиз шу экан, энди билдим. (*Кетади.*)

Полина уни кузатиб қўяди.

Ж а д о в. Полина блан жиддийроқ сўзлашиб олмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Бўлмаса уни йўлдан уриб қўйи-шади.

Полина қайтади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Жадов, Полина қовоғи солиқ, дераза тагига келиб ўтиради.

Ж а д о в (*қоғозларини ёйиб, стол ёнига ўтиради*). Энди бундан кейин Фелисата Герасимовна бизникига кел-

маса керак, жуда соз бўлди. Менинг сўзимга кирсанг, сен ҳам, Полина, борма. Белогубовларникига ҳам борма.

Полина. Мени деб ҳамма қавму қариндошларингдан кеч дерсиз ҳали?

Жадов. Мен учун эмас, ўзинг учун. Уларнинг ҳаммаси ҳам ярамас тушунчали одамлар! Мен сени яхшиликка ўргатайпман, улар эса сени йўлдан уриб, бузишяпти.

Полина. Ўрганадиган вақтим ўтиб кетди, аллақачон билимдон бўлиб олганман.

Жадов. Агар бу гапларингни ҳақ эканига иқроор бўлсам жинни бўлиб қолишим мумкин. Йўқ, сенга гап уқдираоларман деб ўйлайман. Ҳозир ишим кўп: бироз камайсин, шунда иккимиз шуғулланамиз. Эрталаб ишингни қиласан-у, кечқурунлари ўқиймиз. Ҳали кўп китоб ўқишинг керак, ахир, сен деярли ҳечнарсга ўқимагансан.

Полина. Ҳа, сенинг оғзингга қараб ўтирадиган аҳмоқ йўқ! Ана маишату! Киши жамият учун яратилади.

Жадов. Нима?

Полина. Киши жамият учун яратилади.

Жадов. Бу гапни кимдан ўргандинг?

Полина. Мени жудаям аҳмоқ деб ўйлайсан, шекилли. Буни ким билмас экан! Ҳамма билади. Нима бало сен мени кўчадан етаклаб олиб келганмидинг?

Жадов. Жамиятга аралашинг учун киши ўзини тайёрлаши, ўқиши керак.

Полина. Ҳечниманинг кераги йўқ, буларнинг ҳаммаси бўлмаган гаплар; фақат модага мувофиқ кийиниб, ясанса бас.

Жадов. Ҳа, мана шунинг ўзи ҳам қўлимиздан келмайди-ку, демак гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ундан кўра қўлингга бирор иш ол, мен ҳам ишимни бошлай. (Қўлига перо олади.)

Полина. Қўлингга иш ол эмиш! Бу гап қаёқдан чиқди? Етар, менинг устимдан шунча ҳукмронлик қилганинг, қийнаб-қийнаб, кейин кулганинг!

Жадов (қайрилиб қарайди). Бу нимаси, Полина.

Полина. Нима бўлар эди, мен ҳам гадойдек эмас, одамлар сингари ҳаёт кечиришни истайман. Жонга тегиб кетди. Сени деб ёшлик чоғимни ғурбатда ўтказдим.

Жадов. Янгилик-ку! Бунақасини ҳалигача эшитмаган эдим.

Полина. Эшитмаган бўлсанг, эшитиб ол. Бир йилдан бери индамай келаяпти, энди бундан кейин ҳам индамай

келаверади деб ўйларсан? Йўқ, кечирасан! Гапни чўзиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ! Мен ҳам Юлинька сингари, бошқа барча олижаноб хотинлар сингари ҳаёт кечиришни истайман. Айтадиган гапим шу!

Ж а д о в. Шундай дегин! Жуда соз, лекин менга айтчи, сен блан биз қайси давлатимизга таяниб шундай яшар эканмиз?

П о л и н а. Менинг нима ишим бор! Хотинини яхши кўрган одам пулини ҳам топади-да.

Ж а д о в. Раҳминг келмайдимми менга, ахир, кечаю-кундуз тинмай, молдек ишлаётганимни кўриб турибсан-ку.

П о л и н а. Ишлайсанми, ёки ишламайсанми — мен учун барибир. Мен сенга қийналиш учун, азобу уқубат чекиш учун теккан эмасман.

Ж а д о в. Онанг блан биргалашиб қийнаганинг ҳам етар. Бўлди энди, худо хайрингни берсин.

П о л и н а. Ажамми, жим бўлиб бўпман! Сени деб ҳаммага қулги бўлиб юрибман. Ер ёрилмайди, ерга кирмайман! Опамнинг ҳам раҳми келабошлади, энди. Бугун келиб: «Сен бизни, уруғ-аймоғимизни номусга ўлдирдинг! Кийиб юрган кийимингни қара!» деди. Кўрдингми, уялмайсанми, ахир? Яна севаман дейсан. Мана опам ўз пулига янги шляпа сотиб олиб келиб берди.

Ж а д о в (ўрнидан туриб). Шляпа?

П о л и н а. Ҳа, мана. Кўргинчи, ма. Қалай, яхшими?

Ж а д о в (жиддий). Дарров олиб бориб бер!

П о л и н а. Обориб берай?

Ж а д о в. Ҳа, иссиғида қайтариб бер, дарров! Бундан кейин улардан ҳеч нарса олакўрма.

П о л и н а. Бекорларни айтибсиз.

Ж а д о в. Барибир деразадан улоқтириб юбораман.

П о л и н а. Ҳо! Ҳали шунақа бўлиб қолганман денг! Яхши, жоним, олиб бориб бераман.

Ж а д о в. Шундай қил.

П о л и н а (кўзёши қилиб). Олиб бориб бераман, қутулдимми? (Шляпасини, камзулини кийиб, зонтигини қўлига олади.) Яхши қолинг!

Ж а д о в. Хайр!

П о л и н а. Яхшилаб хайрлашиб олайлик: қайтиб келмайман.

Ж а д о в. Бу қандай бема'ни гап яна?

П о л и н а. Мен оиймниқига кетаман, ўша ерда тураман; кетимдан бориб юрма тагин.

Ж а д о в. Бўлмаган гапни қўй, Полина!

П о л и н а. Йўқ, бўлмайди, ҳар тарафлама ўйлаб кўрдим! (Зонтигининг учи блан ер чизади.) Шу ҳам тириклик бўл-
дими? Ғурбатдан бошқа нарса йўқ.

Ж а д о в. Бундай дейиш гуноҳ эмасми, ахир? Менга тек-
канингдан бери ҳали ҳеч хурсанд бўлганинг йўқми?

П о л и н а. Хурсандлик қаёқда! Бадавлат бўлганингда
ҳам бир нав' эди, бу қашшоқликда ўлиб бўлдим! Шуми хур-
сандлик! Тунов куни ичиб келдинг; ҳадемай тутиб олиб ура-
диган ҳам бўларсан.

Ж а д о в. Е раббий! Нима деяпсан ўзинг? Бир марта
жиндак кайф блан келганимми... Ешлар орасида ичмайди-
гани бўладими ўзи?

П о л и н а. Камбағалликнинг оқибати нима бўлишини
биламыз. Ойим айтиб берганлар... Ҳали ичкиликка ўрганиб
ҳам кетасан, кейин, менинг бошимга етасан.

Ж а д о в. Қаёқдаги бўлмағур гапларни ўйлаб чиқараяп-
сан, ўзинг!

П о л и н а. Турмушимизнинг яхшиланишига ишонч қол-
мади. Тақдиримни билай деб карта очиб кўрдим, фолбин-
лардан ҳам сўрадим — ҳаммаси ҳам бахтсизсан дейди, холос.

Ж а д о в (бошини ушлаб). Карта очдим! Фолбинга ҳам
бордим!

П о л и н а. Ҳа, карта очиш аҳмоқлик деб ўйлайсанми!
Бекорларни айтибсан, сраям ишонмайман-да! Карта ҳечам
алдамайди. Бўладиган гапни очиб беради. Ҳатто киши нима-
ни ўйлаб турган бўлса, ўшани ҳам картадан билиб олиш
мумкин. Сен ҳеч нарсага ишонмайсан, нима бўлмасин, бема'-
нилик деб туриб оласан, шунинг учун ҳам бахтимиз очилмай-
ди-да.

Ж а д о в (эркалаб). Полина! (Унга яқинлашади.)

П о л и н а (узоқлашиб). Нарг туринг, худо хайрингизни
берсин.

Ж а д о в. Ҳа, сен мени севмайсан, биламан.

П о л и н а. Нимагни ҳам севай? Қуруқдан-қуруқ сева-
вераркан-да!

Ж а д о в (ҳаяжонланиб). Қуруқдан-қуруқ деганинг нима-
си? У нима деганинг? Муҳаббатингга муҳаббатим блан
жавоб бераяпман-ку. Ахир, сен менинг хотинимсан! Ёки
буни унутиб қўйдингми? Мен гадоё бўлиб қолган тақдирим-
да ҳам ўлсам ўлишинг, тирилсам тирилишинг керак...

П о л и н а (стулга ўтириб олади-да, бошини орқага таш-
лаб қулади). Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа!

Ж а д о в. Бу чидаб бўлмайдиган қабихлик! Беадаблик!
П о л и н а (*дик этиб ўрнидан туради*). Ҳайронман, мен-
дақа беадаб хотин блан туриб нима қиласиз. Яхши қолинг.
Ж а д о в. Майли, билганингни қил, яхши бор! Эрингга
юрагинг ачимай, шундайин ташлаб кетадиган бўлсанг, кета-
вер, хайр! (*Стол ёнига ўтириб, пешонасини ушлайди.*)

П о л и н а. Ҳа, нима қилипти! Балиқ чуқур жойни, одам
яхши жойни истайди-да.

Ж а д о в. Яхши, яхши, хайр!

П о л и н а (*ойна олдида*). Мана буни шляпа деса бўла-
ди, мен кийиб юрганим ҳам шляпа эди-да. (*Ашула айтади.*)
«Онажоним, жонгинам...» Киройи кўчага чиққанга яраша,
шунақасини кийиб чиқсанг экан, кўрганлар ҳам: зап чирой-
лик ойимчахон эканми дейди. Хайр энди. (*Та'зим қилиб,*
чиқиб кетади.)

ЕТТИНЧИ САҲНА

Ж а д о в (*ёлғиз*). Фе'лим қурсин! Ярамас фе'лим бор-да.
Ўз хотиним блан ҳам келишолмайман! Энди нима қилсам
экан? Ё раббий! Жинни бўлиб қоламан. Усиз яшашнинг
нима кераги бор менга. Ўзи нима ҳодиса бўлди, билолмай
ҳам қолдим. Хотинни нега қўлдан чиқариб юбордим энди-а?
Онасиникида нима иш қилади энди! У ерда бутунлай хароб
бўлади-ку. Марья! Марья!

М а р ь я саҳна орқасидан: «Нима дейсиз?»

Югур, бекангни тўхтат, айтадиган сўзлари бор экан дегин.
Тез бор, тез!.. Э... Ўлгудек лапашангсан-да, Марья! Юрсанг-
чи, тезроқ!

М а р ь я саҳна орқасидан: «Хозир!»

Ҳали қайтмайман деса-я! Ажаб қилади-да лекин! Шундай
қилишга ҳаққи ҳам бор. Мен яхши қарайолмасам, у айбдор-
ми? Энди ўн саккизга кирди, яшашни истайди, орзу-ҳавас
кўргиси келади. Мен бўлсам уни уйга қамаб кетаманда, куни
блан олдига ҳам келмайман. Шу ҳам муҳаббат бўлдими?
Ана энди жавзасига ёлғиз қолдим! Жуда саз! Ажаб бўлди!
Ана етим бўлиб қолдим! Бундан яхши гап борми. Эрталаб
маҳкамага бораман, ишдан чиқиб уйга келишнинг ҳам ҳожа-
ти йўқ, кечгача трактирда ўтираман-да, кечқурун уйга келиб
ёлғиз ўзим, қон-қон йиғлаб, муздек совуқ ўринга кириб ёта-
ман! Ҳар куни шу аҳвол. Жуда саз! (*Йиғлайди.*) Майли,

хотининг блан муроса қилолмадингми, энди ёлғиз яшайвер. Йўқ, бирор чорасини топмасам бўлмайди. Е ундан мутлақо ажраш керак, ёки... яшаш, одамлар сингари яшаш керак. Буни яхшилаб ўйлаб кўришим зарур. (Хаёлга чўмади.) Ажралайми? Айрилиққа чидайолармикинман? Бу қандай азоб бўлди-а! Қандай азоб! Ундан кўра... тегирмон тошига бас келаман деб юраманми! Э... Нима деяпман ўзим? Хаёлимга келган фикрларни қаранг-у!

Полина киради.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Полина блан Жадов.

Полина (уст кийимини ечмай ўтиради). Нима дейсиз? Жадов (югуриб келиб). Келдингми, келдингми! Қайтиб келдингми!.. Уялмайсанми! Сен мени шундай ранжитдингки, шундай хафа қилдингки, мана энди эсимни ҳам йўқотиб қўйдим. Мен жуда гангиб қолдим. (Қўлларини ўпади.) Полина, жоним!

Полина. Мулоимлик блан мени алдамай қўяқол.

Жадов. Ахир, сен ҳазиллашдинг-а, Полина? Мени ташлаб кетмайсан-а?

Полина. Бўлмасачи, сен блан ғурбатда яшашдан ҳам яхши нарса бор эканми дун'ёда!

Жадов. Мени хароб қилаяпсан, Полина! Яхши кўрманингга яраша, раҳм қилсанг бўлмайдим. Сени қандай яхши кўришимни биласан-ку.

Полина. Ҳа, кўриниб турипти! Яхши кўриш бунақа бўлар экан-у.

Жадов. Бўлмаса қанақа бўлади, яхши кўриш? Айт нима десанг, айтганингни бажо келтирай, ахир.

Полина. Тоғанни олдига бор, яраш у блан, Белогубовникидақа ўрин сўра ўзингга, пича пул ҳам сўра, бойиб кетсак, кейин қайтариб берармиз.

Жадов. Ўлсам ҳам бормайман, у дун'ё-ю, бу дун'ё! Гапириб овора бўлиб ҳам ўтирма.

Полина. Бўлмаса, нега мени йўлдан қайтардинг? Ёки мени калака қилмоқчимисан? Калака қилиб бўпсан, эсимни йиғиб олдим энди, мен. Яхши қол! (Уридан туради.)

Жадов. Тўхта! Шошма, Полина! Ахир, гаплашиб бўлайлик.

Полина (ойна олдида). Нимани ҳам гаплашар эдик. Гаплашмаган гапимиз қолдим.

Ж а д о в (*ялиниб-ёлбориб*). Йўқ, Полина, гап кўп ҳали. Ҳали сенга айтадиган гапларим жуда кўп. Сен кўп нарсани билмайсан, ҳали. Қани энди юрагимдаги орзуларимни, ўйлаганларимни сенга бир лаҳзада тушунтириб бераолсам. Қандай бахтли бўлар эдим! Кел, гаплашайлик. Полина, гаплашайлик. Сен фақат қулоқ сол, ўтиниб сўрайман.

П о л и н а. Гапир.

Ж а д о в (*ҳаяжон блан*). Қулоқ сол, тингла! (*Қўлидан ушлаб олади*.) Ҳамавақт, ҳамма замонларда ҳам, эскириб қолган ижтимоий одатлар ва шаронтларга қарши ҳаракат қиладиган одамлар бўлган, шундай одамлар ҳозир ҳам бор. Бу уларнинг инжиқлигидан, ёки шуни хоҳлаганидан эмас. Йўқ, уларнинг биладиган қоидалари жамият қўллаётган қоидаларидан яхшироқ ва ҳаққонийроқ бўлганидан. Бу қоидаларни уларнинг ўзи ўйлаб чиқарган эмас; улар бу қоидалар ҳақида профессорларнинг лекцияларида эшитган, ўз адабиётимиз ва четэл адабиётининг энг яхши асарларидан ўқиб билганлар. Улар мана шу асарлар руҳида тарбияланганлар ва шу орзуларни рўёбга чиқармоқдалар. Бу ишнинг оғирлиги муқаррар. Ижтимоий нуқсонлар мустаҳкам, гумроҳ авом — кўпчиликини ташкил қилади. Кураш оғир ва аксари ҳалокатга олиб боради; лекин шунга қарамай у шарафли, унда келажак авлодларнинг умиди бор; бундай одамлар бўлмаса, фирибгарлик, ёвузлик, зулмат шу қадар кўпайиб кетар эдики, ҳатто одамлардан қуёш юзини ҳам тўсиб қўйган бўлар эди...

П о л и н а (*унга ажабланиб қарайди*). Эсингни еб қўйибсан, жинни бўлиб қолибсан! Яна сўзимга қулоқ сол дейсан; ўзи веҳним паст одамман, сенинг гапларингни эшитаверсам бутунлай ақлдан озиб қоламан, шекилли.

Ж а д о в. Ахир, қулоқ сол менга, Полина!

П о л и н а. Йўқ, сендан кўра ақллироқ одамларнинг сўзига қулоқ солганим яхши эмасми.

Ж а д о в. Кимга қулоқ солмоқчисан? Ўша ақлли одам деганларинг ким ўзи?

П о л и н а. Ким бўлар эди? Опам, Белогубов.

Ж а д о в. Мени ўша Белогубовга тенг қилдингми?

П о л и н а. Оббо! Жуда ким эдинг ўзинг? Белогубов албатта сендан тузукроқ-да. Хўжайинлари ҳурмат қилса, хотинини яхши кўрса, бинойи уй эгаси бўлса, ўзининг отлари ҳам бор яна... Сен-чи? Сенга мақтаниш бўлса бўлди... (*Масхара қилиб*) «Мен ақлли, мен олижаноб, ҳамма аҳмоқ, ҳамма порахўр!».

Ж а д о в. Бу нима қилиқ! Турқингни қара! Қандай жир-
канч!

П о л и н а. Яна ҳақорат қилаяпсанми! Хайр, кетдим бўл-
маса. (Кетмоқчи бўлади.)

Ж а д о в (уни ушлаб қолиб). Шшшма, кетмайтур.

П о л и н а. Қўйиб юбор.

Ж а д о в. Йўқ, тўхта, шошмагин! Полиночка, жонгинам,
тўхтаб тур! (Қўйлагига ёпишади.)

П о л и н а (кулади). Бу нима қилганинг, тентак! Кета-
ман десам ушлаб қолаолармидинг.

Ж а д о в. Энди нима қилдим? Нима десам бўлар экан
сенга, жоним Полина?

П о л и н а. Тоғангни олдига бор, яраш у блан.

Ж а д о в. Шошма, шошма, ўйлаб кўрай.

П о л и н а. Уйла.

Ж а д о в. Сени севаман, сени деб ўтга ҳам, сувга ҳам
тушишга тайёрман... Лекин сенинг талабинг даҳшат!.. Йўқ,
ўйлаб кўриш керак. Ҳа, ҳа, ўйлаш керак... Уйлаш... Хўш,
агар тоғаннинг олдига бормасам нима қиласан, кетиб қола-
санми?

П о л и н а. Кетаман.

Ж а д о в. Бутунлай кетасанми?

П о л и н а. Бутунлай. Ҳадеб такрорлайвераманми, сенга
айтдимми, бўлди-да. Яхши қол!

Ж а д о в. Тўхта, тўхта! (Стул ёнига ўтириб, бошини
ушлайди, ўйлайди.)

П о л и н а. Узоқ кутаманми сени!

Ж а д о в (ўпкаси тўлиб). Биласанми, Полина? Чирой-
лик хотинни ясантириб қўйсанг, қандай яхши бўлади-а?

П о л и н а (хўрсиниб). Албатта, яхши бўлади-да!

Ж а д о в. Ҳа, албатта (бақириб), албатта, албатта! (Ер
тепиниб.) У блан яхши извошга тушиб кўчага чиқсанг яхши
бўлади-а?

П о л и н а. Жуда мазза бўлади-да!

Ж а д о в. Ёш, бежирим хотинни севиш керак, уни ардоқ-
лаш керак... (Бақиради.) Ҳа, ҳа, уни ясантириш керак...
(Тинчланиб.) Хўш, нима бўпти... ҳеч гап эмас... Бунга
эришиш осон! (Умидсизланиб.) Хайр энди, менинг умид-
орзуларим! Хайр, му'табар та'лимотим! Хайр энди, кела-
жакдаги ҳаққоний ҳаётим! Ахир, мен ҳам қарийман, сочла-
рим оқаради, бола-чақа кўраман...

П о л и н а. Нима бўлди сенга? Нима деб алжираяп-
сан?

Ж а д о в. Йўқ, йўқ, болаларга яхши тарбия беришга ҳаракат қиламиз. Улар ота боласи эмас, одам боласи бўлади.

П о л и н а. Бўлди, энди!

Ж а д о в. Қўявер! Йиғлаб олай, ахир, бу менинг охирги йиғлашим. (Хўнграб йиғлайди.)

П о л и н а. Нима жин урди ўзи, сени?

Ж а д о в. Ҳечқандай жин ургани йўқ... Жуда соз... Маза... Ҳаёт қандай яхши... Эсимга тушиб қолмаса бас! Буни қилиш осон! Бунинг уддасидан чиқаман... Уртоқларимдан узоқроқ юраман, беркинаман... Ҳаққонийлик, муқаддас бурч тўғрисида сўз бўлаётган ердан нарироқда юрақоламан... Бир ҳафта ишлаб, жумадан шанбага ўтар кечаси Белогубовга ўхшаганларни йиғиб, босмачилар сингари ўғирлаб топган пулларга майхўрлик қиламан... Ҳа, худди шундай қиламан. Кейин-кейин ўрганиб ҳам кетаман.

П о л и н а (йиғламоқдан бери бўлиб). Ёмон хаёлларни ўйлаяпсан!

Ж а д о в. Ашулалар айтамин... Анави ашула эсингизда-ми? (Ашула айтади.)

Олабер, ақл керакмас
Олабер эплаганингча.
Қўлни нега чиқарган?
Олишга-да, олишга!

Қалай, яхши кўшиқми?

П о л и н а. Сенга бир бало бўлди, билолмай қолдим.

Ж а д о в. Юр, тоғамнинг олдига борамиз, сердаромад жой сўраймиз! (Шляпасини бошига илиб, хотинининг қўлидан ушлайди.)

Кетадилар.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи пардадаги хона
БИРИНЧИ САХНА

Вишневская ва Антон. (Антон патнусда хат келтириб,
қайтиб чиқиб кетади.)

Вишневская (ўқийди). «Хурматли, Анна Павловна! Мактубим ма'қул бўлмаса, кечиргайсиз; менга қилган муомилангизга яраша жавоб. Эшитишимга қараганда менинг устимдан куларкансиз, севги туйғулари тўлиб тошган чоғларда сизга ёзган хатларимни ҳаркимларга кўрсатаркансиз. Сиз менинг жамиятда тутган ўрнимни ва бу хатти-ҳаракатларингиз менинг ша'нимга нақадар путур етказишини яхши биласиз. Мен ёш бола эмасман. Менга бундай муомила қилишга қандай ҳаққингиз бор? Кўнглингизга йўл ахтаришимга ўзингиз сабаб бўлдингиз, чунки этироф этишингиз керак — даставвал менга қилган муомилангиз бекамикўст эмас эди. Эркак бўлганим туфайли менинг сизга эркин муносибатда бўлишим кечирарли, лекин мен масхара бўлишни истамайман. Сиз эса мени бутун бир шаҳарда гап-сўз бўлишимга сабабчи бўлдингиз. Менинг Любимовга бўлган алоқамни яхши биласиз, ундан қолган хатлар ичида сизнинг ҳам бирнеча хатларингизни топиб олганимни сизга айтган эдим. Уларни ўзингизга топширмақчи эдим. Сиз ўз мағрурлигингиздан воз кечсангиз, менинг энг чиройли йигитлардан бири эканим, шунинг учун хотинлар ўртасида обрўйим баланд экани ҳақидаги умумий фикрга қўшилсангиз олам гулистон эди. Бунинг ўрнига сиз мендан ҳазар қилдингиз, мана энди, мени кечиринг; мен ўша хатларингизни эрингиз қўлига топширишга қарор қилдим». Ана олижаноблик! Разолат! Майли, барибир бир кун эмас бир кун бунга барҳам беришим керак эди. Мен бир маҳаллар ҳавас қилган эдим,

лекин бу ишнинг олдини олиш учун бузуқлик йўлига кирадиган хотинлардан эмасман. Эркакларимиз ҳам ажойиб! Ўзи қирққа кирган, чиройлик хотини бору, яна аҳмоқлик қилиб, менинг кетимга тушиб юрипти. Бундай қилишига қандай асос бор? Туйғуларими? Қандай туйғулар? Ун саккиз ёшдаёқ у севиш қобилиятидан маҳрум бўлган бўлса керак. Йўқ, масала равшан: у менинг тўғримда турли-туман миш-мишларни эшитган-да, мени енгилтак аёллардан деган хулосага келган. Ана шундан кейин, ҳечнимадан истиҳола қилмай, менга йўқ севгисини ифода этадиган, тубан туйғулар блан хатлар ёза бошлаган. У аввал уйма-уй юриб менинг тўғримда энг ярамас гийбатларни тарқатади-да, кейин келиб менинг кўнглимни олмақчи бўлади. Айтишларига қараганда у кўпчиликнинг фикри блан келишмас, фақат ўз туйғуларига қараб иш қилар эмиш. Севаман деб онт ичади, тутуруқсиз сўзларни сўзлайди, башарасида ошиқликни изҳор этмоқчи бўлиб қаёқдаги келишмаган жилмайишларни қилади. Ҳеч бўлмаса ўзини ошиқ одамга ўхшатиб кўрсатишга ҳам ҳаракат қилмайди. Тартиб бузилмаса бас, деб уйлайди, шекилли. Шундақангги одам устидан кулсанг ёки қилмишига қараб ундан ҳазар қилсанг, балога қоласан, ўзини сендан қасос олишга ҳақли деб ҳисоблайди. Назарида ҳарқандай разолат, ёки ёвузликдан ҳам кўра унинг устидан кулиш ёмонроқ. Хотинлар блан бўлган алоқаси тўғрисида ўзи мақтаниб гапирди — буни у шараф деб билади; лекин хатларини бировга кўрсатган киши балога қолади, бу унинг шаънига тўғри келмас эмиш. У ўзининг эси паст ва кулгили одам эканини ўзи яхши билади. Бас шундай экан, хат ёзадиган хотинларини ким деб ўйлар экан? Виждонсиз! Мана энди олижаноб ҳислари ҳақоратланганига чидайолмай, менга ёвузлик қилмоқчи, яна ўзини ҳақли ҳам деб ҳисоблайди. Ёлғиз угина эмас, эркакларнинг ҳаммаси ҳам шунақа! Яхши бўлди, энди эрим блан ҳам очиқ гаплашиб оламан. Ўзим ҳам гаплашмоқчи бўлиб юриб эдим. Мен эрим олдида айбдор бўлсам эрим менинг олдимда кўпроқ айбдор, бунга ўзи ҳам иқрор бўлади. У менинг ҳаётимга зомин бўлди. Ўзининг худбинлиги блан кўксимни қуритди, бахтли оила эгаси бўлишдан мени маҳрум қилди, энди қайтариб бўлмайдиган ёшлигим ҳақида йиғлашга мени мажбур қилди. Қалбимнинг яшашга, севгига интилишига қарамай мен ёшлигимни завқсиз, разолатда ўтказдим. У мени ўзининг тутуруқсиз, пасткаш улфатлари орасига олиб кириши блан мендаги энг яхши инсоний ҳисларни ўлдирди, олижаноб орзуларимни сўндир-

ди. Унинг устига олдини олиш қўлимдан келмаган айбим учун виждон азобида қолдим.

Юсов ранжигансимон кириб келади.

ИККИНЧИ САҲНА

Вишневская ва Юсов

Юсов (*та'зим қилиб*). Ҳали келганлари йўқми?
Вишневская я. Йўқ. Утиринг.

Юсов ўтиради.

Ма'юс кўринасиз?

Юсов. Сўзингиз ҳақ... Тилим та'лайимга ёпишиб қолди.

Вишневская я. Нима гап ўзи?

Юсов (*бошини чайқатиб*). Одамнинг ҳаёти бамисоли денгиздаги кема, денг... Кема фарқ бўлса қутқариб бўлмайди...

Вишневская я. Гапингизга тушуолмадим.

Юсов. Фоний дунёнинг ишларини айтаман-да... Бу дунёга ишонч борми? Худонинг олдига нима деб бора-миз? Нима блан ҳозир бўламиз?.. Орқалаб олган гуноҳларимиз блан, холос... Уларнинг ҳаммаси ошкора... Ҳатто хаёлга келтирилган гуноҳлар ҳам... (*Қўлини силкийди.*) Ёзиб қўйилган...

Вишневская я. Бирор киши вафот этдимиз?

Юсов. Йўқ, ҳаётда ўзгариш рўй берди. (*Тамаки ҳиллайди.*) Бадавлатлигимизда кўзимизни ёғ босиб қолади, меҳри-шафқатни унутамиз... бева-бечораларни танимай қоламиз, манманлик, маишатга берилиб кетамиз... Ана ундан кейин қилмишимизнинг жаззасини тортамиз.

Вишневская я. Мен буни азалдан биламан, броқ менинг олдимга келиб гапингизни йўқотиб, гудурлаб ўтиришингизнинг сабабига тушуолмаяпман.

Юсов. Юрагим эзилиб кетаяпти... Гарчи менинг бўйнимга катта мас'улият тушмаса ҳам... барибир шундай улуғ зотни! Мангу нарса борми ўзи бу дунёда... Мартаба ҳам сақлайолмас экан, кишини.

Вишневская я. Қайси зотни айтаяпсиз?

Юсов. Бошимизга ташвиш тушди.

Вишневская я. Тезроқ айтақолсангизчи!

Юсов. Аллақандай чатоқликлар, етишмовчилик ва бошқа жиноятлар очилган эмиш.

Вишневакья. Энди нима бўлади?

Юсов. Бизни судга беришар эмиш... Я'ни мени-ку унақа катта мас'улиятга тортишаолмайди-я, лекин Аристарх Владимирович мажбур бўлади-да...

Вишневакья. Нимага мажбур бўлади?

Юсов. Моли-мулки блан жавоб беришга, ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари учун судга тушишга.

Вишневакья (осмонга тикилиб). Қасос қайтабошлапти-да!

Юсов. Албатта, банда-да, банда... Тирноқ остидан кир излаган одам бирор нарса топади-да, ҳозирги вазиятга қараганда қамаб қўйсалар ҳам ажаб эмас, деб ўйлайман... Бир бурда нонга зор бўлиб ўлиб кетаман шекилли.

Вишневакья. Ҳали унгача кўп гап бор.

Юсов. Бола-чақамнинг ҳоли нима кечади.

Жимлик.

Кела-келгунча ўйлаб келдим, ташвишни ўйладим: биласизми нима учун бу балолар бошимизга ёпирилди? Мағрурлигимиз учун... Манманлик кишини кўр қилиб қўяди.

Вишневакья. Бўлмаган гап, мағрурлик нима қилиб юрипти, порахўрликнинг жазоси бу!

Юсов. Порахўрлик? Порахўрлик гуноҳ эканми?.. Ҳамма ҳам қилади бу ишни. Мўминлик йўқ, мўминлик, масала шунда... Тақдир суратда тасвир этилган бахтдек... Ғилдирак, унинг устига одамлар чиқиб олган... Бир тепага чиқади, бир пастга тушади, киши бир кўтарилади, кейин мўмин бўлиб қолади, бир пайдо бўлади-ю, яна йўқ бўлиб кетади... Тақдир ана шунақа айлангани-айланган. Яхши туришга интиласан, меҳнат қиласан, молу-дун'ёга эга бўласан... Хаёлингда кўкларга кўтариласан-да... кўрибсанки бир кун қипяланғоч бўлиб қолибсан!.. Уша суратнинг тегига ёзиб ҳам қўйилган... (Ҳаяжон блан.)

Тентак бўлади инсон!

Урингани-уринган.

Бахт топгуси келади.

Ўйламайди, ҳар замон

Тақдир унга ҳукмрон.

Мана бунинг мағзини чақиш керак! Киши деган мана шуни унутмаслиги зарур! Туғиламиз, дун'ёга келиб, ҳечнарсани қўрмай ўлиб кетамиз. Меҳнат қилиб, қийналиб ҳам нима қилдик? Мана философия! Ақлимиз қаерга стар эди? Нимага эришаолар эди?

Вишневский киради ва индамай ўз кабинетига ўтиб кетади.
Юсов ўрнидан туради.

Вишневская. Авзойи ўзгариб кетишти!

Юсов. Докторни дараклаш керак. Ҳали маҳкамада ҳам кўнгли беҳузур бўлган эди. Кичкина гапми... Олижаноб бир одам... бунга чидайоладими!

Вишневская (қўнғироқ чалади, хизматкор бола киради). Бор, докторни айтиб кел, тез келсин.

Вишневский чиқиб креслога ўтиради.

УЧИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Вишневский.

Вишневская (Вишневскийга яқин келиб). Аким Акимичдан эшитдим, бахтсизлик рўй берипти. Хафа бўлманг.

Жимлик.

Жуда ўзгариб кетибсиз. Узингизни ёмон ҳис қилаяпсизми? Мен докторга одам юбордим.

Вишневский. Қандай мунофиқлик! Қандай тухмат! Қандай разиллик!

Вишневская (мағрур). Тухмат нима қилиб юрипти! Сизга раҳмим келаяпти. Бахтсизликка учраган ҳарқандай кишига ҳам раҳмим келади. (Қайтиб бориб, ўтиради.)

Вишневский. Ачинмай қўяқолинг. Раҳмингиз келмай қўяқолсин! Номусим поймол бўлди, хароб бўлдим! Нима сабабдан?

Вишневская. Ўз виждонингиздан сўранг.

Вишневский. Виждондан гапирманг! Виждон тўғри-сида гапиришга ҳаққингиз йўқ... Юсов! Мен нега ҳалок бўлдим-а?

Юсов. Бевафо дун'ё... Тақдир-да!

Вишневский. Бўлмаган гап, тақдир эмиш! Душман кучли — мана сабаби! Мени ҳалок қилган ана шу! Ла'натилар! Давлатимни қўришолмади. Ҳасад қилмай қандай қилсинлар! Киши бирнеча йилдаёқ кўтарилиб, бойиб кетаётган бўлса, дадил бахту-саодатга эришаётган бўлса, уй-жой қуриб, боғлар олиб обод қилаётган бўлса, бир қишлоқ кетидан иккинчисини сотиб олаётган бўлса, бошқалардан одам бўйи ошиб кетаётган бўлса-ю унга ҳасад қилмасинларми! Ахир, у бахт поғонасидан аста-секин кўтарилаётган бўлса. Ундан ўзиб кетиш ёки лоақал етиб олиш учун ақл-идрок керак.

Ақни өса сотиб олиб бўлмайди, демак оёғидан чалиб йиқитиш қолади, холос. Ғазабимга чидайолмайман, шекилли...

Юсов. Кўролмаслик ёмон, кишини ҳар кўчага бошлайди...

Вишневский. Йиқилганим ғазаблантирмайди мени, йўқ, йиқилишимдан уларнинг тантана қилишига чидайолмайман. Ҳамаёқда шов-шув гап! Қайбирлари хурсанд! Йўқ бунга бардош беролмайдиганга ўхшайман! (*Қўнғироқ чалади.*)

Антон киради.

Сув...

Антон сув бериб, чиқиб кетади.

Энди сиз блан ҳам гаплашиб қўяй.

Вишневская. Нима демоқчисиз?

Вишневский. Бузуқ хотин экансиз, демоқчиман.

Вишневская. Бегона одамлар бор бу ерда, Аристарх Владимирич.

Юсов. Чиқиб кетайми?

Вишневский. Кетма! Айтадиган гапимни барибир хонадонимиз ўртасида ҳам айтаман, ҳали.

Вишневская. Нима учун мени ҳақорат қилаяпсиз? Заҳарингизни тўкадиган одамни тополмай турган экансизда. Гуноҳ эмасми!

Вишневский. Мана сўзларимнинг исботи. (*Хатларни олдига ташлайди.*)

Юсов йиғиб олиб, Вишневскаяга узатади...

Вишневская. Раҳмат. (*Титраганича конвертни уёқ-буёғини кўриб, чўнтағига яширади.*)

Вишневский. Юсов, эрининг қилган яхшиликларига қарамай ўз бурчини унутиб қўйган хотинни нима қилмоқ керак?

Юсов. Ҳм... ҳм...

Вишневский. Ўзим айтақолай; шарманда қилиб ҳайдаш керак! Ҳа, Юсов, бахтсиз эканман, пешонам шўр экан, мана ёлғиз қолдим. Энди сен ҳам мени ташлаб кетма. Киши қанчалик мартабали бўлмасин, бахтсизликка учраган чоғида ўз оиласида овунишга уринади. (*Жаҳл блан.*) Мен бўлсам, ўз оиламда...

Вишневская. Оила деб гапирмай қўяқолинг! Сизда оила бўлганми ўзи! Сиз оила нима эканини ҳам билмайсиз!

Хонаси келди, энди, сиз блан бирга умр кўриб тортган азобларимни мен ҳам айтиб олай, Аристарх Владимирич.

Вишне夫斯基. Ўзингизни оқлашга уринмай қўя-қолинг.

Вишневская. Мен ўзимни оқламайман, оқлаб ҳам нима қилдим, бунга эҳтиёж йўқ. Бир минутли ҳавасни деб, қанча хўрландим, азоб чекдим, лекин ишонинг чурқ этмадим, сиз сингари тақдиримдан нолимадим. Мен шуни айтмоқчиманки, агар гуноҳим бўлса, сизнинг олдингизда эмас, ўз виждоним олдида гуноҳқорман, холос. Менга та на қилишга ҳаққингиз йўқ, сизни. Агар сизда қалб бўлса, мени ҳалок қилганингизни сезган бўлар эдингиз.

Вишне夫斯基. Ҳа, ҳа! Ўз хулқингиз учун мени эмас, бошқаларни айбланг.

Вишневская. Йўқ, сизни айблайман. Сиз ўзингиз учун уйланганмидингиз? Менга уйланмоқчи бўлиб юрган вақтларингизни эсланг! Уйланаман деб юрган чоғингизда оила ҳақида сиздан бир оғиз ҳам сўз эшитган эмасман; сиз ёш қизларни ҳад ялар блан қизиқтирадиган қари такасалтанларга ўхшаш муомила қилар эдингиз, менга шаҳвоний хирс нуқтаи назаридан қарардингиз, холос. Менинг сиздан нафратланганимни кўриб туриб, Туркиядаги қул савдогарлари сингари ота-онамдан мени сотиб олдингиз. Энди нима истайсиз, мандан?

Вишне夫斯基. Менинг хотиним бўласиз, буни унутманг! Ўз бурчингизни бажаришингизни талаб қилишга ҳаққим бор.

Вишневская. Тўғри, сиз сотиб олган буюмингизни муқаддас сақладингиз. Йўқ, беркитиб қўйдингиз, никоҳ ниқоби блан яширддингиз. Бошқа иложингиз ҳам йўқ эди: ота-онам рози бўлмаслиги мумкин эди, сизга эса барибир. Кейинчи? Уйланиб олганингиздан кейин менга ўз хотинингиз сифатида муомила қилмадингиз; нози-ишваларимни пулга сотиб олабошладдингиз. Сизга бўлган нафратимни сезиб қолганингизда, дарров қимматбаҳо совға кўтариб келар эдингизда, менга дадил бўлиб ҳаққи бор кишидек яқинлашар эдингиз. Эримсиз — начора, таслим бўлар эдим. Оҳ! Ўзингдан ҳам нафратланасан, киши! Бундан ёмон нарса борми жаҳонда? Менинг бошимга шундай кунларни солдингиз. Лекин, менга ҳад я қилган пулларингиз — ўзингизники эмас, фирибгарлик блан қўлга киритилган пуллар эканини билганимдан кейин қандай аҳволга тушганимни билсангиз эди...

Вишне夫斯基 (ўрнидан туриб кетади). Жим, бўлди!

Вишневецкая. Хўп бўлади, бу тўғрида гапирмайман, чунки сиз жазангизни тортдингиз; броқ мен ўзим тўғримда гапираман.

Вишневецкий. Нима десангиз деяверинг, менга барибир; броқ сиз тўғрингиздаги фикрим ўзгармайди.

Вишневецкая. Сўзларимни тинглагач балки ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизни ўзгартирарсиз. Кўпчилик ичига киришдан кўрқиб, ўзимни четга олиб юрганларим эсингиздами? Бу бежиз эмас эди. Лекин, сиз қистайверганингиздан кейин рози бўлишга мажбур бўлган эдим. Шундай қилиб, менга йўл-йўриқ кўрсатмай, ўргатмай, мени ўз жамиятингизга — йўлдан уриш, фиққи-фужур авж олган жамиятингизга қўшдингиз. Мени на огоҳлантирадиган, на ёрдамлашадиган одам бор эди. Улфатларингизнинг пасткаш ва бузуқ одамлар эканини ўз кўзим блан кўрдим. Мен ўзимни сақладим. Ўша вақтда улфатларингиз орасида Любимов ҳам бор эди, сиз уни яхши биласиз. Ёдингиздами, унинг чеҳраси нақадар очиқ, кўзлари нур блан тўла, ақлли, қалби пок одам эди! У сиз блан қизғин баҳслашар эди, ўша вақтларда унинг очиқ баён этадиган фикрларига яхши тушунмасам ҳам уларнинг маъноли эканини пайқар эдим. Сиз эътироз билдирарсиз деб ўйлардим. Аммо сиз қарши чиқмас эдингиз; сиз фақат туҳмат қилиш, орқасидан гийбат қилиб, унинг ҳақида ярамас фикр туғдиришга уриниш блан овора эдингиз. Унинг ёнига тушгим келар эди-ю, броқ бунинг учун менда имконият ҳам йўқ эди, ақлим ҳам етмас эди. Ниҳоят, уни севишдан бошқа нарса кўлимдан келмади.

Вишневецкий. Севдингизми?

Вишневецкая. Севдим. Кейин сиз уни ҳалок қилабошлаганингизни, аста-секин мақсадингизга эришабошлаганингизни кўрдим. Сизгина эмас, керак бўлган одамларнинг ҳаммаси мақсадга эришабошлади. Аввал сиз жамиятни унга қарши шайлантирдингиз, у блан таниш бўлиш ёшлар учун зарар деб уқдирдингиз, кейин у эркин фикр қилучи зарарли одам деб такидадингиз, шундай қилиб унга қарши хўжайинларини ҳам газаблантирдингиз; бечора ишни, ота-онасини, дўстларини ташлаб кетишга мажбур бўлди... (*Рўмолча блан кўзини бекитади.*) Бунинг ҳаммасини ўз кўзим блан кўрдим, азобини биргалашиб тортдим. Мен ёвузлик тантанасини кўрдим, сиз бўлсангиз мени ҳали ҳам сотиб олинган қиз, қилган ҳад яларингизга миннатдор бўлиб, шулар эвазига сизни севиши керак бўлган киши деб ҳисоблайсиз. Менинг унга бўлган очиқ ва тоза муносабатларимни гийбат-

га айлантирдилар; хотинлар ғашлик қилиб, туҳмат қилабошладилар, ёш ва кекса такасалтанглар ҳечқандай андишасиз изимга тушабошладилар. Сиз мени, мутлақо бошқача тақдирга муносиб аёлни, ҳаётнинг ҳақиқий ма'носига тушунаоладиган ва ёвузликка душман бўлган аёлнинг бошига мана шундай кунларни солдингиз! Сизга айтмоқчи бўлган гапларим мана шу — бундан кейин мендан ортиқ та'на сўзини эшитмайсиз.

Вишневский. Чакки қиласиз. Мен энди камбағал бўлиб қолдим, камбағаллар ўз хотинларига, сўкишга рухсат берадилар. Уларда мумкин. Агар мен бурунги Вишневский бўлганимда, сизни сўзсиз ҳайдаб юборган бўлар эдим; бромқ душманларим ёрдами блан тузук одамлар қаторидан тубанга тушишим керак бўлиб қолди. Тубанликда яшовчи эрлар ўз хотинлари блан сўкишаверадилар, ҳатто уришадилар ҳам — бундан ҳечқандай можара келиб чиқмайди.

Ж а д о в хотини блан киради.

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Бурунгилар, Ж а д о в ва П о л и н а.

Вишневский. Нега келдинг?

Ж а д о в. Мени кечиринг, тоға...

П о л и н а. Ассалому алайкум, тоға! Саломатмисиз, холажон! *(Вишневскаяга шивирлайди.)* Урин сўраб келди. *(Вишневская ёнига ўтиради.)*

Вишневская. А? Ростданми? *(Жадовга ажбланиб қарайди.)*

Вишневский. Тоғанни масхара қилгани келдингми?

Ж а д о в. Тоғажон, балки мен ўшанда сизни ҳақорат қилгандирман. Кечиринг мени... ёшлик, калтабинлик натижаси... менинг бундай қилишим керак эмас эди... ахир, қариндошмиз.

Вишневский. Хўш?

Ж а д о в. Мен ёрдамчисиз, қўлловчи кишисиз яшашнинг қандай бўлишини синаб кўрдим... Рўзғордор одамман.

Вишневский. Нима демоқчисан, энди?

Ж а д о в. Турмушдан жуда қийналдим... Узим ҳам майли эди-я; лекин мана бу жондан азиз хотиним... Рухсат этсангиз яна ўз қўлостингизда ишласам... тоғажон, менга ёрдам қилинг! Тузукроқ жойга ўрнаштириб қўйинг... Мен ҳам... *(секин)* даромад қиладиган бўлай.

П о л и н а *(Вишневскаяга).* Сердаромад жой бўлса.

Вишневский (қақ-қақ уриб кулади). Ҳа, ҳа, ҳа! Юсов! Мана, бу қаҳрамонни кўрдингми! Кўча-кўйларда порахўрларни яниб, қандайдир янги авлод тўғрисида вайсаб юрган йигит, пора олиш ниятида биздан сердаромад жой сўраб келипти! Қойилман янги авлодга! Ҳа, ҳа, ҳа!

Ж а д о в (ирғиб туриб). Оҳ! (Кўксини ушлайди.)

Ю с о в. Еш эди-да! Уйламай валдирайверарди! Тугуруқсиз сўзларни гапирарди... Сўз сўзлигича қолаверади. Кишига ҳаётнинг ўзи йўл кўрсатиб беради. (Тамаки ҳидлайди.) Философиянгни ташлайсанда, энди. Асли ўз вақтида тўнглик қилиш ўрнига, ақлли одамларга қулоқ солганинга яхши бўлар эди.

Вишневский (Юсовга). Менга қара, Юсов! Бунинг сўзлари эсингдами! Улар — мағрурлик, қусурга нафратдан иборат эди! (Жадовга, борган сайин қизишиб.) Сизни фош қиладиган, ифлос чуқурга улоқтириб ташлайдиган қандайдир билимли, соф виждонли, ҳақиқатпарвар одамлардан иборат янги авлод ўсиб келаяпти деган сен эмасмидинг? Сен эдинг-ку? Ростимни айтсам мен ишонар эдим. Мен сизларни ёмон кўрардим... Қўрқар эдим. Ҳазили йўқ. Энди нима бўлиб чиқди! Виждонингиз миянгизга қуйилган билимлар шамоллаб тамом бўлгунгача; қийинчилик блан биринчи учрашувингизгача етар экан, холос-да! Қойилман, баракалла! Йўқ сиз душманликка арзимайсиз. Мен сиздан нафратланаман?

Ж а д о в. Майли нафратланавering. Мен ҳам ўзимдан нафратланаман.

Вишневский. Соф виждонни ўзиники қилиб олган одамларнинг аҳволини кўрдингми! Бизнинг эса расвойимиз чиқди! Бизни судга бердилар.

Ж а д о в. Нима, нима?

Ю с о в. Бандасининг ҳоли шу-да.

Ж а д о в. Тоғажон, мен бизнинг авлодимиз бошқалардан кўра виждонлироқ деганим йўқ эди. Соф виждонли одамлар, гражданлар, виждонли чиновниклар ҳамавақт ҳам бўлган ва бўлади; ожиз одамлар ҳам бўлган ва бўлади. Мана мени мисолга олинг. Мен фақат бизнинг замонамизда... (секин бошлаб, аста-секин руҳланабошлайди) жамият аста-секин қусурга бўлган илгариги хайрихоҳлигидан халос бўлабошляпти, ижтимоий ёвузликка қарши дадил овозлар эшитилаяпти, деган эдим... Мен, бизда ўз нуқсонларимизга қарши тушунча уйғонаяпти, бу тушунча келажакнинг яхши бўлишига умид боғлайди деган эдим. Мен, жамоат фикри дунёга

келаяпти... ёшларда софдиллик, ўз бурчига муқаддас муносабатда бўлиш каби туйғулар пайдо бўлаяпти, бу туйғулар ўсиб бориб, мева ҳосил қилади, деган эдим. Буни кўришга сиз муваффақ бўлмасангиз, биз кўриб худога шукур қилармиз. Менинг заифлигимдан хурсанд бўлмай қўяқолинг. Мен қаҳрамон эмас, оддий бир заиф одамман; бошқаларга ўхшаш менинг ҳам иродам кучли эмас. Муҳтожлик, шароит, ота-оналарнинг билимсизлиги, атрофдаги бузуқлик натижасида мен ҳам худди чопар от сингари ишдан чиқиб қолишим мумкин. Лекин мен учун битта сабоқ, мана шу бугунги сабоқ кифоя... Бунинг учун сизга раҳмат; менинг, қайтадан тирилишим учун қат'ийлигимни сақлаб қолишим учун, соф юракли одамлардан биронтаси блан учрашишим кифоя. Иккиланишим мумкин-ку, лекин сра жиноят қилмайман; қоқилишим мумкин, лекин йиқилмайман. Менинг қалбимни, олган та'лимим юмшатиб қўйган, энди уни ҳечқандай қусур тошга айлантиролмайди.

Жимлик.

Номусимдан ўзимни қаерга яширишни билмай қолдим... Ҳа, менга уят, уят, сизнинг уйингизга келганим учун уят.

Вишневский (жаҳли чиқиб). Йўқол бу ердан!

Жадов (беозор). Кетаман. Полина, энди сен ҳам онанг ёнига кетсанг бўлади; йўлингни тўсолмайман. Энди ўзимга нисбатан мунофиқлик қилмайман. Тақдиримда қора нон ейиш бор бўлса — фақат қора нон ейман. Мени ҳечқандай нози-не'мат, бойлик қизиқтиролмайди, йўқ! Мен, ҳарқандай одамнинг кўзига уялмай, виждон азобисиз, тўғридан-тўғри қараш каби қимматбаҳо ҳуқуқни сақлаб қолишни истайман, порахўрлар тасвир этилган сатира ва комедияларни ўқиб ва тамоша қилиб, очиқдан-очиқ, чин кўнгилдан кулишни хоҳлайман. Ҳаётим, бошдан-оёқ меҳнат қилиш ва азоб чекишдан иборат бўлса ҳам нолимайман. Худодан биргина тилагим бор. Мен ундан биргина мукофот кутаман. Нимани деб ўйлайсиз, сиз?

Жимлик.

Мен, порахўрлар жиний жавобгарликдан ҳам кўра жамоат судидан ортиқроқ қўрқадиган вақт келишини кутаман.

Вишневский (ўрнидан туриб). Мен сени ўз қўлларим блан бўғиб ўлдираман! (Тебранади). Юсов, аҳволим танг. Мени кабинетга олиб кир. (Юсов блан бирга кетади.)

БЕШИНЧИ САҲНА

Вишневская, Жадов, Полина ва кейин Юсов.

Полина (*Жадов ёнига келиб*). Сен ростданам мени ташлаб кетади, деб ўйлабмидинг? Мен ҳазиллашувдим. Менга ўргатишувди.

Вишневская. Ярашиб олинглар, болаларим.

Жадов блан Полина ўпишадилар.

Юсов (*эшик тагида*). Доктор чақиринг! Доктор!

Вишневская (*креслодан тураётиб*). Нима қилди?

Юсов. Аристарх Владимиричнинг юраги ёрилиб кетди!

Вишневская (*эшитар-эшитмас қичқириб*). Аҳ! (*Узини креслога ташлайди.*)

Полина қўрқиб кетганидан Жадовга ёпишади: Жадов бир қўли блан столга таяниб, бошини қуйи солади, ўзини йўқотиб қўйган Юсов эшик олдида қотиб қолади.

1856 йил



КАМБАҒАЛЛИК
АЙБ ЭМАС



УЧ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ

ҚАТНАШУЧИЛАР

Гордей Карпич Торцов, бадавлат савдогар.

Пелагея Егоровна, хотини.

Любовь Гордеевна, қизи.

Любим Карпич Торцов, укаси, мол-мулкни совуриб битирган.

Африкан Савич Коршунов, фабрикант.

Митя, Торцовнинг гумаштаси.

Яша Гуслин, Торцовнинг жияни.

Гриша Разлюляев, бадавлат бир кишининг ўғли, ёш савдогар.

Анна Ивановна, ёш бева.

Маша } Любовь Гордеевнанинг дугоналари.
Лиза }

Егорушка, дастёр, Торцовнинг йироқ қариндоши.

Арина, Любовь Гордеевнанинг энагаси.

Эркак ва аёл меҳмонлар, қизиқчи ва ҳоказолар.

Воқиа уезд шахрида, рождество арафасида савдогар Торцовнинг уйида ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Гумашталар турадиган кичкина хона; тўрда эшик, чап томондаги бурчакда кровать, ўнг томонда шкаф; чап томонда дераза тагида стол, унинг ёнида стул; ўнг томондаги девор ёнида конторка блан ёғоч табуретка; кровать ёнида гитара; стол ва конторкада китоб ва қоғозлар.

БИРИНЧИ САҲНА

Митя уй ичида кезиб юради; Егорушка табуреткада «Бова Королевич»ни ўқиб ўтиради.

Егорушка (*ўқийди*). «Шаҳаншоҳ отам, донғи кетган паҳлавон қирол, Кирибит Верзоулович, эндиликда мен унга тегаолмайман, негаки, ёшлигимда мени шоҳ Гвидонга унаштириб қўйишган эди».

Митя. Егорушка, хўжайинлар уйдаими?

Егорушка (*ўқиб турган жойни йўқотмаслик учун бармоғи блан босиб туриб*). Ҳечким йўқ; извошга тушиб сайр қилгани кетишди. Ёлғиз Гордей Карпичнинг ўзи ўтирипти. (*Уқийди*.) «Алқисса, Кирибит Верзоулович қизига депти»... (*Бармоғи блан босади*.) Аммо, шунақанги жаҳли чиқиб ўтириптики асти қўяверасиз! Мен чиқиб кетибман ҳамки, сўкиниб ўтирипти. (*Уқийди*.) «Алқисса, малика Милитриса Кирбитьевна Личарда деган хизматкорини ўз қошига да ват этиб...»

Митя. Кимдан хафа бўлаяпти?

Егорушка (*яна бармоғи блан босади*). Любим Карпич амакимдан хафа. Байрамнинг эртаси қуни Любим Карпич амаким бизникида овқат қилган эдилар, маст бўлиб, дастурхон бошида бўлар-бўлмас қилиқлар қилиб, ҳаммани кулдириб ўтирдилар. Менинг арзир-арзимас нарсага куладиган одатим бор, бирдан кулгим қистаб, хахолаб юбордим, мени кўриб бошқалар ҳам кулишди, Гордей Кар-

пич амаким, бу нодонлик, сен мени масхара қилаяпсан деб жаҳллари чиқиб кетди-да, уни ҳайдаб юбордилар. Любим Карпич бўлса, улардан ўч олмоқчи бўлиб, шўхлик қилиб черков олдида тиланчилик қиладиган гадойлар орасига бориб туриптилар. Гордей Карпич амаким эса мени бутун шаҳар халқи олдида шарманда қилди, дейдилар. Шундан бери жаҳллари чиқиб, ким кўринса, шундан аламларини олиб юриптилар. (Уқийди) «Шу ният блан шаҳримиз бўса-ғасига бостириб келди».

Митя (деразадан қараб). Улар қайтишганга ўхшайди... Ҳа, қайтишибди! Пелагея Егоровна, Любовь Гордеевна блан бирга меҳмонлар ҳам келишяпти.

Егорушка (эртакни чўнтагига яширади). Юқорига югуриш керак. (Кетади.)

ИККИНЧИ САҲНА

Митя (ёлғиз ўзи). Худоей, жуда диққинафас бўлиб кетдим-ку. Кўча-кўйда байрам, ҳамманинг уйида байрам бўлсаю, мен тўрт девор ичида ўтирсам-а! Яккаю-ягонаман, қариндошим ҳам, таниш-билишим ҳам йўқ! Бунинг устига устак... Ҳа, майли, бўлганча бўлар! Яхшиси, ўтириб ишимни қилай, балки кўнглим ёзилар. (Конторка ёнига ўтириб, хаёлга толади, кейин ашула айтабошлайди.)

Хусини тасвираб бўлмайди асло!
Қошлари қорадур, кўзлари шахло¹.

Ҳа, кўзлари шахло. Кеча устида совсар пўстин, бошида рўмол, ибодатдан қайтаётган экан... вой-воёй!.. Менимча, бундай гўзал қиз оламга келмаган бўлса керак! (Хаёлга толиб, кейин ашула айтади.)

Қайси боғнинг гули экан бу гўзал...

Эй, шунақа пайтда иш кўнгилга сиғармиди! Унинг ҳақида ўйлаганим ўйлаган. Интизорликда юрак-бағрим эзилиб кетди. Вой, шўр пешонам, шўр пешонам!.. (Юзини қўллари блан беркитиб, индамай ўтиради)

Иссиқ кийинган Пелагея Егоровна кириб остонада тўхтайти.

¹ Комедияда учрайдиган қўшиқларни Рустам Комилов таржима қилган.

УЧИНЧИ САҲНА

Митя блан Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Митя, Митенька!

Митя. Лаббай? Нима дейсиз?

Пелагея Егоровна. Кечқурун бизникига чиққин-а, чироғим! Қизлар блан гурунглашиб, ашула айтишиб ўтира-сизлар.

Митя. Жуда миннатдорман. Бажону-дил.

Пелагея Егоровна. Ҳадеб конторда ёлғиз ўзинг ўтираверасанми! Кишининг юраги сиқилиб кетади! Чиқа-санми? Гордей Карпич уйда бўлмайди.

Митя. Хўп бўлади, албатта чиқаман.

Пелагея Егоровна. Яна жўнамоқчи-ку, ахир... тагин ўшаникига, ўзининг... хаҳ... оти нима эди?..

Митя. Африкан Савичникигами?

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа! Нимага ҳам бизга илашиб олди, уйинг куйгур!

Митя (*стул қўйиб беради*). Утиринг, Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Утиришга вақтим бор дейсан-ми. Ҳа, майли, пича ўтирсам, ўтирай. (*Утиради.*) Ҳая, шуни айтгина... қаёқдан ҳам келиб қолди у! Ҳайронман!.. Шундай апоқ-чапоқ бўлиб кетишганки. Ҳа! Шунақа! Мақсад нима? Нима кераги бор экан? Ҳеч ақлим етмай қолди! Африкан Савич дегани жанжалкаш, пияниста одам... Ҳа!

Митя. Балки Гордей Карпичнинг Африкан Савич блан бирорта шериклик ишлари бордир.

Пелагея Егоровна. Бо-о-о! Қанақа иш бўларди! Ҳечқанақа иши йўқ. Ахир, Африкан Савич инглиз блан ичишгани ичишган. Фабрикасининг дилехтори инглиз бўлганидан кейин бирга ичишади-да... ҳа! Бизники уларнинг тенги эмас. Айтганинг бўлармиди! Фурури оламни босади. Бу ерда менга улфатчилик қилишга арзийдиган одам йўқ, бу ердагиларнинг бари аблаҳ, мужик, мужикдан фарқи йўқ, дейди; у бўлса москвали, бутун умрини Москвада ўтказади... ўзи ҳам давлатманд, дейди. Уни нима жин урди? Бирдан шунақа ўзгариб қолди-да, бирдан-а! Илгари эсиҳуши жойида эди. Жудаям, айтарлик тўла-тўкис яшамасак ҳам, бинойидек турардик, бошқаларнинг ҳаваси келарди. Бултур сафарга бориб, бировдан юқтириб келди-да. Рост, юқтириб келган, менга айтишди... ҳамма қилиқларини ўшоқдан юқтириб келган. Энди бизнинг бутун рус одатларимиз

унга ёқмас эмиш; ҳозирги замончасига турмуш қураман, модаларга амал қиламан, дейди. Ҳа, ҳа!.. Бошингга чепчик кийиб юр дейди, менга!.. Топган гапини қара энди!.. Қариган чоғимда бировни ясаниб-тусаниб йўлдан ураримдим! Туффей! Нима қиларимни билмай қолдим! Ҳа! Илгар ичкиликни оғизга олмасди... рост... сра ичмасди... Энди бўлса, Африкан Савич блан бирга ичишади! Ичкиликдан (бошини кўрсатади) мияси айниб қолганми, дейман.

Жиманк.

Назаримда, шайтон йўлдан оздирганга ўхшайди! Одам деган ақл-ҳушини ҳам йўқотадим!.. Ёш бўлса ҳам майли эди: ёшликда ясангинг ҳам келади, ҳар нарсага ҳавас ҳам қиласан; ахир, ёшинг олтмишга етиб қопти-ку! Ҳа, ёши олтмишга яқинлашди, чирогим! Рост! Мода — янги чиққан расмларинг ҳар куни ўзгариб туради, аммо бизнинг рус одатларимиз қандай бўлса, шундайлигича қолади, дейман унга! Ота-боболаримиз биздан ақллироқ ўтган, дейман. Баджаҳл бўлганидан кейин унга бир гап айтиб бўладими, чирогим!

Митя. Нимасини айтасиз! Жуда қаттиққўл одам.

Пелагея Егоровна. Любочкамизнинг бўйи етиб қолди, эрга берайлик десам унинг тенги йўқ... деб туриб олади... тенги йўқ дейди, вассалом... Нега тенги йўқ экан, бор! Унга қолса, йўқ бўлади... Бу гаплар онанинг кўнглига қандай ботаркин демайди!

Митя. Балки Гордей Карпич Любовь Гордеевнани Москвага узатмоқчидирлар.

Пелагея Егоровна. Унинг кўнглидагини ким билади, қовоғидан қор ёғади, гинг демайди, ҳа мен она бўламан қизимга... рост-да... бир оғиз гап айтолмайман-а; юрагим сиқилганидан, бегона одамларга дардимни айтиб йиғлайман, кўнглимни ёзаман... (Туриди.) Чиққин-а, Митя.

Митя. Хўп чиқаман.

Гуслин киради.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Гуслин

Пелагея Егоровна. Мана бу йигитча ҳам бор! Болохонага чиққин-а, Яшенька, қизлар блан ашула айтишиб ўтирасизлар, сен бунақа ишларга устасан, гитарангни ҳам олиб чиқ.

Гуслин. Хўп бўлади, бизга бунақанги иш чўт эмас, қайтангга, ўзимизга маза.

Пелагея Егоровна. Хўп, хайр. Бориб ярим соатча дамимни олай.

Гуслин ва Митя. Хайр.

Пелагея Егоровна чиқиб кетади; Митя ғамгин бир ҳолатда стол ёнига келиб ўтиради. Гуслин кроватъга ўтириб, қўлига гитара олади.

БЕШИНЧИ САҲНА

Митя блан Яша Гуслин.

Гуслин. Сайргоҳдаги одамнинг кўплигини айтмайсанми!.. Хўжайинларингиз ҳам ўша ерда эди. Сен нега бормадинг?

Митя. Нима қилай, Яша, жуда юрагим сиқилиб кетди.

Гуслин. Нега сиқилади? Нима ғаминг бор?

Митя. Нега ғамим бўлмас экан? Бирдан миямга қандай шўрпешона одам эканман деган фикр келиб қолади. Онам кексайиб қолган бўлса, кексайган чоғида умрини бечораликда ўтказса, уни боқиш керак, хўш, нима блан боқаман? Жиндаккина мояна олсам, худди айб менда бўлгандай, Гордей Карпичдан туртки блан сўкишдан бўлак ҳечнарс кўрмасам, нукул оёқялангсан, фақирсан, бечорасан дегани деган; моюнани эса оширай демайди. Бошқа бирон жойга кириб кетай десанг, таниш-билишинг бўлмаса, иш топиш қийин. Ростини айтсам, бошқа ерга ўзим ҳам бормайман.

Гуслин. Нега бормайсан? Ана, Разлюляевлар — хонадони яхши, ўзлари ҳам бадавлат, меҳрибон одамлар.

Митя. Йўқ, Яша, тўғри келмайди! Гордей Карпичдан ёмонлик кўрсам кўрай, қашшоқ бўлсам бўлайки, у ерга бормайман. Тақдирим шу экан!

Гуслин. Ҳа, нега шунақа?

Митя (туради). Шундоғ-да, сабаби бор. Дилимда яна бир дардим бор. Яша, аммо у дардимни ҳечким билмайди. Ҳечкимга айтган эмасман.

Гуслин. Менга айтақол.

Митя (қўл силтаб). Нима кераги бор!

Гуслин. Ҳа айтақолсангчи, мунча!

Митя. Айтсам ҳам, айтмасам ҳам фойдаси йўқ!

Гуслин. Қасдан биласан, балки, бўлиб қолар?

Митя (*Гуслиннинг ёнига келади*). Дардимга ҳечким дармон бўлаолмайди. Тамом бўлдим! Любовь Гордеевнани жуда яхши кўриб қолдим.

Гуслин. Йўғе? Қандай қилиб?

Митя. Қандай қилиб бўларди, яхши кўриб қолдим дедим-ку, яхши кўрдим-да.

Гуслин. Яхшиси, бу нарсани эсингдан чиқар, Митя. Минг қилсанг ҳам сенга тегмайди, анойи эмас.

Митя. Буни-ку ўзим ҳам биламан-а, аммо юракка нима дейсан! «Дўстга ошиқ бўлиш мумкин, унутиш мумкин эмас!..» (*Қўлларини силкитиб гапирди.*) «Бир гўзални севиб қолдим, ҳечнарсга кўзимга кўринмас!.. Бахил кишилар йўл қўймаслар, ташла дерлар, қўй дерлар!»

Гуслин. Шундай бўлса ҳам ташлаганинг ма'қул. Мана, масалан, Анна Ивановнани олайлик: менинг тенгим, унинг ҳам бир чақалик бисоти йўқ, менда ҳам ҳеч вақо йўқ, шундай бўлишига қарамасдан, уйланай десам тоғам йўл қўймайди. Сенга йўл бўлсин! Ҳадеб ўйлайверсанг, кейин ўзинг яна баттарроқ қийналасан.

Митя (*ўқийди*).

Бу жаҳонда недир бешафқат?
Бешафқатдир ишқ-муҳаббат!

(*Уй ичида айланиб юради.*) Яша, Кольцов¹ни ўқиганми-сан? (*Тўхтади.*)

Гуслин. Ўқиганман, нима қилди?

Митя. Бу ҳисларни жуда бошлаб ёзган-да!

Гуслин. Ҳа, айнан ўзини ёзган.

Митя. Айнанлиги ҳам гапми. (*Уй ичида айланиб юради.*) Яша!

Гуслин. Нима дейсан?

Митя. Мен қўшиқ тўқидим.

Гуслин. Сен-а?

Митя. Ҳа.

Гуслин. Қани, куйга солиб кўрайликчи.

Митя. Бўпти. Ма. (*Гуслинга қоғоз узатади.*) Мен пича ўтириб ишлай: бирдан Гордей Карпич сўраб қолса... (*Ўтириб ёзабошлайди.*)

Гуслин гитара олиб, куйга солабошлайди; Разлюляев гармонь кўтариб киради.

¹ Кольцов А. В. (1809—1842)— машҳур рус шоири.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Разлюляев

Разлюляев. Салом, оғайнилар! (*Гармонь чалиб, ўйинга тушади.*)

Гуслин. Вой аҳмоғей! Гармонь олиб нима қилардинг?

Разлюляев. Нима қилардим, чалиб юраман. Мана... (*Чалади.*)

Гуслин. Шу ҳам музика бўптию... расво музика! Ташлаворе!

Разлюляев. Қийин эканми!.. Ташласам ташлайвераман... Нимасидан кўрқаман! Пулимиз йўқ дейсанми? (*Чўнтагини уриб кўрсатади.*) Жаранглашини эшитдингми! Айш қилсак — қилаверамиз! (*Гармонини қўяди.*)

Битта тоғ баланд.
Бошқаси пастроқ;
Бир ёрим яқин,
Бошқаси йироқ.

Митя (*Митянинг елкасига бир уради.*) Ҳа, Митя! Нима қилиб ўтирибсан?

Митя. Ишим бор. (*Ишини давом этдиради.*)

Разлюляев. Митя, ҳай Митя, мен айшимни қилиб юрибман, оғайни... худо ҳақи, айш қилиб юрибман... Рост! (*Ашула айтади: «Битта тоғ баланд...»*) Байрам ўтгунча маза қилиб айш қиламан, кейин ишга тушиб кетаман... Нима, пулимиз йўқ дейсанми? Мана, пул... Мен сра маст эмасман... Ўзим, шундай айш қилиб юрибман... вақтим чоғ...

Митя. Айш қилсанг қилавер.

Разлюляев. Байрамдан кейин уйланмоқчиман! Ростдан уйланмоқчиман! Бадавлат қизга уйланаман.

Гуслин (*Митяга қараб*). Мана, бир эшит, яхши чиқиптимикин?

Разлюляев. Қани, айт, мен бир эштай.

Гуслин (*айтади*).

Бераҳм, шум нарса йўқ
Етим кўрган қисматдан.
Бу мусибат огирроқ
Тутқунлик-асоратдан.
Ҳамма халқ учун байрам,
Етим чекар дард-алам!..
Оғрийди азиз боши
Ичкилик ичмаса ҳам.

Гўзалик овутирмас
Ешлик қувонтирмайди;
Бошин жонон қиз эмас
Қайғу-ҳасрат силайди.

Ашула давомида Разлюляев тошдай қотиб, ашулани
мароқ блан тинглаб туради; ашула тугагандан кейин
ҳаммаси индамай ўтиради.

Разлюляев. Яхши, жуда яхши! Юракни эзиб юбора-
ёзди... Юракка чўғдай ёпишади. (*Хўрсинади.*) Эҳ, Яша!
Қани, шўхроғидан чал, ке, юракни эзма, бугун байрам-ку,
ахир. (*Ашула айтади.*)

Эҳ, гусарни севмаслик —
Ярамас иш бу!

қани, жўр бўлсангчи, Яша.

Гуслин гитара чалиб жўр бўлади.

Митя. Жинниликларингни қўйсаларингчи. Ундан кўра,
ҳаммамиз бир бўлиб хиргойи қилайлик.

Разлюляев. Бўпти!

Ўтирадилар.

Гуслин (*ашула бошлайди; Митя блан Разлюляев
унга жўр бўладилар*).

Сиз барнолар, ёш ўғлонлар.
Дўстларим, ўртоқларим...

Гордей Карпич киради; ҳамма жим бўлиб, ўрнидан туради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Ашула айтиш нимаси! Мужикка
ўхшаб бақиршадия! (*Митяга.*) Сен ҳам қўшилаяпсанми!
Мужиклар уйида турмасанг керак! Бу ер қовоқхонами!
Бундан буён кўрмай! (*Стол ёнига келиб, қоғозларни кўз-
дан кечиради.*) Нега қоғозларни чочиб ташладинг!..

Митя. Счётларни текшириб ўтирувдим.

Гордей Карпич (*Кольцовнинг ше'рлар тўплами
ва ше'р ёзилган дафтарни олади*). Бу қанақа тентаклик
тагин?

Митя. Зериккан вақтларимда, байрам кунлари Коль-
цов жанобларининг ше'рларини кўчириб ўтираман.

Гордей Карпич. Бошимиз калу, кўнглимиз нозик-
да, а!

Митя. Ұз ма'лумотимни ошириб, ул-булга ақлим етсин деб қиламан-да.

Гордей Карпич. Ма'лумот эмиш! Ұзинг ма'лумотнинг нималигини биласанми?.. Маҳмаданалик қилишингни қара-я! Ундан кўра, эгнингга сюртук тиктириб ол! Ахир, болохонамизга чиқиб турасан, меҳмонлар келиб туришади... уят! Пулни қаёққа қўясан?

Митя. Ойимга юбораман, ойим кексайиб қолган, боқадиган одами йўқ.

Гордей Карпич. Ойимга юбораман эмиш! Олдин ўзингни эпақага келтирсангчи; ойингга қанча пул керак! Катта еб-ичиб ўрганмаганку, ўзини ўзи эпласин энди.

Митя. Қийинчиликни кўрсам ҳам майли, аммо онам қариган чоғида қийналмасин.

Гордей Карпич. Ахир, бу қандай аҳмоқчилик! Ұзингни-ку тузатиб юраолмаганингдан кейин, хужрадан чиқмай ўтиравер-да; бисотингда ҳечнарсанг бўлмагандан сўнг, сенга орзу-ҳавасни ким қўйибди! Ше'р битармиш, ма'лумот ортдирармишу, ўзининг эса қора ишчидан фарқи йўқ! Аҳмоқона ашула айтиш блан одам саводли бўларканми? Тентаклик бу! (Митяга кўз қирини ташлаб, тиши орасидан). Аҳмоқ. (Бироз жим тургач.) Бундай сюртук блан болохонага чиқақўрма. Сенга айтаман, эшитаяпсанми! (Разлюляева қараб.) Сен ҳам шунақасан! Отанг қоплаб пул топадию, эгнингга тузукроқ пальто ҳам қилиб бермайди.

Разлюляев. Нима қипти! Пальтом янги!.. Француз сукносидан. Москвадан танишлар орқали олдириб келганмиз... гази йигирма сўлкавой туради. Аптекарь Франц Фёдорич кийиб юрган рўдапо кийимдан кийгин дейсизми... Уни, шу ҳам пальтоми деб ҳамма масхара қилади. Одамларга кулги бўлишдан нима фойда!

Гордей Карпич. Жуда маҳмадана бўпсан-да! Ростини айтганда, сенда ҳам айб йўқ! Ұзинг бир тентак бўлсанг, отанг ҳам сендан баттар бўлса... бутун умри яғри чиқиб кетган пальтода ўтиб кетди; жоҳил, нодонмисизлар, жоҳилликларингча ўлиб кетасанлар.

Разлюляев. Майли, ўлсак ўлиб кетармиз.

Гордей Карпич (жаҳл блан). Нима дединг?

Разлюляев. Майли, дедим.

Гордей Карпич. Нодон, гапингни ҳам тўғри гапиролмайсан-а! Сен аҳмоқларга гап уқдириш эшакнинг қулоғига танбур чертиш блан баравар. (Чиқиб кетади.)

САККИЗИНЧИ САҲНА

Қолганларнинг ўзи.

Разлюляев. Важоҳатингдан ўргулай! Қутуришини қара! Хаёлида қўрқитмоқчи бўлдию... Қўрқитиб бўпсан!

Митя (Гуслинга қараб). Мана, менинг турмушим шунақа! Пешонамнинг шўрлигини кўрдингми!

Разлюляев. Бундай кун кўраверсанг ичкиликка ҳам берилиб кетасан! Ке, қўй, ўйлайверма. (Ашула айтабошлайди.)

Битта тор баланд.
Бошқаси пастроқ;
Бир ёрим яқин,
Бошқаси йироқ.

Любовь Гордеевна, Анна Ивановна, Маша ва Лизалар кирадилар.

ТУҶҚИЗИНЧИ САҲНА

Илгаригилар, Любовь Гордеевна, Анна Ивановна, Маша ва Лиза.

Анна Ивановна. Салом, яхши йигитлар!

Разлюляев. Хуш келибсизлар!

Митя. Салом! Хуш келибсизлар!.. Қандай шамол учирди?

Анна Ивановна. Ҳечқанақа шамол учиргани йўқ, ўзимиз келмоқчи эдик, келдик. Гордей Карпич жўнади, Пелагея Егоровна дамани олиб ётипти, инон-ихтиёримиз ўзимизда... Ўйнаймиз, куламиз!..

Митя. Марҳамат, ўтиринглар.

Утирадилар. Митя Любовь Гордеевнанинг рўпарасига ўтиради; Разлюляев уй ичида айланиб юради.

Анна Ивановна. Индамай ўтира-ўтира чарчадик, ёнғоқ чақиш ҳам жонга тегди; қизларга юринглар, йигитларнинг ёнига тушамиз дедим, қизлар жон деб рози бўлишди.

Любовь Гордеевна. Нима деб вайсаяпсан? Бу ерга тушиш хаёлимизга ҳам келгани йўқ эди, ўзинг айтдинг-да.

Анна Ивановна. Ҳеч-да! Олдин ўзинг бошладинг... Товуқ тушига тариқ кирипти дегани рост-да; йигитлар қизларни ўйлайди, қизлар йигитларни.

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!.. Ҳақ гапни айтдингиз, Анна Ивановна.

Любовь Гордеевна. Ҳеч-да!

Маша (Лизага қараб). Вой, қандай шармандалик!

Лиза. Бутунлай аксини гапираяпсиз, Анна Ивановна.

Анна Ивановна. Вой, уялмай кетинглар! Бир гап айтардим, йигитлар бор-да... Ҳзим ҳам қиз бўлганман, биламан.

Любовь Гордеевна. Қиздан қизнинг фарқи бор.

Маша. Вой, қандай шармандалик!

Лиза. Нималар деяпсиз ўзингиз, жуда қизиқ гапларни гапирасиз-а, одамни шарманда қилдингиз-ку.

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!..

Анна Ивановна. Ҳозиргина болохонада нималарни гапириб ўтирган эдинглар? Айтайми?.. Айтайми, йўқми? Ҳа, индамай қолдинглар!

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!..

Анна Ивановна. Сен нега тиржаясан? Ахир, сенинг тўғрингда гапираётганим йўқ-ку.

Разлюляев. Менинг тўғримда бўлмаса, эҳтимол, биз тўғримизда ўйлайдиган ҳам топилиб қолар. Биз ҳам биладиганимизни биламиз! (Ўйинга тушади.)

Эҳ гусарни севмаслик!
Ярамас иш бу!

Анна Ивановна (Гуслиннинг ёнига келади). Ҳа, бандурист, мени қачон оласан?

Гуслин (гитара чалиб). Гордей Карпич ижозат берганида. Шошиб ҳам нима қилдик, шошмасак ҳам бўлади. (Бош тебратади.) Бери келчи, Анна Ивановна, сенга айтadиган гапим бор.

Анна Ивановна унинг ёнига бориб ўтиради; Гуслин Любовь Гордеевна блан Митяни имлаб кўрсатиб унинг кулогига бир нималар деб шивирлайди.

Анна Ивановна. Йўғей?.. Наҳотки!

Гуслин. Ҳа, шундай.

Анна Ивановна. Ҳўп, майли, дамингни чиқарма. (Шивирлаб гапиришади.)

Любовь Гордеевна. Бугун кечқурун бизникига чиқасанми, Митя?

Митя. Чиқаман.

Разлюляев. Мен ҳам чиқаман. Ўйинга тушишга жуда ишқивозман. (*Олифта бўлиб туради.*) Ҳай, қизлар, битта-яримтанг мени яхши кўрсангларчи.

Маша. Шундай гапни гапиришга уялмайсизми?

Разлюляев. Гапирсам нима қипти! Мени яхши кўринглар дедим... содда одам бўлганим учун.

Лиза. Қизларга бундай деб бўлмайди. Қизларнинг ўзи сизни севишларини кутишингиз керак эди.

Разлюляев. Қизларнинг ўзига қолса, ўлса ҳам севмас! (*Ўйинга тушади.*)

Эҳ, гусарни севмаслик!

Любовь Гордеевна (*Митяга қараб қўйиб*). Балки, биров бировни севиб юргандир, аммо буни ўлса ҳам айтмайди: йигит ўзи фаҳмлаб олиши керак-да.

Лиза. Дун'ёда ҳечбир қиз мен сени севаман деб айтмайди!

Маша. Албатта, айтмайди-да.

Анна Ивановна (*уларнинг ёнига келиб, гоҳ Любовь Гордеевнага, гоҳ Митяга қараб, ашула айта бошлайди*).

Ким кимни севганлиги
Аниқланди муқаррар.
Ма'шуқа қаршисида
Ошиқ огир хўрсинар.

Митя. Буни кимга текизиб айтдингиз?

Анна Ивановна. Кимга текизиб айтганимизни ўзимиз биламиз.

Разлюляев. Ҳай, қизлар, шошманглар, мен сизларга бир ашула айтиб бераман.

Анна Ивановна. Қани, айт, айт!

Разлюляев (*ашулани чўзиб айтади.*)

Кўкда айиқ этарди парвоз.

Анна Ивановна. Бундан баттарроғини билмайсанми?

Лиза. Бизни мазах қилаяпти, шекилли.

Разлюляев. Буни сиз ёқмаса, бошқасини айтмай. Мен хушчақчақ одамман. (*Ашула айтади.*)

Ҳай, қаттиқ ур тахтани,
Хотирла Москвани!
Москва уйланмоқчи
Коломнани оламоқчи.
Тула хахолаб кулиб,
Дейди: «мен бўлмайман сеп!»
Тўрт тийин қорабуғдой,

Қирқ тийин турар ёрма,
Ярим танга тариқвой,
Тўққиз тийиндир арпа.

(қизларга қараб)

Арзон бўларди сули,
Қиммат-да кира пули.

Қўрдингизми, ҳавонинг қанақалиги!

Маша. Бунинг бизга дахли йўқ экан.

Лиза. Биз аллоплик қилмаймиз.

Анна Ивановна. Мунча хиралик қиласан! Ундан
кўра, мана бу жумбоқни ечсангчи: думдумалоқ, қиз эмас,
думи бор, сичқон эмас!

Разлюляев. Оббо, жуда қийин-ку.

Анна Ивановна. Қийинини топиб айтамиз-да!..
Уйлаб топ! Қани, қизлар, кетдик.

Қизлар ўринларидан туриб, кетмоқчи бўладилар.

Юринглар, йигитлар.

Гуслин блан Разлюляев ҳам отланадилар.

Митя. Мен кейинроқ чиқаман. Бу ерни саранжомлаб
олай.

Анна Ивановна (бошқаларнинг отланиб бўлишини
кутиб).

Кеча оқшомда қизлар,

Кеча оқшом гўзаллар,

Кеча оқшомда қизлар пиво қайнатардилар.

Келди қизлар ёнига,

У гўзаллар ёнига,

Келди қизлар ёнига чақирилмаган меҳмон.

(Анна Ивановна ҳаммани эшикдан чиқариб, Любовь
Гордеевнани тутиб қолади-да, эшикни беркитади.)

УНИНЧИ САҲНА

Митя блан Любовь Гордеевна.

Любовь Гордеевна (эшик ёнида туриб). Қўйинг-
лар, жиннилик қилманглар.

Эшик орқасидан қизларнинг кулгиси эшитилади.

Қамаб қўйишдию!.. Вой, жинниларей! (Эшик ёнидан кета-
ди.) Бу нима жиннилик!..

Митя (*стул қўйиб*). Утиринг, Любовь Гордеевна, бирпас суҳбатлашайлик. Сизнинг буерга келишингизни кўриб жуда қувониб кетдим.

Любовь Гордеевна (*ўтириб*). Нимага қувонасиз, ҳайронман.

Митя. Нега қувонмай! Сизга қилган хизматимдан ҳам ортиқ илтифот кўрсатишингиз мени суюнтиради. Мана, тагин бир марта бахтиёр бўлдим...

Любовь Гордеевна. Нима бўпти! Келдим, бирпас ўтирдим, кетдим, бунинг унча аҳамияти йўқ. Ҳозир ҳам туриб кетишим мумкин.

Митя. Йўқ, йўқ, кетманг, зинҳор!.. Кетиб нима қиласиз!.. (*Чўнтагидан қоғоз олади.*) Рухсат этсангиз, мен сизга ўз меҳнатимни тақдим этай... қўлимдан келганча, чин қалбимдан ёзганман.

Любовь Гордеевна. Бу нима ўзи?

Митя. Сизга атаб ше'р тўқиган эдим.

Любовь Гордеевна (*севинчини яширмоқчи бўлади*). Яна биронта бема'ни гап бўлмасин... балки ўқишга ҳам арзимас.

Митя. Бунисини айтолмайман, негаки, илмим бўлмаса ҳам ўзим тўқиганман.

Любовь Гордеевна. Уқиб берчи!

Митя. Ҳозир. (*Стол ёнига ўтириб, қоғозни олади.*)

Любовь Гордеевна унинг пинжига келиб туради.

Гул эмас, кўкат эмас далада бўлган хазон.
Сўлиб хазон бўлмоқда соф кўнгилади ёш ўғлон.
Манглайи шўрлик қилиб, гўзалга бўлди шайдо,
Ўз бошига келтирди туганмас жабру жафо.
Давлатманд гўзал қизга қўйиш блан муҳаббат,
Ўз жонига беҳуда сотиб олди фалокат.
Гўё зулмат кечада чиқмаганидек қуёш,
У қиз бу йигит блан бир ёстиққа қўймас бош.

Любовь Гордеевна (*бирмунча вақт хаёлга толиб ўтиради*). Қани, буёққа бер. (*Қоғозни олиб яширади, кейин ўрнидан туради.*) Жавобини хатда айтаман.

Митя. Ўзингиз-а?

Любовь Гордеевна. Аммо, ше'р тўқишни билмайман, шундай ёзаман.

Митя. Бундай илтифотингизни катта бахт деб ҳисоблайман. (*Қоғоз блан перо узатади.*) Марҳамат, олинг.

Любовь Гордеевна. Афсуски, хатим хунук.
(*Езади; Митя қарамоқчи бўлади.*) Қарама, қарасанг ёзмайман, йиртиб ташлайман.

Митя. Қарамайман. Аммо, илтифотингизга жавобан яна қўлимдан келганича сизга атаб ше'р ёзишимга ижозат этасиз.

Любовь Гордеевна (*ручкани стола қўйиб*). Ёзсанг, ёз... Қайтанга қўлимни сиёҳ қилдим, билганимда, ёзмас эдим.

Митя. Беринг.

Любовь Гордеевна. Ма. Аммо, ҳозир эмас, мен кетганимдан кейин ўқийсан. (*Қоғозни буклаб, Митяга беради; Митя қоғозни чўнтагига беркитади.*)

Митя. Худди айтганингиздай қиламан.

Любовь Гордеевна (*ўрнидан туради*). Болохонага чиқасанми?

Митя. Чиқаман... ҳозир чиқаман.

Любовь Гордеевна. Яхши қол.

Митя. Кўришгунча хайр.

Любовь Гордеевна эшик томон юради; эшикдан Любим Карпич кириб келади.

УН БИРИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Любим Карпич.

Любовь Гордеевна. Вой!

Любим Карпич (*Любовь Гордеевнани кўрсатиб*). Тўхта! Кимсан? Нима қилиб юрибсан? Қандай иш блан юрибсан? Назорат қилинсин!

Любовь Гордеевна. Сизмисиз, амаки!

Любим Карпич. Мен, жиян! Ҳа, қўрқиб кетдингми? Қўрқма, боравер! Мен чақимчи эмасман, ҳозир ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолади, кейин бекорчиликда текшириб кўраман.

Любовь Гордеевна. Яхши қолинглар! (*Чиқиб кетади.*)

УН ИККИНЧИ САҲНА

Митя блан Любим Карпич.

Любим Карпич. Митя, савдогар укаси, Торцов ўғли Любим Карпич Торцовни қабул қил.

Митя. Марҳамат, хуш келибсиз.

Любим Карпич (ўтиради). Акам мени даргоҳидан ҳайдади! Мана, бу юпун пальтода кўчада кўпам юриб бўлмас экан!.. Совуқ... Чилланинг совуғи, ба-ба-ба-ба!.. Қўлим музлаб қолди, ба-ба-ба!

Митя. Исиниб олинг, Любим Карпич.

Любим Карпич. Уйингдан ҳайдаб чиқармайсанми, Митя? Ҳайдасанг, кўчада итдай совқотиб ўламан-а...

Митя. Кўчага ҳайдаб бўладими одамни, унақа деманг!..

Любим Карпич. Акам ҳайдаб қўйди-ку, ахир. Пулим борида мен ҳам иссиқ-иссиқ жойларда юрардим; энди пулим йўқ — ҳамма ҳайдайди. Пулим ҳам кўп эмас эди, ҳаммаси бўлиб икки франку, бирнеча сантим эди, холос! Шу ҳам пулми! Бу пулга иморат ҳам қурулмайсан!.. Қишлоқ ҳам сотиб ололмайсан!.. Пулни нима қилиш керак эди? Қаёққа сарф қилиш керак? Омонат қўйиш ҳам ярамайди! Шартта ичиб тугатдим. Баттар бўлсин!

Митя. Нега ичасиз, Любим Карпич? Ичкиликнинг касофатидан ўзингизни хор қилиб юрибсиз!

Любим Карпич. Нега ичасан дейсанми?.. Аҳмоқлигимдан. Рост, аҳмоқлигимдан. Сен нимадан деб ўйлардинг?

Митя. Ичишни ташланг-қўйинг.

Любим Карпич. Ташлаб бўлмайди-да: шундай йўлга кириб қолганман.

Митя. Қанақа йўлга?

Любим Карпич. Биродар, мен гапирай сен қулоқ сол! Сен индамасдан тингла, доимо эсингда сақла. Отадан жуда ёш қолганман, мен сенга айтсам, отам ўлганда бўйим теракдай, йигирма ёшларга кирган бефаҳм йигит эдим. Ақл қаёқда эди дейсан, миям қовоқ эди. Акам блан бисотни тақсимлаб олдик: у бутун савдо-сотиқни олиб қолди-да, менга пул, билет ва ҳархил вексельларни тутқизди. Мол-мулкни қандай тақсимлади, суриштириб ўтирмадим, буни ўзи биладию, худо билади. Билетлардан пул ундирай деб, Москвага равона бўлдим. Бормай илож йўқ эди-да! Уёқ-буёқни кўриш керак эди, ўзингни ҳам кўрсатасан, пасту баландни билиб оласан, киши. Иннакейин, ўзим бинойи кўркамгина йигит эдим, аммо оламнинг борди-келдисини билмас, бегона уйларда ҳам бўлмаган эдим. Ҳаммасини кўриб, билиш керак эди! Аввало, олифта бўлиб кийиндим, биласанку бизни! Роса жиннилик қилдим! Турган гап, энг олдин трактирлардан бошладим... Шпилен зи

полька, яна бир шиша муздакрогидан келтиринг... Бир маҳал қарасам, ёру-биродарлар, ошна-оғайниларим жуда кўпайиб кетипти! Театрларга бориб юрдим...

М и т я. Театрда тамоша кўриш жуда мароқли бўлса керак, Любим Карпич.

Л ю б и м К а р п и ч. Мен кўпинча трагедияларни тамоша қилардим: трагедияга жуда ишқивоз эдим, аммо ҳечқай-сисини тузукроқ тамоша қилганим ҳам йўқ, кўрганларим эсимда ҳам йўқ, негаки, ҳаммиша маст бўлиб юрардим. (*Урнидан туради.*) «Прокоп Ляпунов бўғзинга пичоқ қадаб турипти ич». (*Утиради.*) Шундай қилиб бор-йўқ пулимни совурдим; қолган пулимни ошнам Африкан Коршуновнинг сўзига инониб, унга омонат топширдим; ўзим ҳам у блан юрардим, айши-ишратни ҳам бирга қилардик, барча бузуқликларга ўша бошларди, муттаҳамларнинг муттаҳами ҳам ўша, мени хонавайрон қилган ҳам ўша. Натижада, ҳамма нарсамдан айрилдим, ичай десам пулим йўқ, ичмай десам ичким келади. Нима қилай? Қажоққа бошимни урай, дардимни кимга айтай? Эгнимдаги кийимларимни, модага қараб тиктирган нарсаларимни қоғоз пулга сотиб юбордим, қоғоз пулни кумуш пулга, кумуш пулни сариқ чақага алиштирдим, бир маҳал қарасам — ҳечнарсам қолмапти!

М и т я. Қандай кун кечирдингиз, Любим Карпич?

Л ю б и м К а р п и ч. Қандай кун кечирдинг дейсанми? Менинг куним каллакесар татарнинг ҳам бошига тушмасин, жуда кенг жойда яшардим, тепам осмон, оёғим ости ер, тўрт томоним катта кўча. Одамлардан уяласан, улардан ўзингни олиб қочасан, аммо ташқарига чиқмай иложинг йўқ, чунки қорин оч. Кўчада кетаётганимда ҳамма сенга қарайди... Йлгариги қилган жиншиликларимни, чопқир извошларда юрганларимни ҳамма кўрган эди-да, энди бўлса кийим-бошим жулдур-жулдур, соқол-мўйловим ўсиб кетган... Одамлар бошини чайқаб, юзини тесқари ўгириб кетади. Уят, шармандалик! (*Бошини қуйи солиб ўтиради.*) Битта яхши ҳунар бор, даромади ҳам катта, уни ўғирлик дейилади. Аммо, у ҳунар менинг қўлимдан келмайди, негаки, бунга виждоним йўл қўймайди, унинг устига қўрқаман ҳам: ҳечким у ҳунарни яхши демайди.

М и т я. Энг разил иш шу-да.

Л ю б и м К а р п и ч. Одамлар, бошқа мамлакатларда бундай ҳунар эгасига бир талер¹дан тўлайди деб айтишади,

¹ Т а л е р — қадимги немис пули. уч маркага тенг.

бизда эса туппа-тузук одамлар гарданингга муштлаб ҳайдайди. Йўқ, оғайни, ўғирлик ёмон нарса! Бу қолиб кетган нарса, бутунлай барҳам бериш керак бунга... Аммо, қорнинг ўлардай оч бўлгандан кейин, бирон иш қилиш керакми, ахир! Кўча-кўйларда масхарабозлик қилиб юрдим, эртактлар айтиб, лўттибозлик қилиб чақа йиғдим. Эрта саҳардан, то қора кечгача шаҳарда жунжикиб, одамларга кўринмай деб бурчак-бурчакларда беркиниб юрардим, биронта савдогар кўринмасмикин деб интизор бўлардим. Биронтаси, аиниқса бойроғи келиб қолса, дарров олдига чиқардим-да, масхарабозлик қилардим, биттаси бир мири, бошқаси ярим танга бериб кетарди. Топганингни тамадди қиласан.

Митя. Шундан кўра, акангизникига келақолмабсиз-да.

Любим Карпич. Бўлмасди-да, жуда ичкиликка берилиб кетгандим. Эҳ, Митя, бу йўлга киракўрма, кирдингми, қайтиб чиқишинг қийин. Гапимни бўлмай тур, кейин гапирасан. Буёғини тингла! Шаҳарда шамоллаб қолдим,— қаҳратон қиш эди, эгнимда мана шу юпқа пальтом, қўлларимни куҳ-куҳлаб иситаман, оёқларим совуқ қотгани учун сакрайман. Меҳрибон одамлар мени касалхонага элтиб ташлашди. Соғаябошладим, энди ўзимга келабошлаганимда, маст эмасдим-да, бирдан чўчиб кетдим, юрагимни даҳшат босди... қандай ҳаёт кечирдим? Нима балолар қилдим? Юрагим сиқилабошлади, шунақанги сиқилиб кетдики, ўлиб кетганим ҳам яхшироқдай туюлди. Бутунлай тузалиб кетай, кейин ибодат қиламану, акамнинг ёнига бораман, жуда бўлмаса уйига қоровул қилиб олса ҳам майли, деб жазм қилиб қўйдим. Шундай ҳам қилдим. Келиб, оёғига бош қўйдим!.. Отам ўрнига ота бўл, дедим. Ҳаётим расво бўлиб ўтди, энди одам бўлмасам бўлмайди, дедим. Акам мени қандай кутиб олганидан ўзингнинг хабаринг бор! У ўз укасининг бундақалигидан номус қилармиш. Сен мени қўллаб-қўлтиқла, оёққа турғиз, сийла-сийпа, мен ҳам одам бўлиб кетай десам, йўқ, сени бошимга урамани, дейди. Меникига азиз меҳмонлар, бадавлат савдогарлар келиб-кешиб туради, уларнинг олдида мени шарманда қиласан, дейди. Мен эс-ҳушли одамман, ҳисларим нозик бутунлай бошқа ота-онадан туғилишим керак эди, дейди. Менинг маишатимни кўриб турибсанку! Менинг мужик боласи эканимни ким билади? Шу шармандаликнинг ўзи ҳам менга етиб ортади, сени бўйнимга бўйинтуруқ қилиб нима қиламан, дейди. Шу гаплари блан кўнглимни чил-чил қилди! Ҳа, майли, худога солдим, унинг мана бу суяги (пешонасини кўрсатади) қаттиқ-да. У аҳмоққа илм-

ма'рифат керакмиш. Биз аҳмоқларга давлат зарарли, давлатдан бузилиб кетамиз. Пулни билиб сарфлаш керак... (Мудрайди.) Митя, ўрнингда пича мизғиб олай, жуда уйқум келаяпти.

Митя. Майли, ётақолинг, Любим Карпич.

Любим Карпич (туради). Митя, сен менга пул берма... йўқ, бергину, аммо кўп берма, озгина бериб тур. Мен пича ухлаб олай, кейин чиқиб исиниб келаман, тушундингми!.. Бирозгина... кўп эмас! Шунча жиннилик қилганим етар.

Митя (ёнидан пул чиқариб). Мана, керагича олинг.

Любим Карпич. Ярим танга бўлса бўлади. Ҳаммаси кумушку, менга кумуши керакмас. Иккита бир пақирлик бўлса бўлгани. (Митя беради.) Бўпти, жуда соз. Жуда шафқатли одамсан-да, Митя! (Ётади.) Акам сенинг қадрингга етмайди. Ҳа майли, шошмай турсин, бир ўчимни оламану. Аҳмоқнинг қўлига тушган давлат — бало бўлади! Давлатни ақлли одамнинг қўлига берсанг, ишни боплайди! Москвада юриб, кўп нарсани кўрдим... Катта тажриба ордирдим! Аҳмоқнинг қўлига пул беракўрма, ҳаддидан ошиб кетади... фу, фу, фу, трр... акамга ўхшаб мана мен ҳайвонга ўхшаб... (Уйқу аралаш.) Митя, мен кечаси сеникига келиб ётаман.

Митя. Келинг, келинг. Контора ҳозирча бўш... байрам кунлари...

Любим Карпич (кўзи уйқуга кетиб). Акамни бир расво қиламан. (Ухлаб қолади.)

Митя (эшик ёнига бориб, чўнтагидан қоғоз чиқаради). Қани, нима деб ёзипти? Очишга қўрқаман! Қўлларим титраяпти!.. Ҳа, майли, нима бўлса бўлар, очиб ўқийчи. (Хатни ўқийди.) «Мен ҳам сени севаман. Любовь Торцова». (Икки қўли блан бошини ушлаганича, югуриб чиқиб кетади.)

ИККИНЧИ ПАРДА

Торцов уйида меҳмонхона. Тўрда диван, диван олдида юмалоқ стол блан олтига кресло, ҳар икки томонда учтадан; чап бурчакда эшик; деворларда биттадан ойна, ойналар тагида биттадан кичкина стол; икки томонда эшик, орқа томондаги бурчакда ҳам эшик бор. Саҳна қоронгу; чап томондаги эшикдан ёруғ тушиб туради.

БИРИНЧИ САҲНА

Ёруғ тушиб турган эшикдан Любовь Гордеевна блан Анна Ивановна кирадилар.

Анна Ивановна. Нега лочинларимиз ҳалигача келишмайди?.. Тушиб айтиб чиқайми, а?

Любовь Гордеевна. Йўқ, кераги йўқ. Ҳа, майли, тушсанг тушиб чиқақол. (Уни қучоқлайди.) Бор, айтиб чиқ, Аннушка.

Анна Ивановна. Юрагингдан урганга ўхшайди-я?

Любовь Гордеевна. Оҳ, Аннушка, билсанг, мен уни шу қадар севаманки!..

Анна Ивановна. Севсанг севгину, аммо эс-ҳушингни йўқотма, қизча. Узингга эҳтиёт бўлиб юр, гап-сўз бўлмасин. Олдин қандай йигит эканини яхшилаб текшир.

Любовь Гордеевна. Йигит ёмон эмас-да.. Уни жуда яхши кўриб қолганман, ювош, ҳечкимни йўқ.

Анна Ивановна. Яхши йигит бўлса сев, ўзингга яхшироқ аён. Мен шунчаки айтдим-қўйдим. Йигитлар қанча-қанча қизларни қон-қон йиғлатиб кетганини кўрганим учун айтаман. Эс-ҳушдан айрилиб, бирон гуноҳ қилиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас.

Любовь Гордеевна. Биз хотин-қизларнинг севганимиз қаерга ҳам борарди? Дала кўкатидай гап, гулламасдан хавон бўлади.

Анна Ивановна. Шошмачи, биров келаётганга ўх-

шайдими. У эмасмикин? Сен туратур, мен чиқиб қараб келай, балки кутганингдир... Очилиб гаплашинглар. (Чиқиб кетади.)

М и т я киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Любовь Гордеевна блан Митя.

Любовь Гордеевна. Ким у?

М и т я. Мен, Митяман.

Любовь Гордеевна. Намунча хаялладинг?

М и т я. Одамлар гапга тутиб қолишди. (Яқин келади.)

Любовь Гордеевна, ёлғиз ўзингизмисиз?

Любовь Гордеевна. Ҳа, ёлғизман. Нима қилди?

М и т я. Любовь Гордеевна, ёзган хатингизни қандай тушуниш керак, чинми ё ҳазиллашяапсизми?

Любовь Гордеевна индамайди.

Гапиринг, Любовь Гордеевна! Мен ҳозир шу қадар шубҳага тушиб қодимки, тушунтириб беришга ожизман. Уйингиздаги аҳволим ўзингизга ма'лум: ҳамма менга хўжайин. Гордей Карпич бўлса мени назар-писанд қилмайди; яккаюягона орзум — сиз эдингиз: агар сиз ҳам мени мазах қиладиган бўлсангиз, бу дунёда яшаганимдан яшамаганим яхшироқ. Ишонинг, юрагимдан чиқариб гапираяпман.

Любовь Гордеевна. Йўқ, Митенька, мен сенга ҳазил эмас, бор гапни ёздим. Сен мени севасанми?

М и т я. Албатта, Любовь Гордеевна, мен кўнглимдаги бор гапни очиб айтишга ожизман: аммо шуни айтиб қўяйки, сийнамдаги тош эмас, юрак. Севгимга ҳамма нарса ҳам гувоҳлик беради.

Любовь Гордеевна. Сен Анна Ивановнани яхши кўрасан деб юрувдим.

М и т я. Бўлмаган гап.

Любовь Гордеевна. Рост, менга шундай деб айтишувди.

М и т я. Агар шу гап рост бўлса, мен нима деган одам бўламан! Қалбимда бўлмаган гапларни қандай изҳор этаоламан? Менимча, бу, беорлик-беномуслик бўларди. Сизни алдаш уёқда турсин, ҳатто менга шунча илтифот қилишингизга ҳам арзимайман.

Любовь Гордеевна. Сизларга ишониб бўлмайди, чунки оламдаги ҳамма эркаклар алдамчи бўлади.

Митя. Ҳаммаси алдамчи бўлса бордиру, аммо мен алдамчи эмасман.

Любовь Гордеевна. Ким билади дейсан! Балки сен ҳам мени алдаб, мазах қилмоқчидирсан.

Митя. Сиздан бу гапларни эшитгандан кўра, шу ўтирган еримда ўлиб қўяқолганим яхшироқ! (*Юзини ўгиради.*)

Любовь Гордеевна. Йўқ, Митя мен ҳазиллашдим. Мени севишингни биламан; шунчаки, бир ҳазиллашгим келди-да.

Митя индамайди.

Митенька, Митя... Нега индамайсан? Мендан хафа бўлдингми? Ҳазиллашдим, дедиму, Митя! Кел энди, бир нима де. (*Митянинг қўлидан ушлайди.*)

Митя. Эҳ, Любовь Гордеевна, юрагимга ҳазил сиғади-ми шу топда! Мен унақа одам эмасман.

Любовь Гордеевна. Кел, қўй, хафа бўлма.

Митя. Агар мени яхши кўрсанг, бундай ҳазилингни ташла! Уринсиз ҳазил. Эҳ, нима бўлса бўлар! (*Қучоқлайди.*) Сени мендан зўриқ блан тортиб олса оладик, аммо ўз ихтиёрим блан бермайман. Сенинг йўлингда жонимни қурбон қиламан, Люба!

Любовь Гордеевна (*унинг пинжига кириб*). Митенька, энди нима қиламиз, а?

Митя. Нима қилардик? Бир-биримиздан жудо бўлиш учун севишганимиз йўқ-ку, ахир!

Любовь Гордеевна. Мени бошқа одамга унаштириб қўйишсачи?

Митя. Биласанми, Люба: гап битта — эртага тўпатуғри Гордей Карпичнинг олдига кирамиз-да, оёғига йиқиламиз. Гап шундай-шундай, бутун ихтиёр сизда, аммо бир-биримизсиз туролмаймиз, деймиз. Модомики, бировни севдингми, мағрурликни ташлашинг керак!

Любовь Гордеевна. Фурур қаёқда дейсан, Митенька! Фурур қоптими шу топда! Митенька, мендан хафа бўлма, Митенька, боя айтган гапларимга парво қилма, қизлар шунақа бўлишади, айб менда! Сен блан ҳазиллашиш эмас, балки сен бечорани бағримга босиб эркалашим керак эди. (*Митянинг кўксига бош қўяди.*) Башарти, дадам бизнинг бахтимизга тўсқинлик қилса, унда нима қиламиз?

Митя. Олдиндан бирнима деб бўлмайди, худонинг буюргани бўлади. Сени-ку билмадим, аммо мен сенсиз яшаёлмайман.

Жимлик.

Любовь Гордеевна. Биров келаяпти!.. Бор энди, жоним, секин чиқиб кет, мен кейинроқ чиқаман.

Митя секин чиқиб кетади; Арина шам кўтариб киради;
Любовь Гордеевна унинг олдига боради.

УЧИНЧИ САХНА

Арина, Любовь Гордеевна, сўнгра Егорушка киради.

Арина. Вой, сени қараю! Одамни чўчитиб юбординг-а. Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Ойнинг сени уёқда қидириб юрсаю, сен бу ерда ўтирсанг. Қоронғида юриш нимаси! Вой, менинг одобли, таби нозик маликам.

Любовь Гордеевна чиқиб кетади.

Ростдан ҳам бирон киши блан ўтирган бўлмасин тагин. (Бурчакларни кўздан кечиради.) Вой, жинни бўлмай ўлай, у тўғрида шундай гапларни ўйлабман-а! (Шамларни ёқади.) Қариганимда шундай деб ўйлаш гуноҳ эмасми.

Егорушка киради.

Бор, Егорушка, кўшни қизларни айтиб чиқ. Пелагея Егоровна зиёфатга чақираяптилар дегин.

Егорушка. Вой! Шунақа дегин ҳали, Аринушка, онахоним! (Ўйинга тушади).

Арина. Сен нега севинасан, тентак!

Егорушка. Шундай ўйин-кулги бўладию, севинмай-дими! Ай, ай, ай!.. (Сакрайди.)

Арина. Қизиқчилар келиб қолишса ҳам ажаб эмас; ёшлар қизиқчилик қилайлик дейишган эди.

Егорушка. Вой, ҳозир ўламан! Ҳозир ўлиб қоламан!

Арина. Сенга бир бало бўлдим, тирмизак?

Егорушка. Кулавериб ичагим узилиб ўламан; сал нарсага кулавераман-да, ахир, буви!

Арина. Ўзинг ҳам ясан.

Егорушка. Ясанаман, ясанаман! Вой, ўлдим, вой ўлдим!

Арина. Тезроқ чиқиб қизларни айтиб келсангчи.

Егорушка. Кетдим! (Чиқиб кетади.)

Пелагея Егоровна киради.

ТўРТИНЧИ САХНА

Арина блан Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Аринушка, қизларга одам юбордингми?

Арина. Юбордим, онахоним, юбордим.

Пелагея Егоровна. Ҳа, дуруст. Қизларимиз блан бирга ашула айтишсин, Любушка блан меҳмонларни хурсанд қилиб ўтиришсин. Ёшлигида ўйнаб-кулиб қолсин-да қизалоғим... Ҳа; қиз боланинг тақдири шу-да: ҳечқарга чиқолмаса, оламда нима борлигидан беҳабар бўлса... Мана энди уларнинг байрами... майли, ўйнашсин кулишсин!

Арина. Ҳа-а, онахоним, нимасини айтасан! Майли, ўйнаб кулишсин!

Пелагея Егоровна. Мадера олиб кел, Аринушка, мадера олиб кел... Уни катталар олдига қўясан; ёшларга пряник, конфет, ўзинг билганларингдан қўясан... Ҳа, ўзинг биласан, Ҳа, ўзинг билиб қил. Мадеркани унутма, Аринушка.

Арина. Биламан, онахоним, биламан. Ҳаммаси жойида бўлади. Ҳозир, онахоним ҳозир.

Пелагея Егоровна. Йигитлар олдига закуска ҳам қўй.

Арина. Ҳаммаси бўлади, онахоним, ҳаммаси бўлади. Хотиринг жам бўлсин, меҳмонлар қошига чиқақол, ўзим ҳамма ишни жону дилим блан қиламан. *(Чиқиб кетади.)*

Пелагея Егоровна *(эшик ёнига бориб)*. Ҳай, қизлар, йигитлар, буёққа келақолинглар, бу ер ҳам кенг, ҳамда ёруғроқ.

Любовь Гордеевна, Маша, Лиза, Анна Ивановна, Разлюляев, Митя, Гуслин ҳамда 1-нчи ва 2-нчи меҳмон аёллар кирадилар.

БЕШИНЧИ САҲНА

Пелагея Егоровна, Любовь Гордеевна, Маша, Лиза, Анна Ивановна, Разлюляев, Митя, Гуслин ва 1-нчи ҳамда 2-нчи кампир меҳмонлар.

Пелагея Егоровна *(кампирларга қараб)*. Биз манови ерда ўтирамыз. *(Диванга ўтиради, кампирлар унинг ёнига келиб ўтиришади.)*

Анна Ивановна блан Гуслин стулга ўтириб, секин-секин гапиришиб ўтирадилар; Митя уларнинг олдига келиб туради; Маша, Любовь Гордеевна ва Лизалар залда қўлтиқлашиб юрадилар, уларнинг кетидан Разлюляев юради.

Улар ўйнашсин, кулишсин, тамоша қилиб ўтирамыз.

Лиза. Мен оймларга: ҳатто гапиришни ҳам билмайди, шунақа гапларни айтадики, одам уялиб кетади, дедим.

Разлюляев. Тош биз томонга отилди дейман-а?

Лиза. Сиз тўғрингизда эмас; сизга алоқаси йўқ.
(Гапида давом этади.) Унинг нимасини яхши кўрай, ойи-
жон, дедим... (Шивирлаб гапиради.)

Пелагея Егоровна. Мен, онахоним, эски урф-
одатларни яхши кўраман... ўзимизнинг русча одатларни.
Аммо, эрим буни ёқтирмайди; нима қилай, табиатига тўғ-
ри келмагандан кейин. Мен ўзим яхши кўраман, мен ўйин-
кулгини севаман... ҳа... меҳмон кутишни, ашула айтдиришни
ҳам... ҳа, ота-онам ҳам шунақа эди, бутун авлоди-аждоди-
миз ашулага ишқивоз одамлар эди.

1-нчи меҳмон. Қараб туриб, булар бизнинг ёшлиги-
миздаги сингари ўйин-кулги қилишолмайди дейман, Пела-
гея Егоровна.

2-нчи меҳмон. Йўқ, қилишолмайди, қилишолмайди.

Пелагея Егоровна. Ёшлигимда энг биринчи ашу-
лачи ҳам, ўйинчи ҳам мен эдим, мендан ўтадигани йўқ
эди... Қанчадан-қанча қўшиқларни билардим! Энди унақа
қўшиқларни айтишмайди.

1-нчи меҳмон. Йўқ, айтишмайди, ҳаммаси янгича
бўлиб кетди.

2-нчи меҳмон. Рост, айланай, рост, ёшлигингиз
эсингизга тушиб кетаркан.

Пелагея Егоровна. Яшенька, эски қўшиқлардан
биронтасини айтиб берсангчи.

Гуслин гитара олади.

Разлюляев (қизларга қараб). Бундан чиқди, биз-
нинг умидлар беҳуда экан-да, а; сизлардан ҳеч гап чиқмай-
диганга ўхшайди.

Лиза. Вой ўлай, қанақа гап чиқсин.

Маша. Гапингизга одамнинг кулгиси қистайди.

Разлюляев. Сиз учун кулгили, аммо мен нима
қилай? Нега мени яхши кўрмайсизлар?

Любовь Гордеевна. Утирайлик.

Утирадилар.

Гуслин (ашула айтабошлайди).

Тезоқар сой орқасида
Тўрт хонадон бор;
Ана шу хонадонларда
Тўрт дўстим яшар.

Севикли дугоналарим.
 Уртоқжонларим.
 Дўстлашингиз, севишингиз,
 Севингиз мени.
 Чаманзорларга борсангиз —
 Олингиз мени;
 Ранг-баранг гуллар терсангиз —
 Теринг менга ҳам;
 Чамбар яасангиз, ясаб —
 Беринг менга ҳам;
 Борсангиз сой соҳилига —
 Мени оборинг.
 Гулчамбарларимиз сойга
 Ташлаб юборинг.
 Барча чамбарлар оқмоқда,
 Чўкди чамбарим,
 Ҳамманинг ёри қайтмоқда,
 Қайтмас дилбарим.

Арина (қўлида шишалар ва стаканлар блан киради,
 кетидан бир қиз закуска олиб киради). Мана, онахоним,
 олиб келдим.

Пелагея Егоровна (қизга қараб). Қизларга тут-
 майсанми.

Қиз ҳамма қизларга тутади-да, патнисни столга қўйиб,
 чиқиб кетади.

Арина, винони буюққа олиб кел. Қуй мадерадан, қуй... маде-
 радан... Уйин қизисин. Нима қипти, ичамиз, ичаверамиз.
 Айби йўқ,— биз кампирлармиз, шунақа, ҳа... (Ичадилар.)
 Аннушка, кел, вино ич. Ичасанми?

Анна Ивановна. Ичаман, нега ичмай? Ёлғиз ичма,
 одам борида тўйиб ич, деган эканлар. (Пелагея Егоровна-
 нинг олдига келиб, ичади, секин-секин гапиришади.)

Арина. Ҳой ўғлонлар, ҳа, сизлар нега бўшашиб туриб-
 сизлар?

Митя. Мен ичмайман.

Разлюляев. Ичсак ичаверамиз! (Гуслин блан бирга
 келиб ичади, кейин Аринани қучоқлаб.) Қани, келинг, бир
 қадимги ашуладан олайлик! (Ашула айтади.)

Эҳ, хотирлайин ёшлик давримни
 Гоҳо у ёримни, гоҳ бу ёримни...

Арина. Наритур, шўх бўлмай қолгур, суякларимни
 синдириб юбординг.

Разлюляев (ашула айтади).

Бўйинчаси Тарусада,
Жилови Калугада,
Таги темирли чана,
Ўзи чопар экан-а.

Қизлар кулишади.

Арина. Нариге тур дейман!.. Тинч қўй мени! (Чиқиб кетади.)

Анна Ивановна. Кампирни судрагандан кўра мен блан туш.

Разлюляев. Қани кел! Чал, Яша!

Яша чалади, улар ўйинга тушадилар.

1-нчи меҳмон. Жуда хушчақчақ жувон экан.

Пелагея Егоровна. Ҳа, хушчақчақ жувон.

Разлюляев (ер депсиб). Мана бунақа тушадилар ўйинга! (Тўхтади.)

Егорушка (киради). Қизлар келишди.

Пелагея Егоровна. Чақир, чақир, киришсин.

Егорушка чиқиб кетади; қизлар киради; Арина лаган келтириб устини беркитиб қўяди.

Ўтиринглар, ўтирақолинглар, қани, бахт синайдиган қўшиқдан олинглар, мен шунақасини яхши кўраман.

Любовь Гордеевна, Маша, Лиза ва Анна Ивановналар қўлларидаги узукларини олиб лаганга қўядилар, қизлар ашула бошлайдилар.

Уни влагин, влак.

Сомса ёпинглар тезроқ.

Баракалла!

Ўйинга келар меҳмон,

Менга келар қайлиқжон.

Баракалла!

Чориқли келар сенга,

Этикли келар менга.

Баракалла!

Кимга қўшиқ айтсалар —

Шу киши бахтли бўлар.

Баракалла!

Кимгаки узук чиқса —

Мақсадга етар ўша.

Баракалла!

Разлюляев энгларини шимариб, лагандан бир узукни олиб Любовь Гордеевнага беради.

Пелагея Егоровна. Қани, бўлинглар, бўлақолинглар.

Қизлар (ашула бошлайдилар).

Қўнди чумчуқча
Оппоқ шаҳарга.
 Баракалла!
Оппоқ шаҳарга,
Баланд деворга.
 Баракалла!
У қарар ҳамон
Бегона томон.
 Баракалла!
Кимгаки узук чиқса —
Мақсадга етар ўша.
 Баракалла!

Арина (киради). Қизиқчилар келишди; киришсинми?
Пелагея Егоровна. Ҳа, киришсин, ўйнаб беришсин. Қизлар, ашулани кейин айтарсизлар.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Ушалар ҳамда қизиқчилар: балалайка блан гитара кўтарган чол, айиқ блан эчки етаклаган она боши, қиём кўтарган Егорушка.

Чол (та'зим қилади). Улфатларга саломлар бўлсин.
Она боши. Та'зим қил, айиқполвон.

Айиқ та'зим қилади.

Чол. Буюринг, нима қилайлик: ашула айтайликми, ўйин қилайликми, кулдирайликми — ҳаммасидан бормиз.

Пелагея Егоровна. Майли, ўйинга тушиб беринглар. Вино бер буларга, Арина.

Арина вино тутади; ба'зилари ичади.

Чол. Саҳоватингиз ва меҳрибонлигингиз учун раҳмат.
(Ашула айтабошлайди.)

Бизнинг йигитларимиз
Фақир, аммо жасур!
Қўли-қўлга тегмай тез
Мовутни чаққон тўқир.
Мовутни мўл тўқишди —
Талай кафтан тикишди.
Бизга кафтан керакмас,
Ҳамёнда пул бўлса бас,
Ҳамёндаги сўм-тилала
Сра ухлатмас тунда,

Жаранглаб чақа пуллар —
Қовоқхонага ундар.
Майхоначи Андрей,
Майхонангни тез оче:
Янги кафтан бор фақат,
Қўяжакмиз омонат,
Олиб кетмаймиз ҳечвақт.

(Чол четга чиқиб туради.)

Егорушка (қиём блан ўйинга тушади.)

Оҳ, қиём, қиём,
Лаззатли таом!
Қиш, қишжон, қишжон,
Совуқ қаҳратон!
Даҳшатли бўрон
Шафқатсиз бўрон —
Супур йўлларни,
Йўл оч ёр сари.
Оҳ, қиём, қиём,
Лаззатли таом!
Бизнинг хотинча
Утирар якка;
Беданадака!
Севишим шундан
Ва ҳурматим ҳам:
Мағрур юради.
Кайфин суради.

Та'зим қилади.

1-нчи меҳмон. Вой, жуда бало экансану, а!
Пелагея Егоровна. Ёш бола, билганича ўйнайди-
да овсин. Ҳали у жуда ёш. Бери кел, Егорушка.

Егорушка келади.

Ма, пряник... (Беради.)

Егорушка та'зим қилиб, кетади.

Ҳа, ёш бола, шунчалик ўйнайди-да!

Онабоши айқни етаклаб юради, эчки ўйинга тушади.

Чол (ашула айтади).

Бизнинг такамиз
Ақлли, ювош:
Пиширарди ош.
Келтирарди сув —
Чолу кампирни

Боқар эди у.
Бир кун ўрмонга —
Кирганида у
Етти бўрига
Келди рўба-рў.
Улардан бири
Жуда оч эди.
Уч йилдан бери
Улоқ тополмай,
Ноилж эди.

Онабоши (*айиққа қараб*). Вино сўра, эчки хотирасига
ичаман де.

Айиқ та'зим қилади.

Пелагея Егоровна. Аринушка, қизиқчиларни
вино блан сийламайсанми!

Арина вино тутади; улар ичиб та'зим қиладилар.

Онабоши. Қани, айиқ полвон, мана бу хонимларни
бир кулдир. Гўзал қизлар, ойимча қизлар юзларига упа-
эликни қандай суртадилар, йигитларга қандай қарайдилар,
қайлиқни қандай танлайдилар!

Айиқ ҳархил қилиқлар қилади.

Қани, мункиллаб қолган кампир қандай эгилиб-букилиб,
ишга боради.

Айиқ ҳархил қилиқлар қилади.

Қани энди хонимларга бир та'зим қил. (*Четга чиқиб ту-
ради.*)

Чол гитара чалади, бошқа қизиқчилар ўйинга тушадилар; ҳамма
уларни тамоша қилиб ўтиради; Гуслин блан Митя Любовь
Гордеевнанинг ёнига келиб туради; Митя Любовь
Гордеевнанинг қулоғига бир нималар деб шивирлаб, ўпади,
уларнинг ёнига Разлюляев келади.

Разлюляев. Ҳой, нима қилаяпсан?

Митя. Нима ишинг бор?

Разлюляев. Шошмай тур, Пелагея Егоровнага айтиб
берай!

Митя. Финг деб кўрчи.

Гуслин (*унга ҳамла қилади*). Оғзинга қараб гапир!
Шу ердан бирга чиқиб кетамизми, ахир? Билиб қўй. Таш-
қари қоронғу, кўча пасқам!

Разлюляев. Нега ёпишасанлар менга? Мен унга уйланмоқчиман, биз совчи юбормоқчимиз. Энди нима дейсан? Ҳа, уйланаман!

Митя. Кўрамиз.

Разлюляев. Қизини сенга берармишми? Чучварани хом санабсан!.. Бизда нима кўп, пул кўп!

Арина. Ҳай, нима шовқин!.. Бас қилинглар!.. Эшикни биров қоққандай бўлдими?..

Ҳамма қулоқ солади.

Ҳа, а, эшик тақиллади.

Пелагея Егоровна. Бор, чиқиб оч.

Арина (чиқиб кетади, кейин яна қайтади). Хўжайин келиб қолди!

Ҳамма ўрнидан туради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Ушалар ҳамда Гордей Карпич блан Коршунов.

Гордей Карпич (қизиқчиларга қараб). Бу аблаҳлар ким?.. Йўқол ҳамманг! (Хотинига қараб.) Хотин! Пелагея Егоровна! Меҳмонни кут. (Секин.) Шарманда қилдинг-ку!

Пелагея Егоровна. Марҳамат, Африкан Савич, хуш келибсиз.

Коршунов. Салом, Пелагея Егоровна... Хе, хе, хе!.. Ие, уйингизда ўйин-кулгию! Айни вақтида келибмиз-да.

Пелагея Егоровна. Қизлар блан... ўйин-кулги қилиб ўтирувдик. Ҳамиша қизлар блан ман... Байрамчилик... Қизимнинг кўнгли очилсин деб...

Гордей Карпич. Марҳамат, Африкан Савич, ўз уйингиздай кўраверасиз.

Африкан Савич стол ёнидаги креслога ўтиради.

(Хотинига қараб.) Ҳайда қизларни!

Коршунов. Нимага ҳайдайди! Қизларни ҳам ҳайдайдими одам... Хе, хе, хе!.. Ашула айтишсин, биз эшитиб, ҳусни-жамолларини тамоша қилиб ўтираемиз, пул ҳам берамиз, ҳайдаш нимаси!

Гордей Карпич. Ихтиёринг, ихтиёринг, Африкан Савич! Сенинг олдингда уялиб қолмай дейман-да! Буни кўриб, булар нодон экан деб ўйламагин тагин — хотиннинг қилган иши-да. Ҳеч гап уқдираолмадим, уқдираолмадим-да

бунга. (*Хотинига қараб.*) Неча марта сенга айтдимки, агар базм қурмоқчи бўлсанг — музикачиларни чақир, ками-кўсти бўлмасин деб. Ҳамма айтганингни қиламан-ку, ахир.

Пелагея Егоровна. Биз кампирларга... музикачиларни ким қўйибди. Унақаларни сизларга чиқарган.

Гордей Карпич. Мана, кўрдингми, булар сра турмушнинг борди-келдисини билмайди. Бу гапларни эшитиб, кулгинг қистаб ўтиргандирсан.

Пелагея Егоровна. Ҳадеб билмайди, билмайди, дейсан. Ундан кўра, меҳмонни кутсангчи. Қани, Африкан Савич, биз кампирлар блан бирга вино ичинг, келинг. (*Мадера қуяди.*)

Гордей Карпич (*зарда блан*). Ҳой, хотин! Жиннипинни бўлдингми? Африкан Савич сенинг мадерангни кўрмаптими? Айт, ярим дюжина шампанское келтирсин... тезроқ бўл. Янги мебельлар блан жиҳозланган меҳмонхонага шам ёқишсин, айт. Ана бунинг йўриғи бошқа.

Пелагея Егоровна. Ҳозир ҳаммасини ўзим боплайман. (*Туради.*) Аринушка, қани юр. Айбга буюрмайсизлар, ҳамсоялар.

1-нчи меҳмон. Эй овсин, биз ҳам сен блан бирга чиқиб кетамиз. Уй-уйимизга тарқалишсак ҳам бўлар энди.

2-нчи меҳмон. Ҳа, вақт бўлди! Кеча қоронғи, кўчаларда ёмон итлар бор.

1-нчи меҳмон. Рост айтасиз, ёмон итлар бор!..

Таъзим қилиб чиқиб кетадилар.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Гордей Карпич, Коршунов, Любовь Гордеевна, Анна Ивановна, Маша, Лиза, қизлар, Митя, Гуслин ва Разлюляев.

Коршунов. Қани, кел, қизлар ёнига ўтирамиз. Бундай ҳуриликларни қаердан топдинг?.. Хе! (*Любовь Гордеевнанинг ёнига келади.*) Саломатмисиз, гўзалим Любовь Гордеевна?

Любовь Гордеевна унга таъзим қилади.

Тўпларингизга мени ҳам қўшинглар.

Любовь Гордеевна. Биз ҳечкимнинг кўкрагидан итармаймиз.

Анна Ивановна. Ўтиринг, меҳмонимиз бўлинг.

Коршунов. Мен — кексани мунча совуқ кутмасаларинг. Ҳозир байрам, ўпишсак ҳам айб бўлмас дейман.

Анна Ивановна. Бу такаллуфларнинг нима ҳожати бор!

Коршунов. Гордей Карпич, қизинг блан ўпишсам майлими? Ростини айтсам... хе, хе... Шунақа нарсаларга жуда ишқивозман-да. Ёмон кўрадиган одам ҳам бормикин! Хе, хе!..

Гордей Карпич. Такаллуф қилиб ўтирма, марҳамат.

Коршунов. Қани, бир ўпишайлик, ойимқиз.

Любовь Гордеевна. Агар дадам шуни истасалар...
(Ўпишадилар.)

Коршунов. Ҳаммаларинг блан навбатма-навбат ўпишиб қўяқолай.

Анна Ивановна. Мен блан бемалол ўпишишингиз мумкин! Такаббур эмасман.

Маша. Вой ўлай, уят-а... уят!

Лиза. Шу ўпишишда нима лаззат бор.

Гордей Карпич (Митянинг олдига келиб). Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Шу ер сен ўтирадиган жойми? Нотавон кўнгилга қўтир жомашов!

Митя, Гуслин ва Разлюляевлар чиқиб кетадилар.

ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Гордей Карпич, Коршунов, Любовь Гордеевна,
Анна Ивановна, Лиза, Маша ва қизлар.

Коршунов (Любовь Гордеевнанинг ёнига ўтиради). Сиздан кўра мен сахийроқ эканман, Любовь Гордеевна: мени ўпишни ҳам истамадингиз, мен бўлсам сизга совға олиб келдим, хе, хе, хе.

Любовь Гордеевна. Бекорга овора бўлибсиз.

Коршунов. Бриллиант олиб келдим, хе, хе... (Беради.)

Любовь Гордеевна. Исирғаку! Ғоят миннатдорман.

Анна Ивановна. Қани, кўрсат-чи.

Маша. Жуда чиройлик экан!

Лиза. Жуда дид блан ишланган экан!

Коршунов. Қўлчангизни беринг. (Любовь Гордеевнанинг қўлини ушлаб ўпади.) Мен сизни жуда яхши кўраман, хе, хе, хе, шу қадар яхши кўраманки, асти қўяверасиз, сизчи, сиз мени яхши кўрмасангиз керак, а?

Любовь Гордеевна. Нега яхши кўрмай?

Коршунов. Нимага бўларди! Бошқа кишини яхши кўрарсиз, ана шунинг учун-да. Сиз мени яхши кўринг, мен яхши одамман, хушчақчақ одамман, хе, хе, хе...

Любовь Гордеевна. Гапингизга тушунолмайд қолдим.

Коршунов. Мени яхши кўринг дейман. Нима қипти, ҳали қариганимча йўқ... (Унга қарайди.) Е қариманми? Хе, хе, хе... Қари бўлсам нима қипти, зарари йўқ. Бошингиздан олтин сочаман. Пулим йўқ, бир фақири-бечора одамман... Атиги беш юз мингча пулим бор, холос... хе, хе, хе, кумуш пул!.. (Унинг қўлидан ушлайди.)

Любовь Гордеевна (ўрнидан туриб). Пулингизнинг менга кераги йўқ.

Гордей Карпич. Любовь, қаёққа кетаяпсан?

Любовь Гордеевна. Ойимларнинг олдига!

Гордей Карпич. Ўтир, ҳозир ўзи келади.

Любовь Гордеевна ўтиради.

Коршунов. Чол блан пича ўтирай ҳам демайсиз. Қани, қўлингизни беринг, ойимқиз, бир ўпай.

Любовь Гордеевна (қўлини беради). Вой, худоей!

Коршунов. Қандай ажойиб қўллар-а! Хе, хе, хе... худди бахмалнинг ўзия! (Унинг қўлини силайди, кейин бриллиант узук тақиб қўяди.)

Любовь Гордеевна (қўлини тортиб олиб). Вой, бу нимаси, керак эмас, керак эмас.

Коршунов. Майли, менга бу нарсалар чўт эмас, давдатимнинг бир чекаси ўпирилиб кетмайди.

Любовь Гордеевна. Керакмас, ахир. Кимга берсангиз, бераверинг! (Узукни қўлидан олиб қайтариб беради.)

Коршунов. Берган нарсани қайтариб олиш йўқ... Хе, хе, хе!

Пелагея Егоровна, унинг кетидан Арина ва вино блан стакан кўтариб Егорушка киради.

УНИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Пелагея Егоровна, Арина ҳамда Егорушка

Гордей Карпич. Қани, ичайлик.

Коршунов. Хўш, қани, Гордей Карпич, меҳмон қил, ҳай қизлар, менинг ша'нимга ашула айтинглар. Мен иззат-икромни яхши кўрадиган одамман.

Пелагея Егоровна. Айтақолинглар, қизлар.

Гордей Карпич (шишани очиб, стаканга қуяди ва меҳмонларга тутади). Хотин, азиз меҳмонимиз Африкан Савичга вино бер!

Пелагея Егоровна. Марҳамат, Африкан Савич, ўтиниб сўраймиз.

(Коршунов стаканни олади).

Гордей Карпич (стакан олиб). Хотин, ич сен ҳам.

Пелагея Егоровна. Бу винони ёмон кўраман... Ҳа майли, бир стакан ичсам ичай.

Қизлар (ашула бошлайдилар).

Орамизда ким бўйдоқ
Ва кимнинг хотини йўқ?
Бўйдоғимиз Африкан
Савичнинг хотини йўқ.
У отига минади.
Остида от ўйноқлар,
Яқинлашар ўтлоққа,
Ўтлар ямашил бўлиб
Айланади гулбоққа.

Коршунов (Любовь Гордеевнанинг ёнига ўтириб). Мана буниси жойида бўлди, мана бу менга ёқади. Қани, биринг яқинроқ келчи. (Бир қиз унинг ёнига келади, Коршунов унинг юзидан чимчилаб қўяди.) Жуда кўзи ўткир қиз экансанку! Сендақа қизларга оппоқ упа, қишқизил эликлар олиш учун талай пул сарф бўлар дейман, а, хе, хе, хе... пулим йўқ, камига қарздорман... хе, хе, хе... Этагингни тут. (Қизнинг этагига бирталай майда пул ташлайди; қиз таъзим қилиб, ўртоқларининг ёнига бориб туради). Хўш, қани, Гордей Карпич, нима иш блан келганимизни хотинингга айт.

Гордей Карпич. Хотин, мен сенга бу шаҳарда туриш жуда жонимга тегди, ҳар қадамда нодонлик, жаҳолат деб илгари ҳам айтардим. Шунинг учун Москвага кўчсак дейман. У ерда ўз одамимиз бўлади,— мана, куёвимиз Африкан Савич.

Пелагея Егоровна. Вой, вой, бу нима деганинг?

Коршунов. Биз ҳамма ишни битишиб қўйдик, Пелагея Егоровна... Нега мунча қўрқмасангиз, қизингизни еб қўймасман.

Пелагея Егоровна. Вой, худоей! (Қизини қучоқлайди.) Бу менинг қизим! Бермайман!

Гордей Карпич. Хотин!

Пелагея Егоровна. Отаси, Гордей Карпич, кўнглимни ранжитма!... Бас қил!.. Юрак-бағримни тилкаю пора қилдинг.

Гордей Карпич. Хотин, менинг фе'лимни биласан-а!.. Хотиринг жам' бўлсин, Африкан Савич, мен айтганимни қиладиган одамман.

Коршунов. Сўз бердингми, лафзингда тур-да. (Уридан туради-да, қизлар ёнига келиб, секин гапиришиб туради.)

Любовь Гордеевна (отасининг ёнига бориб). Дадажон! Ихтиёрим сенинг қўлингда, чизган чизиғингдан чиқмайман. Аммо мен бечорага раҳминг келсин, ёш умримни хазон қилма!

Гордей Карпич. Ўз бахтингни ўзинг билмайсан, аҳмоқ. Москвада яшайсан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади, кареталарда юрасан. Мана бу пасқам жойда эмас, гавжум шаҳарда турасан — буниси бир. Иккинчиси, менинг измим шу.

Любовь Гордеевна. Измингдан чиқолмайман, Дадажон! (Отаси олдида тиз чўкиб.) Мени бир умрга бебахт қилиб қўйма!.. Бу ниятингдан қайт, дадажон!.. Нима қил десанг — қиламан, аммо мени севмаган одамимга зўрлаб берма!..

Гордей Карпич. Мен лафзимдан қайтмайман. (Уридан туради.)

Любовь Гордеевна. Ихтиёр сенда, дадажон! (Та'зим қилиб, онасининг ёнига бориб туради.)

Коршунов. Иш тамом, вассалом! Қани, қизлар, ёрдан бўлсин энди.

Қизлар (ашула айтишади).

Боғларда гул-чечак хазон бўлар,
Чаманзорлар қурир, зафарон бўлар,
Азиз ёрим, агарда мен бўлмасам.
Урингдан тур, онажоним, эртарақ,
Сув сеп, суғар гулларимни дамба-дам,
Оқшомги ва тонги шафақ чиққан чоғ
Гулларга сеп қайноқ кўз ёшингни ҳам.

Любовь Гордеевна. Уни эмас, уни эмас, бошқасини айтинглар.

Гордей Карпич. Юр, меҳмонхонага чиқайлик, Африкан Савич. Хотин! Ҳаммаларинг ҳам чиқинглар.

Любовь Гордеевна. Энди нима қиламан-а!..

Гордей Карпич. Арина, вино келтир.

А р и н а. Шошмайтур, шу пайтда кўнгилга вино сиғади-ми! Вой, жонгинам!.. Ҳой қизлар жонгиналарим, мана бу ашулани айтамыз. (Бошлайди.)

Севикли онажоним!
Азизим, меҳрибоним,
Кечалар дуогўйим,
Ғамхўрим, жонажоним!
Онажон, менга қара,
Кўз узмасдан термилгин,
Ўз севикли қизингни,
Сўнгги бор тўйиб кўргин!

Любовь Гордеевна. Сўнгги бор.

Қизлар ашула айтиб турганда Гордей Карпич блан Коршунов чиқиб кетади; Любовь Гордеевна онасининг кучоғига ташланади, дугоналари уни ўртага оладилар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Торцов уйда кичкина бир хона; у турли-туман шкаф, сандиқ ва этажеркалар блан тўла; этажеркаларга идишлар, кумуш буюмлар териб қўйилган; мебель: диванлар, креслолар, столлар; ҳамма жиҳозлар жуда чиройлигу, аммо зич. Умуман, бу хона беканинг кабинети бўлиб, бека шу ердан туриб бутун уй-рўзгорни бошқаради, ўз меҳмонларини ҳам шу ерда бетакалуф қабул қилади. Бир эшик меҳмонлар овқат қилиб ўтирган зал томонга, иккинчиси ичкари уйларга очилади.

БИРИНЧИ САҲНА

Арина залга кирадиган эшик ёнидаги стулда ўтиради; ёнида бирнеча қизлар ва хотинлар.

Арина (*зални кўрсатиб*). Сра кутмагандик, онахонларим, бу тушимизга ҳам кирмаган эди. Томдан тараша тушгандай, қийғир бўлиб учиб келдию, қушчамизни ота-онасининг қўлидан чанг солиб илди-кетди, қавми-қариндошларидан, дугоналаридан ажратди-қўйди. Ўзимиз ҳам билмай қолибмиз!.. Бу дунёнинг ишларини билиб бўлмас экан-да. Ҳозирги замон одамлари айёр, қийлагар, писмиқ бўлиб қолган. Гордей Карпичнинг атрофида айланди, ўргилди, парвона бўлди, ишқилиб бош-кўзини айлантирди-қўйди. Гордей Карпич бўлса қариган чоғида унинг давлатига учиб ўтирипти! Маликадай қизимизни қари бир бедавога унашиб кўйди-я. Ана, оппоғим, кабутарим ўтирипти — кўзига олам қопқоронғи. Вой, ўлмасам! Ўзим қўлимда кўтариб, эркалаб, катта қилганман сени, худди қуш асрагандай асраганман-а!.. Яқиндагина иккимиз шу тўғрида гапиришиб ўтирувдик. Сени оддий кишига бермаймиз, болам, дегандим; бошқа юртнинг шаҳзодаси келиб, дарвозанга бош урса унда бошқа гап, деб ўтирувдим. Айтганимиздай бўлмади. Ана, бизни бир-биримиздан жудо қилган одам ўтирипти, бақбақалоқ, лаблари дўрдоқ! Қизимиздан кўзини узмай тиржайиб ўтирипти! Ҳу,

уинг куйсин! Ана овқатни еб бўлишди, туришди, ишла-
рингга боринглар энди. (Стулдан туради.)

Хотинлар кетади; Пелагея Егоровна киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Арина блан Пелагея Егоровна

Пелагея Егоровна. Бор, Аринушка, идиш-товоқ-
ларни йиғиштириб олишга қараш... ҳа... Мен пича ўтириб
дамимни олай, чарчадим.

Арина. Уззу кун тинмай юрганингдан кейин, чарча-
майсанми, онахоним, ахир, ёш эмассан!..

Пелагея Егоровна (диванга ўтиради). Уҳ... Ҳа,
айтгин, қизлар хонасига самовар келтиришсин, катта само-
варни... энг каттасини. Ҳа, Аннушкани менга айтиб юбор.

Арина. Хўп бўлади, хўп бўлади.

Пелагея Егоровна. Ҳа... борақол... борақол... Уҳ,
тинкам қуриб кетди!

Арина чиқиб кетади.

Бошим лўқиллаб оғрияпти! Дард устига чипқон деган-
дай, мана бу ташвишлар ортиқча бўлди. Ҳаммаёқда таш-
виш! Уф, бай-бай-бай! Оёғимда оёқ қолмади, чар-
чадим! Ишим бошимдан ошиб ётиптию, хаёлим бошқа ёқда...
Уни қил, бунга югур, нимадан бошлашни билмайман... Дар-
ҳақиқат... ҳа... (Хаёлга чўзиб ўтиради.) Бу қанақа куёв бўл-
ди энди, қанақа куёв бўлди бу... Вой, вой, вой!.. Меҳри
муҳаббат қайда! Қизим унинг давлатига учармиди!.. Бўйи
етиб турган қиз бўлса... гоҳо қалби ҳам талпиниб қўйса
керак. Унга ҳозир камбағал бўлса ҳамки, кўнглига ёққан
ёр бўлса... Ана, шунда роҳат қилиб яшаган... умр сурган
бўларди...

Анна Ивановна киради.

УЧИНЧИ САҲНА

Пелагея Егоровна блан Анна Ивановна.

Пелагея Егоровна. Ма, чой қутининг калити.
Чиқиб, меҳмонларга чой қуйиб бериб ўтир. Нима керак
бўлса — дастурхонга қўй, нима кераклигини эса ўзинг би-
ласан! Оёғимнинг тинка мадори қолмади, сен ёш жувон-
сан... хизмат қил... ҳа.

Анна Ивановна. Нега аярканман хизматимни, қўлим узилиб кетмайди-ку. *(Калитларни олади.)*

Пелагея Егоровна. Чой ҳов анави шкафта, қизил қутида турипти.

Анна Ивановна шкафни очиб, қутини олади. Митя киради.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Ушалар блан Митя.

Пелагея Егоровна. Нима дейсан, Митенька?

Митя *(йиғлай-йиғлай дейди)*. Мен... Мен... Пелагея Егоровна, балки сизнинг қилган меҳрибончилигингиз, силаб-сийпашларингизга арзимасман ҳам... етимча деб ташлаб қўймадингиз, онам ўрнини босдингиз... умрим бўйи сиздан миннатдор бўлишим, ҳамиша дуои жонингизни қилиб юришим керак. *(Та'зим қилади.)*

Пелагея Егоровна. Сенга нима бўлди, Митя?

Митя. Ҳамма қилган яхшилингиз учун раҳмат. Энди хайр, Пелагея Егоровна! *(Туради.)*

Пелагея Егоровна. Ҳа, йўл бўлсин?

Митя. Ойимнинг ёнига кетмоқчиман.

Пелагея Егоровна. Неча кунга бориб келмоқчисан?

Митя. Хўжайиндан ҳайит кунига жавоб олдим, аммо қайтиб келмасман дейман.

Пелагея Егоровна. Нега энди бизни ташлаб кетмоқчисан?

Митя *(оғирлигини гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига ташлаб)*. Шунақа бўлиб қолди!.. Бошқача иложим йўқ... кетишга мажбур бўлиб қолдим.

Пелагея Егоровна. Қачон кетмоқчисан?

Митя. Шу бугун кечаси.

Жимлик.

Кечгача кўришолмасмиз деб, хайрлашгани келувдим.

Пелагея Егоровна. Нима ҳам қилдик, Митя, агар кетишинг зарур бўлса... сени зўрламаймиз, худо ёр бўлсин... Яхши бор!..

Митя *(Пелагеяга та'зим қилади, кейин у блан ва Анна Ивановна блан ўпишади, кейин яна та'зим қилиб, тўхтади)*.

Любовь Гордеевна блан ҳам хайрлашмоқчи эдим... Бир хонадонда бирга яшадик, ахир... ё ўлиб кетарман ё бўлмаса...

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа, албатта, хайрлашиб

кетишинг керак. Хайрлаш, хайрлаш!.. Аннушка, бориб Любушкани чақир.

Анна Ивановна (бош чайқайди.) Бири бир қўлидан тортса, иккинчиси бошқа қўлидан тортади, яна бири кўз ёши тўкади, севгани блан қовушолмади. (Чиқиб кетади.)

БЕШИНЧИ САХНА

Пелагея Егоровна блан Митя.

Пелагея Егоровна. Бизнинг бошимизга тушган кулфатдан хабаринг борми? Бу кулфатдан қандай қутулишни билмай бошим қотиб ўтирибман... Худди яшин ургандай, ҳали-ҳали ўзимга келолмайман!

Митя. Ким айбдор бунга, бировдан кўриб нима қиласиз, ўзингиз ўз қўлингиз блан тутқазиб ўтирибсизку.

Пелагея Егоровна. Ўзимиз... ўзимиз... ўз қўлимиз блан тутқаздик, айтганинг тўғри. Митя, қизнинг ихтиёри менда бўлганда берармидим! Нима, мен ўз қизимга душманманми?

Митя. Одамларнинг гапига қараганда, унча яхши одам эмас эмиш. Ҳечким яхши демайди, ҳамма ёмон дейди.

Пелагея Егоровна. Биладан, Митенька, биладан.

Митя. Мана энди, шу овозаларга қараганда, башарти Любовь Гордеевна шу одамга тегсалар, хазон бўладилар.

Пелагея Егоровна. Нимасини айтасан, Митенька, нимасини айтасан... қўй, сенсиз ҳам ўлай деб ўтирибман. Қизим бечорага тикилавериб, кўзларимда нур қолмади. Яна тўйиб-тўйиб қараб олай дейман. Худди гўрга қўйиб келмоқчи бўлган одамдай.

Митя (йиғламсираб). Ҳа, бу нима деган гап бўлди энди! Одам деган ҳам шунақа қиладими? Ўз қизингиз-ку, ахир!..

Пелагея Егоровна. Ўзимнинг қизим бўлмаганда шунча ўлиб тирилармидим, юрак-бағрим шунча қон-зардоб бўлармиди.

Митя. Йиғлаб ўтиргандан кўра, берманг, қўйинг. Нега қизингизни қул қилиб бериб, умрини хазон қиласиз? Гуноҳ эмасми? Бу қилмишингиз учун худо олдида жавоб берасиз.

Пелагея Егоровна. Биладан, ҳаммасини ҳам биладан, аммо ихтиёр менда эмас деб айтаяпман-ку сенга, ахир. Мунча ярамга туз сепмасанг? Сенсиз ҳам карахт бўлиб ўтирибман, сен тагин ўлганимнинг устига чиқиб тепаяпсан. Менга раҳминг келмайдими, Митенька!

Митя. Бу гапингиз тўғрию, Пелагея Егоровна, дарди дун ёйим қоронғи бўлиб ўтирибман; аҳтимол, сиздан кўра менинг дардим оғирроқдир. Мен сизга шу қадар ишонаман-ки, ҳатто ичимдаги сиримни ҳам худди онамга очгандай, очиб гапираман. (*Кўзларини рўмолчаси блан артади.*) Кеча қиз-йигитлар мажлиси бўлган эдику... (*Йиғиси сўзлашига халақит беради.*)

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа, гапир, гапир...

Митя. Ушанда биз иккимиз қоронғида ўтириб гапни бир жойга қўйган эдик, онахон, иккаламиз сиз блан Гордей Карпичнинг олдига кириб, қани, фотиҳа беринглар, бир биримизсиз яшайолмаймиз деб ялинмоқчи бўлувдик (*кўз ёшларини артади*); бугун эрталаб эшитсамки... тарвузим кўлтигимдан тушиб ўтирибман энди!

Пелагея Егоровна. Ростдан-а?

Митя. Худо урсин, рост бўлмаса, Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Вой, шўринг қурғу-ур! Вой, бебахт йигит!

Любовь Гордеевна киради.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Любовь Гордеевна.

Пелагея Егоровна. Қизим, мана, Митя хайрлашгани келипти: Ойсиникига кетмоқчи.

Митя (*та'зим қилади*). Яхши қолинг, Любовь Гордеевна!.. Мендан ёмонлик ўтган бўлса, узр!

Любовь Гордеевна. Яхши бор, Митя! (*Та'зим қилади.*)

Пелагея Егоровна. Айрилиш олдидан ўпишиб олинглар, балки шу-шу кўришмай кетарсизлар... ҳа... ўпишса нима қипти!

Митя блан Любовь Гордеевна ўпишадилар; Любовь Гордеевна диванга ўтириб йиғлайди. Митя ҳам йиғлайди.

Бўлди, қўйинглар, йиғламанглар! Жинни бўлиб кетаман!

Митя. Майли, бўлганча бўлар! Таваккал! (*Пелагея Егоровнанинг ёнига келади.*) Пелагея Егоровна, қизингизни чолга берганингизга ачинасизми, йўқми?

Пелагея Егоровна. Ачинмасам йиғлаб ўтирармидим.

Митя. Гапираверайми, Пелагея Егоровна?

Пелагея Егоровна. Гапир.

М и т я. Гап шундай: қизингизни қалинроқ кийинтиринг. Секин ташқарига чиқсин: чанага ўтқазаману, оламан, кетаман! Қани, чол топиб кўрсинчи, майли, каллам кетса кетақолсин. Онамнинг ёнига олиб бораман-да, ўша ерда никоҳ қиламиз. Эҳ! Кўйинг, кўнглимга эркинлик беринг, бир яйрасин! Жавобгарликка тортсалар нима учун жавобгар бўлганимдан хабардор бўламан-ку!

П е л а г е я Е г о р о в н а. Бу нима деганинг тентак, бу нима деганинг?

Л ю б о в ь Г о р д е е в н а. Нима қилмоқчисан, Митя!

М и т я. Бундан чиқдики, яхши кўрмас экансан-да? Мендан кўнглинг қолдими?

Л ю б о в ь Г о р д е е в н а. Сен даҳшатли гапларни гапираяпсан?

П е л а г е я Е г о р о в н а. Нималарни ўйлаб чиқараяпсан, тентак! Бунақанги гуноҳ қилишга ким жур'ат этади... ҳа... фикрингдан қайт... сенга бир бало бўлдимиз ўзи!

М и т я. Ахир, мен ачинсангиз деяпманку; агар қизингизга ачинмасангиз бераверинг Африкан Савичга, қул қилиб сотаверинг. Қизингизнинг турмушини кўриб, ўзингиз қон бўлиб кетасиз ҳали. Гордей Карпич икковингиз э аттанг деб пешоналарингга урасизлару, аммо гишт қолипдан кўчган бўлади.

П е л а г е я Е г о р о в н а. Отаси фотиҳа бермасдан туриб, қандай бўлади, ахир! Қандай қилай, ўзинг танангга ўйлаб кўр!

М и т я. Албатта, фотиҳасиз турмуш—турмуш эмас! Бўлмаса ўзингиз фотиҳа бериб юборақолинг, Пелагея Егоровна (тиз чўкиб туради), Гордей Карпич балки... кейинроқ ўзлари...

П е л а г е я Е г о р о в н а. Энди нима қиламан-а! Эс-ҳушимдан айрилиб қолдим... Ҳечнарсанга ақлим етмайди... ҳа... бошим гир-гир айланади... Юрак-бағрим ўртаниб кетди, болаларим!..

Л ю б о в ь Г о р д е е в н а (Митянинг ёнига келиб). Йўқ, Митя, бундай қилиш ярамайди! Бекорга ўзингни ўзинг қийнама, қўй! (Митяни ўрнидан турғизади.) Куйган юрагимни баттарроқ куйдирма. Ўзинг кетавер, худо ёр бўлсин! Хайр, яхши бор!

М и т я. Нега мени шунча алдаб, мазах қилиб келдинг?

Л ю б о в ь Г о р д е е в н а. Кел, қўй, Митя, унақа дема. Сени алдаб нима қилардим, нега алдай? Сени яхши кўриб қолдим, буни сенга ўзим айтдим. Аммо мен ота-онамнинг

измидан чиқаолмайман. Отам тег деркан, тегишим керак. Отамга бўйсуним керак, негаки, қизларнинг тақдири шу нақа. Пешонамга битгани шу экан. Қадимдан бери одат шу. Одамлар мени ёмонлаб юришмасин деган андиша блан отамнинг гапига қарши чиқмайман. Шу туфайли юрак-бағримни қон қилган бўлсам ҳам биламанки, бу ишни қонундан ташқари чиқмай қилдим, шунинг учун ҳечким мени масхара қилмайди. Хайр, яхши бор!

Упишадилар.

Митя. Хўп, майли, насиб бўлмаган экан-да!

Любовь Гордеевна диванга ўтириб йиғлайди.

Яхши қол! (Пелагея Егоровнага та'зим қилади.) Яхши қолинг, меҳрибоним Пелагея Егоровна! Саҳоватингизни, меҳрибончиликларингизни асло унутмайман: мен етимча болани мусофирликда ташлаб қўймадингиз.

Пелагея Егоровна. Яхши бор, болам, биздан хафа бўлма, гуноҳ бўлади. Худо бахтингни берсин... биз ҳам сени унутмаймиз.

Митя та'зим қилиб чиқиб кетади.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Пелагея Егоровна блан Любовь Гордеевна, кейин Коршунов

Пелагея Егоровна. Ҳа, Любушка, йигитга раҳминг келаяптими? Эҳ, қизим, қизгинам!.. Уни яхши кўриб юрган экансану, менинг хабарим ҳам йўқ экан. Мен кампир ўлгурда эс қаёқда дейсан... Билганимда ҳам нима қилаолардим? Кўз ёши тўкишдан бошқа иложим йўқ, ўз қизимнинг изми ҳам менда эмас. Қанийди энди, ихтиёр менда бўлса! Қариган чоғимда роҳатини кўрардим. Ўзи тупша-тузуккина йигит, меҳрибонгина, мен кампирни ҳам ҳурмат қиларди. Сенга қарайман, қарайман, қизим, хафа бўлишингни ҳам биламан!.. Аммо нима қилай, қўлимдан ҳечнарса келмаса!

Любовь Гордеевна. Келинг, ойижон, кўп ўзингизни қийнаманг, барибир қўлимиздан ҳечнарса келмайди. (Жим ўтиради.)

Эшик тақиллайди; Коршуновнинг: «Мумкинми?» деган товуши келади.

Пелагея Егоровна. Кириг, отахон.

Коршунов (киратуриб). Э, ана, менинг қайлиқчам бу ерда беркиниб ўтирган экану... ҳе... топаман, топмасдан

қўймайман. Рухсат этсангиз, Пелагея Егоровна, қизингиз блан ўз ишларимиз тўғрисида пичагина махфий гапиришиб олсак.

Пелагея Егоровна. Марҳамат, отахон. (Чиқиб кетади.)

Коршунов (Любовь Гордеевнанинг ёнига келиб ўтиради). Нимага йиғлаясиз, ойимқиз? Уяте, уят, хе, хе, хе... Мана мен, сиздан катта бўлсам ҳам йиғламайманку... (Унга тикилиб қарайди.) Нимага йиғлаётганингизни билиб турибман: ёшга тегмоқчисизку, а? Ҳа, бу қизларга хос тентакликку, жоним (унинг қўлидан ушлаб ўпади), тентаклик. Гапимга қулоқ солинг... мен ҳақ гапни гапираман, бор гапни айтаман... бировни алдашни ёмон кўраман, алдаб ҳам нима қиламан? Эшитасизми?

Любовь Гордеевна. Гапиринг.

Коршунов. Яхши. Гапни шундан бошлайлик, бўлмаса. Ёш йигит муҳаббатингиз қадрига етармиди? Ёш йигитни ҳамма ҳам яхши кўраверади, бунақа нарсага ёш йигит ўрганган бўлади, аммо бунинг қадрига кекса одам етади. Кекса кишини яхши кўрсангиз сизга совға ҳам олиб келиб туради, уни қилади, буни қилади, тилла буюмлар, духобалар олиб беради, нима блан эркалашни билмай қолади. (Унинг қўлидан ўпади.) Москвада бўлса магазинларда бунақа нарсалар тўлиб ётипти, хоҳлаганингиз топилади. Шунинг учун айтаманки, кексани яхши кўриш фойдали... Бу бир... Иккинчидан: ёш ва чиройли эрлар ҳамиша энгилтак бўлади, бир маҳал қарайсанки, четда бошқа хотин кетидан судралиб юрган бўлади ё бўлмаса бошқа бир хоним уни севиб қолади-да, ўз хотини эса уйда хазондай сарғайиб ўтиради... Гинахонлик, рашк бошланади... Рашк дегани нима ўзи, а? Хе... хе... Рашкнинг нималигини биласизми, бекам?

Любовь Гордеевна. Йўқ, билмайман.

Коршунов. Мен биламан. Рашк деган нарса қўлгана тикиб олиш эмас, ундан кўра қаттиқроқ оғритади. Ахир, одамни хазон қилиб юборади ла'нати. Рашк туфайли одамлар бир-бирини сўйиб кетади, маргимуш еб ўзини-ўзи ўлдиреди! (Асабий равишда кулиб, йўталади.) Кекса одамни яхши кўрсачи? Хотиржам яшайверади. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, азиз маликам, ёшлар ўйин-кулгини, айш-ишрат ва шунга ўхшаш нарсаларни яхши кўришади, хотини эса уйдан ташқари чиқмай ярим кечагача тиқ этса эшикка қараб ўтиргани ўтирган. Эри маст-аласт бўлиб келади-да, ўзини кўрсатади. Кекса эр-чи? Кекса эр хотинининг ёнидан силжмай

ўтиради; ўлса ўладики, аммо ёнидан нари кетмайди. Кўзларига термулиб, уёқ-буёғини силаб, қўлларидан ўпиб ўтиради... (Упади.) Мана бунақа қилади.

Любовь Гордеевна. Улган хотинингиз сизни яхши кўрармиди?

Коршунов (унинг юзига тикилиб қарайди). Буни сўраб нима қиласиз, оймқиз?

Любовь Гордеевна. Ўзим, шундай, билгим келди.

Коршунов. Билгингиз келдими?.. (Урнидан туради.)

Йўқ, яхши кўрмасди, мен ҳам уни севмас эдим. Севишга ҳам арзимасди ўзи. Мен уни фақат ҳуснига қизиқиб бечора, гадо бўлишига қарамай олувдим, бутун оиласини боқдим; отасини авахтадан қутқариб қолдим; бошидан тилла сочардим.

Любовь Гордеевна. Муҳаббат олтинга сотилмайди.

Коршунов. Хоҳ сев, хоҳ севма, аммо тез-тез қараб турсанг бўлгани дердим. Улар, мен сенга айтсам, жуда пулга муҳтож бўлиб қолган эдилар, ейишга нонлари ҳам йўқ эди, йўқ демай пул бериб турдим, аммо мени севишларини истайман. Буни талаб қилишга ҳақим борми ё йўқми? Шу деб унга пул тўлардим-да. Мендан нолиш гуноҳ бўлади: мен яхши кўрган одамимни бошимга кўтараман: аммо ёмон кўриб қолган одамимнинг ҳолига вой! (Ҳаяжонланиб юради.) Шундақанги одам менинг душманим, унинг кўзимга кўринмагани яхши! Гапим ва кўзим блан гажиб ташлайман; унга тинчлик ҳам бермайман, мен... (Бирдан тўхтаб, хахолаб кулади.) Сиз ростдан ҳам мени ёвуз одам экан деб ўйладингиз дейман-а?.. хе... хе... Жўрттага шундай ҳазиллашаяпман! Мен содда, меҳрибон чолман... Мен сизни қўлимда кўтариб юраман (аллалайди), беланчакка солиб тебратаман, ашулалар айтиб бераман... (Унинг қўлларидан ўпади.)

Гордей Карпич киради.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Любовь Гордеевна, Коршунов ва
Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Э-э куёвим бу ерда экан-ку! Биз эса сени қидириб юрибмиз. Ишлар шампанскогега айланиб кетди. Қани, юринглар, меҳмонлар олдига чиқайлик, сенсиз базм ҳам бўлмай турипти.

Коршунов. Менга шу ернинг ўзи ҳам яхши.

Гордей Карпич. Ундоғ бўлса айтай, шу ерга келтирсин, иккаламиз шу ерда ичамиз. (*Эшик олдиға боради.*) Хой, йигитча! Вино келтир буёққа! Кумуш патнисда олиб кел. (*Утиради.*) Хўш, куёв, энди нима дейсан?

Коршунов. Ҳечнарс демайман.

Гордей Карпич. Нега ҳечнарс демайсан?

Коршунов. Шундай, ўзим.

Гордей Карпич. Кел, қўй ҳазилингни! (*Коршуновга қарайди.*) Энди менинг ким эканимни билдингми?

Коршунов. Нега билмай?

Гордей Карпич. Мана, сен блан иккимиз кўришдик, танишдик, ичишдик, қани, энди айтчи, мен қанақа одам эканман? Менинг қадримга етишарканми бу ерда?

Коршунов. Қадрингга етишиб бўпти.

Гордей Карпич. Йўқ, сен менга бир гапни айтгин: ҳамма нарсам жойида эканми? Бошқаларникида дастурхон тепасида чакмон кийган йигит ё бўлмаса қиз хизмат қилади, меникида, ўзинг кўрдингку, қўлига қўлқоп кийган фициянтлар хизмат қилади. Мана шу фициянт жуда уста одам, Москвадан келган, ҳамма тартиб-қоидаларни билади; кимни қаерга ўтқазишни, нима қилишни яхши билади. Бошқаларникида-чи! Бир уйга тиқилишиб олишади-да, мужикларга ўхшаб ашула айтишгани айтишган. Хушчақчақлик қиладилару, аммо менимча бу пастлик, бизга тўғри келмайди. Ичимликларини айтмайсанми, нодонларнинг! Наливка, вишневкалардан бўлагини билишмайди... бундай вақтларда шампанское кетишини англамайдилар! Қанийди, Москвадами ё Питербурхдами турсам, қандай мода чиқса шунга тақлид қилардим.

Коршунов. Ҳарқанақасигая?

Гордей Карпич. Ҳарқанақасига. Бор пулимни сарфласам сарфлардим, аммо ўзимни кўрсатардим. Менга қара, хой, қизим, эҳтиёт бўлиб юргин, ўзингни тийиб юр-а, қайлигингга ёқмай қолишинг ҳам мумкин, буни москвали дейдилар. Юриш-туришни ҳам билмасанг керак, қаерда қандай гапириш ҳам қўлингдан келмайди ҳали.

Любовь Гордеевна. Билганимни гапиравераман-да, дада; пансионда ўқимаган бўлсам.

Официант кириб Коршунов блан Гордей Карпичга вино гутади; шишани столга қўйиб, ўзи чиқиб кетади.

Гордей Карпич. Мана шунақа ишлар, куёв! Гордей Карпич Торцовнинг ҳам кимлигини билиб қўйишсин!

Егорушка киради.

Егорушка. Гордей Карпич амаки, буёққа чиқинг.
Гордей Карпич. Нима дейсан?
Егорушка. Чиқинг; қизиқ иш. (Кулади.)
Гордей Карпич (яқинлашиб). Нима гап?
Егорушка. Любим Карпич амаким келдилар.
Гордей Карпич. Нега киритишди уни?
Егорушка. Киргилари кепти-да, сра бас келолмадик.
(Хахойлайди.)

Гордей Карпич. Нима қилаяпти?

Егорушка. Меҳмонларни ҳайдаб чиқараяптилар. (Хахойлайди.) Бировнинг нонини туя қилишга жуда устасанлар, дейдилар... Мен ҳам уйнинг хўжайиниман, дейдилар... мен, дейдилар... (Хахойлаб кулади.)

Гордей Карпич. Тсс... Роса шарманда қилдику!
(Егорушка блан бирга чиқиб кетади.)

Коршунов. У ёқда нима гап ўзи?

Любовь Гордеевна. Билмадим. Амаким бирнима қилаётгандирда... Ба'зан жиннилиги тутиб туради.

Разлюляев, Маша ва Лиза кирадилар.

ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Любовь Гордеевна, Коршунов, Разлюляев,
Маша ҳамда Лиза.

Пелагея Егоровна (эшикдан туриб). Иним қани?..
Қани Любим Карпич? Нималар қилди у, нималар қилиб қўйди!

Любовь Гордеевна. Бу ерда йўқлар, ойнажон.

Пелагея Гордеевна кетади.

Разлюляев. Ана холос! Любим Карпичнинг жуда ғалати қилиқлари бор-да! ха... ха... ха!.. Шунақанги қилиқлар қиладики, ҳайронлар қоласан!

Лиза. Ҳеч куладиган жойи йўқ, нодонлик, холос!

Маша. Уялиб кетганимдан қаёққа қочишимни билмабман.

Диванга ўтирадилар.

Любим Карпич киради.

УНИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Любим Карпич.

Лиза. Вой ўлай, тагин-а!

Маша. Бу даҳшат-ку!

Разлюляев. Ха, ха, ха...

Любим Карпич. Гур, гур, гур... буль, буль, буль!.. Бармоқ блан ўн тийин, бодринг блан ўн беш тийин!.. Қадирдон ошнамга! (Коршуновга қўл узатади.) Салом!.. Бир мингу бир кун кўришмабмиз! Аҳволингиз қалай?

Коршунов. Э, сенмисан, Любим?

Любим Карпич (юзини қўллари блан беркитиб). Мен эмасман, туя кўрдингми, йўқ.

Коршунов. Мен сени танидим, оғайни, шаҳарда тиланиб юрардинг.

Любим Карпич. Шаҳар кўчаларида тиланиб юрган эмсингда экан; иккимиз бирга айш-ишрат қилганларимиз, кузнинг қоронғи кечалари майхонадан қовсқхоналарга ўтиб юрганларимиз ҳам эсингдадир? Мени ким хонавайрон қилгани, ким туфайли гадо бўлиб қолганим ҳам эсингдадир?

Коршунов. Нега ўзинг бўш келдинг? Сени ҳечким ёқангдан тортиб бу йўлга олиб кирмади-ку, оғайни. Айб ўзингда.

Любим Карпич. Мен-ку аҳмоқ эканман-а, аммо ўзингинг ҳам номусинг йўқ экан! Сен мени кўкларга кўтардинг, у дединг, бу дединг, аммо мен бирон нарса ўғирламаган бўлсам ҳам, одамларнинг кўзига қарашга уяламан!

Коршунов. Ҳали ҳам ҳазилкаш экансан! (Любовь Гордеевнага қараб.) Амакингиз жуда ҳазилкаш одам. Эски қадирдонлигимизни назарга олиб, бир сўлкавой берар эканмиз-да.

Любим Карпич. Тсс... Сўлкавой блан қутулиб кетолмасиз дейман! Аввало эски қарзингни, ундан кейин жияним учун бир миллион уч юз минг тўлайсан!.. Бундан арзонга бермайман.

Коршунов (кулади.) Бир тийини ҳам кам бўлмайдигин?

Любим Карпич. Бир тийин ҳам камми йўқ!

Разлюляев. Вой, Любим Карпичей! Бир тийин ҳам камига юрма.

Гордей Карпич киради.

УН БИРИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Э, шу ердамисан! Мени нима қилмоқчисан, а? Кўзимдан йўқол!

Коршунов. Шошмай тур, Гордей Карпич, ҳайдама,

нега ҳайдайсан! Пича масхарабозлик қилсин, кўрайлик. Хе, хе, хе!..

Лю б и м Кар п и ч. Акам қизини сенга бериб, ўзини-ўзи майна қилмоқда, сени шундай масхара қилайки, келган жойингни тополмай қолгин!

Гор д е й Кар п и ч. Буер бунинг жойи эмас. Чиқ, жўна!

Лю б и м Кар п и ч. Шошма, ака, ҳайдамай тур. Сен: Любим Торцов ҳазилвонлик қилгани келди, у маст, деб ўйлагандирсан? Мен сизларга жумбоқ айтгани келдим. (*Коршуновга қараб.*) Эшакнинг қулоғи нега узун бўлади? Қани, айтчи?

Р а з л ю л я е в. Мана буни жумбоқ дейдилар!

Кор шу н о в. Мен қаёқдан билай?

Лю б и м Кар п и ч. Унинг эшаклигини ҳамма билсин учун. (*Акасига қараб.*) Мана сенга бир жумбоқ: қизингни кимга узатаётибсан?

Гор д е й Кар п и ч. Бу сенинг ишинг эмас! Мендан гап сўрашга ҳақинг йўқ!

Лю б и м Кар п и ч. Яна битта савол: ўзинг ҳалол савдогармисан, йўқми? Ҳалол бўлсанг — ҳаромлар блан юрма! Қозонга яқинлашсанг қораси юқади.

Кор шу н о в. Ҳазил қилсанг, билиб қил, оғайни!.. Ё буни ҳайдаб чиқар, ё оғзини юмсин.

Лю б и м Кар п и ч. Сени айтаман! Ўзинг ҳам қозондай оппоқдирсан-а!

Гор д е й Кар п и ч. Уқа, яхшилиқча кет, йўқса ишинг чатоқ бўлади.

Лю б о в ь Гор д е е в н а (*қўрқиб, туриб кетади*). Амаки, қўйинг энди!

Лю б и м Кар п и ч. Қўймайман! Энди қоним қайнаб кетди!

Хизматкорлар ва меҳмонлар кирадилар.

У Н И К К И Н Ч И С А Ҳ Н А

Ушалар, Пелагея Егоровна, Анна Ивановна,
Гуслин, меҳмонлар ва хизматкорлар.

Лю б и м Кар п и ч. Халойиқ, эшитинг! Любим Торцовни хўрлашмоқда, уйдан ҳайдаб чиқаришмоқда. Меҳмондан нима кам? Нега мени ҳайдайдилар? Эгним кир бўлса ҳам виждоним тоза. Мен Коршунов эмасман: камбағал, қашшоқларни талаб, кишиларнинг ҳақиға хиёнат қилганим йўқ,

рашк қилиб хотинимни ўлдирганим йўқ... Мени ҳайдашадию, уни бўлса азиз меҳмон қилиб тўрга ўтқизишади. Хотинини ўлдирган бўлса нима қилти, бошқасини беришади: мана, акам қизини бермоқда! Ха, ха, ха! (*Фожияли равишда хахолаб кулади.*)

Коршунув (*ўрнидан ирғиб туриб кетади*). Бунинг гапига ишонманглар: ҳамма гапи ёлғон, мендан ўч олмоқчи, мастлик блан гапираяпти.

Любим Карпич. Қанақа ўч! Мен сени аллақачон кечирганман. Мен кичкина, арзимаган бир одамман, қумурсқаман! Сен бошқаларга ёмонлик қилмасанг бўлгани!

Гордей Карпич (*хизматкорларга қараб*). Олиб чиқиб кетинглар бунинг!

Любим Карпич (*бармоғини юқори кўтариб*). Сс... Тегма менга! Дун'ёда беор, беномус киши ҳузур қиларкан!.. Эҳ, одамлар, одамлар! Любим Торцов пианиста бўлса ҳам, сенлардан минг марта яхши! Мана энди ўзим ҳам чиқиб кетаман. (*Халойиққа қараб.*) Йўлни кенгроқ оч, Любим Торцов келаётир! (*Чиқиб кетади ва дарҳол қайтади.*) Золим, жаллод! (*Кетади.*)

Коршунув (*зўраки кулади*). Ҳали уйимда шунақа тартиб-қоидалар бор дегин? Уйимга келган меҳмонларни мастларга ҳақорат қилдирадиган одат чиқарганман дегин? Хе, хе, хе! Яна Москвага кўчиб кетаман, бу ерда менинг қадримга етишмайди, дейди-я. Москвада сенга ўхшаган аҳмоқларнинг уруғи қуриган, сендақаларни кўришса, кулишади. Яна куёвим, куёвим деганини қара! Хе, хе, хе! Вой, қадирдон қайнатамей! Йўқ, кечирасиз, мен анойи эмасман, мени бекордан бекорга ҳақорат қилиб кетаверса. Энди менинг уйимга борасану, қизимни олинг деб оёғимга бош урасан.

Гордей Карпич. Мен оёғингга бош ургани бораман?

Коршунув. Борасан, мен сени биламан. Тўй қилмасдан иложинг йўқ, ўзингни дорга оссанг осасанки, аммо бутун шаҳарга номим чиқсин дейсан. Броқ куёв тополмайсан. Мана, сенинг дардинг! Хе, хе, хе!

Гордей Карпич. Шу гапларингдан кейин мен ҳам сендан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим! Умрим бино бўлиб бировга ялинган эмасман. Гап шундай бўлса, қизимни тўғри келган одамга ҳам бериб юборавераман! Устига шунча пул қўшиб бераманки, олмагани ҳам олади...

Митя кириб, эшик олдида тўхтади.

УН УЧИНЧИ САҲНА

Ушалар ва Митя.

Митя (*халойиққа қараб*). Нима шовқин?
Гордей Карпич. Ана, Митькага бераман!
Митя. Нима?

Гордей Карпич. Жим тур! Ҳа... Митькага бераман... эртагаёқ узатаман! Шунақанги тўй-тамоша қилиб берайки, оғзинг очилиб қолсин: Москвадан чолғучилар чақиртираман, бир ўзим тўртта каретага тушиб юраман.

Коршунов. Кўрамиз, кўрамиз. Афв сўрагани борасан, биламан! (*Чиқиб кетади.*)

УН ТҮРТИНЧИ САҲНА

Пелагея Егоровна. Гордей Карпич, кимга бераман дединг?

Гордей Карпич. Митькага дедим... Ҳа! Кеккайишни қараю! Менинг нимама кам ундан? «Бориб ялинасан» эмиш-а! Бекорларни айтипти, бориб бўбман! Жўрттага Митькага бераман, аламидан ёрилиб ўлсин.

Митя (*Любовь Гордеевнанинг қўлидан ушлаб, Гордей Карпичнинг олдига келади*). Нега жўрттага бўлади, Гордей Карпич? Бунақанги ишни жаҳл устида қилмайдилар. Менга жўрттагаси керакмас. Ундан кўра, умр бўйи қийналиб юрганам яхши. Бизга шафқат қилмоқчи бўлсангиз, оталарча меҳри-муҳаббат блан фотиҳа беринг. Чунки, биз бир-биримизни севамиз, ҳатто сизга айбимизни ҳам очиб гапирмоқчи эдик... Мен сизга бажону-дил, ўз ўғлингиз қаторида...

Гордей Карпич. Нима, нима, бажону-дил деб нима демоқчисан? Оғзимдан чиқиб кетганига хурсанд бўласан-а! Шундай деб ўйлашга қандай жур'ат этдинг? Нима, Люба сенинг тенгингмиди? Ким блан гапиришаётганингни биламанми ўзинг?

Митя. Жуда яхши биламан: менинг хўжайинимсиз, камбағал бўлганим учун қизингизга тенг бўлолмаслигимни ҳам биламан; аммо, нима қилсангиз қилинг: қизингизни жонимдан ҳам яхши кўраман.

Ҳамма ҳайрон.

Любим Карпич қайтиб келиб, халойиқ орасида туради.

ЎН БЕШИНЧИ САҲНА

Ўшалар ва Любим Карпич.

Гордей Карпич. Нега яхши кўрмас экансан! Дидинг жойида! Пули кўп-да, а, эгининг бут бўлиб, қорнинг ошга тўйиб қолади.

Митя. Сиздан шу гапларни эшитиш шу қадар оғирки, бирор нарса дейишга ҳам ожизман. Яхсиси индамай қўяқолай. (*Четга чиқиб туради.*) Қани, энди ўзингиз гапиринг, Любовь Гордеевна.

Любовь Гордеевна. Дадажон, шу маҳалгача чизган чизингиздан чиқмадим! Бахтли бўлишимни истасангиз, мени Митяга берасиз.

Пелагея Егоровна. Намунча ўжарлик қилавердинг энди, Гордей Карпич... ҳа! Мунча энди! Энди дардимни унутиб, қувона бошлаган эдимки, яна сен ўз билганингдан қолмайсан. Бир нарсани айтганингдан кейин лафзингдан тургинда, бу нима қилганинг, ахир... Ҳали унга бераман дейсан, ҳали бунга. Нима, қизгинамни қийнаб ўлдиrhoқчимисан?

Любим Карпич (*халойиқ орасидан туриб*). Ака, Любушкани Митяга бер.

Гордей Карпич. Яна келдингми, а? Мени бугун қандай шарманда қилганингни биласанми, а? Бутун шаҳар халқи олдида беобрў қилдингку! Шунинг аниқлигинда кўзимга ҳам кўринмасдинг, тагин бу камлик қилгандай, маслаҳат ҳам бераман дейсан-а! Бошқа одам гапирса гапирсину, аммо сен гапирма.

Любим Карпич. Любим Торцов сени шарманда қилгани учун унинг оёғига бош қўйишинг керак!

Пелагея Егоровна. Вой, айланай, Любимушка, айтганинг тўғри, у оёғингга бош қўйиши керак... ҳа... шундай. Сен бизни катта гуноҳдан сақлаб қолдинг; худога минг нола қилсак ҳам, уни юволмасдик.

Гордей Карпич. Нима, мен бу оиланинг жаллоди-манми?

Пелагея Егоровна. Жаллодку эмассан-а, тентаклик қилиб, қизингни ҳалок этардинг... Ҳа! Кўнглимдагини очиқ айтавераман. Африкан Савичдан кўра яхшироқ чолларга қиз узатганлар ҳам жазосини тортапти.

Любим Карпич. Қани, йўл беринглар менга! (*Ашула айтади.*) Трум-ту-тум, трум-ту-тум (*Ўйинга тушади.*) Буёққа қара, буни кўр: мана, Любим Торцов кўз олдингда тирик турипти. Бунақа йўлдан юриб кўрган, бу йўлнинг

қанақалигини яхши билади! Мен ҳам бадавлат, шуҳратли эдим, кареталарда юрардим, шунақанги шўхликлар қилардимки, етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Мана, олифта-лигимни қара!

Гордей Карпич. Менга сра гапирма, эшитмайман, сен ўла-ўлгунимча душманимсан.

Любим Карпич. Одаммисан, ҳайвонмисан? Любим Карпичга ҳам пича раҳминг келсин-да! (*Тиз чўқади.*) Ака, Любушкани Митяга бер, Митя менга бошпана беради. Оч, яланғоч юрибман. Кексайиб қолдим, қаҳратон қишда кўча-кўйларда бир бурда нон топиш учун масхарабозлик қилиб юриш энди менга оғирлик қилади; ҳеч бўлмаса, қариган чоғимда ҳалол кун кўрай дейман. Ахир, мен ҳаммани алдаб юрардим: тиланчилик қилиб топганимни ичардим. Ўзимга яраша бирон иш беришади; ўз овқатимни ўзим топиб ейдиган бўлиб қоламан. Ана шунда худога шукур қиламан. Ака! Менинг нолам ҳам худога етар. Камбағал бўлса нима! Эҳ, қани энди, мен камбағал бўлсам, мен ҳам одам қаторида бўлардим. Камбағаллик айб эмас.

Пелагея Егоровна. Гордей Карпич, наҳотки, бағринг шу қадар тош бўлса, а?

Гордей Карпич (*кўз ёшларини артиб*). Юраги тошдан деб ўйлабмидиларинг? (*Укасини турғизади.*) Ақл ўргатганинг учун раҳмат, укам, йўқса ақлдан озаёзган эканман. Миямга бунақангги чирик хаёлнинг қандай кириб қолганини ўзим ҳам билмайман. (*Митя блан Любовь Гордеевнани қучоқлайди.*) Қани, болалар, амакинг Любим Карпичга раҳмат айтинглар, қўша қаринглар.

Пелагея Егоровна ҳам болаларни бағрига босади.

Гуслин. Тоға, энди менга ҳам мумкинми?

Гордей Карпич. Мумкин, мумкин. Кимга нима керак бўлса — айтинглар: мен энди бошқа одам бўлиб қолдим.

Гуслин. Эҳ, Аннушка, бизнинг ҳам бахтли кунимиз келаркан.

Анна Ивановна. Ана энди тўю-тамошани кўраверасизлар.

Пелагея Егоровна. Роса ўйин-кулги қиламиз!

Разлюляев (*Митянинг ёнига келади-да елкасига бир туширади*). Митя!.. Оғайнимсан... ҳаммасидан кечдим... Ўзим яхши кўриб юрардиму, сенга буюрган экан... сенга топширдим. Қўлингни бер. (*Қўл сиқишадилар.*) Ол дедим-

ми, бўлди, олавер, ошнамсан... Дўстимдан ҳечнарсани аямай-
ман! Биз шунақа одаммиз, билиб қўй! (Этаги блан кўзларини
артиб, Митяни ўпади.) У рост айтади: пианисталик айб
эмас... йўғе, камбағаллик айб эмас деганим... Нуқул гапдан
адашиб юраман.

Пеллагея Егоровна. Ана холос, ҳамма шу ерда эка-
ну! (Қизларга қараб.) Қани, қизлар, шўхроғидан олинглар...
ҳа, шўхчангидан... Тўйни кўнгилдагидек ўтказамиз... ҳа...

Қизлар ашула бошлайдилар.

Любим Карпич. Тсс... Тингла, командамни! (Ашу-
ла айтабошлайди; қизлар жўр бўладилар.)


Гап-сўз бир ерга тинди...
Бор барака қилинди,
Ҳамма иш топди анжом,
Тўй-базм бўлар энди.

Парда

1853 йил.



СЕПСИЗ ҚИЗ



ТҮРТ ПАРДАЛИ ДРАМА

ҚАТНАШУЧИЛАР

Харита Игнатъевна Огудалова, тул; яхши кийнади, лекин ёшига мос эмас.

Лариса Дмитриевна, қизи, қариқиз, кийимлари яхши, лекин бехашам.

Мокий Парменич Кнуров, ўз замонасининг уста савдогарларидан, анча ёшга бориб қолган, бадавлат одам.

Василий Данилич Вожеватов, ёш йигит, катта савдо фирмаларидан бирининг вакили; европача костюм кияди.

Сергей Сергеич Паратов, кема хўжайинларидан, олифта барин, ёши ўттиздан ошган,

Юлий Капитонич Карандишев, ёш йигит, ўртамиёна чиновник.

Евфросинья Патаповна, Карандишевининг холаси.

Робинзон.

Гаврило, клубда буфетчи, бульварда ҳам қаҳвахонаси бор.

Иван, қаҳвахона хизматчиси.

Огудалованинг қароли.

Илья, лўли.

Эркак ва аёл лўлилар.

Воқиа Волга бўйидаги Бряхмив шаҳрида, шу кунларда юз беради.

БИРИНЧИ ПАРДА

Волганинг баланд қирғоғида шаҳар бульвари. Қаҳвахона олдида кичик майдон, ўнгда қаҳвахонага кириладиган йўл, чапда дарахтлар; орқа томондаги чўян панжара орқали Волга дарёси, қишлоқлар, ўрмон ва бошқа манзаралар кўриниб туради. Қаҳвахона олдидаги майдончага столлар, стуллар; бир стол ўнг томонга, қаҳвахона ёнига, бошқаси чап томонга қўйилган.

БИРИНЧИ САҲНА

Гаврило қаҳвахона ёнига турипти, Иван жиҳозларни тартибга солмоқда.

Иван. Боғда ҳечким кўринмади-я!

Гаврило. Байрам кунлари доим шунақа бўлади. Эски-часига яшайпмиз, биродар. Чошгоҳ ибодатини қилиб бўлгандан кейин, қуюқ-сууюқни суриштирмай қоринга жойлаш-у, нон-туздан сўнг етти соат дам олиш.

Иван. Етти соат эмиш... Уч-тўрт соат дегин. Шу ҳам қилиқ бўлди-ю.

Гаврило. Кечки ибодатга яқин уйғонадилар-да, ўлгудай зериккунча чой ичадилар.

Иван. Зериккунча? Зерикиши нимаси?

Гаврило. Самоварнинг пинжигига тикилиб икки соат суринкасига чойни лўқиллатаверсанг биласан-қўясан. Беш-олти бор терлайсан, еттинчисига етганда зерикабошлайсан... Кейин чойнинг бахридан ўтиб боққа қараб ўрмалайдилар, нафасни ростлаб кўнгил очадилар. Бу пайтларда фақат сара кишилар бўлади, холос. Ана, қара, Мокий Парменич Кнуров айланиб юрипти.

Иван. Шу бульварни қадамлаб ўлчаб бераман деб бировга ва'да қилгандай уёқдан-буёққа бориб келади. Нима азоб экан-а, ақлим етмайди?

Гаврило. Ҳазми таом учун!

Иван. Ҳазми таом нима учун керак?

Гаврило. Иштаҳани очиш учун-да, иштаҳа очиш эса унга тушлик овқат учун керак. Шундай овқатлари борки ҳазми таомсиз тушлик қилиш мумкинми, ахир?

Иван. Нега у камгап?

Гаврило. «Камгап» эмиш... Миллионер одам, ким кўринса шу блан адик-бадик айтишга тоби бор эканми, нодон... Ким блан ҳам гапиришсин? Шаҳарда унинг блан икки-уч киши гапиришади, холос, бошқа ким бор, шунинг учун ҳам камгап. Шу сабабдан буерларда кам бўлади-да, фойдаси бўлмаганда бойлаб қўйса ҳам турмас эди. Гапиришгиси келса, Москва, Петербург, кейин чет мамлакатларга бориб гаплашиб келади. Уерларда ёйилиб роҳат қилади.

Иван. Ана, Василий Данилич пастдан чиқиб келаяпти. Буниси бадавлат бўлса ҳам, сергап одам.

Гаврило. Василий Данилич ҳали ёш, ёшлик қилаяпти, ёши бироз улғайса бу ҳам ўша суратнинг ўзгинаси бўлиб қолади, кўрасан.

Чап томондан Кнуров кириб келади ва Гаврило блан Иваннинг саломига алик олмай, столга бориб ўтиради, чўнтагидан французча газета олади-да, ўқий бошлайди. Унг томондан Вожеватов киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Кнуров, Вожеватов, Гаврило, Иван.

Вожеватов (*салом қилиб*). Мокий Парменич, сизга салом бериш шарафига муяссар бўлганим учун бахтлиман.

Кнуров. А! Василий Данилич! (*Қўл узатади.*) Хўш, қаердан?

Вожеватов. Пристаньдан. (*Ўтиради.*)

Гаврило яқин келади.

Кнуров. Бирон кишини кутиб олгани чиққанмидингиз?

Вожеватов. Шундай, аммо келмади. Кеча Сергей Сергеич Паратовдан телеграмма олган эдим. Мен ундан пароход сотиб олаяпман.

Гаврило. «Қалдирғоч»ними, Василий Данилич?

Вожеватов. Ҳа, «Қалдирғоч»ни. Нимаиди?

Гаврило. Жуда сузагон, бақувват пароход-да!

Вожеватов. Кўрмайсани, Сергей Сергеич алдади, келмади.

Гаврило. Сиз, у кишини «Самолёт» пароходида келар деб чиққандирсиз, эҳтимол ўзининг «Қалдирғоч»ида келса.

Иван. Василий Данилич, қаранг, ҳов юқоридан бир пароход келаяпти.

Вожеватов. Волгада юрган пароходларнинг сони йўқ.

Иван. Бу албатта Сергей Сергеич келаяпти.

Вожеватов. Ростданми?

Иван. Ҳа, шунга ўхшайди. «Қалдирғоч» жуда таниғлик!

Вожеватов. Рангини етти чақиримдан ажратасан-а!

Иван. Ун чақиримдан ҳам ажратиб бўлади... Сузишига разм солинг. Хўжайин кемада бўлса керак-да.

Вожеватов. Узоқдами ҳали?

Иван. Ху, орол ортидан бурилиб чиқди. Учиб келаяпти-да.

Гаврило. Учиб дейсанми?

Иван. Учиш ҳам гапми. «Самолёт» ахир! Худди ўқдай келаяпти.

Гаврило. Худди ўзлари.

Вожеватов (Иванга). Қаерга тўхтаркин, қани айтиб бер-чи!

Иван. Хўп бўлади... Шундай келаяптики! Худди ҳозир замбарак ҳам отишади.

Гаврило. Турган гап!

Вожеватов. Қанақа замбарак?

Гаврило. Волганинг ўртасида у кишининг катта қайиқлари бор, билсангиз...

Вожеватов. Биламан.

Гаврило. Уша қайиқларининг биттасига замбарак ўрнатилган, Сергей Сергеич келганда доим ўша замбаракдан ўқ узадилар. (Қаҳвахона орқасига кўз ташлаб.) Ана, Чирков ҳам извошини ҳайдаб келаяпти. Келишини хабар қилишган бўлса керак. Чирковнинг ўзи ҳайдаб келаяптими, бўлди, келаётган ўша киши.

Вожеватов. Қаёқдан биласан, балки, у киши учун эмасдир.

Гаврило. Тўрт дулдулни қаторасига қўшиптими, билингики ўша киши учун. Бошқа кишига Чирков ўлса ҳам тўрт от қўшмайди... Қаранг, от эмас, худди шерларга ўхшайди, қурғурлар. Жабдуқларини қаранг... бу албатта ўша киши учун.

Иван. Чирков ёнида лўли ҳам ясаниб ўтирибди, камарини чунон тортиптики, худо урсин, ҳали замон иккига бўлиниб кетади!

Гаврило. Бу, албатта, ўша киши учун келган! Бошқа ҳечкимга тўрт дулдул қўшилган эмас, ҳа! Ўша кишининг ўзлари.

Кнуров. Паратов кўп олифта-да.

Вожеватов. Нимасини айтасан, олифталикни ҳам жуда эшади.

Кнуров. Пароход арзон тушгандир-а?

Вожеватов. Арзон, Мокий Парменич.

Кнуров. Ҳа-да, арзон бўлмаса олишнинг ма'носи ҳам йўқ-да, у нега сотаяпти экан-а?

Вожеватов. Фикримча, фойда кўрмаётган бўлса керак.

Кнуров. Фойда қайда дейсиз? Фойданинг йўлини у жаноблар билармиди? Мана сиз боплабсиз, айниқса, арзонга олсангиз.

Вожеватов. Бизга жуда зарур. Қуйи томонда анча юкимиз бор.

Кнуров. Ё унга пул зарур бўлиб қолдимикан-а?.. Исрофгар одам-да ўзи...

Вожеватов. Нима қилса ўзининг иши. Бизнинг пулимиз тайёр.

Кнуров. Ҳа, пул бўлса чангалда шўрва. (*Мулойимгина кулиб.*) Василий Данилич, пулдор кишининг ошири доим олчи-да.

Вожеватов. Ҳа, албатта! Сиз буни ҳаммадан яхши биласиз, Мокий Парменич.

Кнуров. Билганда қандай, Василий Данилич, шундай биламанки...

Вожеватов. Муздагидан ичмаймизми, Мокий Парменич?

Кнуров. Сизга бир гап бўлдимиз, саҳарлаб! Мен ҳали нонушта қилганим йўқ.

Вожеватов. Зарари йўқ. Менга бир инглиз — фабрика директори ўзи, тумовнинг энг яхши давоси эрталаб оч қоринга шампанское ичиш деган эди. Мен кеча бироз шамоллаб қолибман.

Кнуров. Қандай қилиб? Шундай иссиқ кунда-я.

Вожеватов. Уша тумов давосининг жуда ҳам совуғини бериб қўйишипти, чамамда.

Кнуров. Йўқ, қўйинг! Одамлар кўриб қолса яхши

бўлмайди, тонг отмасдан шампанский ичишяпти деган маломатга қоламиз.

Вожеватов. Одамлар маломат қилмаслиги учун чой ичақолайлик.

Кнуров. Чой бошқа гап.

Вожеватов (*Гаврилога*). Гаврило! Чой, менинг чойимдан келтир, тушундингми? Менинг чойимдан!

Гаврило. Хўб бўлади. (*Кетади.*)

Кнуров. Сиз ҳали алоҳида чой ичасизми?

Вожеватов. Фарқи шундаки, чойнакда олиб келадую, чой стаканларига қуйиб ичамиз, вассалом...

Кнуров. Ҳийлангиз жойида.

Вожеватов. Муҳтожлик ҳарнимага ўргатади, Мокий Парменич!

Кнуров. Париждаги виставкага борасизми?

Вожеватов. Пароходни сотиб олиб, юклар учун уни қуйи томонга юбораман-да, кейин жўнайман.

Кнуров. Мен ҳам яқинда жўнайман, мени кутмоқдалар.

Гаврило икки чойнак шампанский ва патнусда икки стакани олиб чиқади.

Вожеватов (*қуйиб туриб*). Янгиликни эшитдингизми, Мокий Парменич? Лариса Дмитриевна эрга тегаяпти.

Кнуров. Эрга тегаяпти? Қўйинг-е! Кимга?

Вожеватов. Карандишевга.

Кнуров. Бу қанақаси! Етти ухласа кишининг тушига кирмайдиган иш! Карандишев нима деган одам ахир! Тенги эмас у, Василий Данилич.

Вожеватов. Тўғри, тенги эмас! Лекин, бошқа куёв бўлмагандан кейин, нима қилсин? Сепсиз қиз-да.

Кнуров. Яхши куёвни ўшанақа сепсиз қизлар топади-да.

Вожеватов. У вақтлар ўтиб кетган. Илгари куёвлар кўп эди, сепсиз қизларга ҳам етар эди, энди куёв қани, фақат сепига қараб куёв чиқаяпти, сепсизларга чикора. Тузукроқ куёв чиққанда Харита Игнатъевна қизини шу Карандишевга берармиди, дейсиз?

Кнуров. Уста хотин-да.

Вожеватов. Шу хотин рус бўлмаса керак деб ўйлайман!

Кнуров. Нечун?

Вожеватов. Ҳаддан зиёд эпчил-да ўзи.

К н у р о в. Қандай қилиб қўлга тушиб қолипти-а? Оғудаловалар авлоди анча тузук эдику, қўққисдан Карандишевга лаққа тушипти! Бўлмаса ўз эпчиллиги орқасида уйи доимо ёш-яланглар, бўйдоқлар блан тўла эди!..

В о ж е в а т о в. Тўғри, уйига келадиган харидорлар мўл, нега десангиз, у ерларда доимо хурсандчилик! Қиз бўлса, бир қошиқ сув блан ютиб юборгудай: чевар, созанда, булбулдек овози бор, муомилада тортинчоқ эмас. Бу хислатлар кимни ўзига тортмайди дейсиз. Лекин, уйланишга келганда, мулоҳаза қилиш керак бўлади.

К н у р о в. Ахир, икки қиз узаткан-ку.

В о ж е в а т о в. Узатишгаку узаткан-а, уларнинг ўзларидан сўраш керак; турмушлари қандай экан. Катта қизини бир кавказли бек олиб кетди. Жуда қизиқ бўлди-да. У, қизни кўрибоқ қанг-манг бўлиб қолипти, икки ҳафта йиғлапти, қизнинг олдидан нари кетмасмиш, кўзини аланг-жаланг қилиб ханжарини ушлаб турган эмиш, ҳечкимни қизга яқинлаштирамапти. Шундай қилиб уйланипти, лекин Кавказга етмасданоқ бировга рашк қилиб сўйиб ташлапти дейдилар... Уртанча қизи четёлдан келган бировга теккан экан, кейинча, ма'лум бўлишича, у четёлли эмас, бир фирибгар экан.

К н у р о в. Оғудалованинг ҳисоби жойида: мол-мулки чамалик, бас, берадиган сепи йўқ, шунинг учун ҳаммага эшиги очиқ.

В о ж е в а т о в. Ўзи ҳам ўйин-кулгини севадиган хотин. Пули эса мундоқроқ кун кўришга ҳам етмайди.

К н у р о в. Қаердан олади бўлмаса?

В о ж е в а т о в. Шу куёвлар бўйнига-да. Қизи сизга ёқдим, чўнтакни кавланг. Кейин куёвдан қизнинг сепига деб ҳам оладилар, лекин уйланмоқчи бўлсангиз, сеп сўрамай-сиз.

К н у р о в. Фақат талабгорларгина эмас, сизнинг ҳам бу уйга тез-тез кириб туришингиз арзонга тушмаса керак дейман.

В о ж е в а т о в. Давлатим камайиб қолмайди, Мокий Парменич! Нима ҳам дедик! Кайфу сафонинг отаси ҳам, онаси ҳам пул. Хурсандчилик пулга келади, шу уйга кирсанг анча ором оласан киши.

К н у р о в. Рост айтасиз. Ҳақиқатан ҳам ором олади киши.

В о ж е в а т о в. Ўзингиз жуда кам бўласиз дейман.

К н у р о в. Ўнғайсизроқ жой, уерга ҳархил чакки-чукки

одамлар тўпланади. Кейин учрашганда, салом-алик қилишга, кўришганда албатта гаплашишга уринадилар. Ўзингиз ўйлаб қаранг, шу Карандишев блан қандай қилиб таниш-билиш бўлиш мумкин?

Вожеватов. Тўғри, уйлари худди бозорга ўхшайди.

Кнуров. Нимаси яхши дейсиз! Биттаси Лариса Дмитриевна олдида қилпиллаб, қош-кўзини мақтаса, биттаси эшилиб ширин сўзга тушади. Худди хумга тушган аридай гўнгиллаб бир оғиз гап айтишга гал беришмайди. Унинг якка қолган пайтини топиб, танҳо учратиш ма'қул.

Вожеватов. Уйланиш керак.

Кнуров. Уйланиш керак эмиш! Иложи йўқ-да. Ундан ташқари ҳарким ҳам орзу қилавермайди, масалан мени олинг, менинг хотиним бор.

Вожеватов. Тўғри, иложи йўқ... Етолмайман пуф сасиқ-да, Мокий Парменич.

Кнуров. Ҳали шунақа деб ўйлайсизми?

Вожеватов. Турган гап! Ҳамма гап сиз ўйлагандай эмас. Кўпга тузоқ қўйиб кўришган-у, броқ илинмаган. Мана энди, ҳечқандай такалуфсиз, Карандишевга бериб қўяқолишди. Нима дейсиз, эр-да.

Кнуров. Шунақа қиз блан Париж виставкасига борсанг, ажойиб бўлади-да!

Вожеватов. Ҳа, зерикмасди киши, қулинг ўргилсин саёҳат бўларди-куя. Режангиз чакки эмас, Мокий Парменич!

Кнуров. Сизнинг кўнглингиз ҳам бу режадан холи бўлмаса керак, лаббай?

Вожеватов. Менга йўл бўлсин! Бундай ишларни эплай олмайман, соддаман. Хотин-қизлар блан гаплашишда анча тортинчоқман, тарбиям ўлгур, ёшликдан мана шунақа бўлган, ахлоқ жойида-да.

Кнуров. Ҳа, гапиринг, гапиринг! Ҳар ҳолда, менга қараганда, сизда имконият кўпроқ, ёшсиз, бу катта гап! Пулни ҳам аямайсиз; пароходни бўлса арзонга туширдигиз, фойдасидан сарф қилсангиз ҳам бўлади. Лекин «Қалдирғоч»дан арзонга тушмаса керак-а?

Вожеватов. Ҳарқайси молнинг ўз баҳоси бор, Мокий Парменич. Ёш бўлишимга қарамай, қўлимдан келмаган ишга уринмайман.

Кнуров. Қайдам! Сизга ўхшаган ёш йигитни бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин, ана ўшанда кўрасиз!

Вожеватов. Йўқ, Мокий Парменич, ҳали мен бундай кепатага тушгунимча йўқ.

Кнуров. Нима?

Вожеватов. Ўша севги деб аталадиган гап мендан нари...

Кнуров. О, азамате, дуруст, ҳақиқий савдогар бўласиз. Лекин, шунга иқрор бўлингки, бошқаларга нисбатан сиз унга анча яқинсиз.

Вожеватов. Менинг яқинлигим қаерга бориши мумкин? Тўғри, ба'зан ойиларидан яшириб бир пиёла шампанскийни ортиқроқ бераман. Ашулалар ўргатаман, қизларга ўқиш тақиқланган романлардан хуфя қилиб етказиб тураман, холос.

Кнуров. Аста-секин йўлдан тойдириб кўзини очаяпман денг.

Вожеватов. Айбим нима! Мажбур қилаётганим йўқ. У кишининг тарбиясининг ғамини мен нега тортишим керак. Мен отахонлари эмасман-ку.

Кнуров. Бир нимага ақлим етмаяпти, наҳотки Лариса Дмитриевнага шу Карандишевдан бўлак эр топилмаса?

Вожеватов. Топилардию, лекин қиз тушмагур соддароқ.

Кнуров. Бу нима деганингиз? Бефаҳм демоқчимисиз?

Вожеватов. Йўқ, бефаҳм эмас, онасига ўхшаб ҳийла қилишни, айёрлик, хушомадгўйликни жойига қўёлмайди. Гапнинг лўндасини айтиб қўяқолади.

Кнуров. Яни ростгўй, шундай-да?

Вожеватов. Ҳа, ҳа, ростгўй, лекин сепсиз қизлар учун бундай қилиш сра ҳам мумкин эмас. Бирон киши ёқиб қолса, қизи тушкур оқизмай-томизмай ростини айтиб, сирини очади-қўяди! Масалан, ўтган йили Сергей Сергенч Паратов пайдо бўлди. Қиз бечоранинг қараб кўзлари тўймади ҳам. У бўлса икки ойча кириб-чиқиб юрди, бутун куёвларни тум-тарақай тўзитиб юборди, кейин бирданига ғойиб бўлиб кетди. Қаёққа кетгани нома'лум.

Кнуров. Бир гап бўлганми ўзи?

Вожеватов. Ким билади дейсиз, аломат одам. Қиз уни чунонам севиб қолган эканки, ҳажрида куйиб ўлаёзди. Қандай кўнгилчанг қиз-а. (Кулади.) Орқасидан дарров йўлга чиққан экан, онаси икки станция наридан қайтариб келипти-я!

Кнуров! Паратовдан кейин ҳам куёвлар чиқишдими?

Вожеватов. Иккитаси кириб-чиқиб юришган эди. Бод касалига мубтало бўлган бир қалтироқ чолу, яна бир бекнинг ўзига тузукроқ саркори, лекин доим ичиб юрадиган одам. Ларисанинг кўнглига сиғмаса ҳам улар олдида ноз-карашма қилишга мажбур, чунки онанинг буйруғи шундай.

Кнуров. Ростини айтганда, бечора қизнинг аҳволи ёмон экан-да.

Вожеватов. Шунақа, одамнинг кулгиси келади. Гоҳо бечоранинг кўзида жиққа ёшу, онаси кулишга мажбур қилади. Кейин бирданига кассир пайдо бўлиб қолди... Чунонам пул сарф қилдики, Харита Игнатъевнани пулга кўмиб ташлади. Ҳаммани қочирди, лекин узоқ умр кўролмади. Уни худди шу уйдан овоққа олдилар. Роса шов-шув бўлди. *(Кулади.)* Бир ойгача кўчага чиқмай писиб ётишди. Шундан кейин Лариса онасининг юзига оёқ босиб: «Шунча шармандагарчилик етар, бойми, камбағалми, ким совчи юборса шунга тегаман, суриштириб ўтирмайман» деди. Худди шу пайтда, гўё осмондан тушгандай, Карандишев пайдо бўлиб, қизга харидор бўлиб қолади.

Кнуров. Бу Карандишев қаердан пайдо бўлди ўзи?

Вожеватов. У уч йилдан бери шу хонадонда ўралишиб юарди. Уйдан ҳайдашқа-ку ҳайдашмасди, аммо бир пуллик ҳурмат ҳам қилишмасди. Бой куёвларнинг қораси кўринмай қолган кезларда эса, уйлари куп-қуруқ бўлиб қолмаслик учун примига уни таклиф қилиб қўйишарди. Бордию бирор бойроқ куёв чиқиб қолдимиз, бечора Карандишевининг аҳволига маймунлар йиғларди. Унга қараш, гапириш қаёқда, итмисан, эшакмисан ҳам дейишмас эди. У бўлса бир бурчакка суқилиб олиб, турли-туман товланиб ўтираверарди. Бир мартаба ўзини отмоқчи ҳам бўлди, лекин эпполмай кулги бўлди, холос. Паратов кириб-чиқиб юрган вақтларда ажойиб бир ҳодиса рўй берган, қизиқ ҳодиса... Нима бўладию бир кўнгил очиш кечаси ташкил қиладилар, ҳарким истаган либосини кийиб келиши керак. Карандишев йўлтўсарлар кийимини кийиб, кўлига болта ушлаб келади, ҳаммага, айниқса Сергей Сергеичга ҳўмрайиб қарай бошлайди.

Кнуров. Хўш, ундан кейин?

Вожеватов. Қўлидан болтани тортиб олиб, ўз кийимини кийишга буюрганлар. Бўлмаса ҳозир буердан йўқол дейишган.

К н у р о в. Демак, ҳалол хизмати бадалига муносиб ин'ом олган экан-да, шўрлик! Ўзи ҳам жуда хурсанд бўлса керак!

В о ж е в а т о в. Нимасини айтасиз, хурсанд бўлганда-чи, ўзига йўқ хурсанд. Роса кулги бўлди-да! Ҳақиқий тентак. Огудалова уни тезроқ уйланиб, гап-сўз босилгунча ўз мулкига кетақолсин дейди.— У бўлса Ларисани қўлтиқлаб олиб шаҳар боғида юргани-юрган, яна қандай денг, шу қадар кеккайиб юрадики бирор нарсага қоқилиб тушади деб қўрқасан, киши. Яна, нима учундир, кўзойнак тақиб олгани ошиқча, илгари бўлса сра тақмас эди. Саломни ҳам зўрға беради, шу қадар керилиб кетдики асти қўясиз,— авваллари мутлақо товуши чиқмайдиган одам бирдан: «Мен, менлаб» қолди.

К н у р о в. Худди рус деҳқонига ўхшабди-да: у ҳам фақат ичганига хурсанд бўлибгина қолмайди, то бирор нарса синдириб, бирортаси блан муштлашиб, ўлгудек калтак еб, ҳаммага масхара бўлмагунча кўнгли ўрнига тушмайди, ана шулардан кейингина уйига кетади.

В о ж е в а т о в. Карандишевнинг ҳам ҳоли шу бўлади.

К н у р о в. Бечора қиз! Уни кўрган сари эзилиб кетса керак, дейман.

В о ж е в а т о в. Уйини тузатишга тушди энди, тентак. Алҳамга арзимайдиган гиламни деволига қоқибди, ханжарлару, тўпсончаларни осиб ташлабди: яна қанақа овчи денг, умрида қўлига милтиқ олган эмас. Ким бўлса уйига олиб киради, роса мақтанади, кирмасанг хафа бўлади, ўзи ҳам ўлгудек кибир, хасадчи одам. Қишлоғидан бир қирчанғи от олдириб келибди, кучери бўлса пакана, эғнидаги кийими эса кенг. Лариса Дмитриевнани шу извошга солиб олиб юргани-юрган, ўзи эса ёнида; худди извошига мингтача йўрға от қўшиб олгандай кеккайиб ўтиради. Боққа кириб қолгудек бўлсами, миршабга қараб: «Менинг извошимни айтиб юбор!» деб дўқ уради. Қарабсизки, бир дабдаласи чиққан извош тарақа-туруқ қилиб келади.

К н у р о в. Бечора Лариса Дмитриевнага раҳмим келади! Раҳмим келади!

В о ж е в а т о в. Жуда раҳм-шафқатли бўлиб қолипсизми?

К н у р о в. Ахир, бу хотин, фақат зебу-зийнат учун яратилганини кўрмаяпсизми? Бриллиантга яраша олтин бўлиши ҳам керак-да.

В о ж е в а т о в. Уста заргар ҳам денг.

К н у р о в. Ҳа, отангизга раҳмат. Заргар бўлиб ҳамки оддий заргар эмас, ўтакетган наққош бўлиши шарт, ҳа! Қашшоқ уй, унинг устига аҳмоқ эр, эҳ бечора қиз ё ҳалок бўлади, ё бўлмаса бузилиб кетади.

В о ж е в а т о в. Мен ўйлайманки, қиз у блан кўп турмас. Ҳозир у мурдадай қарахт; сал бундай ўзига келсин, эр шўрликни бундай тўйиб кўрсин. Ана ундан кейин тамошани кўринг... (Оҳиста.) Хизирни йўқласак ҳам бўлар экан, ўзлари ҳам келишяпти.

К а р а н д и ш е в, О г у д а л о в а, Л а р и с а к и р а д и. Вожеватов туриб салом қилади. Кнуров газета олади.

У Ч И Н Ч И С А Ҳ Н А

К н у р о в, В о ж е в а т о в, К а р а н д и ш е в, О г у д а л о в а;
Л а р и с а саҳна ортига, панжара ёнига қўйилган скамейкага ўтириб дурбин блан Волгани тамоша қилабошлайди, И в а н блан Г а в р и л о ҳам бор.

О г у д а л о в а (стол ёнига келиб). Салом, жаноблар.

К а р а н д и ш е в у н г а я қ и н л а ш а д и. Вожеватов, Огудалова ва К а р а н д и ш е в блан қўл бериб сўрашади. К н у р о в, О г у д а л о в а блан жим, ўрнидан турмай кўришади. К а р а н д и ш е в г а бўлса бош ирғаб қўяди-да, яна газета ўқишга тутинади.

В о ж е в а т о в. Харита Игнатъевна марҳамат, ўтирсинлар! (Курсини суриб қўяди.)

О г у д а л о в а ў т и р а д и.

Ч о й х о ҳ л а й д и л а р м и ?

К а р а н д и ш е в ҳам ўтиради.

О г у д а л о в а. Майли, бир пиёла ичишим мумкин.

В о ж е в а т о в. Иван, пиёла бер, ундан кейин қайнаган сув ҳам олиб кел.

И в а н ч о й н а к н и о л и б к е т а д и.

К а р а н д и ш е в. Бу қандай бўлмағур хаёл? Ҳозир чой ичадиган вақтми? Қизиқ.

В о ж е в а т о в. Ташналик, Юлий Капитонич, нима ичишимни билмай турибман. Бир маслаҳат берсангиз — жонидилим блан ташаккур айтар эдим.

К а р а н д и ш е в (соатига қараб). Ҳозир туш вақти, бир рюмка арақ ичиб, орқасидан бироз котлет еб, сўнг бир

стакан яхши вино ичиш мумкин. Мен доим шундай нонушта қиламан.

Вожеватов (*Огудаловага*). Мана бу чинакам турмуш! Кишининг ҳаваси келади, Харита Игнатьевна! (*Карандишевга*). Ақалли бир кун бўлса ҳам сиздай кун ўтказса киши. Арағу, вино! Лекин биз бундай яшасак, ҳадемай ақлдан озиб, йўлимизни тополмай қоламиз. Сиз ҳарнарсга қилсангиз ярашади; сармоянгизни еб қўймайсиз, чунки тагида йўқ. Биз эса, дунёга ғам-ғусса учун яратилганлармиз, ишларимиз жуда катта, биз ақлдан озсак бўлмайди.

Иван чойнак ва пиёла келтириб қўяди.

Марҳамат қилинг, Харита Игнатьевна. (*Қуйиб узатади*). Одамлар фалончи иссиқ ичимликлар ичар экан деб маломат қилмаслиги учун чойнинг ҳам совуғини ичаётибман.

Огудалова. Чойинг совуқ экан, лекин менга жуда кўп қуйдинг-да, Вася.

Вожеватов. Ҳечқиси йўқ, ичиб юборинг, ҳаво яхши, зарар қилмайди.

Карандишев (*Иванга*). Бугун овқат вақтида келиб бир хизмат қилиб кет, ҳа, меҳмонлар келмоқчи.

Иван. Хўп бўлади, Юлий Капитонич.

Карандишев. Сал озодароқ бўлиб ол, дурустми?

Иван. Турган гап, ясанамиз-да, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Тушунамиз, ҳа!

Карандишев. Василий Данилич, гап бундай бўлсин, бугун овқатни меникида қилайлик.

Вожеватов. Чин юракдан ташаккур айтаман. Эҳтимол менинг ҳам ясаниб келишимни буюарсиз?

Карандишев. Истаган кийимингизни кийинг, ҳарҳолда хонимлар бўлади. Ишқилиб уялиб қолманг-да.

Вожеватов. Хўп майли. (*Қуллуқ қилиб*.) Сизни қизартирмасман деб, умид қиламан.

Карандишев (*Кнуровнинг ёнига келиб*). Мокий Парменич, бугун тушки овқатни бизникида ейишнинг иложи бўлармикан?

Кнуров (*хайронлик блан уни бошдан оёқ кўздан кечириб*). Сизникида?

Огудалова. Мокий Парменич, фарқи йўқ, худди бизникида, чунки бу меҳмондорчилик Ларисанинг шарафига бўлаяпти.

Кнуров. Демак, сиз таклиф қилаяпсиз? Ундай бўлса бораман.

Карандишев. Демак, ишонсам бўлади.

Кнуров. Бораман дедимми, бўлди. (*Газета ўқийди.*)

Огудалова. Юлий Капитонич — менинг бўлғуси куёвим, мен бу кишига қизим Ларисани узатаман.

Кнуров (*ўқишни давом қилиб*). У сизнинг ишингиз.

Карандишев. Шундай, Мокий Парменич, таваккал қилдим. Мен умуман, эски урф-одатлардан нари одам.

Кнуров газета блан юзини беркитади.

Вожеватов (*Огудаловага*). Мокий Парменичнинг жаҳли чиқаяпти.

Карандишев (*Кнуровдан Вожеватовнинг олдига бориб*). Мен Лариса Дмитриевнани фақат сара одамлар блан суҳбатда бўлишини истайман.

Вожеватов. Демак, мен ҳам сара одамлар жамиятига тааллуқли эканман-да, ташаккур. Мен буни кутмаган эдим. (*Гаврилога.*) Гаврило чойинг учун қанча тўлай?

Гаврило. Икки порци буюрибмидингиз?

Вожеватов. Ҳа, икки порци.

Гаврило. Узингиз биласиз, Василий Данилич, биринчи марта эмаску ахир, ўнуч сўм, холос.

Вожеватов. Бундай дегин, мен арзон бўлиб қолгандир деб ўйлабман.

Гаврило. Қандай қилиб арзон бўлсин! Нархи-наво шундай. Даромад-буромад. Узингиздан ўтар гап йўқ.

Вожеватов. Майли, бўпти. Жанжаллашаётганим йўқ-ку. Мунча вайсадинг! Пулингни ол-да, нари бор менадан! (*Пул беради.*)

Карандишев. Нега бунчалик қиммат? Тушунолмаيمان.

Гаврило. Бировга қиммат, бировга арзон. Сиз бундай чойни ичолмайсиз.

Огудалова (*Карандишевга*). Қўйинг, бировнинг ишига аралашманг.

Иван. Василий Данилич, «Қалдирғоч» келиб қолди.

Вожеватов. Мокий Парменич, «Қалдирғоч» келаяпти. Малол келмаса бир кўрсангиз. Пастга тушмаймиз, мана шуердан қараймиз.

Кнуров. Майли, кўрсак бўлади. (*Туради.*)

Огудалова. Вася, сенинг аравангда кетаман-да.

Вожеватов. Майли, фақат тезроқ қайтариб юборасиз-да. (*Ларисанинг олдига келиб, секин-секин сўзлашади.*)

Огудалова (*Кнуровнинг ёнига келиб*). Мокий Пар-

менич, тўйни бошлаб юбордик. Шу қадар серташвишки, қўяверасиз.

Кнуров. Шундай денг.

Огудалова. Қаранги, кутулмаган даражада катта харажатлар... Эртага Ларисанинг туғилган куни. Бирон нарса совға қилмоқчи бўлману...

Кнуров. Яхши, ўзим бир кириб ўтарман.

Огудалова кетади.

Лариса (*Вожеватовга*). Хайр кўргунча, Вася!

Вожеватов блан Кнуров кетади. Лариса Карандишевнинг ёнига келади.

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Карандишев ва Лариса.

Лариса. Мен ҳозир Волганинг у томонини тамоша қилдим! Қандай чиройлик, тезроқ қишлоққа кетайлик.

Карандишев. Волгани тамоша қилдингизми? Хўш, Вожеватов сизга нималар деди?

Лариса. Ҳечнима, бўлмаган гаплар. Волганинг нарчиги томони, ўрмон, мени мафтун қилиб қўйипти... (*Хаёл блан.*) Кетайлик шуердан, кетайлик!

Карандишев. Ҳарҳолда ҳайронман! У сиз блан нима ҳақда гаплашиши мумкин?

Лариса. Нима ҳақда гаплашгани блан сизнинг нима ишингиз бор?

Карандишев. Тагин Вася деб аташингиз ортиқча. Уйланмаган йигитни сансираб сўзлашни нима деса бўлади?

Лариса. Биз бир-биримизни ёшлигимиздан таниймиз. Бирга ўйнаб катта бўлганмиз, ёшликдаги одат.

Карандишев. У одатларингизни ташлашингиз керак. Тентак, сўлаги оққан бола блан бундай муомилада бўлиш нима деган гап! У одатларингизга бундан кейин чидаб бўлмайди билсангиз.

Лариса (*хафа бўлиб*). Бизнинг ўртамизда ҳечқандай бемазагарчилик бўлган эмас.

Карандишев. Лўли тўпичи.

Лариса кўз ёшини артади.

Нимадан хафа бўлдингиз хоним?

Лариса. Лўли тўпи... Нима бўпти? Ҳарҳолда шод-хуррамлик эди. Лекин, менга шу тўпдан кўра тузукроқ бир нима бериш сизнинг қўлингиздан келармикан?

К а р а н д и ш е в. Бўлмасамчи.

Л а р и с а. Нима учун сиз, доимо шу тўпни менга пеш қиласиз? Шундай яшаш менга ёқарди деб ўйлайсизми? Мен онамнинг хоҳиши блан шундай яшар эдим. Ноилож шундай ҳаёт кечирингизга мажбур эдим... Ҳар доим ўша лўли ҳаётини та'на қилишингиз, ё тентаклик, ё бўлмаса раҳм-сизлик. Агар мен тинчликни, яккаликни, узлатни истамаганимда сизга тегишга рози бўлармидим? Тушунинг ахир, мени танлади, демак арзигуликман деган фикрни хаёлингизга ҳам келтирманг, чунки мен ҳали у хислатни сизда кўрганим йўқ. Мен ҳали эндигина сизни севмоқчиман, холос. Соддагина оилавий ҳаёт қурмоқчиман, ана шу ҳаёт менга жаннат бўлиб кўринаяпти. Кўраяпсизми, мен оросатда қолган кишиман, менга далда беришингиз, ғамимга шерик бўлишингиз керак, менга хушмуомила бўлинг, эркалатинг, кўнглимни кўтаринг! Бундай фурсатни қўлингиздан бой бериб қўйманг.

К а р а н д и ш е в. Лариса Дмитриевна, сизни хафа қилиб қўяман деб ўйламовдим ҳам, шунчаки айтдим-да...

Л а р и с а. «Шунчаки айтдим-да?» Бу нима деганингиз? Я'ни ўйламасдан сўзладим демоқчимисиз? Хафа қилиб қўйишингизни билмадингиз, шундайми?

К а р а н д и ш е в. Албатта, мен беғараз.

Л а р и с а. Ундай бўлса, бу яна баттарроқ. Аввал киши нима демоқчи бўлганини ўйлаши керак. Агар сизга бема'ни гап ёқса, бошқа бирон кишини топиб валақлашинг, мен блан ўйлашиброқ гапиришинг! Ахир, менинг аҳволимнинг жиддий эканини кўриб тирибсиз-ку! Оғзимдан чиққан ҳарбир сўзни ҳам, бировнинг сўзини ҳам, ҳаммасини салмоқлаб кўраман. Мен жуда зийрак ва кўнгли бўш бўлиб қолдим.

К а р а н д и ш е в. Ундай бўлса афв этишингизни сўрайман.

Л а р и с а. Хўп, майли, лекин бундан сўнг эҳтиёт бўлинг. (Хаёлга чўмиб.) Лўли тўпи... бу ҳақиқат, лекин бу тўпда олижаноб ва яхши одамлар ҳам бор эди.

К а р а н д и ш е в. Ким экан у олижаноб одам? Сергей Сергеич Паратов бўлмасин тагин?

Л а р и с а. Бас, ўтиниб сўрайман, бу тўғрида гапирманг!

К а р а н д и ш е в. Нима учун?

Л а р и с а. Сиз уни билмайсиз... Билганда ҳам... кечирасиз, унга баҳо бериш сизнинг қўлингиздан келмайди.

К а р а н д и ш е в. Одамнинг фе'л-атворига қараб баҳо берилади. Ахир, у сизга яхши иш қилиб кетдимиз?

Л а р и с а. Бу менинг ишим. Бордию мен бу тўғрида бирор нима дейишдан қўрқиб ва жур'ат этолмас эканман, сизга ҳам гапиргани рухсат этмайман.

К а р а н д и ш е в. Лариса Дмитриевна, менга айтинг-чи, фақат ўтиниб сўрайман, очиқ айтинг!

Л а р и с а. Нимани айтай?

К а р а н д и ш е в. Паратовдан қаерим кам?

Л а р и с а. Ҳали шунақами, ундай гапларни қўйинг!

К а р а н д и ш е в. Йўқ, айтинг. Айтинг, қаерим кам?

Л а р и с а. Кераги йўқ! Бу қандай таққослаш бўлди?

К а р а н д и ш е в. Менга, сизнинг фикрингизни билиш қизиқ эди.

Л а р и с а. Кераги йўқ, сўраманг.

К а р а н д и ш е в. Нима учун, ахир?

Л а р и с а. Шунинг учунки, тўғриси, таққослаш сизнинг фойдангизга ҳал бўлмай қолади. Сиз бундай қараганда яхши, виждонли кишисиз, лекин Сергей Сергеич блан таққослаганда ана шу фазилатларингиз кўринмай кетади.

К а р а н д и ш е в. Бу фақат гапгина, исбот керак. Сиз ҳар икковимизни яхшилаб солиштириб кўринг!

Л а р и с а. Ўзингизни кимга тенглаштираяпсиз? Бу қадар кўр-кўрона!.. Сергей Сергеич чинакам ўғил бола. Эрларнинг сараси! Бу гапнинг ма'носини тушунасизми? Эҳтимол мен адашаётгандирман, мен ёшман, одамларни яхши билмасман, броқ мен бу фикримдан қайтмайман. Ўлганда ҳам шу фикримда ўламан.

К а р а н д и ш е в. Тушунолмадим, нимаси ортиқ экан: ҳечнимаси. Тантилигимиз? Жур'атимиз? Бу ҳаркимнинг қўлидан келади.

Л а р и с а. Қандай жур'ат эканини биласизми?

К а р а н д и ш е в. Қандай бўлса ҳам бўлсин, хўш нима бўпти? Бўш келсанг ошаверади-да.

Л а р и с а. Ундай бўлса: мен сизга бир воқинани айтиб берай, буерга Сергей Сергеичнинг кавказли бир офицер ошнаси келди, у жуда яхши мерган экан. Бир кун бизникида ҳам бўлишди. Сергей Сергеич унга: «Эшитишимга қараганда сиз яхши мерган эмишсиз» — деди. «Ҳа, ёмон эмас», — деди офицер. Сергей Сергеич бўлса унга тўппонча берди. Ўз бошига битта стакан қўйиб иккинчи уйга чиқди. Уникки қадамча нарига бориб туриб, «Отинг!» деди.

К а р а н д и ш е в. Хўш, у отдими?

Л а р и с а. Отиб, стаканни синдирди, лекин ранги бироз оқариб кетди. Шунда Сергей Сергеич: «Сиз жуда яхши отар экансиз, броқ сизга унча яқин бўлмаган кишига қараб отиб, шунчалик оқариб кетдингиз. Мана қараб туринг, дун'ёда мен учун ҳаммадан қимматбаҳо бўлган қизга қараб ўқ узаман, лекин рангим оқармайди»— деди. Ҳечҳам парво қилмай кулиб туриб қўлимга бир тангани ушлатиб қўйди, худди ўшандай масофадан отиб тангани уриб туширди.

К а р а н д и ш е в. Сиз ҳам унинг айтганини қилдингизми?

Л а р и с а. Унинг сўзини қайтариб бўладими?

К а р а н д и ш е в. Унга шунчалик ишонардингизми?

Л а р и с а. Нималар деяпсиз! Унга ишонмаслик мумкинми?

К а р а н д и ш е в. Тош юрак одам экан, шунинг учун танти, ҳечнарсдан тоймайди.

Л а р и с а. Йўқ, тош юрак эмас. Фақирларга хайри-аҳсон қилганини ўз кўзим билан кўрганман. Ёнидаги бор пулини улашиб берганини кўрганман.

К а р а н д и ш е в. Ҳа, майли, фараз қилайлик, Паратов сизнинг кўз олдингизда,— бирмунча фазилатга эга дейлик. Хўш, манави савдогарбачча Вожеватов нима деган одам, сизнинг Васянгиз?

Л а р и с а. Сиз рашк қилаётган кўринасиз. Қўйинг, бу тентаклики ташланг, мен бу бемазагарчиликка чидайолмайман. Олдиндан огоҳлантириб қўяй. Сиз қўрқманг, мен ҳечкимни севмайман ва бундан кейин ҳам севолмайман.

К а р а н д и ш е в. Бордию Паратов келиб қолса-чи?

Л а р и с а. Бу бошқа гап! Сергей Сергеич қайтиб келсаю, агар салти-сувой бўлса, бир назар ташласа бас... Қўрқманг, у қайтиб келгунича йўқ, энди қайтиб келганда ҳам кеч. Эҳтимол бундан кейин ҳеч кўришолмасмиз ҳам.

Волгадан замбарак овози эшитилади.

Бу нимаси?

К а р а н д и ш е в. Биронта аҳмоқ савдогар ўз кемасидан тушаётган бўлса, ўшанинг шарафига салют берайитилар.

Л а р и с а. Бирам қўрқиб кетдимки.

К а р а н д и ш е в. Нима бўлди, айтинг?

Л а р и с а. Кўнгил бежо. Ҳастаман. Ҳозир манави тепаликдан пастга қараган эдим бошим айланиб кетди. Буердан тушиб кетган киши соғ қолмаса керак?

Карандишев. Соғ қолиш ҳам гапми, чил-чил бўлиб кетар, нақ ўлим-ку. Ундан ташқари буер шу қадар чуқурки, тагига етмаёқ парчаланасан киши.

Лариса. Юринг, уйга кетайлик, бўлди.

Карандишев. Рост-а, менинг ҳам кетишим керак-ку. Бугун меҳмоним бор.

Лариса (панжарага яқинлашиб). Ҳой, шошманг! (Пастга қараб.) Вой, вой, ушланг мени!

Карандишев (Ларисанинг қўлини ушлаб). Юринг-э, бу нима гўдаклик? (Кетадилар.)

Гаврило ва Иванлар қаҳвахонадан чиқишади.

БЕШИНЧИ САҲНА

Гаврило блан Иван.

Иван. Тўп овози! Тўра келди! Тўра келди! Сергей Сергенч келди.

Гаврило. Мен айтдим-ку ўша киши деб. Биламан-да, лочин парвозидан ма'лум бўлади.

Иван. Арава бўш-а, пиёда келишаяпти шекиллик. Э, ана ўзлари ҳам. (Қаҳвахонага чопиб кириб кетади.)

Гаврило. Бош устига, марҳамат. Нима блан зиёфат қилишни билмайсан киши.

Паратов (бир томонига тугма тақилган қора сюртук, баланд пошна амиркон этик, оқ фуражка кийган, елкасида сафар сумкаси). Робинзон (плашч кийган, ўнг барини чап елкасига ташлаб олган, янги шляпа чаккасида), Кнуров ва Вожеватовлар кирдилар, қаҳвахонадан кийим шпиргисини кўтариб Иван чиқади ва Паратовнинг кийимларини тозалamoқчи бўлади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Паратов, Робинзон, Кнуров, Вожеватов,
Гаврило ва Иван.

Паратов (Иванга). Сенга нима бўлди? Мен сув блан келдим-ку, дар'ёда чанг йўқ.

Иван. Нима бўлса ҳам, энди тақсир, қўяверинг, тартиб шуни талаб қилгандан кейин... Бир йилдан бери кўришмаймиз, шундай бўлгандан сўнг... хуш келибсиз, тўрам!

Паратов. Ҳа, дуруст, балли! Ма, ол! (Бир сўмлик қоғоз пул беради.)

Иван. Умрингиздан барака топинг тўрам. (Узоқлашади.)

Паратов. Шундай қилиб, Василий Данилич, сиз мени «Самолёт» деган пароходда келишимни кутувдингизми?

Вожеватов. Ҳа. Мен «Қалдирғоч»ингизда пайдо бўлишингизни қайдан билай. Мен уни юк кемалари блан бирга келар деб ўйловдим-да.

Паратов. Йўқ, юк кемаларимни сотиб юбордим. Эрталаб етиб келаман деб ўйлаган эдим, «Самолёт»ни қувиб ўтиб кетай деб эдим, машинист қўрқоқлик қилди. Кочегарга ўт қала, деб бақираман, машинист бўлса ўтинларни тортиб олади. Агар яна битта тараша қалайдиган бўлсангиз ўзимни сувга ташлайман, деб туриб олибди денг. Дошқозон чидаш беролмайди, деб қўрқади шекиллик? Қандайдир рақамларни қоғозга чизиб менга кўрсатади, холос. Менга ўргатмоқчи бўлади. Минг қилса ҳам четул одами-да, голландияли ўзи, юраксиз. Ҳисоб илмига етул, холос. Юрак қайда дейсиз. Э, мен сизларни ўз дўстим блан таништиришни унутибман жаноблар. Мокий Парменич, Василий Данилич, танишинг: Робинзон.

Робинзон аҳтиром блан салом қилиб, Кнуров,
Вожеватовларга қўл беради.

Вожеватов. Бу кишининг исми-шарифлари нима?

Паратов. Шундай, Робинзон дейилса бас.

Робинзон (Паратовга). Серж!

Паратов. Хўш?

Робинзон. Туш ҳам бўлди, дўстим, менинг мазам қочди.

Паратов. Озгина сабр эт, меҳмонхонага борамиз ҳали.

Робинзон (қаҳвахонани кўрсатиб). Анаку!

Паратов. Ҳа, жин ургур, майли, бор!

Робинзон қаҳвахонага киради.

Гаврило, бу афандига бир қадаҳдан ортиқ беракўрма, андак тўполончироқ .

Робинзон (елкасини қисиб). Серж! (Кириб кетади; орқасидан Гаврило.)

Паратов. Бу киши, жаноблар, Аркадий Счастливцев, хашаки артистлардан.

Вожеватов. Нега энди у Робинзон бўлади?

Паратов. Ҳозир айтиб бераман: қандайдир бир пароходда кетаётган экан, яхши билмайман, савдогар ўғли Непутев деган ошнаси блан бирга экан. Ма'лумки, иккаласи ҳам ўлардай маст. Кўнгилларига нима келса шуни қилишган,

одамлар аввал чидаб турипти, булар эса нома'кулчиликни авжига чиқиб драма кўрсатишипти. Қипяланғоч бўлишиб, пар ёстиқни йиртишгану парга ағанаб, ёввойиларга ўхшаб қутурабошлашипти. Сабр косаси тўлган халқнинг талабига кўра, капитан буларни битта бўш оролга ташлагану кетган. Биз ўша орол ёнидан ўтиб кетаётган эдик, биров қўлини баланд кўтариб, ҳадеб бизни чақиради. Кўриб қолдим, «тўхта» дедим. Ўзим қайиқчага тушиб бориб шу артист Счастливцевга эга бўлдим. Пароходга олиб келиб, ўз кийимини кийгиздим. Хайрият усти-бош етарлик экан: Артистларни кўрганда жуда ешилиб кетаман, жаноблар! Мана шунинг учун у Робинзон.

Вожеватов. Хўш, Непутев оролда қолиб кетдими?

Паратов. Уни бошимга урайми? Қўяверинг, шамоллаб юрсин. Ўзларингиз биласиз, жаноблар, йўлда ўлгудай зерикади киши. Ким бўлмасин, йўлдош бўлса бас, хурсанд бўламан.

Кнуров. Бўлмасамчи, албатта!

Вожеватов. Бу чинакам бахт, шундай бахтки асти қўйинг! Олтин денг, олтин!

Кнуров. Битта қилиғи ёмон экан: кўп ичар экан.

Паратов. Йўқ, жаноблар, бу масалада мен анча-мунча қаттиққўлман. Унинг пули йўқ, менинг ижозатимсиз қуйиб беришга ҳечкимнинг ҳақи йўқ. Мендан сўраб қолса, қотириб французча китоблардан бирнеча варағини қўлга тутқизаман. Қани бир варағини ёдла, бўлмаса пул йўқ дейман. Албатта, ўтириб ўқишга тушади, уриниб қолади!

Вожеватов. Бу сизга бахт, Сергей Сергеич! Бундай кишидан ҳечнарс аямаса ҳам бўлади! Ўзи яхши артист эканми?

Паратов. Қаёқда яхши артист бўлсин, ҳалиги, ҳамма кўчалардан ўтган; ҳатто суфлёрлик ҳам қилган эмиш. Энди оперетталарда ўйнар экан. Ўзига яраша, ёмон эмас. Андак кулдираолади ҳам.

Вожеватов. Демак, хушчақчақ?

Паратов. Ҳа, ғалати роқ афанди!

Вожеватов. Ҳазиллашсак бўлар экан-да?

Паратов. Бўлади, ҳазилкаш йигит. Майли, икки, уч кунга сизга юборишим мумкин. Кўнгил очиб қолинг.

Вожеватов. Ташаккур! Кўнглимизни очса, қўйинини тўлдирамиз, ҳа!

Кнуров. «Қалдирғоч»ни нечук ачинмай сотмоқчи бўлаяпсиз, Сергей Сергеич?

Паратов. Ачиниш нима деган сўз, билмайман. Мокий Парменич, мен ҳечнарсани қадр қилмайман; наф' кўрадиган бўлсам ҳамма нарсамни ҳам сотаман. Ҳозир, жаноблар, тирикчилигим ҳам, ҳисобларим ҳам ўзгачароқ. Мен жуда бир бой кишининг қизига уйланаяпман. Сепига бўлса бутун бошли олтин кон блан келаяпти.

Вожеватов. Мана буни сеп деса бўлади.

Паратов. Лекин, бу менга ҳам арзон тушмаяпти. Мен ўзимнинг озодлигим, шўх йигитлик ҳаётим блан видо'лашмоққа мажбурман. Шунинг учун, шу сўнгги кунларимни жуда хурсандчилик блан ўтказишим керак.

Вожеватов. Хўп бўлади, Сергей Сергеич, жойига кўямиз.

Паратов. Мен оладиган қизнинг отаси отоқли чиновник жаноблардан. Тақводор чол! Лўлилар, базмлар тўғри-сида гап бўлса кўнгли айнаб кетади. Ҳатто тамакини кўпроқ чекадиганларни ҳам хушламас экан. Унга қолса, фрак кийингу, *parlez français*¹. Мана шунинг учун француз тилини Робинзон блан машқ қилаётибман. Робинзон бўлса, мени олифтароқ кўринсин дебми «ля Серж» деб атайдиган бўлди. Ичагим узилади, кулиб. Ля Серж эмиш!

Қаҳваҳона энопоясида бир нарсани чайнаб Робинзон пайдо бўлади, унинг орқасидан Гаврило чиқади.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров, Вожеватов, Робинзон,
Гаврило, Иван.

Паратов (*Робинзонга*). *Que faites-vous la? Venez!*²
Робинзон (*такаббурлик блан*). *Comment?*³

Паратов. Ҳай, ҳай, назокатни қаранг! Афандилар, қандай хушовоз, жаноблар! (*Робинзонга*.) Сен ўша қовоқхона учун дўстларни ташлаб кетадиган бемаза қилиқларингни ташла!

Вожеватов. Булар ўзи шунақа-да.

Робинзон. Ля Серж, сен улгурдингми ҳали... Нима ҳожати бор эди.

Паратов. Кечирасан-да, лақабингни ошкора қилиб қўйдим.

¹ Французча гапиринг.

² Уерда нима қилаяпсиз? Буёққа келинг?

³ Нима?

Вожеватов. Биз, Робинзон, сирингни очмаймиз, ҳадиксирама! Англияли меҳмон бўлиб қолаверасан. Хотиржам бўл!

Робинзон. И-я, дарров сан? Нима, сиз блан нону қатиқ ичканмидик, ё бўлмаса, биронта май ичиб «сан-ман» бўлганмидик.

Вожеватов. Барибир-да, нозини қаранг!

Робинзон. Мен-ку номи-насабни атаб гапирганини ёмон кўраман-а, аммо ҳарким...

Вожеватов. Ахир, мен ҳарким эмаски...

Робинзон. Кимсиз бўлмаса?

Вожеватов. Савдогар.

Робинзон. Боймисиз?

Вожеватов. Бойман.

Робинзон. Сахиймисиз?

Вожеватов. Сахий.

Робинзон. Худди менинг дидимдаги зот экансиз!
(Вожеватовга қўл бериб.) Жуда соз, мана энди мен блан жўн мусмилада бўлишга ижозат беришим мумкин.

Вожеватов. Демак, дўст бўлдик? Икки тану бир жон!

Робинзон. Ҳам бир ҳам'ён. Исму шарифингиз, хўш, йўғе... Унисининг нима кераги бор, фақат исмингиз!

Вожеватов. Василий Данилич!

Робинзон. Аҳа, Вася. Қани биринчи танишганимиз шарафига харажатларни тўлачи.

Вожеватов. Гаврило ёзиб қўй! Сергей Сергеич, бугун кечқурун Волганинг нариёғида сайр қилишни ўйлаб қўйдик. Бир қайиқда лўлилару, бир қайиқда ўзимиз. Гидамларни ёйиб қўйиб ёнбошлашамиз, ширин майлардан селава қиламиз.

Гаврило. Иккита каттагина ананас кўпдан бери сизга мунтазир. Сизнинг келишингиз муносабати блан шуларни сўйиб баҳам кўрамиз-да.

Паратов (Гаврилога). Жуда соз, майли сўй! (Вожеватовга.) Жаноблар, нима десангиз ҳаммасига мен тайёр!

Гаврило. Нима даркор бўлса, Василий Данилич, барини ўзим шайлайман. Хотиржам, яхшилар учун алоҳида кумуш товоқларим, баркашларим ҳам бор. Хизматингизга одамларни ҳам аямайман.

Вожеватов. Дуруст, соат олтига ҳамма нарса тайёр бўлсин. Ортиқчароқ ул-бул шайласанг, куймайсан, лекин етмай қолса хафа бўласан.

Гаврило. Тушунамиз, ҳа.

Вожеватов. Қайтишда бўлса, қайиқнинг ҳамаёғига рангбаранг чироқлар осамиз.

Робинзон. Ҳозиргина танишдигу, жуда яхши кўриб қолдим, жаноблар. Ростакам му'жиза.

Паратов. Ҳаммадан ҳам хурсандчилик бўлсин! Мен бўйдоқлик, бошбоқсиз ҳаётим блан хайрлашаяпман. Шу кунларни эсга олса арзийдиган хурсандлик бўлсин-да. Тушги овқат эса, меникида бўлсин, жаноблар.

Вожеватов. Аттанг, бу мумкин эмас, Сергей Сергенч.

Кнуров. Бизни бир жойга чақириб қўйишган эди-да.

Паратов. Бормайсиз қўясиз-да, жаноблар!

Вожеватов. Бормай бўлмас, Лариса Дмитриевна эрга тегаяпти, зиёфат қилиб бераяпти.

Паратов. Лариса эрга тегаяпти! (Уйланиб қолади.) Майли, худо умр берсин, бу иш соз бўпти. Мен унинг олдида бироз айблиман. Тўғриси, мен уларга қорамни кўрсатмаслик даражада айблиман. Модомики эрга тегаёткан экан, эски ҳисоб-китоб тамом. Мен бориб яна унинг, ҳам холамининг қўлчаларини ўпишим мумкин. Мен Харита Игнатьевнани, хола деб атайман. Мен, сал бўлмаса Ларисага уйланиб қолувдим-а. Роса кулги бўлар эдим-да. Тозаям гентак қилиб ўйнар экан-да. Эрга тегаяпти... жуда яхши ўйлабди... ундан ташқари менинг ҳам юрагим анча енгил тортиб қолади. Худо умрини, бахтини берсин... Кириб ўтаман, албатта бир кириб ўтаман. Бир кўриш керак; албатта бир кириб ўтаман. Бир кўриш керак, албатта бир кўриб қўйиш лозим.

Вожеватов. Сизни ҳам чақирिशар.

Паратов. Бўлмасамчи, менсиз бўлармиди!

Кнуров. Дастурхон устида суҳбат учун одам борлигига жуда хурсандман.

Вожеватов. Вақтни хушчақчақ ўтказиш ҳақида ўша ерда маслаҳатлашиб оламиз. Эҳтимол бирон нарса мияга келиб қолар тагин.

Паратов. Жаноблар, умр қисқа дебди файласуфлар. Демак, умрдан фойдаланишни билиш керак. N'est ce pas¹, Робинзон?

Робинзон. Шундай, ля Серж.

¹ Шундай эмасми?

Вожеватов. Сизни зериктириб қўймасмиз, ахир. Биз учинчи қайиқни ҳам оламиз, унга полк оркестрини туширамиз.

Паратов. Кўришгунча, жаноблар! Мен мусофирхонага кетдим. Қани, Робинзон.

Робинзон (*шляпасини кўтариб*):

Яшасин қувноқлик,
Яшасин гаштимиз!

ИККИНЧИ ПАРДА

Огудалова уйида бир бўлма. Икки эшик: бири саҳнанинг тўғри-сида — кирадиган эшик, иккинчиси эса чап томонда, ўнг томонда дераза; мебельлар яхши, фортепьяно ва унинг устида гитара турипти.

БИРИНЧИ САҲНА

Огудалова ёлғиз. Қўлида қутича блан чап томондаги эшик ёнига боради.

Огудалова. Лариса, Лариса!

Ларисанинг саҳна орқасидан «Мен кийинаяпман, ойна» деган овози эшитилади.

Буни қара, Вася қандай яхши ҳад'я олиб келибди сенга.

Лариса орқадан: «кейин кўрарман!»

Бунақа тоза буюм, беш юз сўмдан кам турмайди. Эртага эрталаб Ларисанинг бўлмасига олиб кириб қўйинг, кимдан эканини айтманг,— деб кетди. Лекин у, доғули юрагимда гап сақлолмасимни яхши билади. Утиргин деб қистасам, кўнмади. Қандайдир четэлдан келган бир кишига шаҳарни тамоша қилдириб юрибдимиш. Худди масхарабозга ўхшайди. Қилган ишларининг чинми, ҳазилми эканини билолмайсан киши. «Бу жанобга шаҳримиздаги энг яхши қовоқхоналарнинг ҳаммасини кўрсатиш керак» дейди. У жанобни бизникига ҳам олиб келмоқчи бўлди. (Деразадан қараб.) Ана, Мокий Парменич ҳам келиб қолди! Чиқмай қўяқол, у блан ўзим гаплашаман.

Кнуров киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Огудалова ва Кнуров.

Кнуров (эшик олдида тўхтаб). Ҳечким йўқми?

Огудалова. Ҳечким, Мокий Парменич.

Кнуров (кириб). Жуда соз.

Огудалова. Бу бахтим тарихини қаерга ёзиб қўйсам экан-а!.. Қуллуқ, Мокий Парменич. Жуда хурсанд бўлдим. Шодлигимдан, ҳатто ўзимни йўқотиб қўйдим... Тўғриси, сизни қаерга ўтқазишимни ҳам билмай қолдим.

Кнуров. Барибир, қаерга бўлса ҳам, ўтиравераман. (Утиради.)

Огудалова. Ларисани афв этасиз, у кийнапти. Чақирсам ҳам бўлади.

Кнуров. Йўқ, овора қилманг!

Огудалова. Қандай шамол учирди-а?

Кнуров. Санқиб юрибман, овқатдан олдин, доим мана шунақа санқиб юраман, йўлақай кириб қолдим.

Огудалова. Сизнинг пойқадамингизни биз алоҳида бахт деб ҳисоблаймиз, Мокий Парменич, сиз бундан хотиржам бўлинг! Бу — улуғ бахт.

Кнуров. Шундай қилиб, Лариса Дмитриевнани эрга берайпман денг!

Огудалова. Шундай, Мокий Парменич, эрга берайпман.

Кнуров. Сепсиз бўлса ҳам уйланишга рози бўладиган киши топилибди-да, бўлмаса?

Огудалова. Албатта, топилди Мокий Парменич, бизда пул нима қилсин?

Кнуров. Куёвингиз, қандай, ўзига тузук одамми?

Огудалова. Қаёқда дейсиз! Унчалик эмас!

Кнуров. Хўш... Лариса Дмитриевнани ўшандай камбағал кишига бериб, яхши иш қилдим деб ўйлайсизми?

Огудалова. Билмадим, Мокий Парменич. Менда нима гап, ҳаммаси Ларисанинг ўз ихтиёри билан бўлаяпти.

Кнуров. Қани, айтингчи, бу куёв бўлмиш йигит тўғри иш қилаяптими?

Огудалова. Нима ҳам дейин, шу иши тузук деб ўйлайман.

Кнуров. Ҳеч ҳам тузук жойи йўқ-да, аксинча, бу яхши эмас! У, ўз наздида унча тентак эмас. Ўзи ким... уни ким танир эдию, ким этибор берар эди дейсиз? Эндичи, бутун шаҳар ўша тўғрисида гапиради, у энг олий жамият орасига

суқилиб киради. Ҳатто, масалан, мени меҳмонга айтишга ҳам жур'ат қилди... Шуниси кишига алам қиладики: у қандай қилиб ва қайси давлати блан, шундай хотинни олиб нима блан кун кечиршни ўйламаган ва ўйлашни ҳам истамагани алам қилади. Мана шу нарса устида гаплашиб олишимиз лозим.

Огудалова. Марҳамат, қулогим сизда, Мокий Парменич!

Кнуров. Сиз ўз қизингизни нима деб ўйлайсиз?

Огудалова. Нима дейишимни ҳам билолмай қолдим: сизга қулоқ солишдан бошқа чорам йўқ.

Кнуров. Лариса Дмитриевнада фақир оила ҳаётига мос пасткашлик ва дунёвий тирикчиликка хос сифат йўқ, тушунасизми, ахир.

Огудалова. Йўқ, йўқ, ҳеч йўқ!

Кнуров. У бир малак.

Огудалова. Малак, Мокий Парменич.

Кнуров. У, фақат ҳаётнинг зийнати бўлиб яратилган.

Огудалова. Шундай, Мокий Парменич. Ясан-тусан учун яратилган.

Кнуров. Хўш, сизнинг Карандишевингиз шунақа ясантриб қўйишнинг уддасидан чиқармикан?

Огудалова. Йўқ, қаёқда дейсиз!

Кнуров. Лариса бундай фақир, мешчанлар ҳаётида бўғилиб қолади. Хўш, кейин нима қилади? Сарғаяди, сил бўлади, вассалом.

Огудалова. Қўйингчи, у нимаси! Худо сақласин!

Кнуров. Эрини тезроқ ташлаб яна ўз бағрингизга келишига ақли етсаку яхши-я.

Огудалова. Бу ҳам менинг учун кўргилик бўлади. Мокий Парменич: ошиб-тошиб ётган нима бор. Нимамага суянаман, олдимда олиб ўтириб.

Кнуров. Э, буёғи енгил гап. Бирон бақувват, бадавлат одамнинг яқиндан мадади бўлса...

Огудалова. Яхши, ўша мададни қайдан топамиз.

Кнуров. Топишга ҳаракат қилиш керак. Бундай пайтларда серсавлат, сахий ва бадавлат бир дўст бўлиши зарур.

Огудалова. Зарурлигининг нимасини айтасиз.

Кнуров. Сиз менга: «Аввало Лариса ҳали эрга текканича йўқ, эрга теккандан кейин ҳам ажралишигача гап кўп» — дерсиз. Тўғри, эҳтимол, ажраб кетиш жуда узоқ ва қийин гапдир. Лекин, жуда яқин бўлиши ҳам мумкин. Худди ўша вақтда яна бирон хато қилиб қўймаслигингиз

учун мен сизни огоҳлантириб қўяяпманки, мен Лариса Дмитриевнадан ҳеч нарсамни аямайман. Хўш, нима учун тиржаяпсиз?

Огудалова. Мен жуда хурсандман, Мокий Парменич, бизга бунчалик мурувватингиздан хурсандман.

Кнуров. Сиз, аҳтимол, бундай таклифлар беғараз бўлмас деб ўйлаётгандирсиз?

Огудалова. Қўйсангизчи, Мокий Парменич!

Кнуров. Истасангиз, хафа бўлинг, истасангиз мени ҳайдаб чиқаринг.

Огудалова (*қизариб*). Вой, Мокий Парменич!

Кнуров. Ўн мингларни бекордан бекорга харжлаб юборадиганларни топинг, ўшанда мени уриб ҳайдасангиз ҳам розиман. Лекин қидириб овора бўлманг, тополмайсиз. Бошқа гап блан овора бўлиб кетдим, асли гап бу эмас эди. Бу қанақа қутича экан?

Огудалова. Мен, ҳалиги, Мокий Парменич, қизимга ҳад'я қилмоқчи эдим.

Кнуров (*уёқ-буёғини кўриб*). Ҳа...

Огудалова. Қиммат, ҳам'ён ҳам касотроқ.

Кнуров (*қутичани кузатиб*). Бу — арзимас нарса; тузукроқ буюм олиш керак. Сиз Лариса Дмитриевнага яхши усти-бошлар ҳад'я қилишингиз керак. Яхши деяпман-а, жуда яхши, тўйга хос сарполар буюринг, борингки нима лозим бўлса ҳаммасини.

Огудалова. Шундай, Мокий Парменич.

Кнуров. Агар уни жўн кийинтириб қўйишса кишига алам қилади. Сиз ҳаммасини энг яхши дўконларга буюртма қилинг, ҳисоблашиб ўлтирманг, тийин устида талашманг! Жам'и харажат ҳисобини менга юборинг, ўзим тўлайман.

Огудалова. Дарҳақиқат, ташаккур айтишга ҳам сўз тополмай қоласан киши!

Кнуров. Мана, қисқаси шунинг учун ҳам кирувдим. (*Туради.*)

Огудалова. Нима бўлса ҳам, эртага қизимни бир хурсанд қилмоқчи эдим. Ўзингиз биласиз, она кўнгли...

Кнуров (*қутичани олиб*). Хўш, ўзи нима гап? Қанча турар экан?

Огудалова. Баҳоланг, Мокий Парменич!

Кнуров. Нимасини баҳо қилай! Арзимаган гап! Баҳоси уч юз сўм. (*Чўнтагидан пул чиқариб Огудаловага беради.*) Хайр, бўлмаса! Яна андак айланиб келай, бугунги

Зиёфат яхши бўлса керак деган умиддаман. Зиёфат вақтида кўришармиз ҳали. (Эшикка томон йўлланади.)

Огудалова. Яхшиликларингиз учун юз-юз ташаккур, Мокий Парменич, қуллуқ.

Кнуров кетади. Лариса қўлида корзина блан чиқади.

УЧИНЧИ САҲНА

Огудалова, Лариса.

Лариса (корзинкани столчага қўйиб, қутигаги нарса-ни кўрабошлайди). Бу Васянинг ҳад'ясими? Ёмон эмас. Қандай меҳрибон!

Огудалова. «Ёмон эмас» эмиш. Бу жуда қимматбаҳо буюм. Наҳотки хурсанд бўлмасанг?

Лариса. Нимага ҳам хурсанд бўлай?

Огудалова. Васяга раҳмат дегин, қулоғига «раҳмат» деб пичирлаб қўйсанг, бас. Кнуровга ҳам.

Лариса. Кнуровга нима учун?

Огудалова. Унисини мен биламан. Шундай қилиш керак, тамом, вассалом.

Лариса. Онажон, ҳамма ишинг сир ва ҳийла.

Огудалова. Ҳай, ҳай, қизим! Ҳийла эмиш, ҳийласиз бу дунёда яшаб бўладими, ахир.

Лариса (гитарани олиб, дераза ёнига ўтириб, ашула айтабошлайди).

Онажоним, жонажоним, офтобим сен менинг,

Раҳм қилгин, шафқат этгин, ўз болангман мен сенинг.

Юлий Капитонич халқ судьялигига номзодини қўйилиши учун розилик бермоқчи.

Огудалова. Бу жуда соз. Қайси уездда?

Лариса. Заболотьеда!

Огудалова. Ана холос, бу бир ўрмонку. Нега шундай узоқ жойни танлабди?

Лариса. Уерда номзодлар оз, аҳтимол сайлашар.

Огудалова. Майли, ҳечқиси йўқ, уерда ҳам одамлар яшайди-ку, ахир.

Лариса. Менга қолса, ўрмонга бўлса ҳам розиман, шуердан тезроқ кетиб олсам бўлади.

Огудалова. Овлақроқ жойда яшаш ҳам яхши. Уерда Карандишевинг ҳам кўзингга иссиқ кўриниб қолади; бутун уездда ягона киши бўлиб қолар; ана ўша ерда секин-секин кўникиб кетасан унга.

Л а р и с а. У, шуернинг ўзида ҳам яхши, мен ундан ҳеч қандай ёмонлик кўрганим йўқ.

О г у д а л о в а. Ҳай-ҳай, гапни қаранг, яхши деган шунақа бўладими?

Л а р и с а. Албатта, бундан ҳам яхшилари бор, буни ўзим ҳам биламан.

О г у д а л о в а. Борликка борку-я, лекин биз учун эмас.

Л а р и с а. Энди мен учун шунинг ўзи ҳам дуруст. Ортиқча гапнинг нима ҳожати бор, иш битган-ку.

О г у д а л о в а. Унинг сенга ёқиб қолганига хурсандман, холос. Худога шукур. Сенинг олдингда уни ёмонлаб ўлтирмайман. Лекин бир-биримиздан яширадиган сир ҳам йўқ — кўр эмассан ўзинг ҳам.

Л а р и с а. Мен кўр бўлиб қолдим, бутун туйғуларимни ҳам йўқотдим, шунга ҳам хурсандман. Кўпдан бери атрофимдаги воқиялар тушимга ўхшаб кўринади. Йўқ, буердан кетиш керак, қутулиш керак. Мен Юлий Капитоничнинг жонига тегаман. Ёз ҳам ўтиб кетай деяпти, мен ўрмонларда сайр қилиб юришни, мева, қўзиқоринлар теришни истайман...

О г у д а л о в а. Сават тайёрлашингда ҳам гап бор эканда! Энди тушундим. Сен катта сават шляпадан ҳам биттасини топиб олсанг таппа-тайёр подачи қиз бўласан кўясан.

Л а р и с а. Топиб оламан ҳам. *(Ашула айтади.)*

Беҳудага бағримни ёндирма менинг.

Уерда ҳамаёқ осойишта, тинч.

О г у д а л о в а. Сентябрьдан бошлаб шамоллар гувилаб, деразадан уриб берса дейман, унча ҳам осойишта бўлақолмас.

Л а р и с а. Нимаси ёмон.

О г у д а л о в а. Бўрилар хилма-хил қилиб увиллаб турса...

Л а р и с а. Ҳарҳолда буердан яхши. Ҳеч бўлмаганда жоним ором олади-ку.

О г у д а л о в а. Нима, бормагин деяпманми сенига? Кетавер, жонинг ором олсин! Лекин Заболотье Италия эмас, шуни билиб қўйгин, сени огоҳлантириб қўйишим керак, вақти келиб кўнглингга ўтиришмай қолса, нега онам айтмади деб, мени койиб юрмагин.

Л а р и с а. Қуллуқ... Лекин майли овлоқ, ёввойи, совуқ жой бўлсин. Буерда ўтказган ҳаётимдан сўнг ҳарқандай ов-

лоқ жой ҳам менга жаннат бўлиб кўринади. Юлий Капито-
нич нега бунчалик пайсалга солаяпти, тушунаолмайман.

О г у д а л о в а. Ҳозир унинг хаёлига қишлоқ келарми-
ди! У — ўзини кўрсатмоқчи. Қизиқ, ҳечнарсдан ҳечнарс
йўқ, бу ландовур ҳам одам қаторига ўтиб олди.

Л а р и с а (куйлайди).

Беҳуда бағримни ёндирма менинг

Қуриб кеткур ҳеч тушмаяпти. (Деразадан қараб.) Илья,
Илья! Буёққа бир киргин. Бор ашулаларни ўрганиб олай,
зериккан чоғларимда айтиб юраман.

И л ь я киради.

ТҲРТИНЧИ САҲНА

О г у д а л о в а, Л а р и с а, И л ь я

И л ь я. Байрамлари муборак бўлсин! Худо умру бахт
берсин! (Фуражкасини эшик олдидаги стулга қўяди.)

Л а р и с а. Илья мана шу «Беҳуда бағримни ёндирма»ни
айтиш учун созлаб бер! Ҳеч созломмаяпман. (Гитарани
узатади.)

И л ь я. Хўп, яхши қиз. (Гитарани олиб созлайди.)
Жуда соз қўшиқ-да; уч овоз қўшилиб ялла қилса яна яхши,
биттаси тенор бўлса, биттаси авжини олиб турса, жуда соз
бўлади-да... бизни бўлса худо урди!

О г у д а л о в а. Нега худо уради?

И л ь я. Анави теноримиз борку, Антон.

О г у д а л о в а. Биламан, биламан.

И л ь я. Тенор биттаю битта ўша-да, қолганлари ҳаммаси
бас, йўғон овоз. Шундай йўғон овозлилар борки!.. Тенор
эса битта, Антон, холос.

О г у д а л о в а. Хўш, нима бўпти?

И л ь я. Хорга ярамай қолди, қурғур.

О г у д а л о в а. Тоби йўқми?

И л ь я. Йўғе, тоби жойида, бало ҳам урган эмас.

О г у д а л о в а. Нима бўлди, бўлмаса?

И л ь я. Қоқ белидан бир ёнига букчайиб қопти, икки
ҳафтача бўлди. Фалокатда-фалокат! Энди хор учун ҳарбир
ортиқ одам жуда қимматга тушадиган бўлди; начора,
тенорсиз бўлмагандан кейин! Докторга борган эди, доктор
«бир-икки ҳафта ичида тузаласан, яна тўғриланиб кетасан»
дебди. Ахир, у бизга ҳозир керак-да.

Л а р и с а. Ашулани айтсанг-чи?

Иль я. Ҳозир, яхши қиз. Айб мана шу иккинчи симида. Фалокат-да! Фалокат! Ялла қилганда қадни мана бундай расо тутиб туриб айтиш керак, у бўлса букчайиб ётибди.

Огудалова. Сабаби борми, ахир?

Иль я. Лодонлик.

Огудалова. Қандай лодонлик?

Иль я. Бизнинг орамизда шундай бир лодонлик бор. «Эҳтиёт бўл, Антон!» дедим. У тушунмади.

Огудалова. Биз ҳам тушунмадик.

Иль я. Сизга айтмовдим-да, тоза таралла қилди. Чунон ҳам таралла-бедод қилдики, «бу эҳтиётсизликдан, эҳтиёт бўл, ҳой Антон» дедим. У бўлса тушунмайди. Фалокат-да! Мана юз сўмга «чув» тушаман. Мана бизда қанақа ишлар-а. Антика бир тўранинг келишини кутаётган пайтда, унинг қийшайиб қолишини қаранг. Шундай қомати роса лўли эди, букчайиб қолди-я. (*Иўғон овоз блан.*) «Беҳуда бағримни...».

Деразадан: «Илья, бери кел, тез кел!» деган овоз келади.

Нимага, нима керак сенга?

Кўча томондан: «Юр, тўра келди» деган овоз келади.

Ёлғон айтасан!

Кўча томондан: «Рост, келди!» деган овоз эшитилади.

Кечирасиз яхши қиз, тўра келиб қолибди. (*Гитарани қўйиб, фуражқасини олади.*)

Огудалова. Қанақа тўра?

Иль я. Шунақа тўраки, бир йилдан бери кута-кута кўзимиз тўрт бўлди, аломат тўра. (*Кетади.*)

БЕШИНЧИ САҲНА

Лариса, Огудалова.

Огудалова. Бу келган ким бўлди экан? Лўлиларнинг қувончидан ма'лумки, анча бадавлат бўйдоқ бўлса керак. Лўлиларникида яшаса керак. Лариса, нега бу қадар шошдик-а, яхши бир куёвни бой берган бўлмайдик, тагин!

Лариса. Оҳ, онажон, шунча азоб чекканим етмайди-ми? Бўлди. Шунча тубанликлар етар!

Огудалова. Жуда топиб гапирдинг-да, тубан эмиш! Нима, мени қўрқитмоқчи бўлаясанми? Биз камбағал-бечораларнинг бутун умри шундай фақирликда ўтади. Қариган-

да одам қатори яшаш учун яхшиси ёшликда ҳақирлик кўрган яхши.

Лариса. Йўқ, мумкин эмас, оғир, ҳаддан ташқари оғир.

Огудалова. Осонлик блан ҳечнима топиб бўлмайди билсанг, бутун умринг қашшоқликда ўтиб кетади.

Лариса. Яна ҳийла, яна ёлғон.

Огудалова. Ҳийла ҳам қил, муғомбир ҳам бўл, ёлғонла ҳам! Бахт деган нарса қочганга эмас, қувганга тутқич беради, билсанг.

Карандишев киради.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Огудалова, Лариса, Карандишев.

Огудалова. Юлий Капитонич, Лариса қишлоққа кетмоқчи, ана қўзиқорин териш учун сават ҳам тайёрлаб қўйди.

Лариса. Менинг учун бир яхшилик қилинг, тезроқ жўнайлик!

Карандишев. Мен сизга тушунолмайд қолдим; бунча шошиласиз, қаёққа, нима учун?

Лариса. Буердан тезроқ қочиб кетишни истайман.

Карандишев (жаҳл блан). Кимдан қочасиз? Ким сизни хафа қилаяпти? Ё мендан номус қилаяписизми?

Лариса (совуққина). Йўқ, мен сиздан номус қилмайман. Билмайман, уёғи нима бўлади, ҳозирча менга ёмонлик қилганингиз йўқ.

Карандишев. Бўлмаса нега буердан қочмоқчисиз, нега одамлардан яширинмоқчи бўласиз? Мен эс-ҳушимни бир ерга тўплаб олай, нари-беримни тўғрилай, вақт беринг! Мен хурсандман, бахтиёрман... Шу аҳволимнинг завқини суриб, роҳат қилишга менга имконият беринг!

Огудалова. Гердаймоқчисиз-да!

Карандишев. Ҳа, гердаймоқчиман, яширишнинг ҳожати йўқ. Бу кунларга етишгунча минг-минг та'наю дашномлар кўрдим, иззат-нафсим кўп мартаба ерларга урилди. Менинг мағрур виждоним кўп мартаба ҳақоратларга дуч келди. Энди гердайсам, фахрлансам ҳаққим бор.

Лариса. Сиз қишлоққа қачон кетишни мўлжаллаяписиз?

Карандишев. Тўйдан кейин, истасангиз тўйнинг эртасига. Фақат никоҳ, албатта шуерда ўтиши керак; бўл-

маса гап-сўзга қоламан. Бу тенги эмас, шунинг учун одамлардан қочиб юришибди. Бу куёв эмас, фарқ бўлаётган кишига учраган сомон парчаси деб, маломат қиладилар.

Лариса. Ахир, Юлий Капитонич, ўзи ҳам шунга ўхшаш бўлаяпти-да, ҳақ гап.

Карандишев (юрадан). Сиз бу ҳақ гапни ўз ичингизда билиб қўяқолсангизчи, ахир! (Йиғи аралаш.) Бироз бўлса ҳам менга раҳмингиз келсин! Лоақал одамлар, қиз ўз хоҳиши блан севиб теккан деб ўйласинлар-да.

Лариса. Буниси нега?

Карандишев. Нега дейсиз-а? Ҳали сиз кишининг иззат-нафсини бутунлай оёқ ости қилмоқчимисиз?

Лариса. Иззату нафс-а! Сиз ўз иззат-нафсингизни ўйлайсиз!.. Ҳарким ўзини севади! Мени қачон бирон киши севар экан? Сиз мени ҳалокатга олиб борасиз.

Огудалова. Бас, Лариса, бу нима қилиқ?

Лариса. Ойи, қўрқаман, нимадандир қўрқаяпман. Менга қаранг: агар тўй шуерда бўладиган бўлса, фақат одам камроқ бўлсин, мумкин қадар шовқин-суронсиз ўтсин!

Огудалова. Бекорларни айтибсан! Тўй бўлса тўйга ўхшасин. Мени Огудалова дейдилар, гадойчасига тўй қилишга кўнмайман. Шундай ясантирайки, буердагиларнинг ҳаваси келсин.

Карандишев. Мен ҳам боримни аямайман.

Лариса. Бўпти, энди оғиз очмайман. Энди тушундим, сизлар учун мен бир қўғирчоқ эканман, роса ўйнайсиз, синдирасиз, кейин ташлаб юборасиз.

Карандишев. Мана бугунги зиёфат ҳам менга анчага тушади.

Огудалова. Шу зиёфатни ҳам ошиқча деб ўйлайман — бекорга шунча харажат!

Карандишев. Икки-уч баравар қимматга тушса ҳам пулни аямасдим.

Огудалова. Ҳечкимга кераги йўқ, оворагарчилик.

Карандишев. Менга керак.

Лариса. Нима учун, Юлий Капитонич?

Карандишев. Лариса Дмитриевна, уч йилдан бери танишларингиз мени масхара қилиб башарамга кулиб келдилар, энди кулиш навбати менга келди, мен ҳам қасдимни оламан.

Огудалова. Тагин нималар ўйлаб чиқарар экансиз-а! Жанжал бошламоқчимисиз? Ундай бўлса биз бормаймиз.

Лариса. Утинаман, ҳечкимнинг кўнглига озор берманг!

Карандишев. Озор берманг эмиш! Менга озор берсалар майлими? Хавотир олманг, ҳечқандай жанжал бўлмайди, тинч ўтиб кетади. Фақат мен сизнинг шарафингизга қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан, кўпчилик ўртасида ҳисларимнинг чинакам эканини қадрлаб мени танлаганлигингиз учун, мени бахтиёр этганингиз учун, ташаккур айтаман, холос. Оладиган қасдим мана шу бўлади!

Огудалова. Бўлмаган гап!

Карандишев. Йўқ, бу олифта жаноблар, жуда жигмга тегишяпти. Ўзлари тер тўкиб топмаган давлатга мунча чиранишади, ахир! Арзимаган битта овқатга ўн беш сўмлаб ташлайдилар!

Огудалова. Бу гапларнинг ҳаммаси шўрлик Вася устиданми?

Карандишев. Битта Вася эмас-да, ҳаммаси бир-бирдан баттар. Бундай қаранг, шаҳарда нималар бўлаяпти, юзларида хурсандлик аломатлари! Извошчилар шаҳарнинг у бошидан бу бошига чопиб «Тўра келди, тўра келди» деб қичқиришади. Ер яловчи қоровулар ҳам қовоқхонадан-қовоқхонага чопиб «Тўра келди, тўра келди» деб жар солмоқдалар. Лўлилар эса, ақлу хушларини йўқотиб қўйишибди, чапак чалишади, бир-бирига гап бермай шовқин қилишади. Аравага тушган тўртта лўли хотин мусофирхонага келиб: «Хуш келдингиз!» деб кетишди. Ҳайрон қоладиган иш. Тўралари бўлса, эшитишимга қараганда, бор-будини бой бериб, сўнгги пароходчасини ҳам сотган эмиш. Хўш, ким келибди? Битта безори, исрофгар, бузуқларнинг пири, ана шунга бутун шаҳар шоду хуррам. Яхши одат!

Огудалова. Ким келибди ўзи?

Карандишев. Сизнинг Сергей Сергеич Паратовингиз!

Лариса қўрқиб ўрнидан туради.

Огудалова. Ҳали шунақа денг!

Лариса. Юринг, қишлоққа кетайлик, ҳозироқ жўнайлик!

Карандишев. Энди кетишнинг кераги йўқ.

Огудалова. Нима бўлди сенга Лариса, нега ундан яширинасан. У қароқчи эмас-ку.

Лариса. Нега сўзларимга қулоқ солмайсиз, сиз мени хароб қилаяпсиз, таги йўқ жаҳаннамга судраяпсиз!

Огудалова. Жинни бўпсан!
Карандишев. Нимадан қўрқасиз?
Лариса. Ўзимдан қўрқаётганим йўқ.
Карандишев. Ким учун бўлмаса?
Лариса. Сиз учун.

Карандишев. Ундай бўлса, мен учун қўрқмай қўя-қолинг! Мен ҳам қараб турмайман! Қани менга тақилиб кўрсинчи кунини кўради.

Огудалова. Йўқ, нима бўлди сизга, нима қилмоқчисиз! Худо сақласин. Сиз уни Вася деб ўйламанг. Унга сал эҳтиёт бўлинг, акс ҳолда дунёга келганингизга пушаймон бўласиз!

Карандишев (*дераза ёнига келиб*). Мана, марҳамат, қаранг. Эшигингизга келди, ўхў, тўрт от қўшилипти-я, аравакаш ёнида лўлилар. Ана дабдабаю! Зарари-ку йўқ-а, лекин инсоф қилиб айтганда, бу қилиғи сурбетлик ва аҳмоқликдан бошқа нарса эмас.

Лариса. (*Карандишевга*.) Юринг, менинг уйимга кирайлик, юринг! Онажон, уни ўзинг қарши ол. Айт, энди келиб юрмасин.

Лариса, Карандишев кетади, Паратов киради

ЕТТИНЧИ САҲНА

Огудалова, Паратов.

Паратов (*бутун кўринишни ҳазилкашлик ва жиддий тарзда олиб боради*.) Холажан, қўллари!..

Огудалова (*қучоқ очиб*). Оҳо, Сергей Сергенч! Оҳ, болажоним.

Паратов. Бағрингизга босмоқчимисиз? Бўлади. (*Қучоқлашиб ўпишади*.)

Огудалова. Қандай шамол учирди? Йўлингиз тушиб кирган бўлсангиз керак.

Паратов. Атайлаб, холажон, дарҳол дидорингизни кўргани чопдим-да.

Огудалова. Қуллуқ. Эсон-омонмисиз, ишларингиз қалай?

Паратов. Ношукур эмасман холажон, вақтим чоғ; ишларимнинг эса мазаси йўқ.

Огудалова (*Паратовни кўздан кечириб*). Сергей Сергенч, қадрдон, менга айтингчи, нега ўша вақтда бирдан нига ғойиб бўлдингиз?

Паратов. Кўнгилсиз бир телеграмма олдим, холажон.
Огудалова. Масалан?

Паратов. Ишбошларим ва бошқаручиларим менсиз менинг бор-йўғимни бир ёнғоқ пўчоғига жойлаб қўйишибди. Сал бўлмаса бор-йўғимни, фойда туғаетган ва бекор ётган мол-мулкимни «ким ошди» бозорига оборишиб қўйишган экан. Ўзинг учун ўл етим туфайли жўнаб кетувдим, холажон.

Огудалова. Ҳаммасини тўғрилаб олгандирсиз, албатта.

Паратов. Афсуски, йўқ; тўғриладимку-я, лекин ҳаммасини эмас, кўп зарар кўрдим, шундай бўлса ҳам, холажон, хафа бўлганим йўқ, доим хушвақтман.

Огудалова. Хушвақтлингизни кўриб турибман.

Паратов. Биттасидан бой берсак, иккинчисидан юта-миз, холажон; ишимиз шунақароқ.

Огудалова. Нимадан ютмоқчи бўлаяпсиз? Янги дастмоя солдингизми?

Паратов. Биздек енгилтак афандиларга янги дастмоя солиш қаяқда! Қарздорлар овоқтахонасига тушишга тобим йўқ, холажон. Ўз эркимни сотмоқчи бўлаяпман.

Огудалова. Тушундим: бой келинга уйланмоқчидирсиз-да. Хўш, эркингизни қанчага сотаяпсиз?

Паратов. Ярим миллионга.

Огудалова. Тузук.

Паратов. Бундан паст тушишнинг ҳеч ҳожати йўқ, холажон. Тўғри келмайди, ўзингиз биласиз, эрким ўзимга ҳам қиммат тушган.

Огудалова. Азамат эркаксиз-да!

Паратов. Бўлганим шу.

Огудалова. Лочин йигитсиз-да! Қараб туриб ҳавасинг ошади.

Паратов. Жуда кўтариб юбордингиз. Қўлларини...
(Қўлини ўпади.)

Огудалова. Эркингизга харидор қиз борми ўзи?

Паратов. Ахтарсак топилиб қолар дейман.

Огудалова. Ўринсиз савол учун афв сўрайман!

Паратов. Жуда ўринсиз бўлса, сўрамай қўяқолинг, биласиз-ку, уятчанг йигитман.

Огудалова. Ҳазилни бас қил! Қайлиқча топдингми, йўқми? Топган бўлсанг ўзи ким?

Паратов. Ўлдирсангиз ҳам айтмайман.

Огудалова. Ихтиёр ўзингда.

П а р а т о в. Мен Лариса Дмитриевнага бўлган ҳурма-
тимни изҳор қилиш орзусида эдим, кўришнинг иложи
борми?

О г у д а л о в а. Нега бўлмасин! Мен ҳозир чақириб
юбораман. (*Қутичадаги буюмларни кўрсатиб.*) Ҳа, айтган-
ча, Сергей Сергеич, эртага Лариса Дмитриевнанинг туғил-
ган куни, шу буюмларни совға қилиб олиб берай десам пул-
нинг мазаси йўқ.

П а р а т о в. Оббо холажоней, холажоней! Энг камида уч
кишидан ундиргандирсиз! Кошки мен бу йўлларингизни
билмасам.

О г у д а л о в а (*Паратовнинг қулоғидан тортиб*). Ҳай,
шайтон!

П а р а т о в. Эртага ўзим бундан тузукроқ совғалар олиб
келаман.

О г у д а л о в а. Ҳозир Ларисани чақириб бераман.

О г у д а л о в а кетади, Л а р и с а киради.

САККИЗИНЧИ САҲНА

П а р а т о в, Л а р и с а.

П а р а т о в. Кутмовдингиз-а?

Л а р и с а. Йўқ, шу кунларда кутмовдим. Кўп кутдим,
лекин анчадан буён кутмай қўйган эдим.

П а р а т о в. Нима учун кутмай қўйдингиз?

Л а р и с а. Ноумид эдим. Сиз қўққисдан ғойиб бўлди-
нгиз, бир парча хат ҳам...

П а р а т о в. Сиз учун арзигулик хушхабар бўлмагани-
дан хат ёзмадим.

Л а р и с а. Мен ҳам шундай деб ўйловдим.

П а р а т о в. Ҳали эрга тегайпман денг?

Л а р и с а. Шундай, тегайпман.

П а р а т о в. Сиздан бир гап сўрашга ижозат беринг,
мени кўп кутдингизми?

Л а р и с а. Нима қиласиз суриштириб?

П а р а т о в. Мен шунчаки сўраётганим йўқ, Лариса
Дмитриевна, мени масаланинг назарий томони қизиқтираяп-
ти. Хотин киши қаттиқ севган кишисини қанча вақт ичида
унутаолади, ажрашган кунининг эртасигами, бир ҳафта ёки
бир ойдан кейинми? Гамлет ўз онасига қараб «оёқларидаги
кавушлари эскирмай туриб» деганда ҳақлимиди. Шунини аниқ
билмоқчиман.

Лариса. Саволингизга жавоб бермайман, Сергей Сергеич, менинг ҳақимда нима ўйласангиз ўйлайберинг.

Паратов. Мен сизни ҳамавақт ҳурмат блан ёдга оламан. Лекин, сизнинг шу қилиғингиздан кейин хотинлардан кўнглим анча совиди.

Лариса. Қанақа қилиқ? Сизнинг ҳечнарсадан хабарингиз йўқ.

Паратов. У «беозор ва латофаткор қарашлар», бу тотли ишқ пичирлари, ҳатто ҳар сўз орасидаги оҳу воҳ, бу қасамлар, шуларнинг ҳаммаси бир ой ўтар-ўтмас ёдланган дарсдай бўлак бир кишига такрорланади. Эй, сиз хотинлар!..

Лариса. Нима «хотинлар?»

Паратов. Номингиз қилиқларингизга яраша.

Лариса. Мени бунча хафа қилишга қандай жур'ат эта-сиз? Сиздан сўнг, бирор одамни севганмикинман? Шунга ишонасиз ҳамми?

Паратов. Ишонмайман, лекин ўйлайман.

Лариса. Бунчалик қаттиқ та'на қилиш учун, фақат ўйлаш озлик қилади, билиш даркор.

Паратов. Эрга тегаяпсиз-ку?

Лариса. Мени мажбур этган нима? Ғам-ғуссада ёниб турганингда илтифот қилиб, кулишга мажбур этсалар, кўрганда кўнглинг айнийдиган куёвларни рўпара қилсалар, ҳар кун уйда жанжал бўлса, ўз уйингда кун кечириб бўлмагандан кейин, ўз уйингдан, ҳатто туғилган шаҳриндан қочиш даркор бўлгандан кейин, начора?

Паратов. Лариса, демақ сиз?..

Лариса. Нима «мен?» Хўш, нима демоқчисиз?

Паратов. Кечиринг! Мен сизнинг олдингизда гуноҳ-корман. Демақ, сиз ҳали мени унутган эмассиз, сиз мени... ҳамон севасиз?

Лариса индамайди.

Айтинг... Очиқ айтинг!

Лариса. Албатта севаман, сўраб нима қиласиз?

Паратов (*Ларисанинг кўлини мулойимгина ўпади*). Раҳмат, ташаккур. Мен сиздан кечишим мумкин. Лекин севгингиздан кечиш жуда оғир бўларди, билсангиз.

Лариса. Наҳот?

Паратов. Агар бировни мендан ортиқроқ кўрсангиз, мени қаттиқ ҳақорат қилган бўлар эдингиз. Сизни бу гуноҳингизни осонликча кечирмас эдим.

Лариса. Эндичи?

Паратов. Энди, умрим бўйи сизнинг ажиб тимсолингиз хаёлимда барқ уради. Биз ажралишамизу, лекин энг қалин дўстлар бўлиб қоламиз.

Лариса. Демак, хотин киши азоб чекса ҳам, қон қусса ҳам майли, фақат сизни севса бас, шундайми?

Паратов. Нима қилайлик, Лариса Дмитриевна! Севгида тенглик йўқ, бу менинг кашфиётим ҳам эмас. Севгида ба'зан кўз ёши тўкишга ҳам тўғри келади.

Лариса. Фақат хотин кишига-я?

Паратов. Албатта, эркакка эмас.

Лариса. Нега, ахир?

Паратов. Буни тушунтириш қийин эмас, чунки эркак йиғласа, «хотинчалиш» деган лақаб қўядилар. Эркак учун одамзод ўйлаб чиқарган ҳақоратлар ичида бундан қаттиқ ҳақорат йўқ.

Лариса. Кошки севги ошуқ-ма'шуқда баробар бўлса, кўз ёши ҳам бўлмас эди. Шунақаси ҳам бўлармикин?

Паратов. Ба'зан шунақаси ҳам бўлади. Лекин бу, холвафурушнинг кулчатоёйга ўхшаган қандайдир бема'ни...

Лариса. Мен сизга айтишим лозим бўлмаган гапларимни айтиб қўйдим, Сергей Сергеич, ўйлайманки очиқ сўзлимни бошқача тушунмассиз.

Паратов. Мени ким деб ўйлаяпсиз, бошингиз очиқ бўлса ҳам бошқа гап, никоҳ мен учун муқаддас иш, ижозат беринг, билай, бўлгуси завжингиз анча қадру қимматли ва яхши фазилатли одам бўлса керак?

Лариса. Йўқ. Биттагина фазилати бор, холос.

Паратов. Битта бўлса оз.

Лариса. Оз бўлса ҳам саз!

Паратов. Масалан?

Лариса. У мени севади.

Паратов. Ундай бўлса чинакам қиммат баҳо фазилат экан. Оилавий ҳаёт учун энг муҳими ҳам шу.

Огудалова блан Карандишев киради.

ТУҶҚИЗИНЧИ САҲНА

Огудалова, Лариса, Паратов, Карандишев,
сўнгра малай киради.

Огудалова. Рухсат этинг, жаноблар, сизни таништириб қўяй! (Паратовга:) Юлий Капитонич Карандишев. (Карандишевга.) Сергей Сергеич Паратов.

Паратов (Карандишевга қўлини узатиб). Бизлар танишимиз. (Сохта ағтиром блан.) Мўйлови узуну, фаҳми қисқа. Харита Игнатъевна ва Лариса Дмитриевналарнинг қадрдон дўсти...

Карандишев (чидам блан). Жуда соз.

Огудалова. Сергей Сергеич бизнинг уйимизда худди туғишганимиздай.

Карандишев. Жуда соз.

Паратов (Карандишевга). Сиз рашкчи эмасмисиз?

Карандишев. Аминманки, Лариса Дмитриевна мени рашк қилишга олиб борадиган ҳеч иш қилмас.

Паратов. Рашкчи кишилар сабабсиз ҳам рашк қилаверишади.

Лариса. Мен кафилман, Юлий Капитонич мени рашк қилмас.

Карандишев. Ҳа, албатта. Лекин агар...

Паратов. Албатта, албатта! У вақтда жуда ваҳима-ли ҳодиса рўй беради-да!

Огудалова. Сизларга нима бўлди жаноблар, рашкдан бошқа гап қуриб қолганми?

Лариса. Биз, Сергей Сергеич, яқинда қишлоққа кетмоқчимиз.

Паратов. Шундай гўзал жойларни ташлаб-а?

Карандишев. Бу жойда қандай гўзаллик бор экан?

Паратов. Ҳаркимга ҳархил. Ҳаркимнинг диди бошқа.

Огудалова. Тўғри, тўғри. Бировга шаҳар ёқади, бировга қишлоқ.

Паратов. Холажон, бировга тарвуз ёқса, бировга совуқ урган ошқовоқ.

Огудалова. Оббо, шайтон! Қаердан биласан мунча мақолни?

Паратов. Бурлоқлар¹ блан ҳамтовоқ бўлганимизда, холажон, рус тилини ана ўшалардан ўрганиш керак.

Карандишев. Бурлоқлардан рус тилини ўрганиш керак дедингизми?

Паратов. Хўш, ўрганса нима бўлади?

Карандишев. Шунинг учунки биз уларни...

Паратов. Биз деганингиз — ким ўзи?

Карандишев (жаҳл блан). Биз деганим бурлоқлар эмас албатта, биздай ўқимишли кишилар.

¹ Бурлоқлар — эски вақтларда, сол, кема тортчилар.

Паратов. Хўш, нега уларни одам қаторига қўшмай-сиз. Мен кема хўжайини, ўшалар блан иш кўраман, уларни ҳимоя қиламан, мен ўзим ҳам бурлоқлардан чиққанман.

Карандишев. Биз бурлоқларни энг қўпол, нодон одамлар санаймиз.

Паратов. Хўш, уёғичи, жаноби Карандишев!

Карандишев. Шу, уёғи йўқ!

Паратов. Йўқ, ниманидир айтмадингиз, энг кераклиги қолди: сизнинг кечирим сўрашингиз керак.

Карандишев. Мен — кечирим сўрай?

Паратов. Илож йўқ, сўраш керак.

Карандишев. Нима учун, ахир? Бу менинг фикрим, ишончим.

Паратов. Йўқ, йўқ! Гапни бурманг.

Огудалова. Жаноблар, жаноблар, сизларга нима бўлди?

Паратов. Хотиржам бўлинг. Бунинг учун дуэлга чақириб ўтирмайман, куёвингизни жин ҳам урмайди, фақат қандай муомала қилишни ўргатиб қўяман, холос. Одатим: қилинган гуноҳни кечирмайман, шундай қилмасам ҳечнарсдан тап тортмайдиган паришонхотир бўлиб қоламан.

Лариса (Карандишевга). Сиз нима қилаяпсиз? Ҳозир кечирим сўранг. Мен сизга буюраман.

Паратов (Огудаловага). Гуноҳкорни жазолаш лозим бўлганда, бир ҳафтагача уйга кириб олиб жазо усулини ўйлаб топиш одатим борлигини билсангиз керак, деб ўйлайман.

Карандишев (Паратовга). Мен тушунмайман...

Паратов. Ундай бўлса, аввал қандай тушунишни ўрганиб, сўнг гаплашинг!

Огудалова. Сергей Сергеич, ялинаман, мен учун бу кишини кечиринг!

Паратов (Карандишевга). Харита Игнатъевнага қулук қилинг, сизни кечирдим. Одамга қараб муомила қилишни ўрганинг, қариндош. Мен кўтараман, лекин алла қилиб туриб ерга уришим ҳам бор.

Карандишев жавоб қайтармоқчи бўлади.

Огудалова. Бўлди, гап қайтарманг! Бўлмаса уришиб қоламан. Лариса шампанский буюр, иккаласига бир стакандан қуйиб бер, яраш-яраш бўлсин.

Лариса кетади.

Бундан буён, жаноблар, уришакўрманг. Мен тинчликни севадиган аёлман. Дўстона ва розилик блан бўладиган ишни яхши кўраман.

П а р а т о в. Мен ҳам шундай, чумолига ҳам озор бергим келмайди, ҳечқачон биринчи бўлиб бошламайман, ўзимга-ўзим кафил.

О г у д а л о в а. Юлий Капитонич, сиз ҳали ёшсиз, оғир-роқ бўлишингиз керак. Хитлик сизга ярашмайди, ахир! Бугунги зиёфатга Сергей Сергеични таклиф этинг. Албатта, илтимос қилинг! Бу киши блан бирга бўлиш биз учун жуда кўнгилли бўлади...

К а р а н д и ш е в. Ўзим ҳам шундай ўйлагандим. Сергей Сергеич, бугун меникида меҳмон бўлсангиз!

П а р а т о в (совуқ). Хўп бўлади...

Л а р и с а, унинг орқасидан бир бутилка шампанский ва патнисда стаканларни кўтариб хизматчи киради.

Л а р и с а (қуйиб). Марҳамат, жаноблар.

П а р а т о в, К а р а н д и ш е в стаканни олишади.

Дўст бўлишларингизни сўрайман.

П а р а т о в. Сизнинг илтимосингиз мен учун буйруқдир.

О г у д а л о в а (Карандишевга). Мана, Сергей Сергеичдан ўрнак олинг!..

К а р а н д и ш е в. Менинг тўғримда ҳечқандай сўз бўлиши мумкин эмас; Лариса Дмитриевнанинг ҳарбир сўзи — мен учун қонун.

В о ж е в а т о в киради.

УНИНЧИ САҲНА

О г у д а л о в а, Л а р и с а, П а р а т о в, К а р а н д и ш е в,
В о ж е в а т о в, сўнг Р о б и н з о н.

В о ж е в а т о в. Қаерда шампанский бўлса, биз ўша ерда, сезгимиз ўткир-да! Харита Игнатъевна, Лариса Дмитриевна, бизнинг маллавоё кирса майлими?

О г у д а л о в а. Маллавоёи ким?

В о ж е в а т о в. Ҳозир кўрасиз, маллавоё, киравер!

Р о б и н з о н киради.

Дўстимни таништириш блан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман, танишингиз лорд Робинзон.

Огудалова. Жуда соз.
Вожеватов (*Робинзонга*). Қўлини ўп.

Робинзон Огудалова блан Ларисанинг қўлини ўпади.

Қани, милорд, энди бери келчи!

Огудалова. Нега сиз, дўстингизни ўз ҳолига қўймай, фармон берасиз?

Вожеватов. Хотинлар орасида жуда кам бўлган, ўзи тортинчоқроқ, кўпроқ саёҳатда юрган. Денгиз ва қуруқликларни кўп кезган киши, сал бўлмаса мана шу яқин ўртада ёввойи бўлиб ҳам кетаёзган. (*Карандишевга*.) Рухсат этинг, сизларни таништириб қўяй! Лорд Робинзон, Юлий Капитонич Карандишев!

Карандишев (*Робинзонга қўлини бериб*). Англиядан чиққанингизга кўп бўлдимиз?

Робинзон. Yes. (Yes.)¹

Вожеватов (*Паратовга*). Мен бунга уч-тўртта инглизча сўз ўргатиб қўйдим, э'тироф қилиш керак, ўзим ҳам бундан ошиқ билмайман. (*Робинзонга*.) Мунча винога тикиласан? Харита Игнатъевна, мумкинми?

Огудалова. Марҳамат қилинг, олинг.

Вожеватов. Англиядагилар эртадан кечгача май ичадилар.

Огудалова. Наҳотки эртадан кечгача вино ичсангиз?

Робинзон. Yes.

Вожеватов. Булар уч марта нонушта қиладилар. Сўнг кеч соат олтидан то соат ўниккигача тушлик овқатни ейишади.

Огудалова. Шундайми-я?

Робинзон. Yes.

Вожеватов (*Робинзонга*). Қани, қуй!

Робинзон (*стаканларга қуйиб*). If you please! (Иф ю плиз.)² (*Ичадилар.*)

Паратов (*Карандишевга*). Бу кишини ҳам зиёфатга таклиф қилсангиз, мен жуда ўрганиб қолганман, бусиз юролмайман.

Карандишев. Исми нимади?

Паратов. Ким исмини айтиб чақиради дейсиз! Лорд, милорд...

Карандишев. Ҳали бу киши лордми?

¹ Ҳа (инглизча).

² Марҳамат (инглизча).

Паратов. Йўқ, лорд бўлмаса ҳам, булар шунақа лақабни яхши кўришади. Яхшиси сэр Робинзон.

Карандишев. Сэр Робинзон, ўтиниб сўрайман, бугун овқатни меникида есангиз!

Робинзон. I thank you. (Ай сенк ю)!

Карандишев (Огудаловага). Харита Игнатъевна, мен уйимга борай, ба'зи майда-чуйда ишларим бор. (Ҳаммага та'зим қилиб.) Сизларни кутаман, жаноблар, хуш қолингиз! (Кетади.)

Паратов (шляпасини олади). Биз ҳам кетайлик. Сафардан келдик, дам олиш керак.

Вожеватов. Зиёфатга тайёрланайлик.

Огудалова. Шошманг, жаноблар, ҳаммангиз бирданига турманг, ахир.

Огудалова блан Лариса Карандишевни кузатгани чиқадилар.

УНБИРИНЧИ САҲНА

Паратов, Вожеватов, Робинзон.

Вожеватов. Куёв сизга ёқдимиз?

Паратов. Ёқдимиз эмиш! Кимга ёқиши мумкин! Яна сўз қотади-я, вой ғоз тумшуг-эй.

Вожеватов. Бирор гап ўтдимиз?

Паратов. Андак ўтди. Хашаки хўроздай интилади, гапга аралашади, гижиллашмоқчи бўлади. Сени қараб тур ҳали, гижиллашишни ўргатиб қўяй. (Пешонасига уриб.) Оҳ, соз фикр! Робинзон, сен бир оғир вазифа бажарасан, ўзингни бир кўрсатиб қўй...

Вожеватов. Нима гап ўзи?

Робинзон Yes.

Паратов. Мана бундай... (Қулоқ солиб.) Келишаяпти, кейин айтиб бераман, жаноблар.

Лариса блан Огудалова киради.

Хуш қолинг.

Вожеватов. Хайр! (Хайрлашиб чиқадилар.)

¹ Ташаккур.

УЧИНЧИ ПАРДА

Карандишев кабинети, уй жиҳозлар блан безатилган, лекин буюмлар жой-жойида эмас. Бир томонга, девор устига, гилам қоқилган ва гиламга ҳархил яроғ-аслаҳалар осиб қўйилган. Уч эшик: бири ўртада, иккитаси икки ёнда.

БИРИНЧИ САҲНА

Евфросинья Потаповна ва Иван
(Чап томондаги эшикдан чиқадилар).

Иван. Лимонлардан келтиринг!

Евфросинья. Қанақа лимон, жин ургур!

Иван. Мессинский лимонларидан.

Евфросинья. Сенга нимага керак бўлиб қолди?

Иван. Овқатдан кейин ба'зи жаноблар кофе ичади, ба'зибири чой, чой блан лимон керак-да.

Евфросинья. Бугун мени жудаям қийнаб юбординглар. Клюква морсидан бер, қўй-да, барибир эмасми. Ана у ердан графинани ол; ҳой эҳтиёт бўл, графина жуда эски, пўки зўрға турибди, елимлаб қўйганман. Юр, ўзим олиб берақолай. (Ўртадаги эшикка кириб кетади, орқасидан Иван ҳам).

Огудалова ва Лариса киради.

ИККИНЧИ САҲНА

Огудалова блан Лариса.

Лариса. Оҳ, онажон, ўзимни қаерга қўйишимни ҳам билмай қолдим.

Огудалова. Шундай қилишини билган эдим, ўзим.

Лариса. Шу ҳам меҳмондорчилик бўлдию, шу ҳам зиёфат бўлдию! Яна Мокий Парменични таклиф қилганини айтмайсизми! Нима қилаяпти ўзи?

О г у д а л о в а. Заб меҳмондўст экан-да, айтиб тамом қилаолмайсан.

Л а р и с а. Шармандалик! Дун'ёда биров учун уялгандан ёмони йўқ. Мана, бизнинг ҳечқандай гуноҳимиз йўқ, лекин уят, шундай уятки, ер ёрилмади ерга кирсам. У бўлса, ҳечнарса сезмагандай юрипти. Ҳатто хурсанд ҳам.

О г у д а л о в а. Сизгиси бўлса сезади-да: нимани биларди у, ахир, ўзи тузук кишиларнинг дастурхон солишини умрида кўрмаган-да. У, уйининг ясадиқлиги блан ҳаммани қойил қилдим, деб ўйлаётгандир ҳали; мана шунга хурсанд! Уни қасддан маст қилаётганларини сезганинг йўқми ҳали?

Л а р и с а. Вой ўлай! Тўхтат уни онажон, тўхтат!

О г у д а л о в а. Қандай тўхтатаман! Чақалоқ эмас-ку, энагасиз кун кўрадиган чоғи.

Л а р и с а. Бунчалик нодон эмас эдику, нега тушунмайди?

О г у д а л о в а. Нодон бўлмаса, тентак. Тентакни тентак десанг бир газ ўсармиш. Ёлғондан виносини мақташган сари у хурсанд бўлади. Ёлғондакам ичган бўлишиб унинг ўзига тўлдириб, тўлдириб беришаяпти, вассалом.

Л а р и с а. Вой ўлмасам, нега шундай қилишаяпти, ахир?

О г у д а л о в а. Эрмак учун.

Л а р и с а. Ахир, бу блан улар менга азоб беришаяпти-ку?

О г у д а л о в а. Сенинг азоб чекишинг блан кимнинг иши бор. Мана, Лариса, ҳали ҳечнимани кўрмай туриб азоб чекишдан гапираяпсан, уёғи нима бўлади?

Л а р и с а. Оҳ, нима қилайки, бўлар иш бўлди; фақат афсус ва надомат қилиш мумкин, тузатиш қийин!

Евфросинья Потаповна киради.

У Ч И Н Ч И С А Х Н А

Огудалова, Лариса, Евфросинья Потаповна.

Евфросинья Потаповна. Ҳа, бўлдиларингми? Чой келтирайми?

Огудалова. Йўқ, қуллуқ.

Евфросинья. Э, эркаклар қани?

Огудалова. Улар ичкарида, гаплашиб ўтиришипти.

Евфросинья. Еганини — еб, ичганини — чиб бўлгандан кейин туриб кетса меҳмон деган. Тагин нима керак? Бу зиёфат мени тоза ҳам қийнаб ташлади-да, қанча меҳнат, қанча исрофгарчилик! Бу ўғри ошпазлар бўлса шундай ба-

қиришадики, гўё подшоҳ келадигандай. Бир оғиз гапиртиргани қўйишмайди!

О г у д а л о в а. Гапириб ҳам нима қилардингиз! Қўйиб бермайсизми, яхши ошпаз бўлса ўргатишнинг ҳожати йўқ.

Е в ф р о с и н ь я. Гап ўргатишда эмас! Исрофгарчиликда. Ноинсофларни қаранг, кўзига нима кўринса қозонга солади. Бу нарсалар кошки ўз деҳқончилигимиздан, қишлоқдан келган бўлса, ҳаммаси бозордан пулга сотиб олинган, бири-биридан қиммат, кишининг юраги ачийди-да. Ҳали қанд бер дейди, ҳали ваниль, ҳали балиқ ёғи дейди. Биласизки, ваниль деган савил жуда қиммат туради, балиқ ёғи ундан баттар, ҳа қуриб кеткур, мазаси чиқса бўлди-да, нима қилади кўп солиб.

О г у д а л о в а. Шундай ҳисоб-китобли уйда... албатта...

Е в ф р о с и н ь я. Одам ақлдан озгандан кейин ҳисоб-китоб бекор. Мана илон балиқни олайлик: катта-кичигининг мазаси бир. Лекин, баҳосига келганда фарқи катта, жуда катта! Ун дона майдаси ярим танга туради, у бориб ҳар донаси ярим тангалиқдан кўтариб келибди.

О г у д а л о в а. Бу, дастурхонга қўйилган балиқлар ҳали Волгада сузиб, бироз ўсиши керак эди.

Е в ф р о с и н ь я. Ҳа, айтганча, бир сўмлиги ҳам бор, борингки икки сўм турадиган балиқлар ҳам бор. Унақасини пули кўшлар олиб есин! Каттароқ хўжайинлар, тўралар еса ярашади. Бизга ким қўйибди. Винони ҳам нуқул қимматига ёпишади. Бир сўмлик, икки сўмлигини олмоқчи, винофуруш жуда инсофли киши экан: сиз кўтарасига ҳар шишаси уч тангалигидан олинг, этикетини эса истаганингизни ёпиштириб бераман деди, барака топкур, виномисан, виножон! Бир қултумини ичсам борми, бай-бай, қалампир мунчоқ, борингки, ҳархил гиёларнинг ҳиди келади. Ахир, шунчалик хушбўй ҳидлар анқиб тургандан кейин нархи ҳам ўзига яраша бўлади-да. Уч танга-я. Лекин уч тангага арзийди ҳам. Моянахўр одам бўлсак, бундан ортиқ тўлашга қурбимиз етмайди. Яқинда қўшнимиз уйланди, шундай буюмлар келдики, парестиқлар, партўшаклар, момиқ кўрпалар... наҳ қўяверинг. Айиқ териси дейсизми, тулки териси дейсизми, бўрсик териси дейсизми, нима истасангиз бор. Шунинг ҳаммаси уйга келди. Албатта, сарф қилса бўлади, мана яна бошқа бир амалдор қўшнимиз ҳам уйланган эди, сепига битта эски Дақи Юнусдан қолган фортепяно олиб келдилар, холос. Нима ҳам дейсиз, гердайишлик бизга ҳам тўғри келмайди, айланай.

Лариса (Огудалова). Бошим оққан томонга қочиб кетсам.

Огудалова. Иложи йўқ, пешонанг шўр экан.

Евфросинья Потаповна. Кўнглингиз беҳузур бўлаётган бўлса менинг уйимга кирақолинглар, ҳали замон эркаклар чиқади-ю, тамакини шундай тутатадиларки, нафас ололмай қоласан киши. Вой, мен нима қилиб турибман, эсим курсин! Ҳар нечук дарҳол кумуш асбобларни бекитиб қўяй, бу замонда одамларда имон бор дейсизми? Чўнтакка жойлаб кетиши ҳам турган гап.

Огудалова блан Лариса ўнг томондаги эшикка, Евфросинья Потаповна ўрта эшикка кириб кетадилар. Чап томондаги эшикдан: Паратов, Кнуров, Вожеватовлар чиқишади.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров ва Вожеватов.

Кнуров. Мен, жаноблар, клубга бориб овқатланаман. Ҳечнарсга еганим йўқ.

Паратов. Бирпас туратуринг, Мокий Парменич!

Кнуров. Умримда биринчи марта бундай ҳодиса юз бериши. Саноглиқ зотларни меҳмонга чақиришибди-ю, ейдиган нарсанинг тайини йўқ... Эсипас одам экан бу, жаноблар.

Паратов. Қаршилиқ йўқ. Ҳақ айтдингиз; чинакам эсипас.

Кнуров. Ҳаммадан олдин ўзи маст бўлиб олганини айтмайсизми.

Вожеватов. Ўзимиз ҳам роса боладик-да.

Паратов. Ҳа, мен ўз ўйлаганимни амалга оширдим. Буни бир болаш боя хаёлимга келган эди. Тоза гаранг қилиб тамоша қилмоқчи эдим-да.

Кнуров. Демак, бу олдиндан ўйлаб қўйилган иш эканда.

Паратов. Гаплашиб эдик-да. Мана, жаноблар, бундай вақтларда Робинзон жуда иш беради.

Вожеватов. У одам эмас, олтин экан.

Паратов. Хўжайинни маст қилиш учун у блан баравар ичиш лозим. Лекин у «шароб» деб атаган бу қўланса дорини ҳадеб ичаверсанг бўлармиди. Робинзон Ярославль шаҳрида чиқадиган четэл виносини ичавериб ўрганиб қолган. Писанд қилмайди ҳам. Мақтаб-мақтаб ютади, холос. Биттасини тотиб кўради, яна бошқасини ичади, худди биларманд кишидай солиштириб кўради. Борингки, хўжайин

бирга ичмаса, ичмай туриб олади. Шундай қилиб, у қўлга тушади. Кўп ичиб ўрганмаган одамнинг дарров суроби тўғриланиб, оғзи қулоғига етади.

К н у р о в. Зап эрмак-да! Лекин, жаноблар, ҳазил эмас, чиндан қорним оч.

П а р а т о в. Сабр қилинг, Лариса Дмитриевнага қўшиқ айтгизамиз ҳали.

К н у р о в. Бу бошқа гап. Айтганча, Робинзон қани?

В о ж е в а т о в. Ҳали ичишаяпти...

Р о б и н з о н киради.

БЕШИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров, Вожеватов ва Робинзон.

Р о б и н з о н (*диванга ташланиб*). Ё, раббий, ўзинг мадад бер! Серж, менинг учун худо олдида жавоб берасан, билиб қўй!

П а р а т о в. Нима бало, мастмисан дейман?

Р о б и н з о н. Маст-а! Нима, мастликдан бирор марта шикоят қилганмидим? Маст бўлсам жон дердим-а! Мастлик ажойиб нарса! Оламда мастликдан яхши нарса бўладими! Мен, шу ният блан келганман, худди шу ният блан дунёда яшаб юрибман. Ҳаётимнинг асл ма'носи — мастлик-ку, ахир!

П а р а т о в. Нима демоқчисан?

Р о б и н з о н. Мен заҳарландим, ҳозир дод дейман, фар'ёд дейман.

П а р а т о в. Винонинг қайси хилидан кўпроқ ичиб қўйдинг.

Р о б и н з о н. Ким билади дейсан? Ким'ёгармидим мен! Ҳарқандай доришунос ҳам ажратаолмас деб ўйлайман.

П а р а т о в. Шишага ёпиштирилган этикетидан билсанг бўларди-ку?

Р о б и н з о н. Шишага вино нав'и ёзилганку-я! Лекин шиша ичида қандайдир сассиқ дори, бу дорининг кайфи қимматга тушадиган кўринади, чамамда.

В о ж е в а т о в. Бунақа ҳодисалар бўлиб туради. Вино қилаётган пайтда биронта дориворни кўпроқ ташлаб юборишади ҳам, хато қилиш қийин эмас. Одам — машинамидики. Эй, тагин маргумуш қўшиб қўйилган бўлмасин?

Р о б и н з о н. Мунча суюнасан! Биров ўламан дейди, сен куламан дейсан.

В о ж е в а т о в. Бўлди, тамом бўлсан!

Робинзон. Ваҳима қилма! Мен ўлишга рози эмасман... Оҳ, бу баччағарнинг виносидан қандай касалга мубтало бўлишни билсайдим...

Вожеватов. Битта кўзинг оқиб тушади, турган гап. Хотиржам бўлавер, ҳа.

Саҳна орқасидан Карандишевнинг «Ҳой! Бургонскийдан берингла!» деган овози эшитилади

Робинзон. Э, марҳамат қилинг, яна Бургонский, Бургонский! Дод, қутқаринг, ўламан, дод! Серж, ҳеч бўлмаса сенинг раҳминг келсин, ўн гулимдан бир гулим очилгани йўқ, қирчиллаган пайтим, жаноблар! Армон блан ўлиб кетмайин, ахир! Сан'ат олами мендай бир кишидан айрилиб қолса...

Паратов. Йиғлама-е, тузатиб юбораман, дардингнинг давосини биламан, хамирдан қил суғургандай осонгина тузатиб қўяман.

Бир қутича сигара кўтариб Карандишев чиқади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров, Вожеватов, Робинзон
ва Карандишев.

Робинзон (*гиламга қараб*). Бунингиз нима-я?

Карандишев. Сигара.

Робинзон. Йўқ, мана бу осиб қўйганингиз? Бутафор буюмларми, я'ни сохтами?

Карандишев. Қанақа бутафор бўлсин, қанақа сохта. Бу Туркия яроғлари.

Паратов. Аҳа, мана, австриялиларнинг туркларни энгаолмаслигига гуноҳкор одам.

Карандишев. Нима? Шу ҳам ҳазил бўлди? Бу қандай бемазагарчилик, айтинг! Гуноҳим нима?

Паратов. Сиз уларнинг бутун ярамас яроғларини тўплаб олибсиз. Улар бўлса, аламига чидолмай, Англия яроғлари блан қуролланишмоқда.

Вожеватов. Ҳа, ҳа... Ҳақиқий гуноҳкор топилди ҳисоб! Бу қилигингиз учун австриялилар «раҳмат» демасалар керак.

Карандишев. Нега ярамас бўлсин, бу яроғлар? Масалан, мана бу пистолет... (*Девордан пистолетни олади*).

Паратов (*қўлига олиб*). Шу ҳам пистолетми?

Карандишев. Э, эҳтиёт бўлинг ўқланган-а!

Паратов. Қўрқманг, ўқланса-ўқланмаса хавфи бирдай

отилмайди барибир... Мана, беш қадамдан туриб менга қараб отинг розиман.

Карандишев. Йўқ, йўқ, бу пистолет ҳам керак бўлиб қолади.

Паратов. Деворга мих қоқиш учун керак бўлади, холос. (Пистолетни стол устига ташлайди.)

Вожеватов. Йўқ, ундай деманг! «Ўйиндан ўқ чиқади» деган мақол бор.

Карандишев (Паратовга). Сигара чекмайсизми?

Паратов. Қиммат бўлса керак. Юз донаси етти сўмликдандир деб ўйлайман.

Карандишев. Шунга яқин, жуда яхши, олий нав'.

Паратов. Мен бу навини биламан: Регалия капуста-тиссима dos amigos, мен бунақасини чекмайман. Ошналарга тутаман.

Карандишев (Кнуровга). Буюринг!

Кнуров. Мен сизникини истамайман. Ўзимникини чекаман.

Карандишев. Жуда яхшиси-да, жуда ҳам!

Кнуров. Яхши бўлса ўзингиз чекинг!

Карандишев (Вожеватовга). Чекмайсизми?

Вожеватов. Мен учун жуда қимматли қилади, буни чекса киши бузилиб кетади ҳам. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак.

Карандишев. Сиз-чи, сэр Робинзон, чекасизми?

Робинзон. Менми? Қизиқ савол! Беш донасини марҳамат қилинг! (Беш донасини танлаб олади, чўнтагидан қоғоз олиб яхшилаб ўрайди).

Карандишев. Нега тутатмайсиз.

Робинзон. Йўқ-да, иложи йўқ. Мунақасини тузукроқ жойда, табиат кучоғида чекиш керак.

Карандишев. Нечук, ахир?

Робинзон. Шунинг учунки, агар ҳурматли одамлар орасида чеккудай бўлсанг, дўшпослаб қолишлари мумкин. Мен бўлсам калтакни унча ёқтирмайман.

Вожеватов. Калтакни ёмон кўрасанми?

Робинзон. Болалик чоғимдан калтак деса кўнглим айнийдиган бўлиб қолганман, ҳа!

Карандишев. Қандай асл, жаноблари! Қандай асл одам! Англиялик экани мана энди ма'лум бўлди. (Қаттиқ.) Қани бизнинг хонимлар? (Яна баландроқ). Хонимлар қани?

Огудалова киради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров, Вожеватов, Карандишев,
Робинзон ва Огудалова.

Огудалова. Хонимлар шу ерда, ташвиш тортманг.
(Карандишевга секин.) Нима қилаяпсиз? Ўзингизни ту-
тинг...

Карандишев. Мен, ҳа, ҳа мен ўзимни биламан. Бир
қаранг: ҳаммаси маст. Мен эса, ширақайф, холос, хурсанд-
ман. Бахтлиман. Тантана қилаяпман бугун!

Огудалова. Тантана қилинг, лекин бунчалик эмас!
(Паратовга яқинлашиб.) Сергей Сергеич, бўлди, Юлий
Капитонични ҳадеб мазах қилаверманг! Бизга озор бера-
япсиз, мен блан Ларисани хафа қилаяпсиз.

Паратов. Йўғе, холажон, сизни хафа қилишга ҳаддим
борми?

Огудалова. Бояги жанжални ҳали ҳам эсдан чиқар-
мадингизми? Уят-эй!

Паратов. Сизга нима бўлди, холажон. Мен кек сақ-
ламайман. Марҳамат қилинг, сизнинг хурсандчилигингиз
учун ҳозир тўхтатаман қўяман. Юлий Капитонич!

Карандишев. Нима дейсиз?

Паратов. Мен блан «сан-ман», я'ни қиёматлик оғайни
бўлишга ичишни истайсизми?

Огудалова. Мана бу ишингиз яхши (Паратовга.)
Бор бўлинг.

Карандишев. Қиёматли оғайни дейсизми? Келинг,
бош устига.

Паратов (Огудаловга). Лариса Дмитриевнани ча-
қириб қўйинг! Нега биздан қочиб юради.

Огудалова. Хўп, бошлаб келаман. (Кетади.)

Карандишев. Нима ичсак экан? Бургон виноси-
данми?

Паратов. Йўқ, бургонингиздан халос этинг, мен жўн
одамман.

Карандишев. Бўлмаса нима ичамиз?

Паратов. Биласизми нима? Иккимиз коньяк ичишсак
аломат бўларди-да, коньяк борми, коньяк?

Карандишев. Нега бўлмасин! Менда ҳаммаси бор!
Ҳой, Иван, коньякдан бер!

Паратов. Бу ерда нима қиласиз, ўша ерда ичамиз?
Фақат, стаканча буюринг, мен рюмкада ичмайман.

Робинзон. Нега коньяк борлигини олдинроқ айтмадингиз? Қанча қиммат вақтлар бекор кетди.

Вожеватов. Эй, тирилиб қолди-ку бу!

Робинзон. Мен бу ичимлик блан қандай муомала қилиш йўлини биламан. Мен коньякка ўрганиб қолганман.

Паратов, Карандишев чап эшикка кириб кетадилар.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Кнуров, Вожеватов, Робинзон

Робинзон (чап эшикка қараб). Карандишев тамом. Мен бошлаган эдим, Серж тугатаяпти. Қуюшади, оёққа турришади, ажойиб тамоша! Уни қаранг, Сержнинг табассумига қаранг. Худди Бертрамнинг ўзи. («Роберт»дан қўшиқ айтади.) «Халоскоримсан. Мен — халоскорингман! Ҳам мададкоримсан, ҳам мададкорингман». Ҳа, ютиворишди. Ўпишаяпти. (Ашула айтади.) «Мен қандай бахтиёр! — Қурбоним менинг!» Эҳ, Иван олиб кетаяпти, коньякни олиб кетди! (Бақириб.) Ҳой, нима қиляяпсан, қўй жойига, турсин, мен қачондан бери кутиб ўтирибман-а. (Чопиб чиқади.)

Ўрта эшикдан Илья киради.

ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Кнуров, Вожеватов, Илья сўнг Паратов.

Вожеватов. Хўш, Илья?

Илья. Ҳаммамиз тўпландик, кўча боғида кутмоқдамиз. Қачон буюрасиз?

Вожеватов. Ҳозир ҳаммамиз бирга жўнаймиз, бирпас тура-туринглар-чи.

Илья. Хўп бўлади, нима буюрсангиз шу бўлади.

Паратов киради.

Паратов. Ҳа, Илья, тайёрмисизлар?

Илья. Тайёрмиз, Сергей Сергеич.

Паратов. Гитаринг борми?

Илья. Олиб келмаган эдим-ку, Сергей Сергеич.

Паратов. Гитара керак, эшитдингми?

Илья. Дарров олиб келаман, Сергей Сергеич. (Кетади.)

Паратов. Мен Лариса Дмитриевнадан биронта ашула айтиб беришини сўрамоқчиман, сўнг Волгага жўнаймиз.

Кнуров. Лариса Дмитриевна бўлмаса сайримиз унча кўнгилли бўлмайди. Агарда... ўшандай маишатга ҳарқанча тўласанг арзийди.

Вожеватов. Агар Лариса Дмитриевна борса, суюнчисига ҳамма эшкакчиларга бир сўлкавойдан улашиб юборардим.

Паратов. Мен ҳам худди шу фикрдаман, жаноблар, дилимизнинг тўғри келишини қаранг-а!..

Кнуров. Иложи бўлармикан?

Паратов. Дун'ёда иложи бўлмаган ҳечнима йўқ, дейдилар, файласфулар.

Кнуров. Жаноблар, лекин Робинзон ошиқча юк. Шунча кулдик, етар. У ерда тагин ичадию тайёр ҳайвон бўлади-қолади. Нима қизиғи бор! Бу саёҳатимиз жиддий бўлади. У бизга улфат эмас. (Эшикка имо қилиб.) Ана коньякка ёпишиб олганини қаранг.

Вожеватов. Обормаймиз қўямиз-да.

Паратов. Бир амаллаб қолдириб кетамиз.

Вожеватов. Тўхтанглар, жаноблар! Мен тўғрилайман. (Эшикка.) Робинзон!

Робинзон киради.

УНИНЧИ САҲНА

Паратов, Кнуров, Вожеватов, Робинзон

Робинзон. Нима дейсан?

Вожеватов (секин). Парижга борасанми?

Робинзон. Қандай қилиб? Қачон?

Вожеватов. Бугун кечқурун.

Робинзон. Волгага бормоқчи эдик-ку.

Вожеватов. Ўзинг биласан, майли, сен Волгага бор, мен Парижга жўнайман.

Робинзон. Менинг паспортим йўқ-ку, нима бўлади?

Вожеватов. Уёғини менга қўйиб бер.

Робинзон. Қарши эмасман.

Вожеватов. Жуда соз, бу ердан бирга кетамиз, мен сени уйга ташлаб, бир-икки жойга бориб келаман. Сен кутиб турасан, дамнингни ол, ухла, хўпми?

Робинзон. Лўлилар ашуласини ҳам бир эшитиш керак эди-да.

Вожеватов. Яна бу киши артист! Уяле! Лўлилар ашуласи — нодонлик ва жаҳолат! Италия операси ёки шўх бир оперетта бўлганда бошқа гап эди. Сенга шунақаларни эшитиш керак. Ўзинг ҳам ўйнагандирсан, ахир!

Робинзон. Бўлмасам-чи? Мен: «Сайроқ қушчалар» опереттасида ўйнаганман.

Вожеватов. Ким бўлиб?

Робинзон. Нотариус ролида.

Вожеватов. Шундай бир артистнинг Парижга бормаслиги мумкинми? Парижга бориб келганингдан кейин, нархинг роса ошади-да!

Робинзон. Қўлингни бер!

Вожеватов. Борасан-а?

Робинзон. Бораман.

Вожеватов (*Паратовга*). Ҳали «Роберт»дан айтган ашуласини эшитдингми? Бай-бай, хўп овози бор-да!

Паратов. Ҳали бу блан Нижний ярмаркасида кўп иш кўрсатамиз.

Робинзон. Олдин сўраб кўрингчи, ҳали бораманми, йўқми.

Паратов. Нима учун?

Робинзон. Ярмаркаси ҳам жаҳолатни кўп кўраялман.

Паратов. Эҳе, тили чиқиб қолибди-ку!

Робинзон. Европада ҳозир маданиятли кишилар ярмаркама-ярмарка санқиб юрмайди, балки катта-катта шаҳарларга саёҳат қилишади.

Паратов. Ўз муборак қадамингиз блан Европадаги қайси давлат ва қайси шаҳарларни бахтиёр қилмоқчисиз?

Робинзон. Албатта, Парижни-да. Ўзим ҳам кўндан бери бормоқчи бўлиб юрган эдим.

Вожеватов. Биз иккаламиз бугун кечқурун жўнаймиз.

Паратов. Шунақами ҳали, оқ йўл тилайман бўлмаса. Сен, албатта, Парижга боришинг керак. Сен кам эдинг, холос. Айтганча, хўжайин қани?

Робинзон. Ичкарида. Сизларга кутилмаган совға тайёрлаялман деган эди.

Унг томондан Огудалова, Лариса, чап томондан Иван блан Карандишев чиқади.

УНБИРИНЧИ САҲНА

Огудалова, Лариса, Кнуров, Паратов, Вожеватов,
Карандишев, Робинзон, Иван, сўнгра Илья ва
Евфросинья Потаповна киради.

Паратов (Ларисага). Нега сиз бизни ташлаб қўй-
дингиз?

Лариса. Негадир, бироз тобим йўқ.

Паратов. Ҳозир куёвингиз блан дўстликка ичишдик.
Қиёматли дўст бўлдик.

Лариса. Ташаккур. (Паратовнинг қўлини сиқади.).

Карандишев (Паратовга). Серж!

Паратов (Ларисага). Мана кўрдингизми қандай дўс-
тона! (Карандишевга.) Нима дейсан?

Карандишев. Сени биров чақираяпти.

Паратов. Ким экан?

Иван. Лўли Илья бор-ку...

Паратов. Чақир, буёққа.

Иван кетади.

мени кечиринг, мен Ильяни шу ўтиришга чақираяпман.
Илья энг яқин дўстим. Мени қабул қилган уй, дўстларимни
ҳам қабул қилишлари керак. Қоидам шунақа.

Вожеватов (Ларисага оҳиста). Мен янги қўшиқ
биламан.

Лариса. Яхшими?

Вожеватов. Жуда ҳам! «Арғамчию-арғамчи, хо-
ним кавуш киймоқчи».

Лариса. Ғалати-ку.

Вожеватов. Сизга ўргатиб қўяман.

Илья гитараси блан киради.

Паратов (Ларисага). Лариса Дмитриевна, бизни
бахтиёр этишингизни сўрашга ижозат беринг! Битта қў-
шиқ эшитсак. Қўшиғингизни эшитмаганимга тахминан бир
йил бўлди. Эҳтимол бундан кейин ҳеч эшитмасман.

Кнуров. Ижозат этинг, мен ҳам шу илтимосни такрор
этай!

Карандишев. Бўлмайди, жаноблар, бўлмайди. Лари-
са Дмитриевна ашула айтмайди.

Паратов. Сен қасёқдан биласан? Балки, айтиб берар.

Лариса. Афв этингиз, жаноблар, бугун вақти эмас,
овозим ҳам...

К н у р о в. Нима бўлса ҳам, битта қўшиқ айтинг!
К а р а н д и ш е в. Мен айтмайди деганимдан кейин,
айтмайди.

П а р а т о в. Кўрамиз-да. Биз илтимос қиламиз. Ялина-
миз, тиз чўкиб сўраймиз.

В о ж е в а т о в. Мен ҳозир тиз чўкаман. Жуда эпчил-
ман-да.

К а р а н д и ш е в. Йўқ, йўқ, сўраб овора бўлманг, мум-
кин эмас. Мен ижозат бермайман.

О г у д а л о в а. Нима? Ижозат бермасликка ҳаққингиз
йўқ. Тўхтаб туринг, вақт ҳали эрта.

К а р а н д и ш е в. Йўқ дедим, йўқ! Чинакам, ижозат
бермайман!

Л а р и с а. Сиз ижозат бермайсизми? Бўлмаса, айтга-
ним бўлсин, жаноблар!

К а р а н д и ш е в хафа бўлиб бир бурчакка бориб ўтиради.

П а р а т о в. Илья!

И л ь я. Нимани айтаман, яхши қиз?

Л а р и с а. «У севмас эди мени».

И л ь я (*гитарани созлайди*). Бирам созлаш қийинки!
Ажойиб тенор эди-да! (*Лариса блан Илья қўшиқ айтади.*)
Аҳмоқлиги бўлди.

Менга ёр бўлгин; ҳам дилдор бўлгин
Ишқингда ёниб. яшай деганди.
Жилмайиб менга, телмуриб менга,
Жаннат қувончин ва'да қилганди.
Ғариб юракка шундай деганди,
Шўрлик жонимга ва'да қилганди.
Лекин севмасди, кўнглим билганди,
Йўқ, севмасди, оҳ севмасди мени.

Ҳамма ўз шодлигини ҳархил баён қилади: П а р а т о в сочини чан-
галлаб ўтиради: Иккинчи бандга ўтганда Р о б и н з о н қўшилади.

Ғариб кўнглимга ва'да берганди,
Бахтиёр эткум, сени деганди.
Қасам ичканди ишонтирганди,
Мангу севаман сени деганди.
Ширин сўзлар-ла боғлаб қўйганди.
Лекин севмасди кўнглим билганди
У севмасди, йўқ, севмасди мени.

И л ь я (*Робинзонга*). Раҳмат, тўрам, асқатдингиз.

К н у р о в (*Ларисага*). Ҳамолингизни кўриш бахту сао-
дат бўлса, овозингизни эшитиш ҳузуру фароғат.

Паратов (хафа ҳолда). Жинни бўлиб қоламан шекилли! (Ларисанинг қўлини ўпади.)

Вожеватов. Эшитсанг-у жон берсанг, беармон кетасан киши! (Карандишевга.) Сиз эса шундай лаззатдан маҳрум қилмоқчи бўлдингиз-а.

Карандишев. Менинг завқи-дилим ҳам сизникидан кам эмас, жаноблар! Лариса Дмитриевна қўшиқ айтганда завқим жўш уради. Келинг, Лариса Дмитриевнанинг соғлиги учун шампанский ичиб юборайлик!

Вожеватов. Ҳикматли сўзнинг садақаси бўлсанг.

Карандишев (бақриб). Шампанский келтиринг.

Огудалова (оҳиста). Секинроқ, нега бақирасиз?

Карандишев. Кечирасиз, мен ўз уйимдаман. Нима қилаётганимни биламан. (Баланд овоз блан.) Шампанский!

Евфросинья Потаповна киради.

Евфросинья. Тагин қанақа шампанский? Дам ўтмай, уни олиб кел, буни олиб кел!

Карандишев. Бировнинг ишига аралашманг! Буюрганимни бажаринг!

Евфросинья. Бор, ўзинг бор! Оёғимда оёқ қолмади. Эрталабдан бери туз тотмай юрибман-у. (Кетади.)

Карандишев чап эшикка кириб кетади.

Огудалова. Шошманг, Юлий Капитонич!.. (Карандишев орқасидан кириб кетади.)

Паратов. Илья, жўна! Қайиқлар шай бўлсин! Ҳозир етиб борамиз!

Илья ўрта эшикдан чиқиб кетади.

Вожеватов (Кнуровга). Юринг, уни Лариса Дмитриевна блан холи қолдирайлик. (Робинзонга.) Робинзон, қара, Иван коньякни олаяпти.

Робинзон. Мен уни ўлдираман. Коньяксиз қолишдан кўра ўлганим яхши.

Чап эшикка Кнуров, Вожеватов ва Робинзон кириб кетади.

УНИККИНЧИ САҲНА

Лариса ва Паратов

Паратов. Оҳ, гўзал пари! (Ларисага тикилади.) Сиз қўшиқ айтганингизда ўзимга қанча ла'натлар ўқидим!

Л а р и с а. Нима учун?

П а р а т о в. Ахир, менда ҳам юрак бор. Сиздек қимматбаҳо гавҳарни қўлдан бой бериш осонми?

Л а р и с а. Ким айбли, ахир?

П а р а т о в. Албатта мен, сиз ўйлагандан ҳам баттарроқ гуноҳқорман. Мен ўзим-ўзимни ҳарқанча нафратласам ҳам оз.

Л а р и с а. Нега экан, гапиринг?

П а р а т о в. Нега сиздан қочдим. Нималарга овора бўлдим.

Л а р и с а. Нега шундай қилдингиз?

П а р а т о в. Оҳ, нима учун? Бу менинг иродасизлигим. Молу мулкимни қўлга олиш даркор бўлиб қолди. Эй худо, молу мулкдан баландроқ кишимдан, сиздан ажрадим, мана энди ўзимни ҳам, сизни ҳам азобга қўйдим.

Л а р и с а. Тўғриси айтганда, сиз менинг ҳаётимни умрбод заҳарладингиз.

П а р а т о в. Тўхтанг, сабр қилинг, дарров айбга қўйманг! Мен ҳали у даража расво, дағал бўлиб қолганим йўқ. Савдогарлик менга ота мерос эмас. Юрагимда ҳали ҳам олий туйғулар қўзғалиб қўяди. Яна шундай унутилмас дақиқалар...

Л а р и с а (оҳиста). Гапиринг!

П а р а т о в. Бутун давлатимдан кечаман. Ана унда ҳечқандай куч сизни мендан тортиб ололмайди.

Л а р и с а. Нима демоқчисиз, нима истайсиз?

П а р а т о в. Дийдорингизга тўйиш, мунгли овозингизни эшитишни истайман... Эртага жўнайман.

Л а р и с а (бошини қўйи солиб). Эртага!

П а р а т о в. Жозибали овозингизни эшитсам, бутун жаҳонни унутсаму, фақат бир бахт ҳақида хаёл сурсам...

Л а р и с а (оҳиста). Қандай бахт?

П а р а т о в. Сизнинг қулингиз бўлиш бахти. Оёқларингизга бош қўйиш бахти.

Л а р и с а. Хўш, қандай қилиб?

П а р а т о в. Менга қаранг, биз бугун улфатлар қайиққа тушиб, Волгада сайр қилмоқчимиз, сиз ҳам юринг.

Л а р и с а. Бу ердачи?.. Тўғриси нима қилишимни билмай қолдим... Бу ерда нима бўлади кейин?

П а р а т о в. «Бу ер» деганингиз нимаси? Бу ерга ҳозир ола-була шойи кўйлақлар кийган хонимлар ва Карандишевнинг холаси келади, суҳбат эса тузланган қўзиқорин тўғрисида бўлади.

Лариса. Қачон жўнаш керак!

Паратов. Ҳозир.

Лариса. Ҳозир?

Паратов. Ҳозир, бўлмаса ҳечқачон!

Лариса. Кетдик.

Паратов. Ростданми, Волганинг нариги ёғига-я?

Лариса. Истаган жойингизга.

Паратов. Биз блан, ҳозир-а?

Лариса. Қачон десангиз ҳам.

Паратов. Иқрор бўлайки, бундан ортиқ мурувват бўлишини ҳаёлимга келтираолмайман. Гўзал хилқат! Маликам!

Лариса. Сиз менинг ҳокимим!

Огудалова, Кнуров, Вожеватов, Робинзон,
Карандишев, Иванлар чиқади. Иван қўлидаги патнусда
стаканлар шампанский блан тўлдирилган.

ЎНУЧИНЧИ САҲНА

Огудалова, Кнуров, Лариса, Паратов, Карандишев
Вожеватов, Робинзон, Иван

Паратов (*Кнуров блан Вожеватовга*). Борадиган бўлди.

Карандишев. Азизлар, мен Лариса Дмитриевна шарафига қадаҳ кўтаришингизни таклиф қиламан. (*Ҳамма стакан олади.*) Азизлар, ҳозир сиз Лариса Дмитриевнанинг сан атига қойил бўлдингиз, сизларнинг мақтовларингиз — бу киши учун янгилик эмас. Қулай фурсат топганда кўзига телмуриб туриб мақтовчи жазманлар ёшлигидан етарлик, мўл. Бу киши чинакам қобилиятларга эга. Мен фақат қобилиятлари учун мақтамоқчи эмасман, Лариса Дмитриевнанинг бебаҳо бир хосияти шундаки, азизлар, бебаҳо хосият, азизлар...

Вожеватов. Адашиб қолди.

Паратов. Ёдланган гап, ҳозир топиб олади.

Карандишев. Шундаким, азизлар, бу киши одамнинг қадрига етади ва одам танлай олади. Лариса Дмитриевна ялтираган буюмнинг ҳаммаси олтин эмаслигини яхши билади. Олтин блан ҳал қоғознинг фарқига етади. Анча ялтироқ йигитчалар қуршаб олишган ҳам эди, лекин бу киши усти ялтироқ, ичи қалтироқлардан қочдию, ялтироқ бўлмаса ҳам, ўзи учун муносиб кишини ахтарди...

Паратов. Баракалла, баракалла.

К а р а н д и ш е в. Топиб олди ҳам.

П а р а т о в. Я'ни сизни! Баракалла, баракалла!

В о ж е в а т о в в а Р о б и н з о н. Баракалла, баракалла!

К а р а н д и ш е в. Шундай, азизлар, менинг фахрлани-
шимга фақат жур'атим эмас, ҳатто ҳақим бор, фахрланаман
ҳам. У менинг дардимга тушунди, қадримга етди. Ҳаммадан
юқори кўрди. Кечирасиз, азизлар, менинг бу сўзларим ҳам-
мага ҳам ёқавермаса керак. Лекин, мени ҳаммадан афзал кўр-
гани, манзур қилгани учун жамоат олдида Лариса Дмитри-
евнага ташақкур айтишни қарз ва фарз деб биламан.
Азизлар, қаллиғим соғлиги учун қадаҳ кўтараман ва сиз-
ларга ҳам кўтаришни таклиф қиламан!

П а р а т о в, В о ж е в а т о в, Р о б и н з о н. Урра, урра!

П а р а т о в (К а р а н д и ш е в га). Винодан яна борми?

К а р а н д и ш е в. Бўлса керак. Нега бўлмасин! Нима-
лар деясан сен? Мен бўламану топмай қўяманми?

П а р а т о в. Яна бир қадаҳ кўтариш керак бўлиб қолди.

К а р а н д и ш е в. Қандай?

П а р а т о в. Бандаларнинг энг бахтиёри бўлмиш Юлий
Капитонич Карандишев соғлиги учун.

К а р а н д и ш е в. А, бундай дегин, сен таклиф қилмоқчи-
мисан. Таклиф қилмасанг ҳам бўлмасди, Серж! Мен бориб
ҳаракат қилай, топиб келаман. (Кетади.)

К н у р о в. Ҳарнарсанинг ози соз. Хайр бўлмаса. Мен
бориб овқат қиламану, тўғри ўша ерга бораман. (Хотинлар-
га та'зим қилади.)

В о ж е в а т о в (ўрта эшикни кўрсатиб). Мана бу ер-
дан кетинг, Мокий Парменич, тўғри кўча эшикка чиқасиз,
ҳечким кўрмайди...

К н у р о в кетади.

П а р а т о в (В о ж е в а т о в га). Биз ҳам жўнаймиз. (Лари-
сага.) Қани бўлинг.

Л а р и с а ўнг томонга кетади.

В о ж е в а т о в. Қадаҳни кутмасдан-а?

П а р а т о в. Шуниси ма'қул.

В о ж е в а т о в. Нима учун?

П а р а т о в. Тагин масхара бўлади.

Қўлида шляпаси блан Л а р и с а чиқади.

В о ж е в а т о в. Усиз ҳам роса масхара бўлди. Робинзон,
қани кетдик.

Робинзон. Қаёққа?

Вожеватов. Уйга, Париж тайёрлигини кўрайлик.

Робинзон ва Вожеватов та'зим қилиб чиқиб кетадилар.

Паратов (Ларисага секин). Кетдик! (Чиқиб кетади.)

Лариса. Яхши қол, ойи!

Огудалова. Сенга нима бўлди? Қаёққа?

Лариса. Ё хурсанд бўласан, ёки жасадимни Волгадан топасан.

Огудалова. Худо сақласин, нима бўлди?

Лариса. Ма'лум бўлдими, тақдирдан қочиб бўлмас экан. (Кетади.)

Огудалова. Оқибатини қаранг! Ёппасига қочишди. Эҳ Лариса!.. Орқасидан борайми?.. Йўқ, керак эмас! Нима бўлса ҳам кўпчилик орасида-ку. Бу ер-чи, ташлаб кетишга арзийдиган ер, бало ҳам урмас.

Карандишев ва Иван киради.

Иваннинг қўлида бир шиша шампанский.

УНТУРТИНЧИ САҲНА

Огудалова, Карандишев ва Иван, сўнгра
Евфросинья Потаповна

Карандишев. Мен, жаноблар... (Уйни кўздан кечириб.) Қани улар? Кетиб қолишдимми? Мана сенга назокат! Нима ҳам дейиш мумкин, майли, кўнгилдагидай бўпти! Қизиқ, қачон улгуришди-я! Сиз ҳам, кетсангиз керак? Йўқ, сиз Лариса Дмитриевна блан бироз тўхтанг, хафа бўлдингизми? Биладан! Яна яхши! Нуқул оила а'золари қолибмизда... Лариса Дмитриевна қани? (Унгдаги эшикка бориб.) Холажон, Лариса Дмитриевна сизнинг ёнингиздами?

Евфросинья (чиқиб). Ҳечқандай Лариса Дмитриевна менинг ёнимда йўқ.

Карандишев. Бу нима деган гап ўзи? Иван, бу жаноблар ва Лариса Дмитриевна қаёққа гойиб бўлди?

Иван. Лариса Дмитриевна ҳам ўша жаноблар блан бирга кетган бўлса керак... Чунки, улар Волга сайлига боришмоқчи эдилар.

Карандишев. Волгага дейсанми?

Иван. Бутун идиш-товоқ ва винолар бизнинг қовоқхонадан кетди. Хизматкорлар ҳам олишган, ҳаммаси жойида.

К а р а н д и ш е в (ўлтириб бошини ушлаб). Бу қандай гап, бу қандай гап.

И в а н. Лўлилар, музика дейсизми, ҳаммаси шай!

К а р а н д и ш е в (қизишиб). Қизингиз қани, Харита Игнатъевна, жавоб беринг менга, қизингиз қани?!

О г у д а л о в а. Мен қизимни сизнинг уйингизга олиб келган эдим, Юлий Капитонич. Сиз менга жавоб беринг, қизим қани?

К а р а н д и ш е в. Биламан, сиз ҳаммангиз олдиндан келишиб тил бириктириб қўйгансиз. (Ийғламсираб.) Ҳақорат, чидаб бўлмайдиган ҳақорат.

О г у д а л о в а. Тантана қилишга ҳали вақт эрта.

К а р а н д и ш е в. Масхара... Тўғри, масхара одамман, буни ўзим ҳам биламан, ахир масхара деб жазолаш мумкинми ўзи, яхши, мен ғалатиман. Майли кул, лекин кўзимга тикилиб тўғри қараб кул, уйимга келинглар, виноларимни ичинглар, сўкинглар, мазах қилинглар, мен шунга арзийдиган кишиман. Брок, масхара одамнинг кўксини ёриб, юрагини суғуриб, оёқ остига ташлаб топташ, ўҳ, қандай азоб, қандай яшай оламан!

Е в ф р о с и н њ я П о т а п о в н а. Бўлди, ўзингни бунча қийнайсан, қўявер!

К а р а н д и ш е в. Ахир, улар ўғрилар эмас, тупша-тузук одамлар-ку, ҳаммаси Харита Игнатъевнанинг яқинлари...

О г у д а л о в а. Мен ҳечнимани билмайман.

К а р а н д и ш е в. Йўқ, сиз ўша қароқчилар тўдасидансиз, тил бириктириб қўйгансиз, Харита Игнатъевна, шуни билингни, ҳарқандай ёввош одамни ҳам кутуртириб юбориш мумкин. Жиноятчиларнинг ҳаммаси ёвузлар эмас, ёввош одам ҳам бошқа йўл қолмагандан кейин жиноятга қадам қўяди. Бу ёруғ дунёда менга номус кучи ўзимни осиб ўлдириш ёки ўч олиш қолган экан, мен ўч оламан. Энди мен учун қўрқиш, қонун, аяш деган гап йўқ. Омонсиз ғазаб ва ўч ташналиги мени бўғмоқда, мен ҳаммасидан бирма-бир ўч оламан, то ўзимни ўлдирмагунларича, ўлдиравераман. (Столдан тўппончани олиб чопиб чиқиб кетади.)

О г у д а л о в а. Нима олди у?

И в а н. Тўппонча.

О г у д а л о в а. Чоп орқасидан, чоп, дод сол, ушла деб бақир!

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўринишнинг декорацияси: Ёзнинг ёруғ кечаси:

БИРИНЧИ САХНА

Иван ва Робинзон.

Робинзоннинг қўлида чўп. Қовоқхонадан чиқишади.

Иван. Чўпни буёққа беринг!

Робинзон. Бермайман. Мен блан ўйна! Нима учун ўйнамайсан?

Иван. Қандай қилиб ўйнайман, пулни тўламасангиз?

Робинзон. Кейин бераман. Пулларим Василий Даниличда эди, олиб кетиб қолибди. Наҳотки ишонмасанг?

Иван. Нима учун улар блан бирга сайр қилгани бормадингиз?

Робинзон. Ухлаб қолибман: у бўлса уйқумни безовта қилишга жур'ат этолмапти, тушундингми, ўзи кетаверипти. Қани, ўйнайлик.

Иван. Йўқ, бу ўйин эмас. Мен пул қўяман, сиз қўймайсиз. Ютсангиз оласизу, ютқизсангиз бермайсиз. Пул қўйинг!

Робинзон. Нима, қарз қилишга ўйнамайсанми, мен блан-а? Вожабо! Бундай шаҳарни умримда биринчи марта кўраяпман... Мен ҳамма ерда, бутун Россияда қарз олганим-олган.

Иван. Бунга ишонаман, нима сўрасангиз йўқ демайман; жаноби Сергей Сергеич блан Василий Данилични жуда яхши таниганимиздан қарз беришга мажбурмиз, лекин ўйинга нақд пул керак-да!

Робинзон. Мана бундай демайсанми. Ма, чўпингни ол, менга бирор шиша... ҳалиги...

Иван. Яхшигина портвейн бор.

Робинзон. Арзонини ичмайман.

Иван. Сизга арзонини берармидик.

Робинзон. Иннайкейин... менга, ҳалиги... нима эди, пишириб беришсин... ҳа, ҳа... нима эди...

Иван. Бедана қовуриб бериш мумкин, ма'қулни?

Робинзон. Майли, худди ўзи?

Иван. Хўп бўлади. (Кетади.)

Робинзон. Мени калака қилишмоқчи бўлишади. Майли, мен уларни бир калака қилай. Алам қилганидан йигирма сўм қарз ортдириб қўяман, менга нима, ўзлари тўлашади. Улар мени улфатчиликларига зор деб ўйласалар керак. Янглишадилар. Менга пул бўлса бас, ўзим ёлғиз бўлсам ҳам зерикиб қолмайман. Биронта лақиллагандан жиндак пул ундиришни иложи бўлганда эди...

Иван бутилка блан киради.

Иван (бутилкани қўйиб). Бедана қовурилаяпти.

Робинзон. Мен бу ердаги театрни ижарага олмоқчиман.

Иван. Жуда соз.

Робинзон. Буфетини кимга топширишни билмаяман, хўжайининг олмасмикан?

Иван. Нега олмасин.

Робинзон. Яхши тутиш шарти блан бераман-да! Ишонч учун ҳозир бироз пул бериш керак бўлади!

Иван. Йўқ, пул бермаса керак. Мулла бўлиб қолди, иккитаси келиб тушириб кетган.

Робинзон. Иккитаси дейсанми? Иккитаси тушириб кетган бўлса...

Иван. Учинчисига ишонмас.

Робинзон. Қандай одамлар-а! Ҳайронман. Ундириш мумкин бўлган жойдан — аллақачон ундириб кетишипти, пойқадамлари етмаган ҳечқаер қолмапти. Ҳа, майли, кераги йўқ. Унча муҳтожлигим ҳам йўқ. Сен унга бирон нарса деб ўтирма тагин, бу ҳам алдамоқчи экан деб юрмасин, менинг қанақа одамлигимни ўзинг биласан.

Иван. Шунақаку-я... Бугун жаноби Карандишев меҳмонларнинг бирдан кетиб қолганига шундай аччиғландиларки, ҳатто кимнидир ўлдирмоқчи бўлиб тўппонча олиб чиқиб кетдилар!

Робинзон. Тўппонча олиб? Яхши бўлмапти.

Иван. Маст эди: ўйлайман ҳовридан тушиб қолар деб. Бульвардан ҳам икки марта ўтдилар... Ана, тагин келаяптилар.

Робинзон (Қўрқиб). Тўппонча дейсанми? Кимни ўлдирмоқчи — мени эмасдир?

Иван. Унисини билмадим. (Кетади.)

Карандишев киради, Робинзон шиша орқасига яширинишга уринади:

ИККИНЧИ САҲНА

Робинзон, Карандишев сўнгра Иван

Карандишев (Робинзонга яқинлашиб). Ўртоқларингиз қани, Робинзон афандим?

Робинзон. Қанақа ўртоқларим? Менинг ўртоқларим йўқ.

Карандишев. Меникида сиз блан бирга зиёфат еган жаноблар-чи?

Робинзон. Қанақа ўртоқлар бўлсин улар... шундайки кўз таниш ошналар эди, холос.

Карандишев. Ҳозир қаердаликларини билмай-сизми?

Робинзон. Билмайман. Мен ўша улфатлардан мумкин қадар узоқлашмоқчиман. Мен қўй оғзидан чўп олмаган бир бандай мўминман... Хотин, бола-чақам ҳам бор, билсангиз.

Карандишев. Хотин, бола-чақа?

Робинзон. Чуғурчуқларимнинг сон-саноғи йўқ... тинч оилавий ҳаёт менинг учун ҳамма нарсадан афзалроқ; хафгарчилик, жанжаллардан худо сақласин, мен ҳам суҳбатни севаман, фақат бама'ни ва ақлли гап бўлса... Масалан, сан'ат ҳақида... Мана сизга ўхшаш гапга тушунадиган олижаноб одам блан гаплашишим, ҳатто жиндак ичишим ҳам мумкин, қуяйми? Нима дейсиз?

Карандишев. Истамайман.

Робинзон. Ихтиёрингиз. Ишқилиб бемазагарчилик рўй бермаса бас.

Карандишев. Ахир, қаердаликларини сиз билишингиз керак.

Робинзон. Бирон жойда кайф қилишаётгандир-да. Бошқа нима ҳам ишлари бор дейсиз.

Карандишев. Волганинг нариги ёғига кетишган дейишади, ростмикан?

Робинзон. Эҳтимолдан узоқ эмас.

Карандишев. Сизни чақаришгани йўқми?

Робинзон. Йўқ, мен оилали кишиман.

Карандишев. Қачон қайтишар экан?

Робинзон. Үзлари ҳам билишмаса керак. Менимча эрталаб келишар.

Карандишев. Эрталаб?

Робинзон. Балки вақтлироқ қайтишар.

Карандишев. Нима бўлса ҳам кутишим керак; ба'зибири блан гаплашиб олмоғим даркор.

Робинзон. Чинакам кутмоқчи бўлсангиз дар'ё бўйига боринг. Бу ерга келармиди дейсиз. Дар'ё бўйидан тўғри уйларига кетишади. Бошқа нима ҳам керак! Қоринлари бўлса тўқ.

Карандишев. Дар'ё бўйи кенг, ахир! Қайси ерида кутай?

Робинзон. Қайси ерда кутсангиз кутингу, фақат бу ерда кутманг. Бу ерда кутишнинг фойдаси йўқ.

Карандишев. Майли, мен дар'ё бўйига бораман, Яхши қолинг. (Робинзонга қўлини бериб.) Мени кузатиб кўёлмайсизми?

Робинзон. Йўқ, хафа бўлмайсиз. Мен оналик кишиман, дедиму.

Карандишев кетади.

Иван, Иван!

Иван чиқади.

Овқатни ичкарига олиб кир, винони ҳам!

Иван. Ичкари, афандим, жуда дим. Бу қандай эрк-сизлик! Нимага ўзингизни бўғасиз!

Робинзон. Майли, кечки ҳаво мижозимга тўғри келмайди. Доктор ман' этган, иннайкейин, ҳалиги жаноб сўраб келса «йўқ» дегин, хўпми? (Қаҳвахонага кириб кетади.)

Қаҳвахонадан Гаврило чиқади.

УЧИНЧИ САҲНА

Гаврило блан Иван

Гаврило. Сен Волга томонга қарадингми, бизникилар кўринмайдими?

Иван. Келишганга ўхшайди.

Гаврило. Қаердан билдинг?

Иван. Пастдан шовқин-сурон эшитилаяпти, лўлилар чуғурлашиб қолишди. (Столдан ишшаларни олиб қаҳвахонага кириб кетади.)

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Гаврило, Илья, лўлилар ва лўли хотинлар.

Гаврило. Қалай, яхши бўлдими?

Илья. Маза! Шундай яхши бўлдики, ҳеч қўявер.

Гаврило. Хўжайинлар хурсанд бўлишдими?

Илья. Роса хурсандчилик бўлди. Қулинг ўргилсин сайл. Худо умрларини берсин. Буёққа келишаяпти, туни бўйи базм бўлади, кўрасан ҳали.

Гаврило (*қўлини ишқаб*). Қани, кириб ўлтиринглар! Хотинларга чой буюраман, сизлар жиндак овқатланиб олинглар.

Илья. Кампирларга чойга ром қўшиб беришсин, айт! Яхши кўришади!

Илья, лўлилар ва лўли хотинлар, Гаврило қаҳвахонага кириб кетадилар. Кнуров блан Вожеватов киради.

БЕШИНЧИ САҲНА

Вожеватов блан Кнуров.

Кнуров. Можара бошланаяпти дейман.

Вожеватов. Шунақа шекилик.

Кнуров. Мен Лариса Дмитриевнанинг кўзларида ёш кўриб қолдим.

Вожеватов. Улар сал нарсага кўз ёши қиладилар, бу уларга одат.

Кнуров. Нима десангиз ҳам аҳволини ҳавас қилиб бўлмайди.

Вожеватов. Бир нима бўлиб тўғриланиб кетади.

Кнуров. Кўзим етмай қолди-да.

Вожеватов. Карандишев жиндак хафа бўлади, бошини ҳарёнга уради, кейин, яна эски аслига тушиб қолади!

Кнуров. Энди қиз, илгариги қиз эмас, бу ёғи ҳам бор-да... Тўй арафасида куёвни ташлаб кетиш учун асос керак, ахир. Ўзингиз ўйлаб қаранг, Сергей Сергеич бир кунга келди. Қиз эса, бутун умри бирга ўтадиган куёвни ташлаб уни деб кетди. Бундан чиқадики, қизнинг ҳали ҳам Сергей Сергеичдан умиди бор экан. Бўлмаса, уни нима кераги бор эди.

Вожеватов. Демак, яна алдаган, яна авраган, шундайми?

Кнуров. Худди шундай. Жуда-жуда жиддий вадалар

берган бўлса керак. Бўлмаса, қандай қилиб бир мартаба алдаб кетган кишининг сўзига яна учади.

Вожеватов. Хеч қиси йўқ. Сергей Сергееч нимани ўйласа, дадил, қўрқмай қиладиган одам.

Кнуров. Минг дадил бўлганда ҳам, миллионлик келинни ташлаб Лариса Дмитриевнага уйланиб бўпти.

Вожеватов. Бўлмасам-чи! Нима наф кўрарди дейсиз?

Кнуров. Инсоф қилиб айтинг, қиз шўрликка жавур!

Вожеватов. Иложи қанча! Бизда айб йўқ, биз холис одамлар.

Қаҳвахона зинапоясида Робинзон кўринади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Кнуров, Робинзон, Вожеватов

Вожеватов. О... Азизим, милорд! Тушингда нима-ларни кўрдинг!

Робинзон. Ҳозир ўнгимда кўриб турган пулдор аҳмоқларни кўрдим.

Вожеватов. Хўш, пулсиз доно, бу ерларда нима қилиб юрипсиз?

Робинзон. Маза қилиб юрибман. Сенинг ҳисобингга кайф қилиб юрибман. Бундан яхши нима бор?

Вожеватов. Сенга кишининг ҳаваси келади. Хўш, қачонгача шу зайилда умр ўтказмоқчисан?

Робинзон. Бундай қарасам — тентакка ўхшайсан! Ўйлаб кўрчи! Қандай қилиб бунчалик гаштдан воз кечай.

Вожеватов. Эсимда йўқ: хазинамнинг калидини сенга бермаган бўлсам керак?

Робинзон. Ахир, Парижга олиб кетмоқчи эдинг-ку — барибир эмасми?

Вожеватов. Бўлмаган гап! Мен берган ва'дамнинг устидан чиқаман. Мен учун ва'да — қонун. Айтдимми — бас. Ё бирон марта бировни алдаган жойим борми?

Робинзон. То сен Парижга олиб кетгунигча очимдан ўлайми?

Вожеватов. Бу тўғрида келишмовдик. Парижга эса, ҳозир десанг ҳам, тайёрман.

Робинзон. Кеч қолдик, эртага жўнаймиз, Вася.

Вожеватов. Эртага бўлса эртага. Менга қара, яхшиси ўзинг борақол. Бориш, келиш кирангни тўлайман.

Робинзон. Нега, ёлғиз адашиб қоламан?!

Вожеватов. Олиб бориб қўйишади.

Робинзон. Биласанми Вася, француз тилини унча билмайман, ўрганай десам ҳеч вақтим йўқ.

Вожеватов. Француз тилининг нима кераги бор сенга?

Робинзон. Тавба, Париж бўладику, француз тилининг кераги бўлмас эмиш.

Вожеватов. Ҳечҳам кераги йўқ. У ерда ҳечким француз тилини билмайди.

Робинзон. Франциянинг пойтахти бўлсину — французча гапиришмасин! Мени аҳмоқ деб ўйлайсанми?

Вожеватов. Қанақа пойтахт! Калданг жойидами ўзи? Қанақа Парижни ўйлаяпсан? Анов кўчада «Париж» деган қовоқхона бор, сени ўша ерга обормоқчи эдим, холос.

Робинзон. Ўлма, ўлма биродар!

Вожеватов. Сен ҳали чинакам Парижга деб ўйлаб-мидинг? Бироз бўлса ҳам, мана буни ишлатиш керак. Яна ўзингни ақллик кишилар қаторига қўшасан. Хўш, нима учун сени Парижга олиб борарканман? Нима учун? Қафасга солиб маймун ўйнатармидим?

Робинзон. Яхши мактаб кўрган экансан, Вася! Сендан яхши савдогар чиқади...

Вожеватов. Ҳа, ҳа, одамларнинг гапига қараганда шунақа!

Кнуров. Қўйинг, Василий Данилич! Сизга гапим бор.

Вожеватов. Хўш, марҳамат! (Яқинлашади.)

Кнуров. Мен боятдан бери Лариса Дмитриевна тўғрисида ўйлаб ўтирибман. Билсангиз, ҳозир у шундай аҳволдаки, биздай яқин кишилар унинг тақдири масаласига аравашмоғимиз фарзу қарз.

Робинзон қулоқ солади.

Вожеватов. Я'ни қизни Парижга бирга олиб кетиш учун қулай фурсат келди демоқчисиз, шундайми?

Кнуров. Малол келмаса, худди шундай демоқчи эдим.

Вожеватов. Хўш, нимага қараб ўлтирибсиз? Ким халақит берапти?

Кнуров. Сиз менга халақит бераяпсиз, мен сизга. Балки сиз рақибликдан қўрқмайдигандирсиз? Мен ҳам шундай. Ҳарнечук ўнғайсиз бўлади. Оранинг тоза бўлиши яхши-да.

Вожеватов. Хавотир олманг, мен ҳақ сўрамайман. Марҳамат, Мокий Парменич.

Кнуров. Ҳақнинг нима ҳожати бор? Бир бало қилиш мумкин.

Вожеватов. Энг яхшиси... (Чўнтагидан чақа олиб кафтига бекитади.) Ўнгми, терс?

Кнуров (хаёл суриб). Агар ўнг десам ютқизаман, чунки ўнг — сизсиз. (Қат'ий.) Терс!

Вожеватов (қўлини очиб). Сизга. Демак, Парижга ёлғиз кетаман. Майли, харажат озроқ бўлади.

Кнуров. Фақат, Василий Данилич, сўздан қайтиш йўқ. Сўздан қайтган номард, эсингиздан чиқмасин, сиз савдогарсиз, берилган сўзнинг нима эканини тушунишингиз керак.

Вожеватов. Сиз мени хафа қилаяпсиз. Савдогар сўзнинг қадрини ўзим ҳам биламан. Мен, Робинзон блан эмас, сиз блан муомала қилаяпман.

Кнуров. Ана, Сергей Сергееч Лариса Дмитриевна блан келаяпти! Юринг қаҳвахонага кириб турайлик. Уларга халақит бермайлик.

Кнуров, Вожеватов қаҳвахонага кириб кетадилар,
Паратов ва Лариса киради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Лариса, Паратов, Робинзон.

Лариса. Уҳ, бирам чарчадимки, мадорим қуриди. Тепаликдан зўрға чиқдим. (Саҳна орқасидаги, панжара ёнидаги скамейкага ўтиради.)

Паратов. Ҳа, Робинзон! Хўш, Парижга қачон жўнайдиган бўлдинг?

Робинзон. Ким блан? Савдогар блан сафарга чиқмайман. Лекин сен блан истаган жойингга бораман. Савдогарлардан ихлосим қайтди.

Паратов. Нима бўлди тагин?

Робинзон. Таги паст бўларкан!

Паратов. Йўғ-э? Энди билдингми?

Робинзон. Аввалдан билардим. Мен оқсуякларгагина қойилман, холос.

Паратов. Бу сенинг мартабангни ортдиради, Робинзон. Аммо, бевақт гердайяпсан. Шароитга қараб ўзгариб туришинг керак бўлади, бечора дўстим! Ма'рифатлик ҳомийларнинг даври ўтиб кетди. Ҳозир буржуазия тантанаси.

Сенинг ақлу хушингни олиб, ўз қайғу аламларини тарқатмоқ учун, кайфу сафоларининг ўйинчоғи қилиб қўядилар. Бочкаларига солиб тепадан думалатадилар, винога қора мой аралаштириб ичирадилар! Сен кетма, менга ҳали керак бўлиб қоласан.

Робинзон. Сенинг учун ўтга ҳам кираман, сувга ҳам. (Қаҳвахонага кириб кетади.)

Паратов (Ларисага). Энди бизнинг кўнглимизни очганингиз, ором берганингиз учун — йўқ бу оз, тўғриси, бизни бахтли қилганингиз учун — ташаккур изҳор этишга ижозат беринг.

Лариса. Йўқ, йўқ, Сергей Сергеич, қуруқ гапнинг кераги йўқ менга. Сиз менга фақат шуни айтинг: мен сизнинг хотинингизманми — йўқми?

Паратов. Аввало, Лариса Дмитриевна, сиз уйингизга боришингиз керак, бу тўғрида эртага бафуржа гаплашармиз.

Лариса. Мен уйимга кетмайман.

Паратов. Бу ерда қолишингиз ҳам мумкин эмас. Қундузи биз блан бирга Волгани сайр қилишингиз айб эмас. Брок, шаҳар марказидаги қовоқхонада расво кишилар блан туни бўйи маишат қилиш яхши бўлмас. Гап-сўз бўласиз.

Лариса. Гап-сўз блан ишим йўқ! Сиз бор жойда мен бўлишим мумкин. Мени уйдан сиз олиб кетгансиз, энди ўзингиз уйимга элтиб қўясиз.

Паратов. Извошимда элтиб қўяди. Барибир эмасми?

Лариса. Йўқ, барибир эмас. Сиз мени куёвимдан ажратиб олиб кетдингиз. Сиз блан бирга кетганимни онам кўрди — ташвиш тортмайди. Нақадар кеч қолганимда ҳам хавотир бўлмайди, чунки сизга ишонади... Сиз блан бирга келишимизни кутиб ўтиради... Қутламоқ, фотиҳа бермоқ учун бизни кутади... Мен ё сиз блан бирга боришим керак, ё бутунлай кўзга кўринмаслигим керак.

Паратов. Нима? Нима? «Бутунлай кўринмаслигим», бу нима деганингиз? Уйга бормай қаерга борасиз?

Лариса. Бахтсиз кишилар учун бу оламда жой кўп. Мана боғ, мана дар'ё. Бу дарахтзорнинг ҳарбир шохига осилиб ўлмоқ мумкин, Волгадан истаган жойингни танлай оласан. Чинакам тилагинг ўлиш бўлса, чўкиб кетиш жуда осон.

Паратов. Буни қаранг-а, ажойиб хаёл!.. Сизнинг узоқ умр кўришингиз мумкин, ахир! Мумкин ва керак. Сизни ким ҳурмат қилмайди. Севишдан ким бош тортади! Яна ўша

куёвингиз, жиндак эркалатиб күйсангиз, бояги-бояги, яна кўзида тўтиёсиз.

Лариса. Нима деяпсиз?! Мен эримни севмасам ҳам, лоақал, ҳурмат қилишим керак бўлади. Ахир, масхара ва хақоратларни чурқ этмай кўтараверадиган кишини қандай ҳурмат қилай! Тамом бўлди. Менга унинг кераги йўқ. Менинг куёвим битта, у ҳам бўлса сиз!

Паратов. Кечиринг, сўзларимга хафа бўлманг, аммо менга шундай талаблар қўйишга ҳаққингиз бормикин?

Лариса. Нима деяпсиз?! Эсингиздан чиқдими ҳали?! Ундай бўлса бошдан-оёқ эсингизга солай. Бир йилгача сизни унутаолмадим, азоб чекдим, умрим хазон бўлабошладим. Кейин Карандишевга, тўғриси, биринчи дуч келган кишига эрга тегишга қарор қилдим. Тирикчилик блан овора бўлиб ўрганиб кетарман, деб ўйловдим. Бу орада сиз пайдо бўлдингиз: «Барчасидан воз кеч, мен сеники, дедингиз», айтинг ёлғонми? Айтинг, шулар менга ҳақ бераолмайдими? Мен, сўзларингизни чеккан азобларим бадалига айтилган юрак сўзлари деб ўйловдим.

Паратов. Гапларингиз ҳақ, қолганини эртага гаплашамиз.

Лариса. Йўқ, ҳозир гаплашайлик, шу топда.

Паратов. Ҳали шунақами?

Лариса. Шунақа!

Қаҳвахона эшигидан Кнуров, Вожеватов кўринади.

Паратов. Кечирасиз, менга қаранг, Лариса Дмитриевна, сиз бир нафаслик ишқибозликка овора бўлмоқчимисиз?

Лариса. Бўламан, ишқибозлик қўлимдан келади.

Паратов. Йўқ, мен бундай демоқчи эмас эдим; қани айтинг-чи: қўл оёғи занжирлар блан чамбарчас боғланган бир киши, бутун оламини ва ўзининг ҳақиқатини, занжирларини унутиб, ишқ фароғатига фарқ бўлиши мумкинми?

Лариса. Хўш, нима бўпти? Эсдан чиқарса яхши-да.

Паратов. Бу ички ҳиссиёт жуда яхшику-я, бу ҳақда лом ҳам демоқчи эмасман. Броқ, узоққа бормайди. Ишқибозлик эҳтиросларининг алангаси тезда ўчади, ана унда соғлом тушунча ва кишан-кишанлигича қолади. Соғлом тушунча дейдики: «Кишанларни парчалаш мушкул, бу кишанлар узилмас кишанлардир».

Лариса (ўйланиб). Узилмас кишанлар! (Тез.) Хотинингиз борми?

Паратов. Йўқ.

Лариса. Бас, бошқа кишанлар тўғоноқ бўлмайди. Барча оғирликни иккимиз бирга тортамыз, ҳатто оғирроқ томонини ўзим оламан.

Паратов. Мен унашиб қўйганман.

Лариса. Оҳ!

Паратов (*унашилганлик аломати бўлган тилла узукни кўрсатиб*). Мана, мени умрбод ўз исканжасига олган олтин кишан, мана шу.

Лариса. Нега шу вақтгача айтмадингиз? Нақадар пастлик, раҳмсизлик! (*Стулга ўтириб қолади.*)

Паратов. Сизни кўрганда эсимга ҳечнарсга келмай қолди. Сизни кўрдиму ҳамма нарсани унутдим.

Лариса. Менга қарангчи! (*Паратов қарайди.*) «Кўзларинг осмондек мовий ва порлоқ» ҳа, ҳа, ҳа! (*Беихтиёр кулади.*) Йўқолинг кўзимдан! Бас! Мен ўз тақдирим ҳақида ўзим ўйлаб кўраман. (*Бошини қўллари орасига олади.*)

Кнуров, Вожеватов, Робинзон қаҳвахона айвончасига чиқадилар.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Паратов, Лариса, Кнуров, Вожеватов ва Робинзон.

Паратов (*қаҳвахонага яқинлашиб*). Робинзон, бор менинг аравамни топ. Шу атрофда тургандир. Лариса Дмитриевнани уйига элтиб қўясан.

Робинзон. Ля-Серж! Шу ерда у, тўппонча кўтариб юрибди.

Паратов. Ким «у»?

Робинзон. Карандишев.

Паратов. Нима қилай юрса!

Робинзон. Мени ўлдириб қўяди.

Паратов. Олла, катта иш бўлар экан-да, бўлмас! Буюрганимни адо эт! Ортиқча сўзнинг ҳожати йўқ, мен бунақасини ёқтирмайман, Робинзон!

Робинзон. Ростдан айтаяпман, мени у блан бирга кўрдими албатта ўлдириши турган гап.

Паратов. Ўлдирадими, йўқми, ҳали номаълум; лекин буйруғимни бажармасанг, ўзим ўлдираман сени. (*Қаҳвахонага кириб кетади.*)

Робинзон (*дўқ уриб*). О, ваҳшийлар, қароқчилар! Расво улфатлар орасига кириб қолган эканман! (*Кетади.*)

Вожеватов Ларисага яқинлашади.

Л а р и с а (*Вожеватовни кўздан кечириб*). Вася, мен ҳа-лок бўлаяпман.

В о ж е в а т о в. Лариса Дмитриевна! Жонгинам, нима қилайлик! Иложи йўқ.

Л а р и с а. Вася, бир-биримизни болаликдан таниймиз. Ака-сингилдек бўлиб қолганмиз, нима қилай, йўл кўрсат.

В о ж е в а т о в. Лариса Дмитриевна, сизни ҳурмат қиламан ва хурсанд бўлиб... Нима қилайки қўлимдан ҳечнарс келмайди. Сўзимга ишонинг.

Л а р и с а. Сендан ҳечнарс талаб қилаётганим йўқ, Вася. Фақат менга раҳм қилишингни сўрайман, холос. Ҳеч бўлмаса бирга йиғлашгин.

В о ж е в а т о в. Иложим йўқ, Лариса Дмитриевна.

Л а р и с а. Нима, сен ҳам занжирбандмисан?

В о ж е в а т о в. Кишанга тушганман, Лариса Дмитриевна.

Л а р и с а. Қандай?

В о ж е в а т о в. Сўз берганман. Ҳақиқий савдогар сўзи. (*Қаҳвахонага томон юради.*)

К н у р о в (*Ларисага яқинлашиб*). Лариса Дмитриевна, қулоқ солинг менга, лекин хафа бўлманг. Дилингиизга озор бериш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Мен сизга умр ва бахт тилайман, холос. Сиз — шунга арзийсиз. Сиз, мен блан Париж кўргазмасига боришни хоҳламайсизми?

Л а р и с а боши блан «йўқ» ишорасини қилади.

Маломатдан кўрқманг, маломат бўлмайди. Маломат ўтолмайдиган чегаралар ҳам бор.

Л а р и с а бошини бошқа томонга буриб олади.

Мен сизни шундай давлат, молу-мулкка кўмаманки, энг учига чиққан иввогар ҳам лом-мим деялмай ҳайрон бўлиб қолади. Мен ҳечқандай гап-сўзга қулоқ солмай, қулингииз бўлардим, лекин афсус, хотиним бор.

Л а р и с а индамайди.

Сиз ҳозир хафасиз, қистамайман. Уйлаб кўринг! Таклифим ма'кул тушса менга тез билдиринг. Уша дақиқадан бошлаб мен сизнинг энг камтар қулингииз сифатида бутун орзу-ҳавасингиизни ва нозларингиизни, нақадар қиммат, огир бўлишига қарамай, хоҳишингииздан зиёд қилиб бажараман. Хизматингиизга ҳозирман. Менинг қўлимдан келмайдиган иш йўқ. (*Ҳурмат блан та'зим қилиб қаҳвахонага кириб кетади.*)

ТУҒҚИЗИНЧИ САҲНА

Лариса ёлғиз.

Лариса. Ҳали панжарадан пастга қарадим, бошим айланиб оз қолди, йиқилиб кетай дедим. Агар киши бу ердан йиқилсами, нақ ўлим. (Уйлаб.) Шу ердан ўзимни ташласам, яхши бўларди! Йўқ, нега ташлай! Панжара ёнида туриб пастга қарайман, бошим айланиб кўзим тинадию, йиқиламан... Шуниси яхши... Қийналмайсан... Ҳечқандай оғриқни ҳам сезмайсан киши! (Панжара ёнига келиб пастликка қарайди, эгилади, панжарани маҳкам ушлайди. Сўнг ҳаяжон блан орқасига ташланади.) Вой-э, қандай даҳшат! (Йиқилишига оз қоладию, бирдан панжарани ушлаб қолади.) Панжара ёнидаги стулга ўтириб қолади.) Оҳ, йўқ... (Йиғламсираб.) Ҳаётдан кечмоқ — мен ўйлагандек осон эмас экан. Қандай кучсизман! Қандай бахтсиз бандаман! Осонгина ўлиб кетучи одамлар ҳам бор-ку, ахир! Демак, уларнинг яшаш иложи йўқ. Бирон илинжи бўлмаса, меҳри тушган биров бўлмаса, қизғанадиган кимсаси бўлмаса... Мен — ўзимчи? Менинг ҳам севадиган кимим бор, илинжим ҳам йўқ, менинг ҳам бу дунёда яшашим мумкин эмас, беҳуда. Нега ўлтириб олдим? Бу жар ёқасида мени нима ушлаб турибди? Нима халал бераяпти? (Хаёлга чўмиб.) Оҳ, йўқ... йўқ... Кнуров ҳам эмас, зеби-зийнат ҳам эмас... йўқ, йўқ... Мен қайдаю — бу беҳуда, ҳоюҳавас қайда, йўлдан озмоқ... О, йўқ! Дадил эмасман, заифман, о, ла'нати ожизлик; қандай бўлса ҳам кун кечирishi бу дунёда? Қандай аянчли ва нақадар бадбахтман. Кошки, мени биров ўлдирса... Улиш қандай яхши... Ҳали ўзимга-ўзим дашном берадиган ҳечнарсая йўқ... ё касал бўлиб ўлиш... Узим ҳам касал бўлиб кетаяпман шекилли. Узоқ ётиб, тинчланиб, ҳаммасини унутиб, кейин ўлиш... Оҳ, бошим... Кўзларим тинаяпти. (Икки қўли блан бошини ушлаб хаёлга фарқ бўлиб ўтиради.)

Робинзон блан Карандишев киради.

УНИНЧИ САҲНА

Лариса, Робинзон ва Карандишев

Карандишев. Ларисани уйига элтиб қўйиш менга топширилган деяпсизми?

Робинзон. Ҳа, шундай.

Карандишев. Уни ҳақорат қилганлари ҳам рост-а?

Робинзон. Ҳақорат қилганда ҳам қўяверасиз.

Карандишев. Айб ўзида, ўз қилмишларининг жазо-

сини тортибди. Бу одамларнинг кимлигини айтганман. Ниҳоят мен блан уларнинг фарқини ажратишга фурсати бор ва ақли етарли эди. Айб ўзида. Лекин, ҳақорат уёқда турсин, бирон ҳукм чиқаришга мендан бошқа ҳеч кишининг ҳақи йўқ. Гуноҳини кечаманми, йўқми, менинг ишим. Броқ, унинг ҳимоячиси сифатида пайдо бўлишим керак. Унинг ака-укаси, қавми-қариндоши йўқ. Фақат мен, ёнини олиб ҳимоя қилишга ва уни ҳақорат қилучиларнинг жазосини беришга мажбурман. Бу менинг вазифам. Қани ўзи?

Робинзон. Шу ерда эди. Хув ана!

Карандишев. Бизнинг суҳбатимиз вақтида чет кишининг бўлмаслиги лозим. Сиз ошиқчасиз. Бизни холи қўйинг.

Робинзон. Бош устига; Лариса Дмитриевнани сизга топширдим, яхши қолинг. (Қаҳвахонага кириб кетади).

УНБИРИНЧИ САҲНА

Лариса, Карандишев

Лариса (бошини кўтариб.) Ҳазар қиламан сиздан, биласизми шуни! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Карандишев. Бўлмаса қаерга борай?

Лариса. Билмайман. Қаерга борсангиз боринг, лекин мен бор жойга келманг.

Карандишев. Янглишасиз, сизни сақлаш учун, қаерда бўлсангиз мен ўша ерда бўлишим керак. Мен сизни ҳақорат қилган кишилардан қасос олиш учун бу ерга келдим.

Лариса. Сизнинг бу ҳомийлигингиз мен учун ҳақорат — ўзга эмас. Мени ҳечким ҳечқачон сизчалик ҳақорат қилган эмас.

Карандишев. Ҳаддан ортиқ калтафаҳмсиз. Вожеватов блан Кнуров сизни таллашиб чек солишаяпти, танга ташлаб ўнг-терст ўйнашаяпти, бу ҳақорат эмасми? Ана сизнинг қадрдонларингиз! Улар сизга бир хотин сифатида, ўз тақдирини ўзи ҳал қилаолучи одам сифатида эмас, балки бир буюм сифатида қарашади. Агар, чинакам буюм бўлсангиз бошқа гап. Буюм, албатта, ютган кишиники бўлади, буюм деган нарса ранжиб ўтирмайди ҳам.

Лариса (қаттиқ ранжиб). Буюм... ҳа буюм!.. Улар ҳақ, мен одам эмас, буюм эканман. Мен бунга ҳозир ишондим, мен буюм! (Қизишиб.) Ниҳоят исмим топилибди, буни сиз топдингиз. Йўқолинг, ўтинаман, мени тинч қўйинг, боринг, кетинг.

К а р а н д и ш е в. Сизни тинч қўяйми? Қандай қилиб, сизни кимга ташлаб кетаман?

Л а р и с а. Ҳарқандай буюмнинг эгаси бўлади, мен ўз эгамга бораман.

К а р а н д и ш е в (ҳаяжон блан). Сизни мен оламан, эгангиз менман. (Қўлидан ушлайди.)

Л а р и с а (итариб ташлайди). О... йўқ! Ҳарқандай буюмнинг ўз баҳоси бор... Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа. Мен сиз учун жуда қимматлик қиламан, кучингиз етмайди.

К а р а н д и ш е в. Нималар деяпсиз! Шундай беҳаё жавоб эшитарман деб ўйламовдим.

Л а р и с а (йиғлаб). Буюм бўлиш тақдирда бор экан, қимматбаҳо буюм бўлиш керак, жуда ҳам қимматбаҳо. Энг сўнгги марта менга бир хизмат қилинг. Боринг, менга Кнуровни чақириб беринг!

К а р а н д и ш е в. Ахир сизга нима бўлди, хушингизни йиғинг!

Л а р и с а. Бормасангиз, ўзим бораман.

К а р а н д и ш е в. Лариса Дмитриевна! Тўхтаг. Мен гуноҳингизни ўтдим, ҳаммасини кечираман.

Л а р и с а (истеҳзо блан кулиб). Сиз мени кечирасизми? Қуллуқ! Фақат тақдиримни сиздай бачкана махлуқ блан боғлашга рози бўлганим учун мен ўзимни сра кечираолмайман.

К а р а н д и ш е в. Кетайлик, ҳозироқ бу шаҳардан кетайлик, нима истасангиз ҳаммасига розиман.

Л а р и с а. Вақт ўтди. Сизни шу лўлилар тўдасидан мени тезроқ қутқаришингизни сўрадим, сиз удда қилолмадингиз, тақдиримга шу лўлилар орасида яшаб, шу тўдада ўлиш ёзилган экан, тан беришдан ўзга чорам йўқ.

К а р а н д и ш е в. Ёлбориб, илтижо қилиб сўрайман: мени бахтиёр этинг! Юринг!

Л а р и с а. Энди кеч. Энди менинг кўз олдимда олтинлар, гавҳарлар жилва қилмоқда.

К а р а н д и ш е в. Сиз учун ҳарқандай оғирликка розиман. Ҳарнечук ҳақоратга тайёрман.

Л а р и с а (нафрат блан). Кетинг, сиз мен учун жуда паст, тубан одамсиз.

К а р а н д и ш е в. Айтинг, қандай қилсам сизнинг муҳаббатингизга сазовор бўламан. (Тиз чўкиб.) Мен сизни севаман, севаман!

Л а р и с а. Ёлғон! Мен севги ахтардим, афсус топмадим. Менга бир ўйинчоқ, овунчоқ деб қарашди, ҳозир ҳам шун-

дай қарашади. Кўнглимдаги орзуларимга ҳечким кўз ташламади, ҳечким ярамга малҳам бўлмади. Ҳечкимдан юрак сўзи эшитмадим. Бундай ҳаёт кечиргандан кўра ўлган афзалроқ. Севги ахтариб тополмаганим учун мен айблими?.. Севги йўқ бу оламда... Қидириб овора бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ. Севгини ахтариб топмадим, энди олтин қидираман. Кетинг, мен сизники бўлаолмайман.

К а р а н д и ш е в (ўрнидан туриб). О, ўтган ишга саловат, ғам еманг. (Қўлини чўнтагига солади.) Менга тегишингиз керак.

Л а р и с а. Бошқага бўлса розиману, аммо сизга ўлсам ҳам!

К а р а н д и ш е в (ғазаб блан). Менга тегмайсизми?

Л а р и с а. Ҳечқачон!

К а р а н д и ш е в. Ундай бўлса, бошқага ҳам тегма!
(Отади.)

Л а р и с а (кўкрагини чангаллаб). Оҳ! Раҳмат сизга!
(Стула ўтиради.)

К а р а н д и ш е в. Мен... Нима қилиб қўйдим... Оҳ, телба бошим. (Тўппонча қўлидан тушади.)

Л а р и с а. Азизим, менга қандай яхшилик қилдингиз! Тўппончани буёққа, буёққа беринг. Буни мен ўзим... ўзим... оҳ, қандай яхшилик... (Тўппончани олиб стол устига қўяди.)

Қаҳвахонадан Паратов, Кнуров, Вожеватов, Робинзон, Гаврило ва Иванлар чиқишади.

УНИККИНЧИ САҲНА

Лариса, Карандишев, Паратов, Вожеватов, Кнуров, Робинзон, Гаврило, Иван

Ҳаммалари. Нима гап, нима бўлди?

Л а р и с а. Мен ўзим... Ҳечким айбли эмас... бу... мен ўзим!..

Саҳна орқасида лўлилар ашула айтишади.

П а р а т о в. Буюринг, дами ўчсин! Жим бўлишсин.

Л а р и с а. (тобора пасайиб бораётган овоз блан). Йўқ, йўқ, нега? Қўяверинг, хушчақчақ кишилар хурсандчиликдан қолмасин... Мен ҳечкимга халақит беришни истамайман! Яшанг, умр кўринг! Сизларнинг яшашингиз, менинг ўлишим керак. Ҳечкимга шикоятим йўқ. Ҳаммангиз яхши одамларсиз. Мен ҳаммангизни... Ҳаммангизни яхши кўраман. (Қўлини ўпиб, ҳаммага ўпич тақдим қилади.)

Лўлиларнинг баланд хори эшитилади.

П А Р Д А



МОМАҚАЛДИРОҚ



БЕШ ПАРДАЛИ ДРАМА

ҚАТНАШУЧИЛАР¹

Савел Прокофьевич Дикой, савдогар, шаҳарда бообрӯ одам.

Борис Григорьевич, унинг жияни, ёш йигит, анча ма'лумотли.

Марфа Игнатьевна Кабанова (Кабаниха), бой савдогар хотин, тул:

Тихон Иванович Кабанов, унинг ўғли.

Катерина, Тихоннинг хотини.

Варвара, Тихоннинг синглиси.

Кулигин, мешчан, соатсоз.

Ваня Кудряш, ёш йигит, Дикой конторасидаги хизматчи.

Шапкил, мешчан.

Феклуша, «авлиё» хотини.

Глаша, Кабановлар уйида оқсоч.

Бой хотин, икки хизматчиси блан, 70 ёшда, телба.

Эркаклар ва хотинлар, шаҳар аҳолиси.

Воқиа Волга бўйидаги Калинов шаҳрида, ёзда юз беради. 3-нчи парда блан 4-нчи парда ўртасида 10 кун ўтади.

¹ Борисдан бошқа ҳаммаси русча кийинган.

БИРИНЧИ ПАРДА

Волга дар'ёсининг баланд қирғоғидаги шаҳар боғи. Волганинг у юзидда қишлоқ манзараси. Саҳнада иккита скамейкаю, бирнеча дарахт.

БИРИНЧИ САҲНА

Кулигин скамейкада ўтириб, дар'ёнинг нариги ёғини тамоша қилмоқда. Кудряш блан Шапкин эса уёқдан-буёққа айланиб сайр қилиб юриштипти.

Кулигин (*куйлайди*). «Кенг водию, ясси тепаларда...» (*Ашуласини тўхтатиб.*) Бирам гўзал, бирам чиройликки, нимасини айтасан! Кудряш! Сенга айтсам, биродари азиз, эллик йилдан бери ҳар кун Волга манзарасини тамоша қиламан-у, аммо сра ҳам тўймайман.

Кудряш. Нима бўпти?

Кулигин. Ажойиб манзара-да! Жуда гўзал! Баҳринг очилади.

Кудряш. Бе!

Кулигин. Хузурижон! Сен бўлсанг «бе» дейсан! Бу манзараларни кўрабериб медаларингизга теккан, ё бўлмаса табиат гўзалликларини тушунмайсизлар.

Кудряш. Ҳая, сен блан баҳслашиб бўладими! Сен антиқа билимдон одамсан.

Кулигин. Ўз-ўзидан ўрганган механик, дегин.

Кудряш. Барибир.

Жимлик.

Кулигин (*бир тарафни кўрсатиб*). Ҳов, анав ёққа қара, биродар Кудряш, ким у, қўлларини пахса қилаётган?

Кудряш. Уми? Дикой, жиянини сўкапти.

Кулигин. Топган жойини қара-я!

Кудряш. Унга барибир қаер бўлса ҳам, бировдан

кўрқадиган жойи йўқ! Бутун кўргилик шўрлик Борис Григорьичга бўлаяпти, роса елкасига миниб олди-да.

Шапкин. Савел Прокофьичдай оғзи шалоқ одамни қидириб тополмайсан! Бекордан-бекорга кишини жеркиб ташлайди.

Кудряш. Улгудек баттарин одам-да!

Шапкин. Кабаниха ҳам ундан қолишмайди.

Кудряш. Шундайку-я, лекин Кабаниха жуда жаҳли чиққанда одоб блан койийди, бу бўлса худди занжирдан бўшаб кетган итдек акиллайди!

Шапкин. Ҳовуридан тушириб қўядиган одам йўқ, шунинг учун ҳамма блан уришгани уришган.

Кудряш. Аттанг, менга ўхшаган забардаст йигитлар кам-да, бўлмаса, биз унинг бир та'зирини бериб қўяр эдикку-я.

Шапкин. Нима қилардинглар?

Кудряш. Боплаб қўрқитар эдик.

Шапкин. Қандай қилиб?

Кудряш. Тўрт-бешта бўлиб, бирон хилватроқ кўчада, юзма-юз келиб гаплашиб қўярдик-да, шундан кейин ўзи ҳам ипақдек мулойим бўлиб қоларди. Та'зирини берганимиз тўғрисида ҳечкимга оғиз ҳам очмасди, қадамини ҳам билиб босадиган бўлиб қоларди.

Шапкин. Сени солдатликка юбораман дейиши ҳам бежиз эмас экан-да.

Кудряш. Юбормоқчи эди-ю, лекин юбориб бўпти. Осонликча кетмаслигимни яхши биледи-да. Ундан сизлар ҳайиқасизлар, мен бас келаман, холос унга.

Шапкин. Кўрамиз-да.

Кудряш. Нимасини кўрасан! Мен ўтакетган тўнгман; хўш, бўлмаса, мени нега ушлаб турипти? Демак, шуни яхши билки, мен унга керак одамман. Бас шундай экан, мен эмас, у мендан қўрқсин.

Шапкин. Худди, сени ҳеч сўкмайдигандай гапирасан-а?

Кудряш. Нега сўкмасин! Ахир, у сўкинмасдан туролмайди-да! Мен ҳам бўш келмайман, у бирни деса, ўнни тахлайман, кейин жаҳли чиқиб тупуради-ю кетаверади. Йўқ, мен унинг қули эмасман.

Кулигин. Ундан ўрнак олиб бўладими! Яхшиси, чидаш керак.

Кудряш. Агар сен шунақа ақлли бўлсанг, аввал уни мулла қилиб қўй, кейин бизни. Аттанг, унинг битта ҳам бўйи етган қизи йўқ, ҳаммаси ёш.

Шапкин. Бўлганда нима қилардинг?
Кудряш. Уни ҳурмат қилардим. Қизларни қўлга олишга жуда устаси фарангман-да!

Дикой блан Борис ўтади. Кулигин бошидан шапкасини ечиб салом қилади.

Шапкин (*Кудряшга*). Юр, бир четга бориб турайлик; тагин ёпишиб олмасин. (*Четга-чиқиб туришади.*)

ИККИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва Дикой блан Борис.

Дикой. Сен, нима, буерда пашшангни кўригани келган-мисан! Текинхўр! Бу кунингдан ўлганинг яхши!

Борис. Букун дам олиш куни, уйда нима қиламан!

Дикой. Истасанг иш топилади. Бир айтмадим, икки айтмадим «кўзимга кўринма» деб, жилпиллайсан, холос! Бошқа жой қуриб кетганми? Қаерга бормай, «лип» этиб олдимдан чиқасан! Тфу, падарингга ла'нат! Нега гўддайиб турибсан! Эшитаяпсанми, йўқми?

Борис. Қулоғим сизда, нима қилай?

Дикой (*Борисга қараб қўйиб*). Одам бўлмаё ўл! Сен муртад блан гаплашишни ҳам истамайман. (*Кетаётиб.*) Бошимга тоза бало бўлдинг! (*Тупуриб чиқиб кетади.*)

УЧИНЧИ САҲНА

Кулигин, Борис, Кудряш ва Шапкин

Кулигин. Нега у сиз блан жанжал қилгани-қилган, а, афандим? Ҳеч тушунолмаё қолдик. Унинг даққисини еб яшаш сизга ҳавасми дейман.

Борис. Нега ҳавас бўлсин, Кулигин! Ноиложман.

Кулигин. Қанақа ноиложлик экан афандим, рухсат. берсангиз, сиздан сўрасак. Мумкин бўлса айтсангиз.

Борис. Нега айтмай? Катта бувим, Анфиса Михайловнани танирмидингиз?

Кулигин. Танитай-чи, танирдик!

Кудряш. Танирдик!

Борис. Отам аслзода қизга уйлангани учун бувимни жини севмай қолган. Шунинг учун отам блан онам Москвада турадилар. Онам қайнанаси блан уч кун ҳам чиқишолмапти экан, жинига тўғри келмапти-да.

Кулигин. Э, тўғри келармиди! Нимасини айтасиз!
Зўр чидам керак, кўникиш учун, афандим.

Борис. Ота-онам Москвада бизга жуда яхши тарбия беришди, биздан ҳечнарсани аяшмади. Мени Коммерческая академияга беришди, синглимни бўлса пансионга. Ўзлари эса, вабо йили кўққисдан ўлиб кетишди, синглим блан етим қолдик. Кейин эшитсак, бувим ҳам буерда вафот қилган эканлар, бизга тегишли меросни васият қилиб амакимга қолдирган эканлар, биз балоғатга етганимиздан кейин амаким меросимизни бериши керак экан; лекин бир шарт блан.

Кулигин. Қанақа шарт экан, афандим?

Борис. Амакимнинг ра'йига қарашим керак экан.

Кулигин. Ундай бўлса, афандим, меросингизни елка-
нгизининг чуқури ҳам кўрмас экан.

Борис. Бу ҳали ҳолва, Кулигин! Аввало у, қўлидан келганича бизни хўб расво қилади, ҳақорат қилади, шундай қиладики, охири ҳечнарсга бермайди, бордию берса ҳам ири-мига бериб қўяди. Шуни ҳам бермаслик керак эдию раҳм-шафқат қилдим, деб мақтанади кейин.

Кудряш. Бизнинг савдогарларга бу нарса одат бўлиб қолган. Сиз уни нечоғлик ҳурмат қилманг, барибир. У мени ҳурмат қилмайди дейишдан ҳам тоймайди.

Борис. Бўлмасамчи. У ҳозир ҳам: «Ўзимнинг болаларим турганда, нега бегоналарга пул берарканман? Ўз болаларимни ранжитиб!» — деб гапириб юрипти.

Кулигин. Бундан чиқди, ишингиз пачава, афандим.

Борис. Ўзим ёлғиз бўлганимда-ку, садқайи-сар эди-я! Ҳаммасига чакса қилиб тупурардим у кетаверардим. Синглимга ачинаман. Хат ёзиб синглимни ҳам олдириб келишига сал қолди, яхшики онамнинг уруғлари юборишмади, касал деб хат қилишди. Агар бу ерга келгандами, билмайман, қандай қилардикин — ўйлаб қўрқиб кетасан, киши.

Кудряш. Бўлмасачи. Булар одам блан муомила қилишни биладими?

Кулигин. Уникида қандай қилиб турибсиз, нима иш қиласиз ўзи, афандим?

Борис. Қиладиган ишимнинг тайини йўқ. «Меникида юравер, буюрганни қилавер, иш ҳақингга нима берсам шуни оласан» дейди. Демак бир йилдан кейин ўз билганича, ҳисоб-китоб қилади.

Кудряш. Унинг одати шу. Иш ҳақи тўғрисида бит-тамиз ҳам «ғинг» деялмаймиз, «ғинг» дедикми оғзига келганини бўғзига ютмайди. «Сен, менинг хаёлимдагини қаердан

биласан? Кўнглимда нималар борлигини билмайсан! Эҳтимол, кайфим чоғ бўлиб кетганда беш минг сўм бериб юборарман!» дейди. Шундан кейин у блан гаплашиб кўрчи! Лекин умри бино бўлиб, ҳечқачон кайфи чоғ бўлган эмас.

Кулигин. Нима ҳам қиламиз, афандим! Қандай бўлмасин, унинг кўнглини «овлаш» пайига тушиш керак.

Борис. Ҳамма гап ҳам шунда-да, Кулигин, бу ҳеч ҳам мумкин эмас. Унинг кўнглини ўз одамлари ололмайдю, менга йўл бўлсин!

Кудряш. Ахир, вужудидан ҳақорат ёғиб тургандан кейин, у блан ким ҳам чиқишарди? Айниқса, пул масаласига келгандачи, ҳай-ҳай-ҳай, ҳечбир ҳисоб-китоб жанжалсиз битмайди. Бировлар ўз ҳақидан воз кечса-кечадию, унинг ҳовридан тушганига хурсанд. Бирортаси эрталаб жиғига тегиб қўйса борми, ана унда кўрасиз. Куни бўйи қопмаган одами қолмайди.

Борис. Холам бўлса, кўз ёши қилиб, ҳар куни: «Жон болаларим, жаҳлига тегакўрманглар! Айланай сизлардан, фе'лини бузманглар!» деб ялингани-ялинган.

Кудряш. Ундан қутулиб бўпсан! Бозорга тушдими, вассалом! Ундан ҳақорат эшитмаган мужик қолмайди. Ҳатто, ўз зарарингга кўнсанг ҳам, барибир, сўкинмасдан кетмайди. Шундан сўнг, қарабсанки, куни бўйи вайсагани вайсаган.

Шапкин. Қисқаси: ит фе'л!

Кудряш. Ит фе'л бўлганда, яна қанақаси дегин!

Борис. Агар бирорта, буниги тиши ўтмайдиган одам хафа қилиб қўйса борми, иш тамом, бутун аламини уйдагилардан олади!

Кудряш. Мен сизларга айтсам, бир куни роса тамоша бўлди-да! Уша куни Волгадан қайиқда ўтиб келаётганда, уни битта гусар роса бошлаб сўккан экан. Шундан сўнг тоза иш кўрсатди-да.

Борис. Бутун кўргилик уйдагиларга бўлди! Шундан кейин, икки ҳафтагача уйдагилар томма-том, ўтинхонама-ўтинхона қочиб юришди.

Кулигин. Нима гап ўзи? Халқ кечки ибодатдан чиқабошлади шекилли?

Саҳна орқасидан бирнеча киши ўтиб кетади.

Кудряш. Юр, Шапкин, бир айланиб келайлик! Буерда ўтириб ҳам нима қилдик?

Хайрлашиб чиқишади.

Борис. Эҳ, Кулигин, кўниколмагандан кейин, бу ерда яшаш жуда оғир-да! Бу ерда худди бир ёт одамдайман, уларнинг ишларига ҳалақит бераётгандайман, ҳаммалари менга еб қўйгудек бўлиб қарашади. Бу ернинг одатини билмайман. Ҳаммаси ўзимизнинг рус одатлари-ю, лекин негадир, сра кўниколмадим-да.

Кулигин. Ҳечқачон ҳам кўниколмайсиз, афандим.

Борис. Нега?

Кулигин. Шаҳримизнинг жуда ҳам ярамас одатлари бор, афандим, жуда ярамас! Бу мешчанликда, афандим, ўтакетган камбағаллик блан дағалликдан бўлак ҳечнарсас тополмайсиз. Бу муҳитдан, афандим, ҳечқачон қутулолмай-миз ҳам! Чунки ҳалол меҳнат блан нон топиб ейиш маҳол. Пули кўплар, афандим, камбағал бечораларни сиқиб сувини ичишга, уларнинг меҳнатидан кўпроқ фойда кўришга ҳаракат қилишади. Амакингиз Савел Прокофьич шаҳар ҳокими-мига нима дебди, денг? Шаҳар ҳокими-мига бирнеча киши, унинг устидан: биронтамиз блан тузук-қуруқ ҳисоб-китоб қилмайди, деб арз қилибди. Ҳоким унга: «Менга қара, Савел Прокофьич, сен одамлар блан, сал бундай, тузукроқ ҳисоб-китоб қил. Ҳар куни устингдан арз қилиб келишади» дебди. Амакингиз бўлса, ҳокимнинг елкасига қоқиб қўйиб: «Муҳтарам жаноблари, сиз блан менга мана шунақа майда-чуйда нарсалар устида гапириб ўтириш ярашмайди! Бир йил ичида қўлимга сон-саноқсиз одамлар келиб-кетади; сиз шуни яхши билингки, киши бошига бир тийиндан кам тўласам ҳам бора-бора кўл бўлади, албатта бу менинг учун чакки бўлмайди!» дебди. Мана шунақа, афандим! Булар мана шунақа яшайди. Булар бир-бирини кўргани кўзи йўқ, фақат тамағарлик орқасида эмас, бахилликлари орқасида бир-бирининг савдосига футур етказишга уринади. Бир-бирига ғирт душман; ўзларининг данғиллама уйлари-га, афандим, ўтакетган арақхўр, қайсики, ичкилик орқасида кишилиқ қиёфасини йўқотган, одамлик кепатаси қолмаган амалдорларни ўргатиб олишади. Улар энг ичида берилган қиттак ҳад я учун энг яқин кишилари устидан ҳам бир арава ёлғон-яшиқ гапларни битиб, муҳрларини ҳам босиб беришади. Кўрасизки, иш бошланиб кетади, афандим, судлашгани-судлашган, бу азобнинг охири кўринмайди. Аввал роса буерда судлашадилар, кейин вилоят судига борадилар, у ерда бунақа ишга суяги йўқлар бор-да, улар ҳам қўлларини ишқаб, хурсанд бўлиб кутиб олишади. Лекин, иш дарров битақолмайди: роса судлашади; бунинг учун

улар ўзи ҳам хурсанд, уларга шуниси керак-да, ахир. «Мен сарф қилганимдан кейин, уни ҳам сарф қилдирмай қўймайман» дейди. Шуларнинг ҳаммасини ше'р қилиб ёзмоқчи-ману...

Борис. Сиз ше'р қилиб ёзаоласизми?

Кулигин. Эскичасига, афандим. Ломоносов, Державинларни ўқиганман... Ломоносов донишманд киши, табиатшунос... ўзи ҳам биздақа оддий халқдан чиққан.

Борис. Бир ёзинг, жуда ҳам қизиқ бўларди-да.

Кулигин. Қийин, афандим; тириклай еб қўйишар. Бусиз ҳам оғзим бўшлигидан роса та'зимни еяпман; аммо, тилимни ҳеч тиялмайман, гап сотишни яхши кўраман! Афандим, яна оилавий ҳаётим тўғрисида ҳам гапириб бермоқчи эдим; бошқа бир вақтда гапириб берарман. Гап кўп.

Феклуша ва яна бир хотин киради.

Феклуша. Ана давлату, мана ҳашамат! Нимасини ҳам айтасан, болам, ана чирою, мана чирой! Арзи муқаддасда яшаймиз! Бу савдогар бойларни айт, болам, бойларни, ана хайри-эҳсон, ана садақаю-мурувват! Худо ўзи буларнинг қўлини очиқ қилган! Мен шу қадар мамнунманки, нимасини айтасан, болам! Улар бизга қанчалик хайр-эҳсон қилишса, болам, худо ҳам уларга шунчалик кўп беради, айниқса Кабановлар оиласига худо етказди ўзи.

Чиқиб кетишади.

Борис. Кабановлар оиласига?

Кулигин. Кабанова мунофиқ хотин, афандим! Гадойларнинг бошини силайди-ю, уйдагиларнинг жонини олади.

Жимлик.

Агар мен, афандим, перпету-мобиль топсам!

Борис. Хўш, нима қилардингиз?

Кулигин. Ие қизиқсиз, афандим! Инглизлар бунақа машина учун миллион-миллион беришади: мен шу пулни жамият фойдасига сарф қилар эдим. Мешчанларга иш топиб бериш керак, қўл-оёқлари бутун-у ишдан дарак йўқ.

Борис. Сиз, ўша айтган машинангиз — перпетуум-мобилени ихтиро этаолишингизга ишонасизми?

Кулигин. Шубҳасиз, афандим! Фақат, мана шу машинанинг моделини қилиш учун оз-моз пул ишласам бас. Хайр, афандим! (Кетади.)

ТУРТИНЧИ САҲНА

Борис (ёлғиз). Уни ноумид қилиб бўлмайди! Жуда яхши одам ўзи! Ўз хаёли блан ўзи бахтиёр! Аммо менинг ёшлигим мана шундай авлоқ жойларда хазон бўладиганга ўхшайди. Жисмим тиригу, ўзим ўликман, яна бунинг устига миямга аҳмоқона ўйлар келади! Нега, нега кераги бор! Бировни севишни менга ким қўйипти! Ўзим киму, тавба; тагин аҳмоқлик қилиб бировни яхши кўрганим нимаси. Яна кимни денг? Эри бор хотинни, у блан гаплашиш уёқда турсин, ҳатто олдига бориб ҳам бўлмайди.

Жимлик

Аммо нима бўлса ҳам, хаёлимдан нари кетмай қолди. Ана, эри блан келаяпти, қайнасан ҳам бирга! Чинакам, аҳмоқман! Бир четдан кўргин-да, уйингга жўна! (Кетади.)

БЕШИНЧИ САҲНА

Кабанова, Кабанов, Катерина ва Варвара

Кабанова. Агар онамнинг сўзидан чиқмай десанг, у ерга борганиндан кейин ҳам, мен айтганларимни қиласан.

Кабанов. Албатта, онажон, сизнинг сўзингиздан чиқармидим!

Кабанова. Эндиги ёшлар кексаларни унчалик ҳурмат қилишмайди.

Варвара (ўзича). Сени ҳурмат қилмай кўрайлик-чи!

Кабанов. Ҳали ҳам, онажон, измингиздан бир қадам ҳам чиқмайман-ку.

Кабанова. Агар, эндиги болаларнинг ўз ота-оналарини қандай иззат-икром қилаётганини ўз кўзим блан кўрмаганимда, ўз қулогим блан эшитмаганимда эди, сенинг сўзларингга ишонган бўлардим! Ҳеч бўлмаса, бола деб онанинг қанчалик азоб чекканини билсаларинг эди.

Кабанов. Мен, онажон...

Кабанова. Агар она ўз болам деб ҳарқанча аччиқ гапирса ҳам, менимча, бола чидаши керак! Хўш, сен нима дейсан бунга!

Кабанов. Онажон, қачон сизнинг сўзингизни қайтардим?

Кабанова. Хўп, онанг қари, онанг аҳмоқ; сиз ёшлар зап ақллисизлар, шундай бўлгандан кейин биз аҳмоқларни койимасанглар ҳам бўларди.

Кабанов (хўрсиниб, четга). Эй, худоё, товба! (Она-сига.) Наҳотки биз шундай ўйласак, онажон!

К а б а н о в а. Камоли сизларни севганидан ота-онангиз тергайди, севганидан уришади, яхши бўлсин дейди. Аммо бу ҳозирги замон болаларига ёқмайди. Қарабсанки, болалар онасидан шикоят қилабошлайди: онам кўп валақлайди, жаврагани-жавраган, жонимдан тўйдирди, дейди. Ҳай, ҳай, келинга ёқмайдиган бирор гапни гапириб қўйишдан худо ўзи сақласин, ана ўшанда кўрасан вижи-вижини, нима дейсанки қайнанаси келинини сомондай саргайтиб қўйипти.

К а б а н о в. Ҳеч-да, онажон, сизнинг тўғрингизда ким гапираяпти ўзи?

К а б а н о в а. Ҳали эшитганимча йўқ, ёлгон сўзлашни ёмон кўраман, эшитганимча йўқ. Агар шунақа гапларни эшитарканман, унда, болагинам, унда сен блан бошқачароқ гаплашган бўлар эдим. (*Хўрсинади.*) Оҳ, гуноҳ оғир! Гуноҳ қилиш қийин дейсанми! Бирорта гап гашингга тегади-ю жаҳлинг чиқади, ана гуноҳ сенга. Йўқ, азизим менинг ҳақимда нима десанг де. Бировга ман қилиб бўладими: олдингга гапиролмайдию, орқангдан мағзава ағдаради.

К а б а н о в. Тилим кесилсин, агар...

К а б а н о в а. Бўлди, бас, қасам ичма! Гуноҳ бўлади! Онангдан кўра, хотинингни яхши кўришингни кўпдан биламан. Уйланганингдан бери, мени аввалгидай ҳурмат қилмай қўйдинг.

К а б а н о в. Онажон, буни қаердан олиб гапираяпсиз?

К а б а н о в а. Ўзим билиб турибман! Онангинг кўзи йўқ ерда юраги бор, юраги блан сезиб туради. Билмадим, мени сенга хотининг чақаётгандир.

К а б а н о в. Бўлмаган гап, онажон! Мен йўл қўярмидим!

К а т е р и н а. Менга, онажон сиз ҳам, ўз онам ҳам бир, Тихон сизни жон-дилидан яхши кўради.

К а б а н о в а. Сендан ҳечнарсасурамагандан кейин гапга суқулмасанг ҳам бўлади. Эрингинг тарафини олмасанг ҳам, уни ранжитмоқчи эмасман! Шуни эсингдан чиқарма, сенга эр бўлса, менга ўғил бўлади! Сен бунга аралашмай қўяқол! Ё, эрингни яхши кўрганингни кўрсатмоқчи бўласанми? Биламиз, яхши биламиз, тил учиди севганингни.

В а р в а р а (*ўзича*). Насихат қиладиган жойни топди.

К а т е р и н а. Сиз, онажон, менинг тўғримда бекорга бундай деяпсиз. Тил учидами, йўқми, мен бу блан ҳечнарсани исбот қилмоқчи эмасман.

К а б а н о в а. Сенинг тўғрингга гапирмоқчи ҳам эмас эдим; ўзи гап келиб қолди.

К а т е р и н а. Гап келиб қолганда ҳам мен нима қилдим, нега ранжитасиз?

К а б а н о в а. Оббо нозик-ниҳол-е! Дарров хафа бўлиб қолибсиз-да.

К а т е р и н а. Бехуда гап эшитишга кимнинг тоқати бор?

К а б а н о в а. Биламан, биламан, менинг гапларим ёқмайди сизларга, нима ҳам дейман, мен сизларга бегона эмасман, юрагим ачишади сизларга. Эркин яшашни истайсизлар, буни қўздан биламан. Мен ўлгандан кейин, эркин ҳам яшарсизлар, нима деймиз. Ана ўшанда нима истасангиз шуни қилинг, қўлингиздан ушлайдиган киши бўлмайди. Ушанда мени ҳам эслаб қўярсизлар.

К а б а н о в. Биз, онажон икковимиз кечаю-кундуз худодан сизга соғлик, тинчлик ва ишингизга ривож тилаймиз.

К а б а н о в а. Бас, етар энди. Балки бўйдоқлигингда онагни ҳурмат қилгандирсан. Энди мени гўрни эслайсанми, ёш хотининг туриб.

К а б а н о в. Бири-бирига халақит бермайди; хотин ўз йўлига — лекин онамга ҳам ҳурматим катта.

К а б а н о в а. Сен онанг туфайли хотинингга бир нарса дермидинг? Бунга ўлсам ҳам ишонмасман.

К а б а н о в. Унга нима дер эдим? Икковларингни ҳам севаман.

К а б а н о в а. Гапир, ҳа, оғзингга келганини гапир! Кўриб турибманки, мен сизларга ғовман, халақит бераяпман.

К а б а н о в. Нимани хоҳласангиз шуни ўйланг, ихтиёр ўзингизда; фақат бунчалик бадбахт бўлиб туғилганимга ҳайронман, нима қилсам сизнинг кўнглингизни оламан, ахир?

К а б а н о в а. Нега оғзингдан сўлакайингни оқизиб, ўзингни етимга солиб қолдинг? Қанақа эркаксан ўзинг? Аҳволингга бир қара! Хўш, шундан кейин, қандай қилиб сендан хотининг қўрқсин.

К а б а н о в. Нега мenden қўрқиши керак экан! Мени севса бас-да!

К а б а н о в а. Нега қўрқмасин! Нега қўрқмасин! Ақлингни едингми? Ахир, сендан қўрқмаса, мени назар-писанд қилиб бўпти. Шундан кейин, уйда тартиб бўладими? Сенинг ҳалол хотининг-ку, ахир. Ё никоҳ сизлар учун икки пулми? Ахир, миянгда шунақа аҳмоқона хаёлларинг бор экан, ҳеч бўлмаганда хотининг, яна бунинг устига синглинг олдида тилингни тийсанг бўлар эди; у ҳам ҳадемай куёвга чиқиши керак: сенинг бу аҳмоқона гапларингни эшитгандан кейин, берган тарбиямиз учун куёви раҳмат айтмайди. Ақлингни

қараю, яна ўз ҳолингга эркин яшамоқчи ҳам бўласан, суф сенга!

К а б а н о в. Онажон, мен ўз эрким блан яшамоқчи эмасман. Ўз эрким блан яшаш менга йўл бўлсин.

К а б а н о в а. Демак, сенингча, хотинингни доим пуфалашу эркалатиш керак экан-да? Дўқ уриб, қўрқитиш керак эмас экан-да?

К а б а н о в. Онажон мен, ахир...

К а б а н о в а (*тутақиб*). Уйнаш тутса ҳам майли! А? Сенингча, шунақа бўлса ҳам майлими? Қани гапирчи?

К а б а н о в. Худо ҳақи, онажон...

К а б а н о в а (*совуққонлик блан*). Аҳмоқ! (*Хўрсиниб*.) Аҳмоқ блан гаплашиб ҳам бўлмайди! Гуноҳга ботасан киши! (*Жимлик*.) Мен уйга кетдим.

К а б а н о в. Биз ҳам, боғни бир-икки айланиб, тезда қайтамиз.

К а б а н о в а. Майли, билганларингни қилинглар, ҳа, яна узоқ кутиб қолмай сизларни! Биласан: кутишни ёмон кўраман.

К а б а н о в. Хўп, онажон, худо сақласин!

К а б а н о в а. Ҳа, шундай бўлсин! (*Кетади*.)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Кабанов, Катерина, Варвара

К а б а н о в. Мана кўрдингми, сени деб доим онамдан гап эшитаман! Шу ҳам турмуш бўлдию!

К а т е р и н а. Менда нима гуноҳ?

К а б а н о в. Гуноҳ кимдалигини ўзим ҳам билолмай қолдим.

В а р в а р а. Сен қайдан билардинг?

К а б а н о в. Илгари, ҳамавақт: «Хотин ол, уйлан, болачақангни кўрай» деб жаврагани-жавраган эди. Энди бўлса, кўз очишга қўймайди. Ғажигани-ғажиган, буларнинг ҳаммаси сенинг учун.

В а р в а р а. Бунда нима айб! Онаминг ўзлари осилаяптилар, энди сен бормисан. Тагин, хотинимни яхши кўраман, дейсан. Афтингга қарагим келмайди. (*Юзини ўгиради*.)

К а б а н о в. Қани гапир! Нима қилай?

В а р в а р а. Ўз ишингни бил — қўлингдан ҳеч бало келмагандан кейин унингни чиқарма. Нега ғўддайиб турибсан? Нималарни ўйлаётганингни кўзингдан пайқаб турибман.

К а б а н о в. Қани, нима экан?

В а р в а р а. Нима бўларди. Савел Прокофьевич олдига ўтиб, бирга ичиб келмоқчисан. Топдимми?

К а б а н о в. Топдинг, синглим, топдинг.

К а т е р и н а. Сен, Тиша, тезроқ қайт, тагин онанг ҳам-манинг энка-тенкасини чиқазиб юбормасин.

В а р в а р а. Тезроқ қайт, ака, ҳа-да. Ўзинг биласан!

К а б а н о в. Билмайчи!

В а р в а р а. Сенинг учун дашном ейишга тоқатимиз йўқ.

К а б а н о в. Бир зумда бориб келаман. Кутиб туринглар! (Кетади.)

ЕТТИНЧИ САҲНА

К а т е р и н а блан В а р в а р а

К а т е р и н а. Демак, Варя, менга раҳминг келаркан-да!

В а р в а р а (агрофга қараб). Албатта раҳмим келади.

К а т е р и н а. Бундан чиқадики, мени яхши кўраркансан-да? (Қаттиқ ўпади.)

В а р в а р а. Нега яхши кўрмай!

К а т е р и н а. Раҳмат сенга! Ўзинг жуда ёқимтой қизсан, мен ҳам сени ўлар-ўлгунимча яхши кўраман. (Жимлик.) Биласанми, хаёлимга нима келди?

В а р в а р а. Нима?

К а т е р и н а. Нега одамлар учолмайди?

В а р в а р а. Тушунмадим, нималар деяпсан?

К а т е р и н а. Нега одамлар қушларга ўхшаб учолмайди, деяпман? Биласанми, гоҳо ўзимни қуш деб хаёл қиламан. Тепаликка чиқиб кетгим келади. Мана бундай қилиб югуриб, қўлларингни баланд кўтариб учиб кетсанг киши. Ҳозир бир синаб кўрмаймизми? (Югурмоқчи бўлади.)

В а р в а р а. Нималарни ўйлаб чиқараяпсан ўзинг?

К а т е р и н а (хўрсиниб). Мен жуда-жуда шўх эдим! Сизларникига келиб сўлиб қолдим.

В а р в а р а. Мени билмайди дейсанми?

К а т е р и н а. Мен шунақа эдимми! Ҳечнарсанинг ғамини емай, қушдай эркин яшар эдим. Онам мендан гиргиттон бўлиб жонини қоқар, қўғирчоқдай ясантириб қўяр, ишлагин деб мажбур қилмасди, кўнглим тилаган ишни қилардим. Биласанми, қизлигимда қандай яшар эдим? Ҳозир сенга, ҳаммасини айтиб бераман. Гоҳо, эрта турардим, ёз бўлса булоққа тушардим маза қилиб ювинардим, ўша ердан сув олиб келардим-да, уйдаги барча гулларга қуярдим. Ме-

нинг гулларим жуда-жуда кўп эди. Кейин онам блан ибодатга борардик, ҳамавақт ғариб-бенаволарга уйимиз лиқ тўла эди! Ибодатдан қайтиб келгач, ишга тутинардик, кўпроқ барқутга зар тикишга ўтирардик, шунда ҳалиги ғариб-бенаволар, ҳархил нарсаларни сўзлаб беришарди; қаерда бўлганларини, нималарни кўрганларини, турли-туман нарсаларни, ё бўлмаса байтлар ўқиб беришарди. Овқат маҳалигача вақт мана шундай ўтар эди. Кампирлар ётишар эди-ю, мен бўлсам боғни сайр қилиб юрардим. Кейин кечки ибодатга борардик, кечқурун яна ҳикояю, яна ашула тинглар эдик! Шунақа яхши эдики!

В а р в а р а. Бизда ҳам шунақа эди.

К а т е р и н а. Буерда ҳаммаси, гўё тутқинлик натижаси. Ибодатхонага боришни жуда ҳам яхши кўрар эдим! Худди жаннатга киргандек бўлардим, ҳечкимни кўрмас эдим, ибодатнинг қачон тугаганини ҳам сезмас эдим. Гўё, ҳаммаси бир лаҳзада бўлгандай туюлар эди. Онам: ҳаммининг кўзи сенда бўлди, дер эди! Кўрганмисан, қуёш чарақлаб турган куни, ибодатхона пештоқидан пастга шалолодек қуёш нури оқиб тушади, мана шу нур гўё булутдай тутаб туради, мен бу булут қўйнида худди фаришталар учиб ўйнаб, куйлаб юришганини кўргандек бўлар эдим. Гоҳо, ярим кечада уйғониб кетаману — бизнинг уйимизда ҳам шамчироғлар ёниб турар эди,— бир бурчакка ўтиб олиб эрталабгача ибодат қилиб чиқаман. Ё бўлмаса азонлаб боққа чиқиб кетардим, эндигина қуёш чиқиб келаётган вақт, чўкка тушиб худоба илтижо қилиб бирам йиғлардим; ўзим ҳам билмас эдим, нима деб илтижо қилардим, нимага йиғлардим; мени куни бўйи қидириб топишолмас эди. Ушанда нима мақсад блан ибодат қилардим—ўзим ҳам билмайман; менга ҳечнарсанинг кераги йўқ, ҳамма нарса етарли эди. Оҳ, қанақа тушлар кўрардим мен, Варенька, қанақа тушлар кўрардим-а! Олтиндан ишланган ибодатхоналарни, ё бўлмаса ажойиб боғларни кўрар эдим; кўзга кўринмайдиган кишиларнинг қўшиқлари эшитилар ва сарв дарахтининг хушбўй ҳиди анқиб турар эди. Тоғлар ҳам, дарахтлар ҳам ўнгингдаги дарахт ва тоғларга сра-сра ўхшамас, худди суратдагиларга ўхшар эди. Ўзим бўлса, худди қушлардек, кўкда учиб юрар эдим. Ҳали ҳам гоҳо туш кўраман-у, лекин энди аввалгидек эмас.

В а р в а р а. Нега?

К а т е р и н а (бироз жим тургач). Яқинда ўламан.

В а р в а р а. Бўлмаган гапни гапирма!

К а т е р и н а. Йўқ, ўлишимни сезиб турибман. Оҳ, Варя,

менга бир бало бўладиганга ўхшайди! Ҳечқачон бундай бўлмаган эдим. Ўзимдан-ўзим ғалати бўлиб кетаяпман. Гўё янгидан ҳаёт бошлаганга ўхшайман ёки... Ўзим ҳам билмай қолдим.

В а р в а р а. Сенга нима бўлди?

К а т е р и н а (*унинг қўлидан ушлаб*). Варя, бирнимани сезиб турибман, бир фалокат юз бермасайди. Мени қандайдир ваҳима чулғаб олди, юрагимни ваҳима босиб кетаяпти. Гўё баланд жар ёқасида турибману, кимдир мени жарга итариб юбормоқчи, ушлаб қоладиган ҳечнарса йўқ. (*Бошини чангаллайди.*)

В а р в а р а. Сенга нима бўлди? Соғмисан ўзинг?

К а т е р и н а. Соғман... касал бўлганим ҳам яхши эди, аттанг. Бошимга бўлмағур хаёллар келаяпти. Бундан қочиб қутулолмайман. Ўйлаб охирига етолмайман, — саждаю ибодатдан бош кўтаролмай қолдим. Тилимдаги сўз, дилимга тўғри келмайди, гўё шайтон қулоғимга шипшийди, яна бўлмағур ишлар, ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Нима бўлди менга? Бирор фалокат юз бермаса! Кечалар, Варя, уйқум келмайди, ҳамон қулоғимга қандайдир шов-шув эшитилади: кимдир, гўё каптар гув-гувлагандек, қулоғимга ширин шипшийди. Энди, Варя, аввалгидек жаннат дарахтлари блан тоғлар ҳам тушимга кирмай қўйди, гўё мени кимдир иссиқ қучоғига босиб аллақаяқларга олиб кетаётгандай бўлади, мен ҳам у блан кетавераман, кетавераман-у...

В а р в а р а. Кейинчи?

К а т е р и н а. Мен сенга нималар деяпман: сен — қиз боласан-ку ҳали.

В а р в а р а (*атрофга қараб қўйиб*). Гапиравер! Мен сендан ҳам баттарман.

К а т е р и н а. Нима ҳам дей? Уяламан.

В а р в а р а. Уялмай гапиравер!

К а т е р и н а. Уйда шу қадар сиқиламанки, сра демай-диган! Қочиб кетгим келади. Хаёлимга шунақа ўйлар келади, агар ихтиёр ўзимда бўлгандами, ашула айтиб, қайиқда Волгани айланар эдим, ё бўлмаса уч отли извошда қучоқлашиб...

В а р в а р а. Бошқа одам блан, албатта.

К а т е р и н а. Сен қаердан биласан?

В а р в а р а. Билмайчи!..

К а т е р и н а. Оҳ, Варя, менинг фикрим бузуқ! Мен бечоранинг бошига не-не балолар тушмади, қанча йиғлаб хунибийрон бўлмадим! Бу фалокатдан қочиб қутулолмайман ше-

килли! Ҳечқачон! Бу яхши эмас, бу жуда ҳам ёмон гуноҳку, Варенька, мен бошқа бировни яхши кўраман шекилли?

Варвара. Сенга нима ҳам дердим! Уэ гуноҳларим етиб ортар.

Катерина. Нима қилсам экан! Ҳечнарсга қурбим етмайди. Бошимни қайси тошга урсам экан: бу аламлар блан ўзимни бир бало қилиб қўймасам гўрга эди!

Варвара. Нима бўлди сенга! Нима бўлди! Шошма, эртага акам кетсин, бирор нарса ўйлаб топамиз: балким кўришнинг иложи бўлар.

Катерина. Йўқ, йўқ, кераги йўқ. Сенга нима бўлди! Нималарни деяпсан! Худо сақласин-а!

Варвара. Нега бу қадар чўчиб кетдинг?

Катерина. Агар мен у блан бирор марта кўришадиган бўлсам уйдан қочиб кетаман, қайтиб сра-сра уйга келмайман.

Варвара. Ҳали шошмай тур, ўшанда кўрамиз.

Катерина. Йўқ-йўқ, менга гапирма, қулоқ ҳам солмайман.

Варвара. Ўзингни сомондай сарғайтиб нима қиласан! Диққатинг ошиб ўлганингда ҳам, биронтасининг раҳми келмайди! Булардан яхшилик кутиб бўпсан. Ўзингни-ўзинг қийнашдан нима фойда?

Қўлига таёқ тутган бой хотин блан учбурчакли шляпа кийган икки хизматкори киради.

САККИЗИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва бой хотин.

Бой хотин. Хўш, нозанинлар? Буерда нима қилиб турибсизлар? Йигитларни кутиб турибсизларми? Вақтингиз чоғми? Шунақага ўхшайди-а? Ҳуснингизга ишонасиз-да? Чирой деган нарса шунақа қилиб қўяди. (*Волани кўрсатиб.*) Ана, худди ўша гирдобнинг ўзи! (*Варвара жилмаяди.*) Нега куласиз! Кўп кеккайманг! (*Таёғини дўқиллатиб.*) Ҳаммангиз дўзахга кунда бўласиз. Ҳаммангиз жаҳаннам оловида ёнасиз. (*Кетаётиб.*) Мана ҳуснинг оқибати. (*Кетади.*)

ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Катерина блан Варвара

Катерина. Оҳ, мени бирам қўрқитиб юбордики, ҳали ҳам титрогим босилмайди, гўё менга аланарсадан дарак бераётгандай туюлди.

В а р в а р а. Үз бошига кўринсин, жодугарни!

К а т е р и н а. У нималар деди, а? Нима деди?

В а р в а р а. Бехуда гаплар. Унинг бемаза гаплари кимга керак экан. У ҳамма вақт шунақа бема'ни гапларни гапиради. Ешлигида тоза бузуқликларни қилиб роса гуноҳга ботган. Ишонмасанг сўра; ҳамма айтиб беради! Улимдан ўлгудек кўрқади. Ҳақиқат қўрққан нарсадан бошқаларни ҳам кўрқитиб юради. Ҳатто шаҳардаги болалар ҳам ундан қочишади. Уларга тағри блан дўқ уриб: «Дўзахга кунда бўласизлар!» деб бақиради.

К а т е р и н а (кўзларини юшиб). Оҳ, бўлди, бас қил! Юрагим тарс ёрилай деди.

В а р в а р а. Ушандан ҳам кўрқиб ўтирасанми! Бу жодугар ўлгур...

К а т е р и н а. Кўрқаман, ўлгудек кўрқаман. Ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди. (Жимлик.)

В а р в а р а (атрофга қараб). Нега шу чоққача, акам келмаяпти экан, чақмоқ чақаётганга ўхшайди.

К а т е р и н а (даҳшат блан). Момақалди роқ! Кетдик уйга! Тез бўл!

В а р в а р а. Нима, жинни-пинни бўлдингми! Қандай қилиб акам келмай туриб уйга борамиз?

К а т е р и н а. Йўқ, майли, кетайлик! Ҳақиқат борар!

В а р в а р а. Нега, момақалди роқдан бунчалик кўрқасан? Ҳали узоқда.

К а т е р и н а. Ундай бўлса биров кутайлик, яхшиси кет-сак ҳам бўлар эди. Кетақолайлик!

В а р в а р а. Пешонангга ёзилганини кўрасан, уйга қочиб ҳам қутулолмайсан.

К а т е р и н а. Минг қилса ҳам тинч, уйда бўлганинг яхши, ҳеч бўлмаганда бутга, худога сиғинасан-ку!

В а р в а р а. Мен сени момақалди роқдан бунчалик кўрқингани билмас эдим. Мен кўрқмайман.

К а т е р и н а. Қиз болага кўрқмай бўладими! Ҳарким ҳам кўрқинчи керак. Момақалди роқнинг кишини ўлдириши кўрқинчли эмас, гуноҳларинг тўлиб-тошган пайтда ўлимнинг тўсатдан келиб чап солиши ёмон, холос. Мен ўлимдан кўрқмайман, фақат шу кепатада, сенинг олдингда турган бўйича, ҳалиги гуноҳ гаплардан сўнг, худо даргоҳига боришдан чўчийман, холос. Бундан даҳшатли, бундан кўрқинчли нарсалар борми? Қаллам бўлмагур ўйлар блан говлади! Нақадар гуноҳ! Айтишга ҳам даҳшат!

Момақалди роқ гулдирайди.

Оҳ!

К а б а н о в киради.

В а р в а р а. Ана акам ҳам келиб қолди. (Кабановга.)
Тезроқ югур!

Момақалдироқ гулдирайди.

К а т е р и н а. Оҳ! Тез, тезроқ!

ИККИНЧИ ПАРДА

Кабановлар уйида бир бўлма

БИРИНЧИ САҲНА

Глаша буюмларни тугиш блан овора. Феклуша киради.

Феклуша. Жонимни қоқай, қачон кўрсам иш устидасан! Нима қилаяпсан, жонидан?

Глаша. Хўжайинни сафарга жўнатмоқчиман.

Феклуша. Бойвачча бирор ёққа кетаяптиларми?

Глаша. Ҳа кетаяптилар.

Феклуша. Кўпга кетаяптиларми, жоним?

Глаша. Йўқ, кўпга эмас.

Феклуша. Хайр, сафарлари бехатар бўлсин! Бўлмас, келин роса йиғлар экан-да?

Глаша. Қайдам!

Феклуша. Ўзи ҳеч йиғлайдими, йўқми?

Глаша. Шу чоққача кўрганим йўқ.

Феклуша. Мен, жонидан, уввос солиб йиғлаганини жуда яхши кўраман! (*Жимлик.*) Сиз, қизча, анави, рўпоч хотинларга кўз-қулоқ бўлинг, яна бирор нарсани тортиб кетишмасин.

Глаша. Сизларга ҳеч тушуниб бўлмайди ўзи, бир-бирингизни ғийбат қилганингиз қилган. Сизларга нима етишмайди? Ё бизникида ёмон кун кўраяпсизларми, ҳадеб бир-бирингиз блан олишганингиз олишган: гуноҳдан ҳам кўрқмайсизлар.

Феклуша. Дунёда гуноҳсиз яшаб бўлмайди, чирогим, мен сенга айтсам, чирогим, сизга ўхшаган оддий одамларни битта шайтон йўлдан оздиради, биздек тақводор рўпоч хотинларга эса олтидадан то ўн иккигача шайтон ёпишади:

мана шуларнинг ҳаммасини даф' қилиш керак, яхши қиз, бу жуда қийин.

Г л а ш а. Нега сизларга мунча кўп шайтон ёпишади?

Ф е к л у ш а. Чироғим, мен сенга айтсам, бизнинг мана шунақа ҳақ йўлига кириб, тавба-тазарру' ва тақво блан кун кўришимизни кўролмаган шайтон алаmidан шундай қилади Худо сақласин, мен бундай бачкана ишлар блан шуғулланмайман, чироғим. Менинг биргина гуноҳим бор, холос. Буни ўзим биламан. Яхши ейиш, яхши ичишни яхши кўраман. Турган битганим шу бўлса нима қилай.

Г л а ш а. Сен, Феклуша, олис томонларга борганмисан?

Ф е к л у ш а. Йўқ, чироғим. Заифлигимдан унча олисларга борган эмасман, аммо эшитишга қолганда — жуда кўп нарсаларни эшитганман. Айтишларига қараганда, шундай мамлакатлар бормишки, чироғим, уерларда христиан динидаги подшоҳлар йўқ эмиш, мамлакатни султонлар идора қилар эмиш. Бир ерда тахтда турк султони Махнут¹, бошқа бир ерда эрон султони Махнут ўтирармиш: мана шулар, чироғим, бутун одамлар устидан ҳукм чиқарармиш, яна қанақа ҳукм дегин, бутунлай нотўғри ҳукм-а. Улар, чироғим, бирор-та ишни одилона ҳал қилолмас эмиш, уларнинг ишлари ўзи шунақа эмиш. Бизнинг қонунимиз бўлса жуда одил, уларники, чироғим, ноҳақ: бизнинг қонунимизда иш мана бундай бўлса, уларникида бунинг бутунлай акси чиқармиш. Уларнинг қозилари ҳам, ўз мамлакатларида, барчаси ҳаққоний эмасмиш, одамлар уларга арзга келишганда ҳам ўз аризаларида: «Менинг ишимни бир ёқлик қил, эй ноҳаққоний ҳакам!» деб ёзармишлар. Яна, шунақа ерлар ҳам бормишки, бутун одамларнинг боши итнинг бошига ўхшармиш.

Г л а ш а. Нега шунақа, итнинг бошига ўхшармиш?

Ф е к л у ш а. Ғайри дин бўлганлари учун. Энди кетдим мен, чироғим, савдогарларнинг уйларини бир айланиб келай, бечораларга атаган-тутаганлари бордир. Ҳозирча хайр!

Г л а ш а. Хайр!

Ф е к л у ш а кетади.

Шунақа ерлар ҳам бор экан-а! Дун'ёда ажойиб нарсалар кўп! Буерда бизнинг ҳечнарсадан хабаримиз йўқ. Хайриятки, яхши одамлар бор: ҳеч бўлмаса, онда-сонда, дун'ёда нималар бўлаётганини ўшалардан эшитиб қоласан киши, бўлмаса ҳечнарсадан хабарсиз нодон бўлиб ўлиб кетар эдик.

К а т е р и н а блан В а р в а р а киради.

¹ М а ҳ м у д — демоқчи.

ИККИНЧИ КУРИНИШ

Катерина, Варвара

Варвара (*Глашага*). Юкларни аравага олиб чиқ, арава келди. (*Катеринага*.) Сени жуда ёш эрга беришипти, қизлик даврини ҳам суролмапсан, шунинг учун ҳам ҳали юрагингда ёшлик шўхликлари босилган эмас.

Г л а ш а чиқади.

Катерина. Ҳечқачон босилмайди.

Варвара. Нима учун?

Катерина. Шунақа, асли ўт юрак бўлиб туғилганман. Биласанми, нима қилган эдим, ўша кезларда олти ёшларда эдим, уйдагилар мени нимадандир хафа қилиб қўйишди, оқшом пайти эди, қопқоронғи, мен тўғри чопиб Волга бўйига тушдим, қайиққа ўтирдиму ҳайдаб кетдим. Эртасига эрталаб мени ўн чақирим наридан топишди!

Варвара. Йигитлар сенга кўз ташлардими?

Катерина. Ташламайчи!

Варвара. Сенчи? Ҳечкимни севган эмасмисан?

Катерина. Йўқ, фақат ҳазиллашар эдим.

Варвара. Сен, Катя, Тихонни ҳам севмайсан.

Катерина. Йўқ, нега севмайин. Унга жуда раҳмим келади!

Варвара. Биламан, севмайсан. Унга ачинасанми, демак севмайсан. Ҳеч ҳам севмайсан, тўғриси айтиш керак. Бекорга мендан яширасан! Кўпдан бери билиб юрибман; сен бошқа бировни яхши кўриб қолгансан.

Катерина (*чўчиб*). Қаердан биласан?

Варвара. Қизик гапирасан-а! Мен гўдакманми? Агар сен уни кўриб қолсанг дарров рангинг ўзгариб кетади, бу бир белгиси.

Катерина ерга қарайди.

Бундан бошқа...

Катерина (*ерга қараб*). Кимни, ахир?

Варвара. Ўзинг биласан-ку, айтишнинг нима ҳожати бор?

Катерина. Йўқ, айт! Исмини айт!

Варвара. Борис Григорьични.

Катерина. Ҳа, ўшани, Варенька, ўшани! Сен, Варенька, худо ҳаққи...

В а р в а р а. Улибманми! Сен ўз оғзингга эҳтиёт бўл, яна бирор ерда оғзингдан чиқиб кетмасин.

К а т е р и н а. Ёлғон гапиролмайман, ҳечнарсани сир тутолмайман, ахир.

В а р в а р а. Бусиз яшаб бўладими, қаерда яшаётганингни унутма! Ҳаммамиз шунга ўрганганмиз. Мен ёлғончи эмас эдим, даркор бўлувдики, ёлғонга ҳам ўргандим. Кеча айла-ниб юрганимда уни кўрдим, гаплашдим.

К а т е р и н а (*бироз жим тургач, кўзини ердан олмай*).
Хўш, у нима деди?

В а р в а р а. Сенга салом айтди. Аттанг, у блан учрашадиган жой йўқ, дейди.

К а т е р и н а (*ердан кўзини узмай*). Қаерда ҳам кўришар эдик! Нима ҳожати ҳам бор...

В а р в а р а. Жуда хафа... Ғамгин...

К а т е р и н а. Унинг тўғрисида менга гапирма, худо ҳаққи гапирма! У блан менинг нима ишим бор. Мен ўз эримни севаман! Тихон, сени ҳечкимга алиштирмайман! Мен бу ҳақда ўйлашни хаёлимга ҳам келтирмагандим, сен мени додиратиб кўйдинг.

В а р в а р а. Ўйламасанг, ўйлама, биров сени мажбур қилаяптими?

К а т е р и н а. Менга раҳминг келмас экан! Ўйламасанг, ўйлама, дейсану, тагин ўзинг кишининг эсига солиб қўясан. Уни сра ҳам ўйлашни истамайману, нима қилай ўзи хаёлимдан нари кетмаса?! Ниманики ўйламай, у ҳамон кўз олдимда тургани-турган. Ҳарчанд ўзимга тасалли беришга уринсам ҳам, қўлимдан ҳечнарсга келмаяпти. Биласанми, бу кун туни бўйи шайтонга «ҳай» бериб чиқдим. Оз қолди қочиб кетишимга.

В а р в а р а. Ўзинг ҳам ғалатисан, худо сақласин! Менимча, ўз билганингни қил, лекин «туя кўрдингми, йўқ» бўлиши керак.

К а т е р и н а. Мен бунақани хоҳламайман. Бундан яхшилик чиқмайди. Яхшиси чидаш керак, чидайман.

В а р в а р а. Бордию чидолмасангчи, унда нима қиласан?

К а т е р и н а. Нима қилардим?

В а р в а р а. Шуни айтаяпман-да, нима қиласан?

К а т е р и н а. Кўнглимга нима келса шуни қиламан.

В а р в а р а. Қилиб кўрчи, сени тириклай еб қўйишар.

К а т е р и н а. Қўрқмайман! Қочиб кетаман.

В а р в а р а. Қаёққа қочасан? Эринг бор-ку.

К а т е р и н а. Сен менинг фе'лимни билмас экансан,

Варя! Аммо, бундан худо сақласин! Буердан кўнглим сову-
масин, бордию кўнглим совугудек бўлса, мени ҳечким буерда
ушлаб туролмайди. Ўзимни деразадан Волгага отаман. Агар
буерда тургим келмай қолсами, калламни кессалар ҳам тур-
майман!

Жимлик.

Варвара. Биласанми, Катя! Тихон кетгандан кейин,
кел, боққа чиқиб шийпонда ётамиз.

Катерина. Нега энди, Варя?

Варвара. Сенга барибир эмасми?

Катерина. Авлоқ ерда ётишга кўрқаман.

Варвара. Нимадан кўрқасан? Глаша ҳам биз блан
ётади.

Катерина. Негадир кўрқинчли! Ҳа, майли.

Варвара. Сенику чақирмас эдим-а, бир ўзимни онам
ётқизмайди, мен албатта боққа чиқиб ётишим керак.

Катерина (унга қараб). Нега энди?

Варвара (кулиб). Уерда фол очамиз.

Катерина. Чинингми?

Варвара. Ҳазиллашдим, шунга ҳам ишондингми?

Жимлик.

Катерина. Тихон қаерда қолди?

Варвара. Нима қиласан уни?

Катерина. Сўрадим-да, У тездан жўнаши керак-ку.

Варвара. Онам блан бекиниб олиб гаплашаяптилар.
Онам унинг мясини қоқиб қўлига бераяпти-да.

Катерина. Нима учун, ахир?

Варвара. Бекордан-бекорга ақл ўргатаяпти. Икки ҳаф-
та йўлда бўлади-да, она кўзидан нари. Ўзинг ўйла! У буер-
дан кетгач, билганини қилади, деб онамнинг юрагини фасод
боғлаб кетди. Шунинг учун ҳам у, бир-бирдан бешбаттар
бўлган аллақаердаги насиҳатларни қилаяпти, кейин уни бут
олдига олиб бориб, менинг айтганларимни қилмасанг нима
урсин деб, қасам ичиради ҳам.

Катерина. Олисда ҳам эркин юролмас экан-да.

Варвара. Нега? Буердан кетгандан кейин у, ички-
ликка роса зўр беради. Қулоғи онамдаю, кўнгли арақда.
Тезроқ қутулсам, дейди.

Кабанова блан Кабанов киради.

УЧИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва Кабанова блан Кабанов

Кабанова. Хўп, энди ҳамма айтганларим эсингдами? Ҳаммасини дилиннга туйиб, қулорингга қуйиб ол!

Кабанов. Эсимда, онажон!

Кабанова. Энди ҳаммаси тахт. Арава ҳам тайёр, фақат хайрлашсанг бўлади, кейин худога топширдим.

Кабанов. Ҳа, онажон, вақт бўлди.

Кабанова. Қани, хўш!

Кабанов. Нима дейсиз?

Кабанова. Нега серрайиб турибсан, ё урф-одатни билмайсанми? Сен кетгач, қандай яшаш, туришини хотинингга уқдир.

Катерина ерга қарайди.

Кабанов. Нима, ўзи билмайдими?

Кабанова. Гапни қисқа қил! Қани гапир! Нима деганингни ўз қулоғим блан эшитай! Келганингда кейин сўрайсан: сен айтганларни бажардими, йўқми?

Кабанов (*Катеринанинг рўпарасига келиб*). Онамининг сўзидан чиқма, Катя!

Кабанова. Қайнанангга дағаллик қилма, де!

Кабанов. Дағаллик қилма!

Кабанова. Қайнанасини ўз онасидек ҳурмат қилсин!

Кабанов. Онамини, Катя, ўз онангдек ҳурмат қил!

Кабанова. Бой хотинлардек иш қилмай, сўппайиб ўтирма, де!

Кабанов. Менсиз, нима бўлса ҳам иш қилиб тур!

Кабанова. Кўчага кўз ташламасин!

Кабанов. Онажон, қачон у...

Кабанова. Бас, қани айт!

Кабанов. Кўчага қарама!

Кабанова. Сен йўқлигингда, ёш йигитларга қарама-син!

Кабанов. Нима бўлди сизга, онажон, худо ҳаққи!

Кабанова (*ғазаб блан*). Кўп валақлама. Онангни айтганини қил! (*Кулиб*). Бу гаплар фойдадан холи эмас, ҳа.

Кабанов (*зўрға*). Йигитларга қарама!

Катерина эрига тикилади.

Кабанова. Хўп, энди ўзларинг гаплашиб олинглар, Юр, Варвара!

Кетишади.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Кабанов блан Катерина. (Катя ҳанг-манг бўлиб қараб туради).

Кабанов. Катя!

Катя жим.

Катя сен мендан хафа бўлдингми?

Катерина (бироз жим тургач, бошини чайқаб). Йўқ!

Кабанов. Сенга нима бўлди? Кечир мени!

Катерина (ҳамон ўша ҳолатда, бошини сал чайқаб). Худо кўтарсин! (Қўллари блан юзини тўсиб.) Онанг мени ранжитди!

Кабанов. Ҳаммасини ичингга солаберсанг, ҳадемай сил бўласан. Қулоқ солма! Бирор нарса дейиши керак-да, ахир! Гапирса гапираверсин, сен қулоқ солма! Хайр бўлмаса, Катя!

Катерина (эрининг бўйнига осилиб). Тиша, кетма! Худо ҳаққи, кетма! Жоним, худо ҳаққи, кетма!

Кабанов. Иложи йўқ, Катя. Онам юборгандан кейин, бормай бўладими!

Катерина. Бўлмаса мени ҳам бирга олиб кет!

Кабанов (унинг оғушидан чиқиб). Иложи йўқ.

Катерина. Нега иложи бўлмасин, Тиша, нега?

Кабанов. Сени олиб кетиб нима ҳузур топардим! Бу-ерда, ҳаммангиз менинг одобимни бераяпсизлар! Ўзим қутулмай гарангку, яна сенинг эргашиганинг ошиқча.

Катерина. Наҳотки, мени ёмон кўриб қолган бўлсанг?

Кабанов. Ёмон кўрганим-ку йўқ, бундай азобда ҳар қандай гўзал хотиндан ҳам кечиб юборади киши! Ўзинг ўйлаб кўр, нима бўлса ҳам, мен эркакман, ахир: бутун умр, ўзинг кўриб турибсан, мана шундай ўтадиган бўлса, хотинингни ҳам ташлаб қочасан! Биладанки, икки ҳафта бемалол, эркин яшайман, ҳечким менга хўжайин бўлмайди, оёғимда кишан йўқ, наҳотки шундаям хотинни ўйласам?

Катерина. Сенинг бу гапларингни эшитиб, тагин қандай қилиб севай сени?

Кабанов. Бир гап-да! Яна нималар десам экан? Нимадан ҳам қўрқасан? Ёлғиз эмассан-ку, онам бор ёнингда.

Катерина. Сен менга онангни гапирма, юрагимни эзма! Оҳ, ҳолим хароб! (Йиғлайди.) Мен шўрлик нима ҳам қилдим, бошимни қаерга ҳам урдим? Кимга ялинай? Ё раббим, заволим келди шекилли!

Кабанов. Бас!

Катерина (*эрининг ёнига бориб, пинжига тиқилади*). Тиша, ё қолсанг, ё бўлмаса мени ҳам бирга олиб кетсанг, сени шу қадар ордоқлар эдим, оёғингга поёндоз бўлар эдим, жоним. (*Эркалатлади*.)

Кабанов. Тушунолмай қолдим сенга, Катя! Эркалатишлар уёқда турсин, гоҳо «чурқ» ҳам этмас эдинг, ҳозир аса, бевақт осилаяпсан.

Катерина. Тиша, сен мени кимга ташлаб кетаяпсан? Сенсиз бирор фалокат юз бермасайди?! Бирор фалокат!

Кабанов. Ахир, иложи йўқ, нима ҳам қилаолардик?

Катерина. Ундай бўлса... сен менга бирор ёмонроқ қасам ичириб кет...

Кабанов. Қанақа қасам?

Катерина. Сен йўқлигингда ҳечқандай бегона киши блан кўришмаслигим, сўзлашмаслигим, сендан бошқани ўйламаслигим учун қасам ичир менга!

Кабанов. Нима ҳожати бор бунинг?

Катерина. Худо ҳаққи менинг айтганимни қил! Кўнглимни тинчит!

Кабанов. Киши ўзига қандай ишониб бўлади, хаёлига нималар келмайди кишининг.

Катерина (*тиз чўкиб*). Ота-онамнинг дийдоридан бенасиб бўлай! У дунёдан ҳам маҳрум бўлай, агар мен...

Кабанов (*уни турғизиб*). Бу нима қилганинг? Нима гап ўзи! Мана шу сўзларинг ўзи катта гуноҳ! Эшитмаганим бўлсин!

Кабанованинг: «Бўл, Тихон!» деган овози эшитилади

БЕШИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ҳамда Кабанова, Варвара ва Глаша

Кабанова. Бас энди. Тихон, жўнаш керак. Худога топширдим! (*Утиради*.) Утиринглар! (*Ҳаммаси ўтиради. Жимлик*.) Хўп энди, хайр! (*Туради, ҳамма туради*.)

Кабанов (*онасига яқин келиб*). Хайр, онажон!

Кабанова (*ерни кўрсатиб*). Оёғимга тиз чўк, оёғимга!

Кабанов онасининг оёғига тиз чўкади, кейин ўпишади.

Хотининг блан хайрлаш!

Кабанов. Хайр, Катя!

Катерина эрининг бўйнига осилади.

К а б а н о в а. Нега бўйнига осиласан, уятсиз! Уйнашинг блан хайрлашаётганинг йўқ-ку! Эринг-а, билиб қўй! Е, йўл-йўриқни билмайсанми? Оёрига тиз чўк!

К а т е р и н а тиз чўкади.

К а б а н о в. Яхши қол, синглим! (*Варвара блан ўпишади.*) Яхши қол, Глаша! (*Глаша блан ўпишади.*) Хайр, онажон! (*Эгилади.*)

К а б а н о в а. Хайр! Узоқ хайрлашсанг — шунча кўп кўз ёши бўлади.

К а б а н о в чиқади, унинг кетидан К а т е р и н а, В а р в а р а, Г л а ш а ҳам чиқади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

К а б а н о в а (*ёлғиз*). Нима ҳам дейсан, ёшлик-да! Уларни кўриб кулгинг қистайди! Агар ўз кишим бўлмаганда тоза кулардим-да. На тартибни билишади ва на қоида-ни. Тузук-қуруқ хайрлашишни ҳам билишмайди! Хайрият, ҳали қайси уйда кексалар бор экан, ўша ерда тартиб-қоида бор, кексалар бўлмаса дун'ё остин-устин бўларди. Тентаклар, эркин яшамоқчи бўлишади, бир эркин яшаб кўришсинчи, тамоша қилайлик; бир масхараси чиқиб шарманда бўлишсин! Эски одатларнинг садқаси кетсанг! Бошқа уйларга киргинг ҳам келмайди. Қирганингда ҳам, кўнглинг айниб, қочиб чиқасан, киши. Қарилар ўлиб кетгандан кейин олам нима бўларкин, билолмайман. Илоҳим ўша кунлардан асра!

К а т е р и н а блан В а р в а р а киради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

К а б а н о в а, К а т е р и н а ва В а р в а р а.

К а б а н о в а. Эримни жуда яхши кўраман, деб мақтанувдинг: кўрдик қандай яхши кўришингни. Бўлақ хотин бўлганда эди, эри кетиши блан камида бир ярим соат, чуввос уриб йиғларди, сенинг бўлса парвойингга ҳам келмайди.

К а т е р и н а. Йиғлаб нима қилай, йиғлашни ҳам билмайман, одамлар олдида кулги бўлайми?!

К а б а н о в а. Нимасини билмайсан. Агар яхши кўрганингда билар эдинг. Яхши билмасанг ҳам, ҳеч бўлмаса, кўз ёши қилиб ҳам қўймайсан, булар ҳам одобдан, гапларинг бариси тилингнинг учуда экан. Хўп, майли, мен ибодатга кираман, менга халал берманглар.

В а р в а р а. Мен кўчага чиқаман.
К а б а н о в а. Менга нима! Чиқсанг чиқавер! Уйна, ўй-
найдиган чоғинг. Вақти келиб уйда ўтириб қоларсан.

К а б а н о в а блан В а р в а р а чиқади.

САККИЗИНЧИ САҲНА

К а т е р и н а (*ёлғиз, ўйчан*). Мана уйимиз ҳам жимжит бўлиб қолди. Энди роса зерикасан киши! Ҳеч бўлмаса, бировларнинг боласи бўлса ҳам майли эди! Оҳ! Болам ҳам йўқ: бола бўлганда ўша блан овунар эдим. Болалар блан сўзлашишни бирам яхши кўраман — улар фаришталардек гуноҳсиз, пок бўлишади. (*Жимлик.*) Асли гўдаклигимда ўлиб кетсам яхши бўлар экан. Осмонда учиб юриб ерга қарардим, ҳаммасини кўриб хурсанд бўлардим. Қаерга истасам ўша ерга учиб борар эдим. Далага учиб чиқардим, худди капалаклардай, гулдан-гулга кўнар эдим. (*Уйланиб.*) Ва дага мувофиқ бирорта иш бошлайман, бозордан сурп олиб келаман, кийим тикаману камбағал-бечораларга улашаман. Улар мени дуо қилишади. Варвара блан бир ишга ўтирайликки, вақт ўтганини ҳам билмай қолайлик. Иннайкейин, Тиша ҳам келиб қолади.

В а р в а р а киради.

ТУҚҚИЗИНЧИ САҲНА

К а т е р и н а блан В а р в а р а

В а р в а р а (*ойна олдига бориб рўмол ўрайди*). Энди мен ўйнагани чиқаман; Глаша бизга боққа жой солиб қўяди, онам кўнди. Боғда, малина кўчати орқасида, дарча бор, онам ҳамавақт қулфлаб калидини ўзи олиб юрарди, мен калидни олволдим, онам билиб қолмасин, деб ўрнига бошқа калид қўйиб қўйдим. Ма, балки керак бўлиб қолар. (*Калидни берарди.*) Агар кўрсам дарча томондан кел, деб айтаман.

К а т е р и н а (*чўчиб, калидни қайтариб*). Бўлмаган гап! Нега! Керак эмас! Керак эмас! Керак эмас!

В а р в а р а. Сенга керак бўлмаса, менга керак бўлар: ол, еб қўймайди сени.

К а т е р и н а. Нималар қилмоқчисан сен, шаддот! Яхши эмас! Уйламадингми? Сенга нима бўлди ўзи! Сенга нима бўлди?

В а р в а р а. Бас, кўп гап эшакка юк, ёмон кўраман вал-жирашни; вақтим йўқ. Уйнаб қолишим керак. (*Кетади*).

Катерина (ёлғиз, қўлида калид). Нима қиляпти-а? Нималарни ўйлаб топаяпти? Оббо, тентак қиз эй, чинакам тентак! (Калидга қараб.) Мана шу мени ҳалок қилади! Мана шу! Буни олисларга, дар'е тубига ташлаб юбориш керакки, ҳечким, ҳечким буни тополмасин. Худди оловдай қўлни куйдирадия. (Уйланиб.) Биз, шўрлик, хотин-қизлар, мана шундай ҳалок бўламиз. Тутқинликда ким ҳам шод юрарди? Хаёлингга нималар ҳам келмайди. Бир-икки дуч келган ҳаловат ҳам бошимизни гангитиб қўяди, қандай иш қилиб бўлади-а! Фалокатга йўлиқиш қийинмас! Кейин умр-бод йиғла-сиқта; ўрнига келмайди, яна тутқинликнинг ўзи кўзингга тўтиё бўлиб кўринади. (Жимлик.) Тутқинлик нақадар азоб, нақадар аччиқ! Бунинг дастидан йиғламаган ким бор? Ҳаммадан кўпроқ биз шўрлик хотин-қизлар йиғлаймиз. Мана мен ўзим! Бутун умрим азоб-уқубатда, ёруғликдан дарак йўқ! Ҳечнарсани кўрмай ўтаман! Кундан-кунга баттар. Яна бунинг устига бу гуноҳчи! (Уйланиб.) Агар қайнанам бўлмаганда! Сиқиб сувимни ичди менинг... Унинг дастидан ўз уйим, ҳатто деворлар ҳам кўзимга аллақандай хунук бўлиб кўринади. (Уйчан калидга қарайди.) Ташлаб юборайми буни? Албатта, ташлаб юборишим керак. Қандай қилиб бу қўлимга тушиб қолди-а? Мени йўлдан оздириб, ҳалок қилмоқчими! (Қулоқ солиб.) Кимдир келаяпти. Бирам юрагим ўйнаб кетдики. (Калидни чўнтагига солади.) Йўқ!.. Ҳечким йўқ!.. Нега бунчалик қўрқиб кетдим! Ҳатто калидни ҳам яшириб қўйибман... Унинг жойи шуер экан, майли тураверсин! Тақдир буни ўзи истайди шекилли! Ҳеч бўлма-са уни олисдан кўрсам шу ҳам гуноҳчи! Гаплашсам нима бўпти?! Эримга нима дейман-а?.. Ахир, ўзи хоҳламадику. Балким, бутун умр бўйи бундай учрашувни кўрмасман. Кейин: фурсат келдию, фойдаланаолмадим, деб бошимни тошга урайки, ўрнига келмас. Нималар деяпман, нега ўзимни-ўзим алдаяпман? Энди ўлсам ҳам уни кўришим керак. Кимга риёкорлик қиляпман ўзи!.. Калидни ташлаб юбориш керакми! Ўлсам ҳам ташламайман! Бу энди меники! Нима бўлса бўлсин, Борисни кўришим керак. Оҳ, тезроқ қоронғи тушса эди!..

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Кўча. Кабановлар ҳовлисининг дарвозаси, дарвоза олдида
скамейка.

БИРИНЧИ САҲНА

Кабанова блан Феклуша скамейкада ўтиришти.

Феклуша. Замона охир бўлибди, холажон, замона охир бўлгандан кейин мана шунақа бўлади, Марфа Игнатъевна. Ҳали ҳам бўлса сизларнинг шаҳрингиз жаннат, озоишта, бошқа шаҳарларни сра қўяверинг. Уерларда худди қиёмат-а, қиёмат, холажон. Тўполон, ола-говур, шовқин-сурон! Халқ худди бўзчининг мокисидек уёқдан-буёққа чопгани-чопган.

Кабанова. Биз шошилиб нима ҳам қилдик, шошмасак ҳам кунимиз ўтади, айланай.

Феклуша. Йўқ, холажон, шаҳрингизнинг ссойишта, тинч бўлишига бошқа сабаб бор; сизга ўхшаган яхши кишилар кўп буерда, ана ўшалар ўзларининг художўй ва сахийликлари блан шаҳарни гулдек безатиб турадилар; мана шунинг учун ҳам бутун иш аста-секин, ўз маромида, тартиб блан олиб борилади. Бу югуриш-чопишлар, холажон, биласизми? Ҳаммаси беҳуда! Мана Москвани олинг; одамлар худди ел қувгандай уёқдан-буёққа чопиб юришади, нега бунақалигини ўзлари ҳам билишмайди. Мана шуни айтади-да, беҳуда оворагарчилик деб. Одамлар ҳам ҳовлиқишиб қолган, Марфа Игнатъевна, югуришгани, югуришган. Гўё у, бирор ишга кетаётгандай чопади, ошиқади, аслида, бечоралар билмайдики, бу бир хаёл эканини, келадики, бўм-бўш, ҳечнарсга йўқ, биргина хаёл! Шундан сўнг ғамга ботади. Бошқаси бўлса худди бирор танишини қувиб бораётгандай шошади. Четдан қараб турган киши, ҳечким йўқлигини дар-

ров пайқайди. У бўлса, ола-тўполонда гўё етиб оладиган-дек ошиққани ошиққан. Бу ола-тўполон худди туманга ўхшайди-да, холажон. Буерда бўлса мана шунақа ажойиб кечалари ҳатто эшик олдига ҳам камдан-кам одам чиқиб ўтиради. Москвадачи, ҳозир ола-ғовур, кўчаларда одамлар қайнайди, шовқин-сурон. Биласизми, Марфа Игнатъевна, ўтла аждаҳони ҳам аравага қўшадиган бўлишипти; буларнинг ҳаммаси тез юриш учун эмиш.

К а б а н о в. Эшитдим, айланай, эшитдим.

Ф е к л у ш а. Меъ, холажон, ўз кўзим блан кўрдим; бошқалар ҳовлиқиб қолиб ҳечнарсани кўришмайди, уларнинг кўзига машина бўлиб кўринади, улар унга машина деб ном қўйишипти, мен унинг панжаларини мана бундай (панжаларини кериб) қилганини кўрдим. Лекин, уни ўтла нафас олганини фақат художўй одамларгина пайқайди, холос.

К а б а н о в а. Ҳарқанақа ном қўйиш мумкин, машина деса ҳам бўлади; овом халқ ҳаммасига ишонаверади. Аммо, менинг устимдан зар тўксанг ҳам унга тушмайман.

Ф е к л у ш а. Нега керак экан-а, хола! Бундай балолардан ўзинг сақла эгам! Яна, бундан бошқа холажон, Москвада анча нарсаларни кўрдим. Бир кун эрталаб ғира-ширада кетиб борар эдим, қарасам, баланд бир уйнинг томида юзлари қопқора кимдир турипти. Кимлигини ўзингиз биласиз. У, гўё алланарсаларни сочаётгандай, қўлларини қимирлатадию, ҳақиқатда эса ҳечнарсани сочмайди. Кейин бундай ўйлаб қарасам, у ёмонлик уруғини сепаяпти, халқ ола-тўполонда фарқига бормаи ўтиб кетаяпти. Мана шунинг учун ҳам улар югуришгани-югуришган, шунинг учун ҳам хотинларнинг ҳаммаси озгин, эти бориб суякларига ёпишган; худди улар бирор нарсасини йўқотгандай, гўё бирор нарсасини излаётгандек, ҳовлиқишади, ўзлари ғамгин, кишининг раҳми келади уларга.

К а б а н о в а. Ажабланарлик ҳеч ери йўқ, бизнинг замонамизда ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин!

Ф е к л у ш а. Охир замонлар келаяпти, Марфа Игнатъевна, ғалати замонлар бўлаяпти. Одамлар бир-бирини ҳурмат қилишмай қўйди.

К а б а н о в а. Нега ҳурмат қилмас экан?

Ф е к л у ш а. Албатта, бу ола-тўполонда, сиз блан биз сезмаймиз! Ақлли, доно одамлар ҳатто вақтнинг қисқариб бораётганини ҳам сезишади. Ёз блан қиш бирам чўзилардики, қачон тугаркин, деб хуноб бўлардинг киши; энди бўлса ўтиб кетганини ҳам сезмайсан. Ой-кунлар ҳамон ўша-ку, ахир;

лекин, гуноҳларимизнинг кўплигидан, кундан-кунга қисқараяпти. Ақлли кишилар мана шунақа дейишяпти.

К а б а н о в а. Бундан ҳам баттар бўлади, айланай, бундан ҳам баттар.

Ф е к л у ш а. Уша кунларни кўрсатмагин илоҳим!

К а б а н о в а. Балким кўрармиз ҳам.

Д и к о й киради.

И К К И Н Ч И С А Х Н А

Аввалгилару Д и к о й

К а б а н о в а. Қўшни, нега бемаҳалда санқиб юрибсан?

Д и к о й. Ким ман' қиларди менга?

К а б а н о в а. Ким ман' қиларди! Кимга керак?

Д и к о й. Ундай бўлса, гапнинг ҳам ҳожати йўқ. Ё менинг бирор хўжайиним борми? Сенга ким қўйибди, мени тергашни, ялмоғиз!..

К а б а н о в а. Сен, кўп қариллаб кекиртагингни чўзаверма! Сўкадиган одамнингни топиб сўқ, ҳа, менга тишинг ўтмайди. Қаердан келган бўлсанг ўшаққа бор, жўна! Юр, Феклуша, уйга қирамиз. (Туради.)

Д и к о й. Тўхта, қўшни, тўхта! Аччиғинг келмасин. Уйингга ҳам кирарсан. Ана уйинг, қочиб кетгани йўқ.

К а б а н о в а. Агар иш блан келган бўлсанг, кўп ўқирма, тузукроқ гапир.

Д и к о й. Иш-пиш йўқ, мастман, билдингми!

К а б а н о в а. Бу қилиғинг учун ё сени мақтайликми?

Д и к о й. Мақтамаям, сўкмаям. Маст бўлдимми, иш тамом. То ухламагунимча қайфим тарқалмайди.

К а б а н о в а. Ундай бўлса, бор, ухла!

Д и к о й. Қаёққа бораман!

К а б а н о в а. Уйингга. Бўлмаса қаёққа борардинг!

Д и к о й. Уйга боришни истамасамчи?

К а б а н о в а. Нега энди, хўш?

Д и к о й. Уйимда уриш бўлаяпти.

К а б а н о в а. Ким уришяпти? Сендан бўлак ҳам уришадиган борми ўзи?

Д и к о й. Уришқоқ бўлсам нима бўпти? Нима бўпти-а?

К а б а н о в а. Нима бўларди? Ҳечнима. Умринг хотинлар блан уришиб ўтади, хўш, нима обрў ортдирдинг. Қани?

Д и к о й. Хотинлар менга итоат қилиши керак. Мен уларга итоат қилиб бўпман!

К а б а н о в а. Анчадан бери ҳайронман сенга, уйингда

шунча одамлар туриб — биттаси ҳам кўнглингни кўтаришолмайди.

Дикой. Агар сен бўлганигда!

Кабанова. Хўш, мендан нима истайсан?

Дикой. Яхши сўзлар блан кўнглимни кўтар. Бутун шаҳарда сендан бўлак ҳечким кўнглимни ололмайди.

Кабанова. Бор, Феклуша, айт бирор овқат тайёрлашин.

Феклуша ичкарига киради.

Юр, уйга кирайлик!

Дикой. Йўқ, уйга кирмайман, уйга кирсам баттар бўлман.

Кабанова. Нима деб сени хафа қилишди?

Дикой. Саҳармардонлаб-а!

Кабанова. Балким пул сўрашгандир.

Дикой. Ла'натилар, худди маслаҳатлашгандек кунни бўйи бири қўйиб, бири қистаб келади.

Кабанова. Қисташган бўлишса, керакдир-да.

Дикой. Тушунаманку-я, ахир фе'лим шунақа бўлса нима қилай; бериш кераклигини билиб турибман. Аммо яхшилик блан беролмайман. Дўстим бўлса ҳам қистаб келса, сўкиб соламан. Беришгаку-бераман-а, аммо жанжалсиз бермайман. Пул тўғрисида оғиз очдингни, юрак-бағримга ўт тушади, фақат ичим ёнади; шундан сўнг бекордан-бекорга одамларни сўкаман.

Кабанова. Тергайдиганинг йўқ-да, шунинг учун ҳам ҳовлиқасан.

Дикой. Йўқ, қўшни, ундай эмас! Сен қулоқ сол менга! Бир вақт мана шунақа воқиа ҳам бўлган эди. Бир маҳал, рўза кунлари худо деб тавба-тазарру қилиб юрган кезларим эди, қаердан ҳам бир қаланғи келиб қолса бўладими: ўзи ҳам ўтин олиб келиб берган эди, пулини қистаб келипти. Қаердан келди баччағар, роса гуноҳга қолдим-да! Шу қадар гуноҳга қолдимки: тоза сўқдим, оғзимга келганини бўғзимга ютмадим, оз бўлмаса уриб анжир қилиб ташлардим. Фе'лим қурсин, мана шунақа! Кейин узр сўрадим, тиз чўкиб афв сўрадим, рост! Тўғри айтаяпман, ҳалиги кишининг оёғига йиқилдим. Юрагим шунақа бўш: ҳовлининг ўзида, ҳамманинг кўз олдида, лойга йиқилиб, ундан афв сўрадим.

Кабанова. Нега жўрттага қиласан? Яхши эмас, қўшни.

Дикой. Нега жўрттага бўлсин?

К а б а н о в а. Кўрганман, биламан. Кўрасанки, сендан бирор нарса сўрашмоқчи, дарров олдини олиб, жўрттага, ўз одамларингдан биронтасига осиласан, кейин жаҳлинг чиқадию, сенга ҳечким яқин келмайди. Мана шунақа, қўшни.

Д и к о й. Хўш, нима бўпти? Ким ўз молига ачинмайди!

Г л а ш а киради.

Г л а ш а. Марфа Игнатъевна, овқат тайёр, марҳамат қилинглар!

К а б а н о в а. Қани, қўшни, кирайлик! Насибангни еб чиқ!

Д и к о й. Хўп.

К а б а н о в а. Марҳамат! (Дикойни олдинга ўтказиб ичкари кириб кетади.)

Глаша қўлларини қовуштириб эшик олдида туради.

Г л а ш а. Борис Григорьевич келаяпти дейман. Амаки-сини истаб юргандир? Ё ўзи айланиб юрибдимикин? Ўзи шундай тамоша қилиб юрган бўлса керак.

Б о р и с киради.

УЧИНЧИ САҲНА

Г л а ш а, Б о р и с, кейин К у л и г и н

Б о р и с. Амаким сизларникидами?

Г л а ш а. Бизникида. Нима қилардинг?

Б о р и с. Уйдагилар қаерда экан, билиб кел, деб юборишди. Сизларникида бўлса ўтираверсин; кимга ҳам керак у, кетганига уйдагилар ҳам хурсанд.

Г л а ш а. Агар бизнинг бека унинг хотини бўлгандами, уни жиловлаб оларди. Мен, аҳмоқ, буерда сен блан нима қилиб турибман-а. Хайр. (Кетади.)

Б о р и с. Ё раббий! Ҳеч бўлмаса, кўз қири блан бўлса ҳам, уни бир кўрсам эди! Уйига кириш мумкин эмас; чақирмаган ерга кириб бўлмайди, буерда. Шу ҳам ҳаёт бўлдию! Бир шаҳарда, ҳатто бир маҳаллада турамизу, бир ҳафтада зўрға бир марта учрашамиз, бу ҳам бўлса ё черковда, ё бўлмаса йўлда. Буерда эрга тегиш — қора ерга кириш блан баравар. (Жимлик.) Асли уни ҳеч ҳам кўрмаганимда яхши бўларди. Гоҳо кўриб қоласану, шунда ҳам гўё ҳамма сенга тикилиб тургандай бўлади. Фақат юрагинг эзилади, холос. Ҳатто ўз-ўзинг блан муроса қилолмайсан, киши. Айлангани чиқсанг, қандай қилиб шу эшик олдида келиб қолганинг-

ни ҳам билмайсан. Нега буерга келдим-а? Уни кўришнинг ҳеч иложи йўқ-ку, яна гап-сўз бўлиб, бечорани балога қўймай, хўп шаҳарга келган эканман-да! (Кетмоқчи бўлади, шу вақт қаршисидан Кулигин киради.)

Кулигин. Хўш, тақсир? Айланиб юрибсизми?

Борис. Ҳа, айланиб юрибман, бугун ҳаво жуда яхши-да.

Кулигин. Шунақа пайтда айланиб юриш яхши-да, тақсир. Жимжит, ҳаво тоза. Волганинг нарёғидаги ўтлоқлардан гул ҳидлари анқиб турипти, осмон тиниқ...

Чексиз кўкда тўлиб тошган юлдузлар,
Саноқсиз юлдузлар — чақнаган кўзлар.

Юринг, тақсир, боққа борайлик, уерда ҳечким йўқ.

Борис. Юринг!

Кулигин. Тақсир, шаҳаримиз мана шунақа! Боғ қилишдию, сайр қилишмайди. Фақат байрам кунлари айланнишади, қаерда айланишади дейсиз, янги кийимларини кўз-кўз қилгани чиқишади. Майхонадан чиқиб келаётган пианиста миршабдан бўлак ҳечкимни учратмайсиз. Камбағал-бечораларга сайр қилиб юришга йўл бўлсин, улар кечаю-кундуз иш блан овора. У бечоралар суткасига уч соатгина ухлашади, холос. Бойлар нима қилишади денг? Ё улар айланнишни, ё тоза ҳаво олишни истамайдиларми? Ундай эмас. Улар эшикларини аллақачон тақа-тақ занжирлашган, итларини ҳам қўйиб юборишган... Сиз, уларни бирор иш блан ёки тоат-ибодат блан машғул, деб ўйларсиз? Йўқ, тақсир. Улар эшикларини ўғридан қўрққанларидан ҳам бекитишмайди, йўқ, улар уй ичларининг сиқиб сувини ичганларини, одамларнинг тириклай хароб этганларини бошқалар кўриб қолмасин учун яширинишади. Мана шу дарвозалар орқасида не-не ёшлар тўкилади! Буларнинг сизга айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, тақсир! Ҳаммаси ўзингизга ма'лум. Бу дарвозалар орқасида ифлос бузғунчиликлар тўлиб-тошиб ётибди! Ҳечким, ҳечнарсга билмайди, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверади — фақат биргина худонинг ўзига аён! Сен, мени эл кўзида, кўчада иззат қил, менинг уй ичим блан ишинг бўлмасин дейди; бунинг учун мени дейди: Қулфим бор, дамбам бор, қора итим бор. Оила — бу махфий, яширин нарсга! Биламиз қанақа махфий гаплар бўлишини! Бу махфий ишлардан, тақсир, фақат унинг ўзигина хурсанд: қолганларчи, — қолганлар ўлимига рози. Шу ҳам сир бўлдию? Ким билмайди бу сирларни дейсиз! Қариндош-уруғ, жиян, етим-

есирларни роса талашади, кейин уйдагиларни чунон бошлаб савалашадики, бечоралар, бу ҳақда гинг дейишмайди. Мана уларнинг махфий сирлари. Падарига минг ла'нат ўшаларни! Биласизми, тақсир, шаҳримизда кимлар айлангани чиқади? Успиринлар блан ёш қизлар. Улар ўз уйқуларини харом қилиб, уйқулари ҳисобига жуфт-жуфт бўлиб айланишади. Ана бир жуфти келаяпти.

Кудряш блан Варвара кўринади. Улар ўпишади.

Борис. Бунақа ишлардан камчилигимиз йўқ.

Кудряш кетади. Варвара ўз дарвозаси олдига бориб Борисни имлаб қақиради. Борис унга яқинлашади.

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Борис, Кулигин, Варвара.

Кулигин. Мен, тақсир, боққа кетдим. Сизга халақит бериб нима қилдим? Уша ерда кутиб тураман.

Борис. Хўп, мен ҳозир бораман.

Кулигин кетади.

Варвара (*рўмолига бурканиб*). Кабановлар боғи орқасидаги жарликни кўрганмисан?

Борис. Кўрганман.

Варвара. Кечқурун ўша ерга кел.

Борис. Нега?

Варвара. Жиннимисан! Келавер: кейин биласан нималигини. Хўп, тезроқ бор, сени кутиб туради.

Борис кетади.

Ким блан учрашини билмади! Майли, бироз боши қотсин! Яхши биламанки, Катерина чидолмай чопиб чиқади. (*Дарвозага кириб кетади.*)

ИККИНЧИ КҲРИНИШ

Тун. Буталар қоплаган жарлик; баландда Кабановлар боғининг девори; деворда дарча, юқорида сўқмоқ йўл.

БИРИНЧИ САҲНА

Кудряш (*қўлида гитара блан киради*). Ҳечким йўқ. Нима бўлди-а! Ҳай, кутиб турайчи. (*Тошга ўтиради.*) Зерикиб ўтиргандан кўра, ашула айтиб турай. (*Куйлайди.*)

Донли казак отини сугоришга опкетти,
Марҳаматли қаҳрамон дарвозага тез етти,
Эшик ёнида туриб, бошлади ўй суришга,
Йўл излади: хотинни азоблаб ўлдиршга.
Хотин бўлса эрига ёлбордию, ёш тўкди,
Таъзим қилиб шу замон ҳузурида тиз чўкди:
Сен-ку, ахир қалбимдан севган суюкли жоним!
Қўй қийнама, ўлдирма, оқшомда тўкиб қоним!
Сен ургин ва ўлдиргин мени ярим кечада!
Қўй ухласин тинчиб менинг ёш болаларим,
Мурғаккина болалар, барча ҳамсоғларим.

Б о р и с киради.

ИККИНЧИ САҲНА

К у д р я ш блан Б о р и с.

К у д р я ш (*қўшиғини тўхтатиб*). Оббо сеней! Ёввош
деб юрсак, сен ҳам иш кўрсатадиганга ўхшайсан.

Б о р и с. Сенмисан, Кудряш?

К у д р я ш. Мен, Борис Григорьич!

Б о р и с. Сен буерда нима қилиб турибсан?

К у д р я ш. Менми? Керакдирки, тургандирман, Борис
Григорьич, бўлмаса келармидим. Ўзингизга йўл бўлсин?

Б о р и с (*атрофни кўздан кечириб*). Биласанми, Кудряш;
менинг шу ерда туришим керак, сен бошқа жойга бориб
турсанг ҳам бўлар дейман.

К у д р я ш. Йўқ, Борис Григорьич, сизни буерда бирин-
чи марта кўриб турибман, бу ер менинг ўз жойим бўлиб
қолган, мана бу сўқмоқни ҳам ўзим очганман. Мен сизни,
тақсир, севаман, ҳарқандай хизматингизга тайёрман, аммо,
бу йўлда кечаси менга йўлиқа кўрманг, худо сақласин, яна
бирор фалокат юз бермасин. Ва'дага вафо керак, ҳа.

Б о р и с. Сенга нима бўлди, Ваня?

К у д р я ш. Ванянинг падарига ла'нат: Ваня эмиш!
Биламан Ванялигимни. Сиз ўз йўлингиздан қолманг, вас-
салом. Биттаси блан ва'далашдингми ўша блан бўл, сен
блан ҳечкимнинг иши ҳам бўлмайди. Аммо бошқаларга
кўз олайтирма! Бунга буерда йўл қўйишмайди, йигитлар
оёғингни синдириб қўйишади. Мен ўзимники учун... Ҳада,
агар меникига илашадиган бўлсанг, нақ кекиртагингни узиб
оламан!

Б о р и с. Бекорга аччиғинг келаяпти: севганингни йўлдан
уриш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Агар мени чақиришмаган-
да буерга келмас ҳам эдим.

Кудряш. Ким чақирди?

Борис. Қоронғи эди, яхши ажратаолмадим. Бир қиз мени кўчада тўхтаиб, мени шу ерга, Кабановлар боғининг орқасидаги сўқмоққа кел, деб тайинлаган эди.

Кудряш. Ким бўлди экан?

Борис. Менга қара, Кудряш. Сенга ишонса бўладими, оғзинг бўш эмасми!

Кудряш. Айтаверинг, қўрқманг! Оғзим маҳкам.

Борис. Мен сизларнинг урф-одат, тартибларингизни билмайман; мен сенга айтсам гап...

Кудряш. Ё, биронтасини яхши кўриб қолдингизми?

Борис. Ҳа, Кудряш!

Кудряш. Нима бўпти, ёмон эмас. Бу ҳақда бизда эркинлик бор. Қизлар ҳам хоҳлаганларича ўйнаб юраберилади, ота-оналарининг иши ҳам бўлмайди. Фақат эрлик хотинларгина ичкаридан чиқишмайди.

Борис. Тоza шўрим қурир экан-да бўлмаса.

Кудряш. Наҳотки эрлик хотинни яхши кўриб қолган бўлсангиз?

Борис. Эрлик хотинни, Кудряш.

Кудряш. Эҳ, Борис Григорьич, бу йўлдан қайтиш керак.

Борис. Айтишга осон! Балким, сенга барибирдир; бирдан айниб иккинчисини топарсан. Мен бундай қилломайман! Мен яхши кўрдимми...

Кудряш. Ахир, сиз, уни бутунлай ҳалок қиласиз-ку, Борис Григорьич.

Борис. Худо сақласин! Ўз паноҳингда асра мени худойим! Йўқ, Кудряш, бу мумкин эмас. Наҳотки, мен унинг ҳалок бўлишини истайин! Қаерда бўлса ҳам, уни бир кўрсам бас, бошқа ҳечнарсa керак эмас менга.

Кудряш. Киши ўзига қандай қилиб ишонаолади, тақсир! Буердаги одамларнинг нималигини ўзингиз биласиз! Тириклай ғажиб, тириклай гўрга тикишади.

Борис. Оҳ, гапирма, Кудряш, гапирма, бас, мени кўр-қитма!

Кудряш. У сизни яхши кўрадимиз?

Борис. Билмайман.

Кудряш. Бирор марта бўлса ҳам кўришганмисиз?

Борис. Бир марта амаким блан уйларига боргандим. Ибодатхонада ва боғда кўриб тураман. Оҳ, Кудряш, қандай ибодатлар қилади, бир кўрсанг эди! Юзларидаги пок, малаклар кулгиси гўё қуёшдек нур сочади.

Кудряш. Тагин Кабановларнинг ёш келини бўлмасин-а?

Борис. Худди ўшанинг ўзи, Кудряш!

Кудряш. Шунақа денг? Бўлмаса табрикласак бўлар экан-да!

Борис. Нима блан?

Кудряш. Нима блан бўларди! Демак, сизни буерга чақириптими, ишингиз жойида экан.

Борис. Наҳотки ўша чақирган бўлса?

Кудряш. Бўлмаса, ким бўларди?

Борис. Йўқ, сен ҳазиллашаяпсан! Бу мумкин эмас!
(Бошини чангаллайди.)

Кудряш. Сизга нима бўлди?

Борис. Хурсандликдан шошиб қолдим.

Кудряш. Ана, холос! Роса бўлган эканку! Эҳтиёт бўлинг — яна ўзингизга бало ортдириб олманг, бечорани ҳам балога қўйманг! Унинг эри аҳмоқ одам бўлса ҳам, ammo қайнанасидан ҳазир бўлинг.

Дарчани очиб Варвара чиқади.

УЧИНЧИ САҲНА

Аввалгилар, Варвара кейин Катерина чиқади.

Варвара (дарча олдида куйлайди).

Шовқин дарё нарёгида
Ваняжон ўйнар,
Ваняжоним ўйнаб юриб...

Кудряш (давом этдириб).

Мол сотиб олар.

Варвара (сўқмоқ йўлдан тушиб келади ва рўмоли блан юзини тўсиб, Борис олдига боради). Сен, йигит, шуерда кутиб тур. Бировни кутиб оласан. (Кудряшга.) Юр, Волгага тушамиз.

Кудряш. Нега мунча ҳаялладинг? Ҳадеб кутаверамми! Ўзинг биласан, кутишни ёмон кўраман!

Варвара бир қўлини унинг бўйнига ташлайди, кейин иккаласи чиқиб кетишади.

Борис. Худди туш кўраётганга ўхшайман! Бу кеча, ашулалар, вадалар кечаси! Уларнинг кучоқлашиб юришлари менинг учун янгилик, хурсандлик, холос! Мана мен ҳам ниманидир кутаяпман! Нимани кутаётганимни ўзим

ҳам билмайман, ҳаёлимга ҳам келтиролмаيمان; фақат юрагим ўйнапти, иликларим титраб кетаяпти. Унга нима дейишимни ҳам билмайман, нафасим бўғилиб, тиззаларим букилиб кетаяпти! Юрагим бир ўйнамасин, кейин сра тинчитиб бўлмайди. Ана ўзи ҳам келаяпти.

Катерина оқ шол рўmolга ўраниб, ерга қараганича, сўқмоқ йўлдан оҳиста тушиб келади.

Бу сизмисиз, Катерина Петровна?

Жимлик.

Сизга ўз миннатдорлигимни қандай изҳор қилишимни ҳам билмайман.

Жимлик.

Мен сизни, нақадар яхши кўраман, Катерина Петровна!
(*Қўлини ушламоқчи бўлади.*)

Катерина (*чўчиб, аммо кўзини ердан узмай*). Тегма, тегма менга! Оҳ, оҳ!

Борис. Аччиғланманг!

Катерина. Менга тегма! Менга яқинлашма, кет! Биласанми: бу гуноҳимни мен ҳечқачон, ҳечқачон юволмайман! Юрагимда тошдек тугун бўлиб қолади.

Борис. Мени ҳайдаманг!

Катерина. Нега келдинг? Нега келдинг, мени ҳалок қилиш учунми? Ахир, менинг эрим бор-ку, ўлар-ўлгунимча эрим блан бўлишим керак...

Борис. Ўзингиз чақирипсизку...

Катерина. Қулоқ сол менга, сен менинг душманим-мисан; айтдим-ку! Ўлар-ўлгунимча деб!

Борис. Яхшиси сизни кўрмасам бўларкан!

Катерина (*ҳаяжон блан*). Мен балони ўзимга-ўзим тилаб олаяпман. Менинг жойим қаерда эканини биласанми?

Борис. Тинчланинг! (*Қўлидан ушлаб.*) Ўтиринг.

Катерина. Нега менинг ўлимимни истайсан?

Борис. Дун'ёда бирдан-бир сизни севсаму, наҳотки сизнинг ўлимингизни истасам?

Катерина. Бас, бас энди! Бошимга етдинг!

Борис. Мен шунақа ёмон одамми?

Катерина (*бошини чайқаб*). Единг, ҳалок қилдинг, ўлдирдинг!

Борис. Худо сақласин! Бундан кўра, ўзим ҳалок бўлганим яхши эмасми!

Катерина. Ярим кечада уйимни ташлаб, сенинг олдинга чиқишим, бу ҳалок қилганинг эмасми!

Борис. Бу сизнинг ихтиёрингиз блан бўлди-ку.

Катерина. Менда ихтиёр нима қилсин! Агар ихтиёрим ўзимда бўлганда эди, сенинг олдинга чиқармидим! (*Кўзларини ердан олиб, Борисга қарайди. Бироз жимлик чўқади.*) Энди менинг ихтиёрим сенда, тушунаяпсанми! (*Унинг бўйнига осилади.*)

Борис (*Катеринани қучиб*). Жоним!

Катерина. Биласанми, негадир шу топда бирдан, ўлишни истаб қолдим!

Борис. Энди яхши яшаб келаётганимизда, нега ўлмоқ керак?

Катерина. Йўқ, менинг ҳаётим тамом бўлди! Мен энди ортиқ яшамайман!

Борис. Бас, гапирма бу гапларингни, юрагимни эзма...

Катерина. Сенга осон, ихтиёринг ўзингда, менчи?!

Борис. Бизнинг севишганимизни ҳечким сезмайди. Наҳотки, сенга менинг раҳмим келмаса!

Катерина. Оҳ, нега раҳминг келсин менга, ҳечкимда айб йўқ,— мен ўз ихтиёрим блан келдим. Раҳм қилма, йўқ, яхшиси мени ҳалок эт! Майли, менинг бу шармандалигимдан ҳамма огоҳ бўлсин, майли! (*Борисни қучоқлайди.*) Сени деб гуноҳдан қўрқмаганимдан кейин, нега одамларнинг таънаю дашномларидан қўрқай? Бу осий дунёда даккио дашномларга чидасанг, охиратда гуноҳларинг енгил бўлади дейдилар.

Борис. Шундай саодатли дамда буларни ўйлашнинг нима ҳожати бор!

Катерина. Тўғри айтасан! Ҳали ўйлашга ҳам, йиғлашга ҳам фурсат топилади.

Борис. Мени ҳайдаб юборасан, деб қўрқувдим.

Катерина (*кулиб*). Ҳайдаб! Мана шу юрагим блан ҳайдаш қўлимдан келармикин! Агар сен келмаганингда, олдинга ўзим борар эдим.

Борис. Мен бу қадар севишингни билмас эдим.

Катерина. Сени кўпдан севаман. Бизникига кирганинг бошимга бало бўлди. Сени кўрдиму, ўзимни билмай қолдим. Агар ана ўшандаёқ мени чақирганингда, балким эргашиб кетар эдим: дунёнинг нариги бурчига борсанг ҳам, сен блан кетар эдим.

Борис. Эринг кўпга кетдими?

Катерина. Икки ҳафтага.

Борис. О, ундай бўлса роса ўйнаймиз! Вақт кўп ҳали.
Катерина. Ўйнаймиз. Ундан кейин... (Ўйланиб.)
Дарчага қулф соладилар. Ана унда менинг ўлганим яхши!
Мабода қулф солмасалар, вақт топиб сен блан учрашиб
турарман!

Кудряш блан Варвара киради.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Аввалгилару, Кудряш блан Варвара

Варвара. Қалай, муросага келдиларингми?

Катерина юзини Бориснинг кўкрагига яширади.

Борис. Ҳа.

Варвара. Бир айланиб келсаларинг бўларди, биз
кутиб турамиз. Керак бўлса Ваня чақиради.

Борис блан Катерина кетишади. Кудряш блан Варвара
тошга ўтиради.

Кудряш. Дарчадан чиқишни зап топибсизлар-да.
Биздақалар учун жуда қулай-да.

Варвара. Ҳаммасини ўзим ўйлаб топдим.

Кудряш. Сен, қизи тушмагур, бўш келмайсан. Онанг
билиб қолса нима бўлади?

Варвара. Билиб бўпти! Ақли бўлса билади-да.

Кудряш. Бордию фалокат босиб билиб қолсачи?

Варвара. Бирам уйқуси қаттиқки, тўп отиб ҳам уйғо-
таолмайсан. Эрталабгача данг қотиб ухлайди.

Кудряш. Ким билади! Қўққис уйғониб қолса-чи?

Варвара. Уйғонса нима қипти! Дарчани боғ томондан
занжирлаб қўйганмиз; тақиллатиб, тақиллатиб кетаверади.
Ухлаб қолибмиз, эшитмабмиз, деймиз. Ҳа, бундан ташқари,
Глаша ҳам кўз-қулоқ бўлиб турипти; бирор нарса бўл-
са Глаша хабар қилади. Эҳтиёт бўлиш керак, холос! Бўл-
маса, бирор фалокат бўлса балога қолармиз.

Кудряш гитарни бирнеча бор чертиб қўяди. Варвара Кудряш-
нинг елкасига бошини қўяди, у бўлса, парво қилмай оҳиста гитарни
ни чертади.

Варвара (эснаб). Соат неча бўлди экан, билиш кеоак
эди.

Кудряш. Ўниккидан ошди.

Варвара. Қаердан биласан?

Кудряш. Қоровул шақилдоғини чалди.

Варвара (эснаб). Кетайлик. Чақир. Эртага эртароқ чиқамиз, кўпроқ ўтирамиз.

Кудряш (олдин хуштак чалади, кейин баланд овоз блан куйлайди).

Ҳамма уйга кетар.
Мен кетишни истамайман.

Борис (сахна ортидан). Эшитдим!

Варвара (ўрнидан туриб). Хайр бўлмаса! (Эснайди, кейин гўё кўпдан таниш одамдай совуққина ўпади). Эртага, сал эртароқ келинглар. (Борис блан Катерина кетган томонга қарайди.) Бас, кўп узоқ хайрлашманглар, эртага ҳам кун бор. (Эснайди, керишади.)

Олдин Катерина, орқасидан Борис киради.

БЕШИНЧИ САХНА

Кудряш, Варвара, Борис ва Катерина.

Катерина (Варварага). Юр, кетдик! (Сўқмоқ йўлдан кетишади. Катерина орқасига бурилиб.) Хайр.

Борис. Эртагача!

Катерина. Эртагача хайр! Кўрган тушингни айтиб берарсан! (Дарчага боради.)

Борис. Албатта.

Кудряш (гитара блан куйлайди).

Ешлигингда ўйнаб қол,
Шомгача, то тонггача!
Хай-ҳай, ука, ўйнаб қол,
Шомгача, то тонггача:

Варвара (дарча олдида).

Ҳали ёшман ўйнайман,
Қуёш чиққанга қадар.
Хай-ҳай роса ўйнайман
Қуёш чиққанга қадар.

Кудряш.

Тонггача мен ўйнадим,
Кейин уйга жўнадим...

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи панда бузилабошлаган гумбазлик қадимий бинонинг тор галлерейси — йўлаги; уер-буерда кўкат ва дарахтлар, арк орқасидан қиргоқ ҳамда Волга манзараси кўриниб туради.

БИРИНЧИ САҲНА

Айланиб юрган бирнеча эркаклар блан аёллар арк орқасидан ўтишади.

1-н ч и. Ёмғир томчилаяпти, момақалдироқ бўлмаса гўр-га эди.

2-н ч и. Қара, бўлади...

1-н ч и. Яхшики, қочишга жой бор.

Ҳаммаси гумбаз остига ўтишади.

А ё л. Боғда бирам одам кўп. Байрам-да, ҳамма чиққан! Бойларнинг хотинини айтмайсанми, роса ясанишипти.

1-н ч и. Ҳозир улар ҳам қочгани жой тополмай қолади.

2-н ч и. Кўрасан ҳамма шуёққа келади!

1-н ч и (деворларни кўздан кечириб). Оғайни, дейман, бир вақтлар бу жойлар жуда нақшинкор бўлган-да. Ҳозир ҳам, оз-моз изи бор.

2-н ч и. Бўлмасам-чи! Жуда нақшинкор эди. Энди бўлса бўм-бўш, харобага айланган, кўкат босиб кетибди. Ёнгиндан кейин тузатишмади. Сен ёнгин бўлганини билмайсан, бунга роса қирқ йилча бўлди.

1-н ч и. Буерда ниманинг расми бор эди-а, оғайни? Билинмай кетипти.

2-н ч и. Оғзидан ўт сочиб турган аждаҳонинг расми бор эди.

1-н ч и. Шунақа дегин, оғайни!

2-н ч и. Буерга турли-туман одамлар келишади.

1-н ч и. Энди тушундим.

2-н ч и. Ҳархил мансабдаги одамлар.

1-н ч и. Занжийлар ҳамми?

2-н ч и. Занжийлар ҳам.

1-н ч и. Бу нима бўлди-а, оғайни?

2-н ч и. Бу Литванинг тор-мор қилиниши. Уруш!— кўр-маяпсанми? Бизникилар блан литвалилар ўртасида бўлган жангнинг сурати.

1-н ч и. Литванг нимаси?

2-н ч и. Литва — Литва-да.

1-н ч и. Бу Литва, оғайни, осмондан тушган бало дейишади, ростми.

2-н ч и. Осмондан тушганми, йўқми, бунисини айтолмайман.

Аё л. Шунақа! Осмондан тушганини ҳамма билади; уларга қарши қаерда жанг бўлган бўлса, ўша ерга ёдгорлик учун тепаликлар қурилган.

1-н ч и. Шунақа, оғайни! Бу жуда тўғри.

Д и к о й киради, унинг орқасидан Кулигин, шапкаси
Ҳамма тазим қилади ва эҳтиром кўрсатади.

ИККИНЧИ САҲНА

Аввалгилар, Дикой блан Кулигин.

Д и к о й. Оббо ла'нати-эй, тоза ивитиб юборибди-ку. (Кулигинга.) Йўқол кўзимдан! Йўқол! (Ғазаб блан.) Аҳ-моқ!

Кулигин. Савел Прокофьич жаноблари, ахир бундан бутун халқ учун фойда бор-да.

Д и к о й. Йўқол дейман! Қанақа фойда! Кимга керак бу фойданг?

Кулигин. Ҳеч бўлмаса ўзингизга фойдаси бор, Савел Прокофьич жаноблари. Мана, тақсир, боғнинг баҳаво жойига ўрнатилса яхши бўларди. Қанча чиқим бўларди дейсиз? Ҳечқанча ҳам чиқим бўлмайди: тош устун (ҳарбир айтаган нарсасини қўли блан кўрсатиб гапиради),— мана шунчагина юмолоқ мис тахтаю мана шунчагина тўғри. жуда оддий темир бўлса бас. (Қўли блан кўрсатади.) Ҳаммасини ўзим боплайман, рақамларини ҳам ўзим ёзаман. Кейин, жанобингизнинг ўзлари, ё бўлмаса бошқа айланиб юрган кишилар бундай келиб қарашадию, соат нечалигини билишади-да. Шундай баҳаво, гўзал бир жой бўш турадимиз? Бундан ташқари, жаноблари, ўткинчилар ҳам бўлиб туради, ана ўшалар ҳам бундай тамоша қилишади, ҳарҳолда, эл кўзида ёмон бўлмайди-да.

Дикой. Бунақа бўлмагур, бемаза гапларинг блан га-
шимга тегма! Эҳтимол сен блан гаплашишни истамасман. Сен,
аҳмоқ, аввал билишинг керак эди; гапларингга қулоқ сола-
манми, йўқми? Мен, сенинг тенгингми?! Топган гапини қа-
ранг-у! Кишини ҳол-жонига қўймайди-я!

Кулигин. Агар олдингизга ўз манфаатимни кўзлаб
келганимда эди, унда айб менда бўларди. Ахир, мен, жа-
ноблари, халқ фойдасини кўзлаб келдим. Жамоат учун ўн
сўм харжланса нима қилипти! Бошқа ҳечнарсa даркор эмас,
тақсир.

Дикой. Ким билaди сени, балким ўғирлаб қочарсан!

Кулигин. Ўз меҳнатимни аямай ҳаммасини текинга
қилмоқчиману, яна нимани ўғирлаб қочаман, жаноблари?
Буерда мени ҳамма билaди; менинг тўғримда ҳечким ёмон
гапирмайди ҳам.

Дикой. Билса билар, менга нима, мен сени билишни
ҳам истамайман.

Кулигин. Хўш, Савел Прокофьич жаноблари, виждон-
ли одамни хафа қиласиз-а?

Дикой. Мен сенга ҳисоб беришим керакми! Сендан
каттароғига ҳам ҳисоб берган эмасман. Сенинг ҳақингда шу
фикрдамани, ўз фикримдан қайтмайман. Балким бош-
қалар учун инсофли, виждонли одамдирсан, аммо менинг
учун қароқчи, муттаҳамсан, гап тамом, вассалом! Мендан
шу сўзларни эшитмоқчимидинг? Шундай бўлса қулоқ сол!
Сен — қароқчисан! Тамом! Ё мен блан қозилашмоқчимисан!
Сен шуни бир билиб қўй, сен чуволчангсан, хоҳлайман раҳм
қиламан,— хоҳлайман янчиб ўтиб кетаман.

Кулигин. Ихтиёрингиз, Савел Прокофьич! Мен, тақ-
сир, кичкина одамман, мени ранжитиш қийин эмас. Лекин,
жаноблари, сизга шуни айтишим керакки, «усту йиртиқлар
ҳам саҳоватли бўладилар».

Дикой. Сен менга тўнглик қилма! Биласанми, тўнглик
қилма!

Кулигин. Мен, сизга ҳеч тўнглик қилаётганим йўқ,
тақсир; фақатгина вақти келиб шаҳар учун бирор фойдали
иш қиларсиз деб гапираяпман. Қурбингиз бўлса етарли,
жаноблари; бундай саҳоватли ишлар учун фақат ихлос бўл-
са бас. Мисол учун ҳозирни олсак: тез-тез момақалдиروق
бўлиб турибди; лекин, бунга қарши бирор чора кўрганимиз
йўқ.

Дикой (*гердаиб*). Буларнинг ҳаммаси беҳуда гап!

Кулигин. Нега беҳуда гап бўлсин, тажриба қилиб кўришган-ку.

Дикой. Момақалди роққа қарши қанақа асбобинг бор?

Кулигин. Пўлатдан қилинган.

Дикой (ғазаб блан). Хўш, тагин ниманг бор?

Кулигин. Пўлат устунлар.

Дикой (борган сари жаҳли чиқиб). Пўлат устунларинг-ни эшитдим, жин ургур, тагин ниманг бор? Устунларинг бўлса тузатибсан! Хўш, тагин-чи?

Кулигин. Бошқа ҳечнарсан.

Дикой. Сенингча момақалди роқ ўзи нима? А? Қани гапир, нима?

Кулигин. Электричество.

Дикой (депсиниб). Қанақа илинтричества! Шу гапингдан кейин, қанақасига энди муттаҳам эмассан-а! Момақалди роқни худо гуноҳларимиз кўпайгани учун юборади, сен бўлсанг, қандайдир темир ходалар, паншахалар блан момақалди роқни қайтармоқчи бўласан, худоё ўзинг кечир! Нима, сен, кофирмисан, а? Гапир, кофирмисан?

Кулигин. Савел Прокофьевич жаноблари, Державин шундай деган эди:

Улганимда бутун гавдам чириб кетажак,
Лекин ақлим чақмоқларга амр этажак.

Дикой. Мана шу сўзларинг учун сени ҳоким тўрага тутиб бериш керак; сенинг адабингни ўша беради! Ҳой, халойиқ, эшитдингларми, бунинг гапларини!

Кулигин. Бунга итоат қилишдан бўлак чора йўқ! Менинг ҳам миллионим бўлгандан кейин гаплашаман! (Қўл силтаб чиқиб кетади.)

Дикой. Қаердан топасан, ўғирлайсанми? Ушланг уни! Оббо муттаҳам ўғри-эй! Бу халқ блан муомала қилиш учун қандай одам бўлиш керак, билолмай қолдим. (Халққа муурожаат қилиб.) Ҳой, ла'натилар, кимни гуноҳга ботираёпсиз! Бугун ўзимни тутмоқчи эдим, у бўлса, жўрттага, жаҳлимга тегиб кетди. Гўрингда тўнғиз қўпкур-эй. (Зарда блан.) Ёмғир тиндимми ўзи?

1-нчи. Тинди шекилли.

Дикой. Тинди шекилли-я! Сен, аҳмоқ, бундай чиқиб қара! Шекилли-я.

1-нчи (гумбаз остидан чиқиб). Тинибди!

Дикой чиқиб кетади, унинг орқасидан бошқалар ҳам чиқиб кетишади. Саҳна бироз бўш қолади. Кейин Варвара шошиб гумбаз остига келади, бекиниб туриб атрофини кузатади.

УЧИНЧИ САҲНА

В а р в а р а, кейин Б о р и с киради.

В а р в а р а. Борис шекилли.

Саҳна ортида Б о р и с кўринади.

Тсс, Тсс (Борис уёқ-буёққа қарайди.) Бу ёққа кел.
(Қўли блан имо қилади.)

Б о р и с киради.

Энди нима қилдик? Айт, нима қиламиз.

Б о р и с. Нима бўлди?

В а р в а р а. Худо урди! Эри келиб қолди, билмадингми? Кутмаганда келиб қолса бўладими!

Б о р и с. Йўқ, хабарим йўқ эди.

В а р в а р а. Катерина нима қилишини билмай боши қотиб қолди.

Б о р и с. Хайрият эри йўқлигида ўн кунгина ўйнаб қолган эканман. Энди уни кўриш ҳам амри-маҳол.

В а р в а р а. Ҳали сен шунақамисан! Қулоқ сол! Худди безгак тутгандек титрайди; рангги оппоқ, бир нарчасини йўқотган одамдай уйда изғиб юрипти. Кўзлари бўлса чанагидан чиқай-чиқай дейди! Бугун эрталаб роса уввос уриб йиғлади. Эй худоё, нима қилишимни ҳам билмайман.

Б о р и с. Балким юпаниб қолар!

В а р в а р а. Невлай-да! Эрининг кўзига қаролмайди. Онам буни пайқаб қолди, энди худди илондай пойлаб юрипти: буни кўриб у баттар бўлаяпти. Бечорага раҳминг келади, кишининг! Ўзим ҳам кўрқаяпман.

Б о р и с. Сен нимадан кўрқасан?

В а р в а р а. Сен уни билмайсан! У жуда галати. Унинг қўлидан ҳамма иш келади! Шундай қиладики...

Б о р и с. Ё раббий! Нима қилиш керак-а? Сен унга яхшилаб гапирсанг бўларди. Наҳотки гапга қулоқ солмаса?

В а р в а р а. Гапирдим. Ҳеч қулоқ солмайди. Яхшиси индамаганинг дуруст.

Б о р и с. Сенингча, у нима қилиши мумкин?

В а р в а р а. Эрининг оёғига йиқиладию ҳаммасини айтади. Мен мана шундан кўрқаяпман.

Б о р и с (чўчиб). Наҳотки шундай қилса!

В а р в а р а. Унинг қўлидан келади.

Б о р и с. Ҳозир қаерда?

В а р в а р а. Ҳозир эри блан боққа чиқишди, онам ҳам

бирга. Истасанг сен ҳам бор. Йўқ, яхшиси қўй, борма, яна ўзини йўқотиб қўймасин тагин.

Олисдан момақалдироқ овози эшитилади.

Момақалдироқми? (Қараб.) Ёмғир ҳам томчилаяпти. Ҳам-ма шуёққа келаяпти. Бўл, бирор жойга бекин, мен шуерда турай, яна кўнгилларига бирор нарса келмасин.

Турли мартабадаги бирнеча эркак ва аёллар киради.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Одамлар, кейин Кабанова, Кабанов, Катерина
ва Кулигин киради.

1-нчи. Бу хотин жуда қўрқаяпти дейман, қочишини қара.

Аёл. Қочиб нима қиларди, пешонасига битгани бўлади. Катерина (чопиб кириб). Оҳ, Варвара! (Варваранинг маҳкам билгидан ушлайди.)

Варвара. Бас, сенга нима бўлди!

Катерина. Ажалим етди!

Варвара. Оғзингдан шамол олсин! Эсингни йиғ!

Катерина. Йўқ! Чорам йўқ. Қўлимдан ҳечнарса келмайди. Юрагим эзилиб кетди, юрагим.

Кабанова (кириб). Бандаси ҳарқандай нарсага тайёр бўлиши керак; ана шунда қўрқув деган нарсани билмайди.

Кабанов. Унинг, онажон, қанақа гуноҳи бўлсин, ҳаммамизнинг гуноҳимиздақа гуноҳи бор-да, унинг ҳам; у фақат табиатдан қўрқаяпти, холос.

Кабанова. Сен қаердан биласан? Бировнинг кўнглидагини билиб бўладими?

Кабанов (ҳазиллашиб). Ё мен йўғимда бирор нарса бўлдим, боримда-ку ҳечнарса бўлмовди.

Кабанова. Эҳтимол, сен йўғингда...

Кабанов (ҳазиллашиб). Катя, агар бирор гуноҳ қилган бўлсанг, яхшиси тавба қилиб қўяқол. Барибир мендан яшираолмайсан; билиб оламан! Ҳаммасини билиб оламан!

Катерина (Кабановнинг кўзига тикилиб). Жоним!

Варвара. Нега бунга осиласан! Кўрмаяпсанми, шунинг ўзи ҳам унга етар.

Борис одамлар орасидан чиқиб келади ва Кабановлар билан саломлашади.

К а т е р и н а (қичқириб юборади). Вой!

К а б а н о в. Нега қўрқдинг! Ё бегона деб ўйладингми?
Танишимиз-ку! Амакингиз яхшими?

Б о р и с. Худога шукур!

К а т е р и н а (Варварага). Унга нима керак яна менадан?.. Ё унга, шунча чекаётган азобларим етмайдими?
(Варваранинг елкасига босини қўйиб йиғлайди.)

В а р в а р а (онаси эшитсин учун қаттиқ гапирди).
Ўзимиз нима қилишимизни билмай турибмизу, яна бу бегоналарнинг суқилганини! (Борисга имо қилади, у эшик томонга бориб туради.)

К у л и г и н (ўртага чиқади, одамларга мурожаат қилиб).
Хўш, нимадан қўрқасизлар, қани айтингларчи. Ҳарбир гиёҳ, ҳарбир гул хурсанд-ку, нега биз офат келгандай қўрқиб қочамиз! Худди момақалдироқ ўлдириб қўяётгандек! Бу момақалдироқ эмас, худонинг раҳмати! Ҳа, раҳмати! Сизлар бўлса қўрқиб қалтирайсизлар. Ёй-камалак кўринади; тамоша қилиш керак; «қоронғи мамлакатларда тонг ўтади!» деган эскиларнинг сўзи ҳақлигига иқрор бўлиш керак! Сизлар бўлса қўрққанингиздан бу ё уруш келтиради, ё бўлмаса офат, деб ваҳима соласиз! Қуйруқли юлдуз тушиб келганда ҳам, мен қочмас эдим,— нақадар гўзал! Оддий юлдузларни бўлса ҳар кун кўрамиз, ҳечқандай янгилик йўқ, бучи янгилик; мазза қилиб тамоша қилар эдим! Сизлар бўлса шунчаки осмонга қарашга ҳам қўрқиб қалтирайсизлар! Ҳарнарсдан ваҳимага тушасизлар. Эҳ, аттанг! Мана мен, ҳеч қўрқмайман. Қани кетдик, тақсир!

Б о р и с. Кетдик! Буерда туриш қўрқинчлироқ!

Чиқиб кетишади.

БЕШИНЧИ САҲНА

Б о р и с в а К у л и г и н д а н бошқа ҳаммаси.

К а б а н о в а. Насиҳатини қаранг, бу фосиқни! Роса вайсади, нима ҳам деймиз! Хўп ғалати замонлар бўлаяпти-да, ҳали қарилар шундақа деса, ёшлардан нима кутар эдик!

А ё л. Осмонни роса булут босди-да. Гўё парда қопқоқ босиб қўйгандай.

1-н ч и. Ана унга қара; оғайни, худди жони бордек. Терапамизга босиб келишини кўр!

2-н ч и. Менинг гапларим эсингда бўлсин. Бу момақалдироқ бежиз эмас. Ҳақ гапни айтаяпман, биламан. Ё бирор

кишини ўлдиради, ё бўлмаса уйни ёндиради, мана кўрасан;
рангини қара, ҳеч бунақасини кўрмовдик!

Катерина (қулоқ солиб). Улар нима дейишяпти?
Бирор кишини ўлдиради, дейишяпти-ку.

Кабанов. Улар шунақа оғзига келган бемаза гапларни
гапираверади.

Кабанова. Сен ўзингдан каттага тил тегизма! Улар
сендан кўра кўпроқ билишади. Кексалар билиб гапиради,
ҳа. Кекса одам бекорга жаврамайди.

Катерина (эрига). Тиша, мен кимни ўлдиришини
биламан.

Варвара (Катеринага оҳиста). Оғзингни юм!

Кабанов. Сен қаердан биласан?

Катерина. Мени ўлдиради. Мени дуо қилинглар!

Хизматкорлари блан бой хотин киради. Катерина қўрқиб бақи-
ради-да, яширинади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Аввалгилар ва бой хотин.

Бой хотин. Нега қочасан! Қочмай қўяқол! Қўрқаяп-
санми; ўлишни истамайсан-а! Яшашни истайсан-а! Нега
яшашни истамас экансан! Жамолингни қара! Ҳа, ҳа, ҳа!
Чиройликсан! Худога сизин, ибодат қил, сени хуснингдан
маҳрум қилсин! Чирой бошга бир бало! Ўзингни ҳам, бош-
қани ҳам хароб этасан! Ана ўшанда кўрасан хуснингни!
Кўпгина одамларни гуноҳга қўясан! Мана шу хусн деб улар
бир-бирини пичоқлашади. Роса қизиқ бўлади-да! Кексалар
ҳам, қариб-чириб, йўлидан гўри яқин бўлиб қолган бўлса
ҳам, номусини ютиб, хусн-чиройга алданишади! Буларнинг
гуноҳлари учун ким жавобгар? Булар учун сен жавоб бера-
сан, сен! Яхшиси, бу хусн блан, ўзингни дарёга от! Тезроқ
бўл, ҳа тезроқ!

Катерина ўзини бекитади.

Қаерга қочасан, тентак! Худодан қочиб қутулолмайсан!
Ҳаммангиз дўзахнинг оловида ёнасиэ!

Чиқиб кетади.

Катерина. Оҳ! Уламан!

Варвара. Нега ўзингни қийнайсан?! Бир четга ўтиб
ибодат қилиб ол; балки енгил тортарсан.

К а т е р и н а (девор ёнига боради ва тиз чўқади, кейин бирдан ирғиб туради). Оҳ! Дўзах! Жаҳаннам! Утли аждаҳо!

К а б а н о в, К а б а н о в а ва В а р в а р а уни ўраб олишади.

Юракларим пора-пора бўлди! Ортиқ тоқатим қолмади! Онажон! Тихон! Мен худо олдидаю, сизларнинг олдингида гуноҳқорман! Сен йўқлигингда номаҳрамга назар солмайман, деб қасам ичганим эсингдами! Эсингдами, айт, эсингдами? Мен шармандани сенсиз нима қилганимни биласанми? Сен кетган куниеқ кечаси уйдан чиқиб кетдим...

К а б а н о в (ўзини йўқотиб, кўз ёши қиларкан Катеринанинг енидан тортади). Бас, бас! Гапирма! Сенга нима бўлди! Онам шу ерда-я.

К а б а н о в а (ғазаб блан). Учини чиқариб қўйганингдан кейин, гапир энди.

К а т е р и н а. Ун кун ўйнадим... (Ийглайди.)

К а б а н о в уни қучоқламоқчи бўлади.

К а б а н о в а. Тегма унга! Ким блан?

В а р в а р а. Ёлғон, ёлғон айтаяпти. Нима деяганини ўзи ҳам билмайди.

К а б а н о в а. Жим тур сен! Сенга нима? Хўш, ким блан, айт!

К а т е р и н а. Борис Григорьевич блан.

Момақалди роқ гулдирайди

Оҳ! (Эрининг қўлига ҳушсиз йиқилади.)

К а б а н о в а. Хўш, ўғлим! Бўш қўйиб беришнинг натижасини билдингми энди? Мен айтувдим-ку, қулоқ солмадинг! Кўргилигингни кўр энди!

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи пардадаги декорация. Оқшом пайти.

БИРИНЧИ САҲНА

Кулигин скамейкада ўтирипти. Боғ томонидан Кабанов ўтади.

Кулигин. *(Куйлайди.)*

Тун зулматида қопланди осмон.

Кишилар роҳатда ухлайдилар шу он... ва ҳоказо.

(Кабановни кўриб қолиб.) Саломалайкум, тақсир! Йўл бўлсин?

Кабанов. Уйга. Бизнинг воқиамизни эшитдингми, оғайни! Оғайни, бутун оила остин-устин бўлди.

Кулигин. Эшитдим, тақсир, эшитдим.

Кабанов. Москвага борганимни билармидинг? Кетиш олдимда онам роса насиҳат қилди, қани қулоғимга кирган бўлса, остонадан бир қадам чиқишим бланоқ роса айш қилдим. Эркинликка чиққанимга хурсанд бўлиб тоза ўзимни қўйиб юбордим. Йўл бўйи ичиб кетдим, Москвада ичганимни айтмайсанми. Бир йиллигини бирийўла ўйнаб келдим-да. Уй-ичим сра эсимга ҳам келмаса. Бундай бўлиши хаёлимга ҳам келмовди. Ўзинг эшитдингми?

Кулигин. Эшитдим, тақсир.

Кабанов. Бахтсиз одам эканман, оғайни! Бекордан-бекорга ҳалок бўлаяпман.

Кулигин. Онангиз жуда шаддот хотин-да.

Кабанов. Шунақа. Ҳаммасига онам сабабчи! Оғайни, нисоф блан айтчи ўзинг; менга бу нима кўргилик! Ҳозиргина Дикойнинг олдига кирдим, нима дейсан, оз-моз ичиб

олдим ҳам юрагимдан бироз нари кетармикин деб ўйловдим; йўқ, баттар бўлди, Кулигин! Хотиним қилган гуноҳни сра кечириб бўлмайди.

Кулигин. Шунақа, қийин, тақсир! Тушуниш қийин бунга.

Кабанов. Йўқ, шошма! Бундан ёмон нарса борми! Бунинг учун уни ўлдирсанг ҳам озлик қилади. Онам бўлса: уни тириклай кўмиш керак, токи жазосини тортсин, дейди. Мен уни яхши кўраман, ҳатто чертишга ҳам кўзим қиймайди. Бироз урдим, буни ҳам онам ўргатди. Шўрликни кўрган сари ачинаман, Кулигин. Уни онам тириклай ғажиб ташлайди, ўзи ҳам сўррайиб, сояси қолди. Йиғлагани йиғлаган. Аҳволига қараб ичим туз сепгандай ачишади.

Кулигин. Нима бўлса ҳам, тақсир, иш ётиғи блан бўлгани дуруст эди! Кечирсангиз бўларди, ҳадеб юзига солиш ҳам яхши эмас. Ўзингиз ҳам жуда пок эмассиз-ку!

Кабанов. Нимасини айтасан!

Кулигин. Шундай бўлгандан кейин ҳадеб ичиб олиб койиберманг-да! Хотин бўлса шунчалик бўлар-да, тақсир.

Кабанов. Биласанми, Кулигин, менга қолса-ю бу ҳеч гап эмас эди-я, онам қўймаяпти-да... Унга гап уқдириб бўладими!..

Кулигин. Ўз ақлингиз блан иш тутадиган вақтингиз, тақсир...

Кабанов. Нима қилай, ўзимни ўлдирайми! Сени ҳали ақлинг йўқ дейишади. Бундан чиқди, умрбод бировнинг ақли блан кун кўришим керак экан-да. Мана бўлмаса деб бор-йўғимни совуриб ичаман-да, ана ўшанда кўради, бирам жиннилик қилайки, онам кўриб ёқасини ушласин.

Кулигин. Эй, тақсир, эй, бўлар иш бўпти. Хўш, тақсир, Борис Григорьевичга нима бўлди?

Кабанов. У ифлосни амакиси хитойларнинг Тяхта деган юртига жўнатаяпти. Уерда амакисининг бир таниш савдогар ошнаси бор экан, ўшанинг олдига, уч йилга кетади.

Кулигин. Хўш, ўзи нима дейдикин, тақсир?

Кабанов. Лўлилик қилаяпти: йиғлайди, холос. Боя амакиси блан уни роса исқанжага олдик, тоза сўқдик. Лом демайди. Ёввойи одамларга ўхшаб қолибди. Мени нима қилсанглар қилинглар-ку, уни қийнаманглар, дейди! Унинг ҳам Катеринага раҳми келади.

Кулигин. Ўзи яхши одам, тақсир.

К а б а н о в. Кетишига ҳозирлик кўрилган, отлар ҳам тайёр. Лекин жуда хафа. Билиб турибманки, Катерина блан хайрлашишни истади. Хайрлашиб бўпти! Бас! Ахир, у менинг душманам, Кулигин! Уни тилка-пора қилиб ташлан-са ҳам оз.

К у л и г и н. Душманингиз бўлса ҳам кечиришингиз керак, тақсир!

К а б а н о в. Бор, шу гапларингни онамга айтиб кўрчи, онам нималар деркин. Шунақа, оғайни Кулигин, оиламиз бутунлай чок-чокидан сўкилиб кетди. Қариндош-уруғлик уёқда турсин, бири-бирига душман-а, Варварани ҳам онам ҳоли-жонига қўймай қийнагани-қийнаган эди, нима қилди дегин, уйдан қочди-кетди.

К у л и г и н. Қаёққа?

К а б а н о в. Ким билади қаёққа. Ванька Кудряш блан қочиб кетган дейишяпти, у ҳам кўринмай қолди. Сенга ростини айтиш керак, Кулигин, бунга ҳам онам сабабчи, чунки уни ҳам ҳеч ерга чиқармасдан, сиқиб сувини ичарди. «Бундай қилманг, ёмон бўлади!» дер эдим. Мана айтганим бўлди. Энди мен нима қилсам бўлади, қани айтчи! Йўл-йўриқ кўрсат, оғайни! Уйдан бўлса кўнглим совиб кетди, эл кўзидан уяламан, бирор иш қилай десам — қўлим бормайди. Мана, ҳозир уйга кетаяпману — аммо юрагим дов бермайди, кўнглим ғаш.

Г л а ш а киради.

Г л а ш а. Шўрим қурсин, Тихон Иванович!

К а б а н о в. Яна нима бало бўлди?

Г л а ш а. Уй-ичи нотинчроқ бўлиб турипти!

К а б а н о в. Ўзинг паноҳ бер! Кундан-кун баттар! Гапирсангчи, нима бўлди!

Г л а ш а. Сизнинг хотинингиз, бекам...

К а б а н о в. Нима бўлди? Ўлдими?

Г л а ш а. Йўқ, қаергадир кетибди, ҳеч ердан тополмадик. Қидирмаган жойимиз қолмади.

К а б а н о в. Кулигин, оғайни; тезроқ бориш керак, қидириш керак. Оғайни, биласанми, мен нимадан кўрқаман? Яна аламига чидамай, ўзини бирор бало қилиб қўймасин тагин! Кейинги кунларда уни қайғу-алам еб қўйди! Туриб-туриб юрагим ачишади. Нега қарамадиларинг! Кўп бўлдими кетганига?

Г л а ш а. Ҳозиргина. Кўрмай қолибмиз, айб бизда. Токайгача ҳам қўриқлайсан, киши.

К а б а н о в. Нега қараб турибсан, чоп!

Г л а ш а чиқиб кетади.

Юр Кулигин, биз ҳам кетдик!

Чиқиб кетишади.

Саҳна бироз бўш қолади. Иккинчи томондан битта-битта босиб
К а т е р и н а киради.

К а т е р и н а (ёғиз)¹. Йўқ, ҳеч ерда йўқ! У бечора энди нима қилапти экан? Фақат хайрлашиб олсам ҳам майли эди, ундан кейин... Ундан кейин ўлсам ҳам майли! Нега уни балоларга гирифтор қилдим? Бундан менга не фойда! Бир ўзим ҳалок бўлсам бўлмасмиди! Ўзимни ҳам, уни ҳам ҳалок қилдим,— ўзимнинг шарманда бўлганим етмай, уни ҳам та'наю маломатларга қўйдим. Ҳа! Ўзимни шармандаю-шармисор қилдим, уни ҳам та'наларга қўйдим! (Жимлик.) Эсимга солайчи, у нималар деган эди-я? Нақадар менга раҳми келарди унинг? Қандай гаплар айтган эди-я? (Бошини чангаллаб.) Эсимда йўқ, ҳаммасини унутибман. Тунлар, бу қоронғи тунлар менинг учун азобдан бошқа нарса эмас! Ҳамма ухлайди, менчи? Мен лаҳатга киргандай бўламан. Бунча ҳам даҳшат бўлмаса бу қоронғи лаҳат! Аввал қандайдир ола-говур келади, гўё бировни дафн қилаётгандай куй ҳам эшитилади... Ёруғ жаҳонни кўришга ошиқасан киши! Аммо тургинг келмайди, негаки, яна ўша одамлар, яна ўша гап-сўз, яна ўша азобу уқубат. Нега улар менга шундай қарайдилар-а? Нега ўлдириб қўяқолмайдилар-а? Нега бундай қилишди? Илгариги вақтларда, ўлдиришар эди, дейдилар. Мени ҳам Волгага ташлаб юборишса бўлмай-дими,— жон дердим-а. «Сени ўлдирсалар, унда сен гуноҳингдан халос бўласан, ундан кўра тирик жасад бўлиб умринг азоб-уқубатларда ўтсин» дейдилар. Етар, шунча азоб чекканларим! Ё ҳали бу чеккан азобларим озми? Энди мен яшаб ҳам нима қилдим, нима қилдим? Энди менга ҳеч-нарсаси керак эмас, ҳечнарсаси, бу ёруғ дунёдан ҳам бездим! Оҳ, ажал тезроқ келса эди! Ўлимни чақирган сайин, сендан нари қочади-я. Нимани кўрмайин, нимани эшитмайин (юрагини кўрсатиб) фақат мана шуерим туз сепгандай ачишади, у блан яшасам, эҳтимол, яхши кунларни ҳам кўрадим... Нима ҳам қилдим: энди барибир юрагим аллақачон

¹ Мана шу монологни ва бундан кейинги сўзларни чўзиб, такорлаб, ўйчан ва гоҳо ўзини йўқотиб гапиради.

хароб бўлган. Усиз, энди мен чидолмайман! Оҳ, усиз чидолмайман энди! Ўзингни кўрмаганимга яраша, ҳеч бўлмаса арз-додимни эшит! Оҳ! Шўх шамоллар, унга менинг қайғу-алам, юрак ҳасратларимни етказингиз! Ё раббий эзилиб адо бўлдим! (*Қирғоққа боради ва товушининг борича.*) Қувончим, ҳаётим, жоним, сени севаман, сени! Жавоб берсангчи! (*Йиғлайди.*)

Б о р и с киради.

УЧИНЧИ САХНА

К а т е р и н а блан Б о р и с.

Б о р и с (*Катеринани кўрмай*). Ё раббий! Бу унинг овози-ку! Ўзи қаерда экан? (*Атрофга қарайди.*)

К а т е р и н а (*чопиб бориб бўйнига осилади*). Сени ҳам кўрар кун бор экан-ку! (*Унинг кўксига бошини қўйиб йиғлайди. Жимлик.*)

Б о р и с. Мана, биргалашиб йиглаб ҳам олдик.

К а т е р и н а. Мени унутмадингми?

Б о р и с. Нега унутаё, сенга нима бўлди!

К а т е р и н а. Оҳ, йўқ, йўқ, ундай демоқчи эмас эдим. Хафа бўлдингми?

Б о р и с. Нега хафа бўлай?

К а т е р и н а. Ундай бўлса, кечир мени. Сенга ёмонлик қилиш ниятим ҳам йўқ эди; ўз ихтиёрим ўзимда эмас эди. Сенга нима деган бўлсам, нима қилган бўлсам ўз эркимдан беихтиёр қилдим.

Б о р и с. Бас, гапирма энди, гапирма!

К а т е р и н а. Ўзингчи? Ўзинг нима қиласан энди?

Б о р и с. Кетаяпман.

К а т е р и н а. Қаёққа кетаяпсан?

Б о р и с. Олис, Катя, Сибирьга.

К а т е р и н а. Мени ҳам бирга олиб кет!

Б о р и с. Иложи йўқ, Катя. Мен ўз ихтиёрим блан кетаяпганим йўқ: амаким жўнатаяпти, отлар ҳам тайёр; бир зумга амакимдан сўраб чиқдим, ҳеч бўлмаса, сен блан бирга юрган жойлар блан хайрлашмоқчи эдим.

К а т е р и н а. Бор, худога топширдим! Мени кўп ўйлама. Аввал сен бечорага қийин бўлади, кейин эсингдан ҳам чиқиб кетар.

Б о р и с. Менинг учун ҳам ғам ема! Менинг ўз эрким ўзимда. Сен нима қиласан, сен? Қайнананг нима деяпти?

К а т е р и н а. Сиқиб сувимни ичаяпти, уйдан эшикка

чиқармайди. Ҳаммага, эримга ҳам, «бунга ишонма, бу айёр» дейди. Ҳаммаси мени кун бўйи пойлагани-пойлаган, мазах қилишади. Ҳарбир сўзи блан чақиб олишади.

Борис. Эринг-чи?

Катерина. Гоҳ юмшаб қолади, гоҳ заҳрини сочади, сиқиб сувимни ичгани ичган. Ўлгудек кўнглим қолди ундан ҳам, унинг эркалатишлари гўё тошдек ботади менга.

Борис. Қийин экан сенга, Катя!

Катерина. Нимасини айтасан, нимасини, бундан кўра ўлган яхшироқ!

Борис. Ким билибди, дейсан, севгимизнинг бу қадар азоб-уқубатга қолишини! Яхшиси, кўринмасам бўлар экан!

Катерина. Сени кўрдиму ўзимни балога қўйдим. Севинчдан кўра азобни кўпроқ тортдим, кўпроқ! Бундан кейин ҳам тортаман! Нима бўлишини ўйлаб ҳам нима қилдим энди. Сени кўрдим-ку, шунга ҳам шукур, буни мендан улар тортиб оломайдилар; менга бундан бўлак ҳечнарс керак эмас. Фақат сени кўрсам бўлар эди менга! Мана энди анча енгил тортдим; гўё елкамдан оғир бир юк тушгандай бўлди. Сени мендан хафа, мени сўкаётган бўлса керак, деб ўйловдим...

Борис. Қўйсангчи шу гапларингни.

Катерина. Йўқ, бутунлай бошқа нарсаларни гапираяпман-а; мен бундай демоқчи эмас эдим.

Борис. Яна бизни буерда биронтаси кўриб қолмасин!

Катерина. Шошма, шошма! Мен сенга бир нарса айтмоқчи эдим! Унутиб қўйдим! Нима демоқчи эдим-а? Хаёлларим ҳам чалкашиб кетди, эсим қурсин.

Борис. Вақт бўлиб қолди, Катя!

Катерина. Шошмай тур, бироз тўхта!

Борис. Хўш, нима демоқчи эдинг?

Катерина. Ҳозир айтаман. (Ўйлашиб.) Ҳа! Йўлда кетаётганимда учраган гадойга хайр-эҳсон қил, уларга таъинлагинки, менинг гуноҳкор руҳимни дуо қилишсин.

Борис. Оҳ, бу одамлар, сендан ажралишнинг нақадар қийинлигини билишса эди! Ё раббий, илоҳим ўшаларнинг ҳам бошларига худо шу кунларни солсин! Хайр энди, Катя! (Қучоқлайди ва кетмоқчи бўлади.) Раҳмсизлар. Қотиллар! Эҳ, кучим бўлганда эди!

Катерина. Тўхта, тўхта! Кел сўнгги марта дийдорингга бир тўяй! (Унинг кўзларига қарайди.) Бўлди, шуниси ҳам етади! Худога топширдим, хайр. Майли, бор, тезроқ бор!

Борис (бирнеча қадам босиб тўхтайти). Катя, негадир хаёлимга ёмон ўйлар келаяпти. Яна бирор нарса қилиб қўймагин ўзингни? Йўлда сени ўйлайбериб қийналмайин тагин.

Катерина. Ҳечқиси йўқ! Хайр, худога топширдим!

Борис унга яқинлашмоқчи бўлади.

Керак эмас, керак эмас, бас!

Борис (ҳўнграб). Ўзинг биласан! Фақат худодан шуни сўраш керакки, у тезроқ қийналмайроқ ўлсин! Хайр. (Таъзим қилади.)

Катерина. Хайр!

Борис чиқиб кетади. Катерина уни кўзи блан кузатиб, бироз қотиб туради.

↓ ТУРТИНЧИ САҲНА

Катерина (ёлғиз). Энди қаёққа бордим? Уйга борайми? Йўқ, уйга бориш блан гўрга кириш — баравар. Ҳа, уйга бориш нимаю, гўрга кириш нима!.. Гўрга кириш. Яхшиси гўрга... Қабринг дарахт остида... Қандай яхши-я! Қуёш бўлса иситиб, ёмғир бўлса суғориб туради... Баҳор келиши блан қабринг устини сабзалар қоплайди, чиройли гуллар... Қушлар учиб келиб қабринг устидаги дарахтга қўнади, сайрашади, инлар қўйишади, бола очишади, гуллар очилади; сариқ, қизил, ноформон... Ҳархил (ўйланиб), ҳархил... Шу қадар осойишта, шу қадар жимжит! Нақадар яхши! Менга ҳам энгил! Ҳаёт тўғрисида ўйлагинг ҳам келмайди. Ҳаёт! Йўқ, йўқ, керак эмас... Бас! Одамлардан ҳам, уйдан ҳам, ҳатто деворлардан ҳам кўнглим қолди. Бормайман! Йўқ, йўқ, бормайман! Оҳ, қоронғи ҳам тушиб қолди! Яна қаердадир куйлашаяпти! Нимани куйлашаяптикан? Тушунмайсан киши... Энди ҳозир ажал келса ҳам майли эди... Нимани куйлашаяпти-а? Ўз ажалинг блан ўласанми ёки ўзинг ўзингни... Ортиқ яшаб бўлмайди! Гуноҳ! Дуо қилишмайдиларми? Ким севса ўша дуо қилади... Қўлларингни қовуштирадию... тобутга солади. Шундай қилади... Эсимга келди! Агар тутиб олиб, зўрлаб уйга олиб кетсаларчи... Оҳ, тезроқ, тезроқ бўлиш керак! (Қирғоққа боради. Қаттиқ.) Азиз дўстим! Қувончим! Алвидо! (Кетади)

Кабанова, Кabanов, Кулигин ва хизматчи қўлида чирроф блан киради.

БЕШИНЧИ САҲНА

Кабанов, Кабанова, Кулигин.

Кулигин. Шуерда кўрувдик дейишаяпти.

Кабанов. Ростмикин?

Кулигин. Худди ўзини кўрдик дейишаяпти.

Кабанов. Худога шукур, тирик экан.

Кабанова. Сен бўлсанг кайфинг учиб, йиглаб юрибсан! Заб топиб йиглабсан-да... Шошилма кўп, ҳали бошимизга кўпгина кулфатларни туширмаса нимайкан.

Кабанов. Уни буерга келади деб, ким ўйлабди. Шундай серқатнов жой. Буерга бекиниб олади деб ўйламовдим ҳам.

Кабанова. Кўрдингми нима қилаётганини? Шундай баттолки! Ўз сўзининг устидан чиқмоқчи!

Ҳар тарафдан чироғ кўтарган одамлар келади.

Халқдан бири. Нима бўлди, топдингларми?

Кабанова. Йўқ ҳали. Очиқ мозорга кирганга ўхшайди баттол!

Бирнеча овозлар. Ана халос! Буни қара-я! Қаерга кетарди дейсиз!

Халқдан бири. Топилади!

Бошқаси. Топилмайчи!

Учинчи бири. Кўрасан, ўзи кириб келади ҳали!

Саҳна орқасидан: «Ҳой, қайиқ» деган овоз эшитилади.

Кулигин (қирғоқдан). Ким у бақирган? Нима бўлди?

Овоз: «бир хотин ўзини сувга ташлаб юборибди!»

Кулигин, унинг кетидан бирнеча киши чошиб чиқиб кетишади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Аввалгилар, Кулигин йўқ.

Кабанов. Шўрим қурсин, ўшанинг ўзи! (Чиқмоқчи бўлади, онаси қўлидан ушлаб қолади.) Онажон, қўйворинг, энди ўлганим яхши! Олиб чиқай, бўлмаса ўзимни ҳам... усиз энди қандай яшайман!

Кабанова. Овора бўлма, қўймайман! Уни деб ўзингни ҳалок қилишингга арзимади! Бизни оз шарманда қилдими, яна буниси ортиқча!

Кабанов. Қўйворинг!

Кабанова. Сенсиз ҳам олиб чиқадилар. Агар борсанг оқ қиламан.

Кабанов (*тиз чўкиб*). Ақалли бир кўриб олай, бўлмасам.

Кабанова. Олиб чиққанларидан кейин кўрарсан.

Кабанов (*ўрнидан туриб, халққа*). Хўш оғайнилар, кўринмаяптими?

1-нчи. Паст жуда қоронғи, ҳечнарсга кўринмайди.

Саҳна орқасида ола-говур.

2-нчи. Бир нарсалар деб бақирешаяптию, лекин ҳечнимага тушуниб бўлмайди.

1-нчи. Бу Кулигиннинг товуши.

2-нчи. Ана, чироғ блан қирғоқда юришипти.

1-нчи. Шуёққа келишаяпти. Уни олиб келишаяпти.

Бирқанча одам кириб келади.

Қайтганлардан бири. Баракалла Кулигинга! Шуерда, қирғоққа яқин ерда гирдобда, кўйлагини кўриб қолса бўладими, тортиб олди, азамат!

Кабанова. Тирикми?

Бошқаси. Тирик жойи қолибдими? Баланд қирғоқдан ташлапти: бу ер жар, ундан ташқари лангарга теккан бўлса керак, бечора! Ўзи, оғайнилар, худди тирикка ўхшайди! Фақат чеккаси бироз ёрилиптию, бир томчигина қон чиқибди, атиги бир томчигина-я.

Кабанов чопиб чиқмоқчи бўлади, шу чоқ Кулигин одамлар блан Катеринани кўтариб олиб келади.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Аввалгилару Кулигин,

Кулигин. Мана, энди олинг Катеринангизни. Нима истасангиз шуни қилинг! Жасади шуерда, аммо, энди руҳи сизники эмас, энди унинг руҳи сиздан кўра шафқатлироқ, оллонинг олдида! (*Катеринани ерга қўйиб чопиб чиқиб кетади.*)

Кабанов (*ўзини Катеринага ташлаб*). Катя! Катя!

Кабанова. Бас! Бунга йиғлаш ҳам гуноҳ!

Кабанов. Онажон, бунинг бошига сиз етдингиз! Сиз, сиз, сиз...

Кабанова. Нима бўлди сенга? Ё ақлингни едингми! Ким блан гаплашайтганингни унутма!

К а б а н о в. Сиз бошига етдингиз! Сиз! Сиз!

К а б а н о в а (ўғлига). Сен блан уйда гаплашаман.
(Халққа та'зим қилиб.) Хизматларингиз учун раҳмат, азизлар!

Ҳамма та'зим қилади.

К а б а н о в. Энди сен роҳатдасан, Катя! Мен нега тирик қолдим, бу дун'ёда азоб чекиб ўтиш учунми? (Катеринанинг жасади устига йиқилади.)

П А Р Д А

МУНДАРИЖА

	Бет.
Сердаромад жой <i>С. Муҳамедов</i> ва <i>Т. Хўжаев</i> таржимаси	5
Камбағаллик айб эмас. <i>О. Раҳимий</i> таржимаси	81
Сепсиз қиз. <i>А. Турдиев</i> ва <i>Миртемир</i> таржимаси	139
Момақалдироқ <i>Ма'руф Ҳаким</i> таржимаси	221

На узбекском языке.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ

П Ь Е С Ы

Госиздат УзССР—1956—Ташкент.

Редактор *А. Ражабова.*

Техредактор *П. Уманский*

Рисом *А. К. Ошейко*

Корректорлар: *М. Рустамов* ва *М. Мирзойидов*

Теринга берилди 5/III 1956. Босишга рухсат этилди 8/V 1956. Формат 84×104/32.
8,875 босма л. 14,65 шартли босма л. Нашр л. 17,6. Тиражи 15000. Р 05:05. Индекс *н/а.*
Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти. Тошкент, Полиграф к., 74. Шартнома № 430-55.

ЎзССР Маданият министрлигининг 1-нчи босмахонаси. Тошкент, Ҳамза к., 33.
Заказ № 596. Баҳоси 10 с. 80 т.

